

Набижон ҲОШИМОВ

Уз 2
Қ 71

ПАТИССОН

ОПЕРАЦИЯСИ

Хажвий
қисса



Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--



Набижон ҲОШИМОВ

ПАТИССОН ОПЕРАЦИЯСИ

Ҳақвий қисса ва ҳангоналар



Тошкент
«IJOD-PRESS»
2017



УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

Ҳ 71

Набижон Ҳошимов.

Патиссон операцияси: ҳажвий қисса ва ҳангомалар —
Т.: “IJOD-PRESS” нашриёти, 2017 йил — 240 бет.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

Габроволикларнинг (Болгария) ичакузди, иқтисодий мавзудаги хандалари дунёга машҳур бўлса-да, улар повулғонликларнинг (Олтиариқ) ўзига хос, дилкаш ва соддадил латифалари олдида ип эшолмайди. Повулғон билан Габрово орасидаги масофани беш минг километрдан зиёд дейишади. Бироқ уларни бир кулги уммони бирлаштириб туради.

Асли олтиариқлик, таниқли устоз қаламкашлар: Ўзбекистон Халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Анвар Обиджон ҳамда журналист Мухтор Худойқуловлар Дониш қишлоқ, яъни Повулғон хандаларини турли номларда ва жанрларда ёритганлар. Жумладан, Матмуса ва Гулматлар ҳам асли повулғонлик азаматларнинг прототип образларидир.

Асар реал воқеалар асосида ёзилган бўлиб, унинг аксарият қаҳрамонлари миришкорлиги билан донг таратган замондошларимиз — олтиариқликлардир. Шу боис муаллиф ўзининг ҳаёти, кўрган-кечирганларини ҳам воқеалар ичига кирита олган.

Тақризчи:

Чоршамъ Рўзиев — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

ISBN: 978-9943-994-59-1

© “IJOD PRESS” нашриёти, 2017
© Набижон Ҳошимов



ҚИШЛОҒИМГА ТАДҚИҚОТ САФАРИМ

ёхуд катта давлатнинг очилмай қолган

кичкина сири ҳақида

(Муқаддима ўрнида)

Тошкент. Дўрмон Ёзувчилар боғидаги ҳовли.

2015 йил 5 май. Соат 12:42

“Келгинди йигит” деб аталган янги фантастик битигимни қайта нашрга тайёрлаган ғайриоддий кунларнинг бири эди. Тасаввуримда бир неча бор ўзга сайёрага бориб-келавериб, улар билан қадрдон улфатлардай гангир-гунгир мулоқот қилавериб, ўз навбатида, компьютер деган зорманданинг ёруғ экранига термулиб ўтиравериб жуда чарчадим. Шу боис боққа чиқиб увишган елкаларимнинг чигалини ёзиш билан айна дамда, фурсатдан фойдаланиб осмонга қараб, яна бирор номаълум учувчи жисмни учратиб қолиш илинжи билан мириқиб керишиб олдим. Бироқ беғубор самода бир жуфт қорақарғадан бўлак жонзод кўринмасди.

“Лекин қойил иш қилдим-да, — дедим мен хаёлан ўзимни-ўзим мақтаб. — Ўзга сайёраликлар қаёқдаю, мен қаёқда? Ҳозирги бозор иқтисодиёти замонида қайси бир бекорчи ёзувчи тушида бўлсаям у ёқларга бориб келарди, улар билан дардлашарди? Ҳа энди, бир ёзиб қўйибман-да. Лекин қурғур яхши чиқди. Қандайдир кўзлари отникидай мулойим мўлтираб қараб турадиган, нон емас жонзотлар тушларимга киравериб ҳаловатимни олишди. Мана энди тинчгина ухлайдиган бўлдим. Асаримни аввал Неъмат акага ўқитаман, бир қойил қолсин”, дея ўз-ўзимга “ҳамду сано” айтиб эндигина акамни кўз олдимга келтирган ҳам эдимки, тўсатдан ёнимдаги чумчуқдай келадиган “сўтавой”нинг овози янграб кетди. Бир чўчиб тушдим. Ўзимни негадир гўё ўзга сайёраликдай тутгим келиб керакли тугмани шошилмай босиб қўйдим. Гўшакдан: “Алло, Набижон, сенмисан?” — деган акамнинг овози эшитилди.

— Ҳа, — дедим мен ҳар эҳтимолга қарши осмонга яна бир бор қараб олиб.

— Яхши юрибсанми?

— Раҳмат. Ўзингиз яхши юрибсизми? Қишлоқ-эллар тинчми?

— Ҳа, тинч. Сенга айтадиган бир муҳим гапим бор эди-да.

— Қанақа гап? Бемалол. Айтаверинг.

— Йўқ. Буни ҳозир айтиб бўлмайди-да.

Ажабландим.

— Нега энди?

— Ўзининг айтадиган вақти-соати келиб қолади-да, — деди у мужмал қилиб.

— Нима учун?

— Бу давлатнинг сири...

— Қайси давлатники?

— Собиқ шўро давлатиники.

– Тавба, – дедим кулиб. – У давлатнинг ўзи йўғ-у...

– Ҳа. Лекин сири қолган-да. Уни фақат 2015 йилнинг 10 май куни, соат 13-00 бўлгандагина ошкора қилишимиз мумкин, холос.

– Кимга?

– Сенга-да. Ахир, ёзувчисан-ку!

– “Миз” деганингиз ким?

– “Анвар патиссон” деган ошнам бор-ку, ҳалиги, полосонлик.

Кўз олдимга акамнинг басавлат, чапани деҳқон ўртоғи келди. Уни бир-икки бор кўргандим. Улар иккиси қалин улфат. Топган-тутганлари ўртада. Бир ўтиришда икки бутилка винони кўрдим, дейишмайди.

– Ҳа, эсладим, – дедим мен гапни қисқароқ қилиб, тезроқ ўша катта давлатнинг очилмай қолиб кетган кичик сирдан воқиф бўлиш истагида. – Нега энди ўша сирларингни ҳозир айтиб қўя қолмайсиз?

– Бу мумкинмас. Чунки йигирма беш йил олдин, айнан шу куни, шу соатда биз эс-эс-эс-эр ке-ге-бесига йигирма беш йил ўтгунча бу сирни ҳеч кимга ошкора қилмаслик ҳақида тилхат ёзиб берганмиз-да, ука.

– Ҳой ака, каллани гаранг қилманг! Ахир, бугун 5 май, 2015 йил. Ўша кунга яна беш кун қолган холос-ку, тўғрими?! Айтсангиз, биров билиб ўтирибдими?

– Йўқ, биз лафз қилганмиз-да.

– Нима, бу шунақаям муҳимми? – сўрадим паст овоз билан аста шивирлаб ва у ёқ-бу ёққа аланглаб қараб олдим. Ҳар эҳтимолга қарши осмонга яна бир бор қараб қўйдим.

– Ҳа, жудаям, – деди акам жиддий. – Буни Анвар иккимиз фақат сенга айтиб беришга қарор қилдик. Сен уни китоб қилиб ёзасан, кейин катта шов-шув бўлади! – деди у ва завқланиб кулиб олди.

Неъмат аканинг бу гапидан сўнг мен янаям қизиқиб

Набижон ҲОШИМОВ

қолдим. Чунки унинг калласига баъзан кутилмаганда ана шунақа антиқа ғоялар келиб турарди. “Нима, бўлиши мумкин?” деб бошим қотди. Ўтган йигирма беш йил ичида қанақа антиқавор воқеалар содир бўлгани ҳақида илгари акамдан ҳам, бошқалардан ҳам эшитмагандим... “Демак, нимадир муҳим оламшумул ҳодиса рўй берган-у, уни ҳатто мендан сир тутишган экан-да”, — деган ўйга бордим.

Повулғонликларни яхши биламан. Улар содда кўринса-да, муғомбир бўлишади: ё бирор ҳангомага сабабчи бўлишади, ё қовун туширишади. Шу туфайли “Бўпти, ака, мени ўша куни кутинглар”, дедим қатъий.

Повулғон. 2015 йил 10 май. Соат 11:00.

Акамнинг ҳовлиси

Мен Тошкентдан машинага ўтириб ўша айтилган кун ва вақтда қишлоғимизга, тўғри акамникига етиб бордим. Ҳақиқатан ҳам у бетоқат бўлиб кўчада пойлаб турган экан. Гўё у агар ўша муҳим сирини ўз вақтида айтмаса портлаб кетадигандек даражада безовта эди. Зум ўтмай, оқ “06” сини зинфиллатиб акамнинг “патиссон” лақабли Анвар ошнаси ҳам етиб келди.

— Нима гап эди? Айтаверинглар, — дедим салом-аликдан сўнг икки дўстнинг кўзларига илинж билан боқиб.

Назаримда улар бир оғиз гапни “шап-шап” айтишадими-ю, шундан сўнг мен узоқ йўл босиб чарчаганим учун бемалол ётиб дам оладиган ҳолатда эдим.

— Йўқ, ҳали вақт бор, — деди акам қўлидаги темир брослетли соатига ҳафсала билан бир бор қараб олиб.

Дўсти Анвар ҳам буни тасдиқлагандай, машина сало-нидаги соатга нигоҳ ташлаган бўлди.

— Бу ўша “Жигули”-да, — деди акам негадир машинанинг “дўнг пешонаси”ни ҳавас билан силаб қўяркан.

— Ҳа, яхши улов бўлди бу. Менга тоза хизмат қилди-да, ўзиям, — деди Анвар ака ғурур билан.

— Мана шунақа. Яхши ният билан ҳалол-пок меҳнат қилсанг, орзуларинг, албатта амалга ошади, — деди акам.

Сўнг машинанинг деярли ейилиб бўлган олд филдирагига эътибор бериб тепиб қўйди.

Бу билан нима демоқчи эканини, ўлай агар, англай олмадим.

Хуллас, биз акамнинг томорқаси орқали кириб борарканмиз, мен уларнинг “Хулосаю мулоҳазаларига” эътибор бергим келмас, тўғриси, аслида ҳеч вақони тушунмаётгандим. Узоқ йўл азобиданми, чарчаганимданми бошим ғувилларди. Туғилиб ўсган қишлоғимизнинг мусаффо ҳавоси, қушу паррандаларнинг сершовқин товушларию қурбақаларнинг беармон вақиллашлари менга ором бераётгандай туюларди.

Биз ҳовлининг серпашша, серҳид молхона ёнидаги сўқмоғидан ўтиб бордик. Иккита ола сигир ва шулар нусхасидаги яна бир бузоқча маъноли мўъраб қўйишди. Уларнинг тагини кичик жияним Файзулло тозаламоқда эди.

— Булар ўша сигирданми, ошна? — дея акамдан тўсатдан сўраб қолди Анвар патиссон.

— Ҳа, бу ўша... — деди акам фахр билан тасдиқлаб ва сигирлардан бирининг дўнг пешонасини меҳр билан силаб қўйди. — Лекин насли зўр чиқди-да, ҳар йили биттадан туғади, жонивор. Анави бузоқ буларнинг бешинчи насли бўлади.

— Эҳ-ҳе, унда сенинг даромадинг ҳам битта машинага етиб қолибди-ку, Неъмат?

— Ҳа, сеникидай бўлмасаям харҳолда дуруст, — деди акам тасдиқлаб.

— Яна буларнинг сути, қатиғи, гўнги-чи? Эҳ-ҳе!..

Унинг гапини тасдиқлагандек сигирлардан бири оҳиста мў-ўраб қўйди, иккинчиси эса бирдан шариллатиб қўйиб юборди.

* * *

Биз очиқ айвон тагига қўйилган, тахталари ғирчиллайдиган чоғроқ темир сўрига ўтирдик. Акам учрашувга анча-мунча тайёргарлик кўрган кўринарди. Дастурхонга егулик қатори икки литрли баклашкада пиво ва бир банкада аллақандай тузлама ҳам қўйилганди. Кўнглимдан “акамнинг бу одати ҳеч қолмас экан-да. Шу тузламани бирор идишга солиб келса бўлмасмикин?!” деган ўй ўтди. Аммо мана шу банкада ҳам “гап” борлигини кейинроқ англадим.

Соат миллари 13-00 га томон жуда секин имиллар, вақтни бир илож қилиб ўтказиш керак эди. Акам уйдан сарғайиб кетган эски газеталардан бирини олиб чиқди. Бу 1989 йилда чиққан “Фарғона ҳақиқати” экан.

— Ўқиб кўр. Охирги бетиде яхши нарса бор, — деди у ва газетани менга узатди.

Охирги саҳифани ағдариб кўрдим ва “Ёзёвонга “тарелка” тушиди” деган сарлавҳа эътиборимни тортди. Бу мақолани бир вақтлар Риштонда ишлаб юрганымда ўқиганым ёдимга келди.

Умуман, ўша давр матбуотида булақанги “тарелка”, НУЖу, ўзга сайёраликлар ҳақидаги шов-шувли мақолалар жуда кўп босилган, телевидение, радиода ҳам бундай хабарлар берилмаган кун йўқ эди. Лекин мен уларни жиддий қабул қилмасдим. Чунки ўша даврда мамлакатдаги иқтисодий-сиёсий вазият жиддийлашган, собиқ Иттифоқ умумий инқирозга юз тутган ғала-ғовур дамлар эди. Болтиқбўйи республикалари Иттифоқ таркибидан аллақачон чиқиб мустақил бўлишган ва бу жараён бошқа республикаларга ҳам ўз таъсир кучини кўрса-

та бошлаганди. Шу туфайли юқоридагидек шов-шувли воқеалар билан одамларни чалғитиш, тинчлантириш, эҳтимол, москвалик раҳбарлар учун керак бўлиб қолган бўлса ажабмасди.

— Бу мақолани ўқиганман, ҳаммаси бўлмағур гаплар, — дедим мен газетани бир четга суриб қўйиб.

— Бўлмағур гапми, сафсатами, нима бўлсаям ўшанда биримиз машинали, иккинчимиз ола сигирли бўлганмиз-да. Тўғрими, Анваржон?

— Ҳа, тўғри, — деди “Анвар патиссон” салобат билан банкага баркашдай қўлини тиқиб тузламадан олиб чапиллатиб еярган.

— Қанақа қилиб? — сўрадим қизиқиб.

— Буниси сир, — деб қўйди акам ва темир соатига яна бир бор нигоҳ ташлаб олди. — Шошилма, роппа-роса ўн учу ноль-ноль бўлсин, ҳаммасини билиб оласан.

— Ҳозир неча бўпти?

— Ўн бирдан қирқ икки дақиқа ўтибди, — деди у ва гўё ифторда ўтириб, “оғиз очиш”ни орзиқиб кутаётган рўзадордай энтиқиб олди.

— Оббо! — дедим хунобим ошиб. — Бир соат аввал айтдингиз нима-ю, кейин айтдингиз нима?

— Биз, ахир, сўз берганмиз. Яъни шу кун, шу соатгача ҳеч кимга ошкор қилмаймиз, деб тилхат ёзганмиз-да. Тўғрими, Анваржон?

— Ҳа... — деди улфати бемалол ва бепарво чойини хўриллатиб ичиб оларкан.

— Нима, ўзга сайёраликлар билан учрашганмисизлар? — сўрадим мен ниҳоят гап нимада эканини фаҳмлагандай.

Анвар ака “Айтаверайми?” дегандай бошини лиқиллатиб акамнинг кўзига маъноли қараб қўйди. Акам эса “Йўқ, ҳали бир оз вақт бор”, дегандай соатига ишора қилди.

Ва ниҳоят, йилдай туюлган бир соат ҳам ўтди. Неъмат акам икки литрли баклашкадаги пиводан пиёлаларни тўлдирди-да, уни ютоқиб симириди. Сўнгра афтини бужмайтириб банкадаги юлдузсимон патиссон тузламадан газак қилиб олгач, оҳиста ўз ҳикоясини бошлади.

Ҳикояни тинглар эканман, беихтиёр мени эсноқ босди. Ёнбошлаб мизғий бошладим. Тўғриси, мени патиссон эмас, ҳамон тугаб тинчиган катта давлатнинг кичик сири қизиқтирмоқда эди. Тоқатим тоқ бўлди.

— Кейин уларни сиз ҳам сота олмадингиз, патиссонларни бозордан яна қайтариб олиб келдингиз, шунақами? — сўрадим гашим келиб.

— Ҳа, лекин гап бундамас. Ҳамма гап дала йўлида энг катта — эни икки қулоч, бўйига бир қулоч чиқадиган патиссонлардан бирининг тушиб қолганида, — деди акам қаландарнинг қироатини кимдир садақа бермоқчи бўлиб тўхтатиб қолгандай тез-тез тушунтираркан, “Тўғрими, Анваржон?” деб қуярди.

Анвар ака ҳам овқат чайнашдан бир сония тўхтаб, тўғри дегандай қовоғини кўтариб, беўхшов кулиб қўйди.

— Агар ўшанда худо “Ол, қулим” демаганида бурнингни ишқардим, — деди у хе-хелаб кулиб.

— Давлатнинг сиридан гапиринг, сиридан, — дедим мен яна бетоқат бўлиб.

— Ҳа, уканг шуни эшитаман, деб атай Тошкентдан ишини ташлаб келибди. Тезроқ айтиб берақолсанг-чи, гаранг қилмай, — деди Анвар патиссон ҳам акамга танбеҳ бериб.

Ниҳоят, собиқ катта давлатнинг кичик сири ошқора этилди! Тамом! Энди унинг сир-пирлигидан асар ҳам қолмади!



**Биринчи ҳикоя
БОДРИНГНИНГ РАҚИБИ**

*ёхуд россияликлар “ғаживорадиган” серҳосил
ва меҳрталаб сабзавот ҳақида*

**Фарғона. 1989 йил. Ёз фасли. Фарғонадаги сершовқин,
серпашша пивохона. Вақтнинг аҳамияти йўқ**

Ўша вақтларда пиволар сариқ бочкаларда сотиларди. Аммо кружка етишмасди. “Сариқ сигир”ни “эмиш” учун баъзан бундай “азиз” жойларга кўпчилик ўзи билан банка кўтариб келарди. Банкангиз бўлса, сиз у ерда алоҳида ҳурмат-эътиборга лойиқ кўринардингиз. Банкани бўшатдингизми, олдинда навбатда турганларнинг “любойига” узатиб юбораверасиз. Улар сизга жон деб тўлатиб эҳтиром ила қайтариб узатворишади. Одамлардаги меҳр-оқибат, самимийликнинг ҳаммаси ўша ерда эди, гўё!..

Етти ёт бегоналар ҳам сизга яқин ҳамсуҳбат бўлиб, эски қадрдонлардай апоқ-чапоқ бўлиб кетишарди. Бири ўтирган, бири турган, яна бири бўлса, олдига газетани ёзволиб яшил майсага ёнбошлаган, бошқаси бир четга

юмалаб олган, чапдаст пашшаларга ўзлари газак бўларди. Ўша дамларни кекса ичувчи ҳамқишлоқларим ҳамон чуқур ютиниш билан эслашади.

Пивохўр Неъмат акамнинг ҳам банка олиб бормаган “нохуш” кунларнинг бири экан. Шу маҳал олдига газета ёзиб олиб, бир дунё шўрбалиғу шўрдананакларни, бир банкада бўлса қулинг ўргилсин пиво-ю бир банкада алламбало тузламани кўйиб олган серсоқол ва сертакаллуф ўрис кишига кўзи тушиб қолибди. Соқолли киши ҳам унинг дилидагини қалбан ҳис қилибми ёки акамнинг пивога бўлган ўзгача соғинчини тўйганиданми, “Эй, дорогой, иди сюда”, дея илтифот ила ёнига чорлабди. Исми Гриша экан.

— Ашна, — дебди Гриша ярим ўзбекчалаб. — Давайка освободим вот эту солёнку. Салафан пакетинг бар? — деб сўрабди самимийлик билан акамни улфатчиликка лутфан таклиф этиб.

Тузланган чиройли юлдузсимон сабзавотдан илк бор тотиб кўрган акам “Нима, бу?” дея ҳайрон бўлибди.

— Патиссон! — дебди мўйсафид фахр билан. — Бери, неистесняйса...

Акам ундан олиб еб кўрибди ва газакнинг хушхўрлигига “Уҳ-уҳ” дея тан берибди.

— Зўр нарса эканми? Буни Россиядан олиб келган бўлсангиз керак-а?

— Э, кўйсанг-чи, қанақа Россия? Ўзимнинг дала ҳовлимда етиштирганман, свой огород!

Шундан сўнг улар бир салафан пакетга тузламани ағдаришибди-да, худди эски қадрдонлардай навбатманавбат бир жуфт банкада пиво ташиб, “аймоқлашиб” кетишибди.

— Бу қанақа қилиб етиштирилади ўзи, Гриша ака? — сўрабди акам патиссоннинг юлдузсимон шаклига маҳлиё бўлиб тикилиб.

— Қанақа бўларди, бодрингга ўхшаб экаверасан-да,
— дебди Гриша муздек пиводан ҳузур қилиб симириб оларкан.

— Ҳосили яхши бўладими?

— Эҳ-ҳе, бўлганда қандоқ.

— Бозорда-чи, бозорда яхши кетармикин?

— Билмадим, сотиб кўрмаганман. Лекин россияликлар буни “ғаживоришади”.

— Демак, зўр даромад қилса бўларкан-да-а?

— Ҳа, албатта, — дебди Гришанинг кўли хиёл қалтираб.

— Бунинг катталиги шунча бўладими ё янаям катта-радими?

— Албатта, катта бўлади. Лекин каттарса банканинг оғзига сигмай қолади-ку.

— Хомлигида-чи, еса бўладими?

— Мен еб кўрмаганман. Бодрингни ҳам ейиш, ҳам тузлаш мумкин-ку! Буям шунинг биридир-да. Лекин жуда чиройли нарса-да-а, қара, — дебди пивоҳўр киши ҳам кўлидагини ҳавас билан айлантираркан.

— Ҳа, ажойиб!

— Катта бўлса бу янаям бошқача бўлади. Қара, мўъжизанинг ўзи бу. Худди ўзга сайёраликлар кемасига ўхшайди-а?

— Ҳа. Нега буни бизда экишмас экан-а?

— Ҳали ҳеч ким бунинг нима эканлигини билмайди-да. Кейин, уруғини қаерданам оларди? Консерванинг ичидаги кўкармаса, — дебди мўйсафид кулиб.

— Сизда-чи, бунинг уруғидан борми?

— Ҳа, бор. Яримтага эрисанг, топиб бераман.

— Бўпти, — дебди акам жиддий. — Яна пул ҳам бераман.

— Пулинг керакмас. Мабодо бойиб кетсанг, баъзан мени шу ерда меҳмон қилиб турасан.

— Бўпти, келишдик.

Улар эртасига шу ерда учрашишга ваъдалашишибди.

Гриша ваъдасининг устидан чиқиб, бир латта халтачада уруғ олиб келибди. Акам хурсанд бўлиб ўша куни ўрис улфати билан пивога ароқни обдон аралаштириб ичишибди ва уйига хуш кайфиятда ширакайф бўлиб қайтибди. Бўлган гапни хотини Холидахонга тоза мақтаниб оқизмай-томизмай ва яна ўзидан қўшиб эшитганларини алжираб гапириб берибди.

Аммо хотини:

— Э, кўйинг. Ҳар қанақа пиёнисталарнинг гапига қулоқ солаверманг! Эл қатори ўзимизнинг бодрингимиздан қолмайлик, — деб уни уришиб берибди.

— Ахир, бодрингдан яхши даромад олиб бўлмаяптику, хотин. Янгилик яратсак, бойиб кетармидик, — дебди акам ҳам бўш келмай хотинининг қарши чиқаётганидан куюниб.

— Ахир, умрингизда экиб кўрмаган бўлсангиз. Буни қандай парваришлайди? Қанақа ўғит солади? Қачон суғоради? Билмайсиз-ку...

— Ҳа, тўғри айтасан, х-хотин, аммо Американиям кимлардир очишган-ку, кейин бойиб кетишган, билдинг?!

— Сиз ўша америка-памерикангизни очмай кўяверинг. Тинчроқ юраверайлик. Ҳали қатор-қатор чиқарадиган қизларимиз бор, рўзгоримизгаям битта сигир зарур. Бодрингни-ку мундоқ қойиллатиб қарамайсиз, ишингиздан ортмайсиз. Агар ўзим қарайман десангиз, билганингизни қилаверинг!..

— Уф-ф... — дебди акам катта оламшумул воқеага ғов бўлаётган хотинига аччиқ қилиб. — Ҳ-ҳали кўрасан, мана шу гапингга пушаймон бўласан... Ма, манави уруғни сандиғингга солиб қўй. Ҳеч кимга берма, хўпми?

* * *

Ҳар йилгидек, куз кетидан қирчиллама қиш келибди. Одатда олтиариқликлар кейинги йилги бодрингга декабрь ойидан бошлабоқ оилавий ҳаракат бошлашади. Уруғни экишга тайёрлашади ва уни ивитиб қўйиб, бир оз ниш ургач, салафан стаканчаларга чиринди солиб иссиқхонага бирма-бир экиб чиқишади. Баъзилар бўлса уларни уй ичкарасидаги печ атрофи ва иссиқ жойларга қўйиб, январь ойининг аёзидан кўчатларни авайлаб, парваришлашади. Ўз навбатида, куз фаслида очиб, устига плёнка қоплаб тайёрлаб қўйилган жўякларни бир қатор текшириб кўргач, январь ойининг охирларида кўчатларни иссиқхонадан олиб, плёнкали жўяклар остига эмаклаб кириб экиб чиқишади. Қачонки, баҳорнинг қуёшли кунлари келгунига қадар плёнка очилмайди ва шу тариқа унинг ичида чўккалаб олган ҳолда кўчатларни теша билан чопишади. Сўнг ўғитлаб, суғориб, шамолу тўзонлардан авайлаб-асрашади. Совуқ кучайган кунлари эса, керак бўлса, ҳатто яп-янги кўрпа-тўшакларини ҳам олиб чиқиб плёнкалар устига ёпиб чиқишади.

Оғир юмушлардан сўнг ниҳоят, оилавий ҳаракатнинг натижаси ўлароқ, апрель ойининг бошидан янги ҳосил етилади. Бодринг ораларига қалампир кўчат ҳам экилади ва ҳар икки сабзаёт ҳосилидан яхши даромад олиб, оиласининг фаровонлигини таъминлашади. Қолаверса, бодрингдан юқори ҳосил олиш учун унинг зараркунандаларига, касалликларига қарши тинимсиз чора-тадбир қўллашади, изланишади. Шу туфайли ҳам ўша даврларда Олтиариқ собиқ Иттифоқнинг шимолий ўлкаларига эртаки бодринг ва турп етказиб бериш бўйича машҳур эди. Туман бўйича тайёрлов идоралари аҳолидан тинимсиз эртаки бодринг қабул қилар ва шу ердан вагонларда эшалон-эшалон жўнатиладди.

Ўша вақтларда одамлар орасида бир латифа ҳам юрарди:

Бир хорижлик киши сўрабди:

— Айтинг-чи, Олтиариқ деган жой ўзи қаерда? У ер ҳам Совет Иттифоқига қарайдими?

Унга жавобан шундай дейишибди:

— Бунисини билмадигу, бироқ бодринг мавсуми маҳали аксинча Совет Иттифоқи Олтиариққа қарайди.

Бу жавобга хорижлик киши тан берган экан.

Ҳали хўроз қичқирмай туриб, шудринг намида этаклари ивиб, ғира-ширада палакларни оралаб, бодринг ҳосилларини меҳр билан силаб-сийпаб, териб, яшикларга жойлаб, тайёрлов идоралари шохобчаларига насиёга топширадиган миришкор ва меҳнаткаш Олтиариқ аҳлининг кўпчилиги ўз асосий ишидан ташқари томорқасида бодринг етиштирарди. Бу ҳол маҳаллий анъанага айланиб қолганди.

Пахта даласида ҳам, турли маросимларда, чойхона-ю маҳалла-кўйларда ҳам суҳбат мавзуси фақат кўчат, унинг неча қулоқ бўлгани, қанақа касалликка қарши қандай чоралар кўриляётгани, қачон ва неча дона узилганию, ширкатга қанча миқдорда ва неча пулдан топширилгани ҳақида қизгин баҳсларнинг поёни бўлмасди.

Май ойининг охирига бориб олтиариқлик деҳқонлар август ойида экиладиган яна бир оламшумул, юз дардга даво ҳисобланадиган турпни экишга тезроқ ҳозирлик кўрарканлар, то ўша даврга қадар чиллакисифат тезпишар дон-дун ёки мол-ҳол учун бир оз хашак етиштириб олишарди. Шу туфайли бу йилги бодрингни сарҳисоб қилиб унинг дафтарини ёпадилар-да, юрак қўридан меҳр олиб униб сарғайган палакларни ўз жонларини суғургандай юлиб ташлардилар.

Аммо, нежабки, бу маҳалда ҳам Олтиариқдаги улгуржи бодринг бозори давом этаверади...

“Хўш бодринг қолмаган бўлса унда бу қанақа бозор?” деган ўринли савол туғилади. Ҳа, бу ҳақиқат.

Ҳовлисидаги бодринг палагини юлиб ўрнига ул-бул экиб олган бели бақуват деҳқонлар энди улгуржи бозорга келиб тадбиркорлик, э йўғ-е, брокерлик қила бошлашади. Масалан, Наманганнинг попликлари олиб келган бодрингларини улгуржи сотиб олишар ва Олтиариққа бодринг сотиб олишга келган бошқа наманганликларга уни икки бараварига пуллашарди...

Гап шундаки, Олтиариқда янги бодринглар бозор юзини кўраётган маҳали Наманган вилоятининг баъзи қишлоқларида плёнкасиз, кўчат қилинмай, очиқ жўякларга “барака уруғи” эндигина қадалган бўлади. Бу ҳақда шаҳарликлар яхши билишади.


Бироқ Наманган деҳқонлари ҳам миришкорликда олтиариқликлардан қолишмайди. Баъзи бировлар қанор қоплардаги бодрингларини Олтиариқники деб сотишади. Бошқа деҳқонлар бўлса, “Туянинг устида ит қопгандай” шумшайиб, ҳосилини арзон-гаровга сотишга мажбур бўлишади. Баъзи “ишбилармонлар” бўлса “Олтиариқ сафари”га бориб бодрингларини арзон гаровга, ҳаттоки, насияга олтиариқлик брокерга берворишади.

“Номаъкулчилик” ҳолатига гувоҳ бўлиб қолган бозордаги харидорлардан баъзан “Ҳой! Сиз нега Олтиариқнинг бодрингига Наманганнинг бодрингини аралаштириб сотаяпсиз?! Виждон борми ўзи? Ахир, бу гуноҳи азим-ку!” деган танбеҳларни ҳам эшитиб қолиш мумкин эди.

Ана шундай серташвиш, чопа-чоп, “сезон” кунларининг бирида Повулғонда яна бир антиқа гап оралаб қолди...

* * *

Патиссон уруғи ҳақида деярли унутган ~~Неъмат акам~~ бодрингнинг ана шундай мавсуми ~~қизилган~~ кунларининг



бирида полосонлик дўсти Анварни йўқлаб, бир шиша вино кўтариб борди. Анвар ўзи жуда бақувват ва меҳнаткаш йигит бўлса-да, ҳеч омади чопмаган, камбағал оиланинг бошлиғи эди. Унинг ягона орзуси янги чиққан “Об-Жигули” автомашинасини сотиб олиш бўлиб, иккита томорқасидан чиқадиган бодринг ҳосилига катта умид боғларди. Неъмат акам эса кажавали “Ява” мотоциклга эга бўлиб, унинг эндиликдаги нияти яхши бир соғин сигир сотиб олиш эди.

Икки ошна ана шу муштарак ниятларига етишмоқ мақсадида қадаҳ кўтариб битта шишани кўрдим демай, уни қандай бўшатиб қўйганларини билмай қолишди. Одатдагидек халфана қилиб дўкондан иккинчи шишани ҳам олиб келишга тўғри келди. Лекин Анвар ё мастликданми, ё дилидаги аламини дўстига тўкиб солгиси келдими, ҳадеб кундалик турмушдан норози бўлиб нолийверди:

— Бу давлатнинг заготконторасини кўрмайсанми? Бизни тоза лақиллатяпти-да. Улар атайин бодрингнинг нархини пасайтириб олишяпти. Ўлиб-тирилиб ҳосил етишгирсангу фойдасини қайси бир текинхўрлар олиб кетаверишса, одамга жа алам қиларкан-да, ошна.

— Ҳа, шаҳарда қиммат экан. Лекин қишлоқ йўлларига ДАН ходимларини қўйиб бодрингни ўтказмай ширкатга мажбурлаб топширтиришмоқда. Шунинг учун мен ҳам бодрингимни овлоқ, дала йўллари орқали шаҳарга олиб бориб сотиб келяпман.

— Сенда-ку, ҳарҳолда транспортинг бор. Кейин бор-йўғи олти сотих ерга экасан. Мен-чи, иккита томорқа — йигирма саккиз сотихга экканман-а. Ҳар куни болачакам билан ўлиб-тирилиб икки-уч тоннадан узамиз, лекин пулининг баракаси йўқ. Ширкат насияга оляпти, кейин пул ўрнига ҳар хил бўлмағур матоҳларниям тиқиштиришяпти. Тоза муттаҳамларга кунимиз қолди-да. Бунақада тирикчилик қилиб бўлармиди?!

— Тўғри, нимадир қилиш керак.

— Ҳе, бодрингни чиқарганни!.. — деди Анвар ярим болохонали қилиб сўкиниб олиб кўлларини хонтахтага алам билан бир муштлади.

— Бўғилма, ошна, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Кўшни туманларнинг бирортасида бодринг экилмасаям тирикчилигини қилишяпти-ку!

— Нимасини айтасан, баъзан ўйлаб туриб, ўша жойларга бош олиб кўчиб кетгим ҳам келади.

— Лекин бошқа ёқда бодринг бизникидақа битмайди-да.

— Ҳа, гапинг тўғри. Ундан кўра бодринг ўрнига бошқа бирор нарса эксакмикин-а? Нима дейсан, Неъмат?

— Буни ўйлаб кўриш керак, — деди акам ва тўсатдан уйдаги патиссон уруғи ёдига тушиб қолди.

— Айтмоқчи, менда бир ажойиб нарсанинг уруғи бор.

— Нима экан у?

— Патиссон.

— Нима-сон?

— Пат-ти-сон.

— Ие, шведларникими?

— Билмасам. Унинг уруғини бир ўрис ошнамдан олувдим.

— Нима, уни еб бўларканми?

— Бўлмасам-чи. Оҳ-оҳ шундай, зўр газак бўларканки... Бунақасини емабсан, дунёга келмабсан.

Анварнинг қошлари беўхшов кўтарилиб, яна аста жойига қайтиб тушди. Патиссон нима эканлигини тасаввур ҳам қила олмагани унинг шундоққина юз-кўзидан сезилиб турарди. Бунинг устига, Неъмат ака ўзидан кўшиб, мақтаб шундай пуфлаб шишириб ташладики, дўстининг танаси нақд тарвуздай тарс ёрилиб кетай деди.

— Бўлди, кўй, мақтайверма. Қанақа қилиб экаркан уни? Шундан гапир!

- Мана шу ўзимизнинг бодрингга ўхшаб-да.
- Палаги-чи, палаги, катта эканми?
- Билмасам...
- Масалан, қовунми ё ошқовоқникичалик борми?
- Мен қаёқдан билай, бодрингникидақадир-да. Уруғи ўхшайди-ку...
- Ҳм-м... Менга қара, ўша уруғни менга бермайсанми-а?
- Э, йўқ, ўзим яхши ният билан уни икки шиша ароққа сотиб олдим. Мен ҳам рўзғорга бир сигир олиб бермасам бўлмайди. Айтганингдек, бу бодринг деганларининг унчалик фойдаси бўлмаяпти.
- Ўша ароғингни, мана, мен сенга олиб берай, ошна! Кейин чиндан ҳам яхши даромад қилиб, мабодо битта “Жигули” ололсам, ана сигирингниям олиб берганим бўлсин! — деди Анвар кўксини муштлаб.
- Майли, кўрамиз, кейинги сезон келаверсин-чи, бир гап бўлар... Манави зормандани охиригача ичиб кўяйлик.
- Ўша уруғингни бир кўрсатасанми-а? — деди Анвар пиёлани уриштираркан.
- Яримта қуясанми?
- Бўпти, икки шиша қулинг ўргулсин мендан...

* * *

Эртаси куни ҳақиқатан ҳам Анвар Неъмат аканикига қўш шиша вино кўтариб келди. Айтишича, кечаси билан ухлай олмай безовга бўлиб чиққанмиш. Дехқончиликда оламшумул янгилик яратиш ғояси уни тинч қўймаганмиш. Акам мўъжизавий уруғни олиб чиқиб кўрсатади. Улар “яримта”ни майдалашаркан, Анвар уруғни гоҳ чироққа тутиб, гоҳо ҳидлаб, тишлаб, чайнаб, еб, ютиб, ўзича таҳлил қилиб у ёқдан бу ёққа олиб иштиёқ билан яхшилаб текшириб кўрди.

— Бунингдан шов-шувнинг ҳиди келаяпти-ку, ўртоқ,
— деди у ниҳоят.

— Қанақа шов-шув?

— Агар яхши даромад қилинса, Олтиариқнинг бодринги дамини олади. Аммо-лекин заготконторадаги муттаҳамлардан ҳам боплаб ўч олардик-да... Чунки уларнинг Россия билан шартномаси фақат бодрингга тузилган, холос.

— Бу ҳам барибир тез орада бутун туманимизга тарқалиб кетади-да.

— Йўқ, сир сақласа бўлади буни.

— Бўпти, бу йилча мен экиб кўрай. Хотин кўнмаяпти-ю, лекин қишда кўчатни тайёрлаб, жўякка экиб кўйганимиздан кейин нимаям қила оларди. Жавраб-жавраб қолавереди-да.

— Йўқ, Неъмат, уругни менга бер. Уни мен экаман. Билсанг, қашшоқлик ҳиқилдоғимга келди, — деди Анвар жиддий. — Бир ёқда хотинимнинг мазаси йўқ. Ҳадеб плёнканинг тагига кириб ишлайвериб, ревматизм деган дардни орттириб олди... Болаларимга раҳминг келсин! — деди у йиғламоқдан бери бўлиб. — Ҳалиги, кечаги айтган гапим гап. Қўлингни бер, жон дўстим.

— Э, бўпти, унчалик бўлса экавер, ихтиёринг, ошна, — деди Неъмат аканинг ҳам чиндан кўнгли юмшаб. — Чув тушиб қолмасмикинсан, ишқилиб?

— Бор таваккал-да... Мен ҳам ахир, дунёга келиб бирор янгилик яратай! Ҳеч бўлмаса, битта машина олволай, ўртоқ. Кейин келинингниям даволатишим керак...

— Ҳа, майли, бегона бўлганинга-ку, бермаган бўлардим. Лекин ҳалиги ваъданг эсингдан чиқмасин-а...

Анвар қадоқ қўлларини очиб қийқирди:

— Бешни ташла! Агар ҳаммаси яхши бўлса, битта болалик сигир мендан бўлсин!

Иккинчи ҳикоя
АНВАР АКАНИНГ “НОУ-ХОУ”СИ

*ёхуд асли Полосон қишлоғида етиштирилган, аммо ма-
зали думғаза шўрвани бемаза қилган масаллиқ ҳақида*
Полосон. 1989 йил, декабрь. Анварнинг уйи.

Соатнинг аҳамияти йўқ

Шундай қилиб, Анварнинг оиласи ҳар йилгидек ўша маҳалдаги ҳар бир олтиариқликнинг шаъни ва ифтихори бўлган бодринг ўрнига илк бор патиссон деб аталган “ажойиб сабзавот экин”ни экишга киришишди. Севимли ва ардоқли бўлган бодринг қандай меҳр ва муҳаббат билан парваришланиб келинган бўлса, патиссонга ҳам шундай муносабатда бўлишди. Аксига олиб ўша йилги қиш қаттиқ келди. Салафан халтачалардаги қўш томорқа учун мўлжаллаб етиштирилган мўъжаз кўчатларни совуқдан асраб қолиш учун эр-хотин қандай маҳорату “хунарлари” бўлса барчасини ишга солишди. Бунинг устига, газ паст, чироқ ҳам тез-тез ўчиб турар ва юракни эзиб дод дегизиб юборгувчи одатий изғирин шамоллари кўп эсарди.

Кўчатларни ўз фарзандлари қатори яшаб турадиган уйларига, печ атрофига териб ҳар куни уларни папа-лаб, “пуф-пуфлаб” чиқишни одат қилишди. Шундай маҳалда мабодо биров берухсат эшикни очиб юборса борми, балога қолар, албатта, болачалар “туш қиламан” деб ташқарига отлангудек бўлишса оталари шундай бақириб берардики, унинг ҳайқириғидан деразалар зириллаб кетар ва “ташқарига отланганлар” тинчгина иштонларини ҳўл қилиб қўя қолишарди.

Ҳатто эр-хотин ётоқ жойининг атрофлари, йўлаклару токчалар ҳам ям-яшил, чиройли кўчатларга тўлиб-тошди.



Янгилик сари астойдил бел боғлаган Анвар “Биз совуққотмаяпмизми, демакки, улар ҳам совқотишмайди” деган шиорга қатъий амал қилиб ухлаш учун атайин ўзларига кўчатлар орасида ётгани жой тайёрлатар ва юпқа ёпинар, шу зайл кечалари ҳарорат совиб кетгудай бўлса, туриб печкадаги оловнинг пасайиб қолмаслиги пайида бўларди.

Баъзан тадбиркор эр тунлари беозор пишиллаб ухлаб ётган хотинининг юзига тушиб турган пәтиссон ниҳолининг мўъжаз яшил япроқларини меҳр билан оҳиста суриб қўйиб, ширин орзуларга бериларди. Дилидагини ой рухсорасига оҳиста шивирлаб, тахминан мана бундай изҳор ҳам қиларди:

“Хотин. Худо хоҳласа, шу қишдан кўчатларимизнинг ўрнини йўқотмай эсон-омон чиқиб олсак, ҳадемай иссиққина баҳор келади...Иннайкейин, экинимиз ҳосилга киради. Мана кўрасан, биз эккан янги нав сабзавотнинг бозори шундай чаққон бўладики, бойиб кетамиз. Мен янги “Об” сотиб оламан. Болаларимизни унга ўтқазиб маҳалламизни айлантираман. Сени ўзим санаторияга, даволатгани олиб бораман”.

— Илоҳим, айтганингиз келсин, дадаси, — деди хотини тунлардан бир тун паҳлавон эрининг ана шундай гапларидан қувониб.

Аёлнинг ҳам оёқларида оғриқ бўлса-да, бирни икки қилиш, оила даромадини кўпайтириш мақсадида туну кун тиним билмас, тадбиркор, миришкор эри кашф қилаётган янгиликни амалга ошириш учун жонини жабборга бериб меҳнат қиларди.

Ўша қаҳратон тунларнинг бирида эр-хотин ҳам-жиҳатликда жуда тотли туш кўришди. Эмишки, ҳар икковлари жуда башанг кийиниб, бола-чақаларини оқ “Жигули”га ўтказишганмиш. Анварнинг пайпоғига-ча оқ рангда эмиш. Шу маҳал уйларидаги оқ телефон

жиринглабди. Анвар ўртоғи Неъмат билан гаплашибди ва дўстидан бир коса ола сигирнинг қатиғидан олиб келишни илтимос қилибди. Сўнгра телефоннинг аллақайси тугмасини босибди. Шу маҳал бир қўлида қаттиқ, бир қўлида вино билан лоп этиб қора шим, оқ кўйлак, оқ шляпали Неъматжон пайдо бўлибди...

...Қисқаси ўша тунда эр-хотин бир-бирлари томон шундай соғинч ва интиқлик билан талпинишдики, Анварнинг бесўнақай оёқларидан бири ям-яшил, беозор кўчатларга беихтиёр тегиб кетиб, бир нечтасига озор етди.

Уйғониб кетган йигит аҳволни кўриб энди хотинини ҳам эсдан чиқарди. Бўралаб сўкиниб чироқни ёқди ва ағанаб ётган кўчатларни кўриб фифони ошди. Хотини шовқиндан уйғониб кетиб уйқусираб кўчатларни ўрнига жойлаган бўлиб, яна ўралиб ётиб олди.

Анварнинг бўлса уйқуси қочди. Унинг эътиборини дераза токчаси тагида барглари шумшайиб қолган кўчатлар тортди. Ташқарида увиллаётган изғирин совуғи дераза ойнасининг игнадай синиқ жойидан ғувиллаб кирмоқда эди. Йигитнинг жиғибийрони чиқди ва янги қавилган тўшакнинг бир четини шарт йиртиб, пахтасидан бир оз суғуриб олди-да, тиш кавлагич билан ойна ёриқларига шоша-пиша-қистириб чиқди.

“Уф-уф, совуққотиб қолишибди-ку, бечоралар. Байбай-бай...” дея кўчатларини папалади. Сўнг уларни совуқдан асраш учун чора қидирди. Ҳаммаёқ кўчат билан тирбанд, фақат хотинининг ёнигина бўш, иссиққина... Калласига яхшигина фикр келди ва токчадаги кўчатларни тўртта картон қутига жойлади. Сўнгра ўзи ётган жойдан оқ чойшабни суғуриб олиб, хотинини уйғотди.

— Хотин тур, анави бечоралар совқотиб қолишибди!

— Н-нима? Қайсиниси совқотибди? — сўради хотини довдираб ва болаларнинг хонасига чопиб бормоқчи бўлди.

— Болалар эмас, токчадаги кўчатларни айтаяпман, гаранг!

— Э, шунақами?..Энди нима қиламиз?

— Бир йўли бор, мен ҳозир жойимга ётаман-да, устимга кўрпамни ўраб оламан. Сен манави кутидаги кўчатларни устимга яхшилаб ўрнаштирсан. Кейин оқ чойшабни уларнинг тепасидан ёзиб кўясан. Қарабсанки, менинг тафту нафасим билан эрталабгача ўзларига келиб қолишади.

Содда хотин эрининг айтганларини бекаму кўст бажарди. Кўп ўтмай аёлнинг ёнидаги жойда трактордай келадиган эри ўрнида “танка” пайдо бўлди. Унинг мотори ҳар тариллаганида кўчатлар “яйраб-яшнаб” силтаниб-силтаниб олишар, ҳалинчак учаётган болалардай “қиқирлаб” кўтарилиб тушишарди.

Буни кўрган Зулхуморнинг чиндан ҳам эрига раҳми келиб кетди: “Бечора эрим, бола-чақамни боқаман деб шу кўйларга тушадими”, деди у хаёлан ва хўжайини, ўз фарзандларидек авайлаётган патиссон кўчатларининг япроқларини меҳр билан силаб кўйди.

Патиссонларнинг ҳар бир чиқарган янги қулоғи, ҳар бир шонаси Анвар акалар оиласи учун ўзгача завқ-шавқ бағишларди. Ўз навбатида кўни-кўшнию, қариндош-уруғдан бу тадбирни ўта сир тутишарди. Қиш бўйи уй ичига, баҳорда жўяк ёнига ҳеч қандай бегонани яқин йўлатилмади. Патиссон — хонадоннинг деҳқончилик сири, шаъни, “ноу-хоу”сига айланиб қолди.

* * *

Ниҳоят, апрель ойи келиб, барча олтиариқликлар, кўни-кўшни, маҳалла-кўй мўъжаз бодринг доналарини узиб унинг даромадидан баҳраманд бўла бошлашди. Анварнинг патиссон ҳосили ҳам бош бармоқдай, баъ-

зилари эса ёнғоқнинг кўкидай бўлиб нишона берди. Аммо сабзаёт палаги деҳқон йигит кутганидек бодрингникига ўхшаб эмас, балки ошқовоқникидай авжлаб ўсарди. Тез орада томорқани шундай палак босиб кетдики, оёқ қўйгани ҳам жой қолмади.

Патиссоннинг найча мевалари Анвар акани бир жиҳатдан анча хурсанд қилган бўлса, мазасининг нордон ва тахирлиги таъбини хира қилди. Бироқ бунақа сержило, чиройли, серқирра юлдузсимон, сип-силлиқ сабзаёт экинини умрида илк бора кўраётгани учунми, унинг бежиримлигига маҳлиё бўлиб ўз меҳнатидан ўта завқланиб юрди. Аммо уни қачон узишни билолмай хуноб бўларди.

Бир оз каттароқ, яъни косадек-косадек бўлишгач, мўъжаз патиссонларнинг таъмини яна бир бор тотиб кўрди... Бироқ тахирлигидан афти шундай бужмайдики, кимни сўкишни билолмай, у ёқ-бу ёққа қараб талмовсиради. “Ҳали маза кирмабди, демакки, хом”, деди у ўзича илмий хулоса қилиб, сўнгра унинг юлдузсимон чиройига маҳлиё бўлганича, яна тагига селитра деб аталмиш ноёб, шакарсимон минерал ўғитни “қор ёғди” қилиб, сувни қиёмига етказиб суғораверди.

“Кўшни, мен бодрингимни икки қоп уздим. Сиз қачон сотасиз?” деб қолди бир куни ён қўшниси Матёқуб “Нима бало, бу йил сизники кечикдимми, дейман-а?” деб саволга тутди бу ён қўшниси ҳам.

Бир ёқда хотиннинг “У йўқ, бу йўқ” деб вайсайвериши ғашига тегар, гоҳо болалари “Дада, анави ғалати мевани қачон узамиз, қачон бизга янги уст-бош олиб берасиз?” деб қулоқ-мясини қоқишарди.

Ҳаш-паш дегунча апрель ойи ҳам охирлаб қолди. Патиссон меваларининг олди улкан ошқовоқдай келар, лекин тишлаб кўрсанг таъми ҳамон тахир эди. “Маза кир-

маётгани, эҳтимол, плёнкалар ўралгани туфайлидир?” деган хаёлга борган Анвар уларни бутунлай йиғиштириб олиб ташлади. Сўнгра яна кўчатларнинг тагини яхшилаб чоптириб, селитра-ю мочевинани “қор ёғди” қилиб чиқди-да, оби-тобида суғориб, сабр-бардош ила кутаверади, кутаверади, ҳаммасига чидади. “Меҳнатнинг таги роҳат” деганларига у қалбан ишонарди.

Хотинининг минғир-минғиридан қочиб, нариги томорқасидаги чоғроқ чайлага бориб ётиб олди. Қўниқўшниларга ҳам кўринмай қўйди. Чунки улар бодрингдан айна даромад олаётган, пули кўпайиб ҳар кун юзта-юзта қилаётган серпиён, дилхуш ва сархуш кунларни бошларидан кечиришмоқда эдилар.

— Бу муттаҳам Неъмат нега хабар олмаяпти экан-а? Ишқилиб, у ярамас мени алдамадимикан? Агар алдаган бўлса, боплаб таъзирини бериб қўяман! — деди Анвар ўзича жаҳл отига миниб.

Неъмат ака бўлса бу пайтда томорқасига экилган бодрингдан одатдагидек, эл қатори баҳра олар, ҳар кун тонгда дала йўли орқали уни Фарғона шаҳрига олиб бориб сотиб келар ва яна хотиржам ўз ишига кетарди.

“Анвар нега келмаётган экан-а? Менимча, патиссоннинг ҳосили зўр бўлгандир-да. Ҳозир бош қашишгаям вақти йўқдир. Иккита томорқадагини териб, бозорга олиб бориб, сотиб, ҳориб-чарчаб қайтиб келаётган бўлса керак-да. Майли, омадини берсин. Қилган яхшилигим иш берди, шекилли”, деган ўйда юрарди у.

Анвар ака бўлса умид билан патиссонни кунора дорилаб, суғоришдан тинмади. Натижада патиссонлар шу даражада улканлашиб кетишдики, Гиннеснинг “Рекордлар китоби”да қайд этилган дунёдаги энг катта ошқовоқ ҳам уларнинг олдида ип эшолмайдиган ҳолатга етди. Улар шундай бежирим, юлдузсимон пўст-

лоғи сип-силлиқ қуёш нурида жилоланардики, юлдуз каби кўзни қамаштирарди.

Энг ёмони, қўшнининг ўғиллари бу сирли, янги хил экинни пайқаб қолиб, махфий ахборотни зудлик билан ўз дадаларига етказишди. Сўнгра эса бир-бирларига билдирмай ўша антиқавор сабзавот мевасидан биттадан ўмариб олиб чиқишди. Бодринг деб алдаб, бошқача сердаромад экинни яширинча эккан Анвардан маҳалладагилар ўзларича жуда ҳафа бўлишди ва бу сирнинг натижасини кутиб, унинг ҳар бир қадамини кузатардилар. Соқолини ҳам олмай қўйган, асаби қақшаб, жиғи-бийрони чиқиб юрган Анвар уларнинг кўзига гўё авлиё ота бўлиб кўринарди.

Ниҳоят, тоқати-тоқ бўлган изланувчан, тиришқоқ ва миришкор деҳқон йигит бола-чақасига ҳосилни йиғдирди. Уларнинг оғирлиги ва кўплиги учун қўшни туманлик мутлақо бегона тўртта ёлланма ишчиларни ҳам ола келди. Ҳатто, ўз яқин қариндошларини ҳам ёрдамга чақирмади. Чунки сир-сирлигича қолиши керак. У эл-юрт олдида ўзининг ўта тadbиркор ва ишбилармонлигини кўрсатиб, тўсатдан бойиб кетганини намоиш қилишни жуда-жуда истарди.

Хуллас, бир юк автомашинасига етарли улкан патиссонлар ҳосили йиғилди. Лекин палакларда “майда-чуйда” ҳосил ҳали мўл эди. Илк ҳосилни узиб бўлингач, энди суюқ аммиакни оқизиб яна қондириб суғорилди. Кира ҳақини мол сотилгандан сўнг тўлашга келишиб олишди-да, тунда уларни машинага юклатилди ва эртаси кўз илғамас тонгдаёқ “ҳаё-ҳув” дея Фарғона шаҳар бозори томон йўл олинди.

Машинанинг бозорда бир кун савдода туриб бериши ҳам фалон пул экан. Уни ҳам Анвар киракаш ҳайдовчи билан келишиб олди, яъни сотилганидан сўнг ҳисобла-

шадиган бўлишди. Катта торозини бир четга ҳафсала билан яхшилаб ўрнатиб олди. Мабодо харидорлар кўпайиб кетгудек бўлса, уларни қай тарзда навбатга турғизиш кераклиги, пулни қаерга жойлаш-у ўғрилардан қандай асраш ҳақида ҳам ўзича режа тузиб чиқди.

Бироқ келган харидорлар табиатнинг бу мўъжизасини ҳайратланиб томоша қилардилар-да, худди кўрғазмага келгандек қўллари билан уни силаб-сийпалашар, аммо нархини ҳам сўрамасдан анграйиб нари кетаверишарди...

Анвар ака бозорни бир неча бор айланиб чиқди, лекин ҳеч қаерда бунақа антиқавор сабзавотни учратмади. Нархини ҳам таваккал қилиб, бодрингники билан тенг қилиб кўя қолди. “Арзонроқ сотсам, савоб бўларди” деган ўйда эди. Аммо тураверди, тураверди... Бироқ патиссонини ит ҳам, бит ҳам сўрамади.

Бир харидор “Уни кесиб, ичини кўрсатиб қўйиш керак”, деб маслаҳат берди. Бироқ пичоқ ўтмади. Қассобхонага бориб, болта билан майдалашга тўғри келди. Қассоб ака ҳам бунақа ноёб, антиқавор қовоқни биринчи мартаба кўраётганини айтди. Еб кўргач, афтини бужмайтириб, шундай деди:

— Ошқовоқда-ку, ширин маза бўлади, бунингизнинг маза-матраси йўқ-ку, биродар!

— Бу янги, импортний мева-да! Унинг уруғини ўртоғим хориждан олиб келган, — деди Анвар ака мақта-ниб.

— Ўша ўртоғингиздан сўраб кўринг-чи, у бунини қандай пишириб ейишнIAM ўрганиб келгандир. Кўй ёғи, кўй гўштида эҳтимол зўр таом бўлар?.. — деди қассоб деҳқон йигитга таскин бериб.

— Билмадим...

— Бунингиздан неча дона бор ўзи?

— Бир машина!

— Нима?! Эҳ-ҳе! Майли, бир бўлагини беринг-чи, мен тушликка мазали дум шўрва қилаётгандим, буниям солиб кўраман. Кейин сиз ҳам тотиб кўрарсиз. Тушликни бирга қиламиз, келинг, хўпми?

...Тушлик ҳам бўлибдики, ақалли бирор дона тугул бирор бўлакчаси ҳам сотилмади. Қорни очган, боз устига овқатланиб олишга пули ҳам қолмаган Анвар ноилож қассобхонага мунғайиб кириб борди. “Айтилган жойдан қолма” деганлар-да. Аммо кутилмаганда:

— Шунақаям бемаза нарса бўладими бу матоҳингиз?! Дум шўрвамни расво қилди-ку! Олинг, ана сиз ҳам тотиб кўринг, — деди қассоб жаҳл билан.

Анвар шўрвани бир хўплаб кўрди-ю, холига маймунлар йиғлади. “Дунёдаги шўрвалар ичида энг лаззатлиси саналадиган мазали дум шўрваники шу қадар бемаза қилиб юборибдими, демак, патиссон деганининг ўзиям энг бемаъни сабзавот экан! Балки шунинг учун ҳам уни одамлар экишмас. Мен аҳмоқ бўлсам лаққа тушибман. Энди нима деган одам бўлдим? Бола-чақамнинг кўзига энди қандай қарайман? Ҳайдовчига йўлкира пулини қардан топиб бераман?” деган саволлар гирдобида қолиб мана шу ғояни берган ошнаси Неъматни айблаб, уни хумордан чиққунича сўкиб олди:

Ҳайдовчига ҳам “йўлкира ўрнига мана шуларнинг ҳаммасини ўзингизга олақолинг, жон ака” деб таклиф ҳам қилиб кўрди. Лекин у:

— Бунингизни бошимга ураманми? Лекин айтиб қўяй, буларни бозорга ташлаб қочишни хаёлингизгаям келтирманг, — деди у олдиндан огоҳлантириб. — Санитарлар машинанинг рақамини ёзиб олишди, агар уларни ташлаб кетсак кейин мени катта жаримага тортишлари турган гап. Хоҳласангиз қайтариб олиб кетайлик-да, ахлатхонага ағдариб ташлайлик.

— Йўқ, буни “Шуни эксанг, бойиб кетасан”, деб менга йўл кўрсатган ошнамнинг уйига олиб бориб ташлаймиз. Мен ундан бодрингдан қиладиган бир йиллик даромадимни талаб қиламан ҳали!

— Тўламаса-чи?

— Тўламаса, абжағини чиқараман! — деди у қўллари ни мушт қилиб. — Ҳайданг, кетдик! Йўлкирангизни ҳам ўшандан олиб бераман.

Яхшиямки, ўша пайт Неъмат ака уйида йўқ эди. Хотини Холидахон қўшни болаларни чақириб чиқиб бир машина ажабтовур бебилиска юкни туширтириб олди, йўлкира пулни олиб чиқиб берди.

— Манавининг ҳаммаси сизларга, эрингизга айтинг, буларни тезда сотиб пулни тайёрлаб қўйсин!

Ишдан қайтган Неъмат ака уйида пайдо бўлган бир дунё улкан патиссонларни кўриб хангу манг бўлди ва ўзида йўқ қувониб кетди.

— Оббо, Анвар-ей! Жа мард йигит-да. Демак, яхши даромад қилипти, шекилли. “Буни сотиб, сигир олвол” деган бўлса керак-да-а, хотин, — деди у хотинига мақтаниб.

— Э, йўқ, унақа демади. Менга дўқ қилганга ўхшаб: “Буни тез сотиб пулни тайёрлаб қўйсин!” деди.

Неъмат аканинг юраги “шув” этиб кетди. “Нима? Наҳотки сота олмаган бўлса... Бўлиши мумкин эмас! Ахир, Гриша ака буни тоза мақтаган эди-ку!” деб ўйлади ўзича. Эртасига тонг-саҳардан патиссонларни кажавасининг ўрнига тахта қўйилган мотоциклига сиққанча жойлаб, бозорга олиб боришга аҳд қилди. Лекин мотоциклининг ҳужжатлари бўлмагани учун уни одатдагидай шаҳарга 5-бригада орқали ўтадиган ўша чанг-тупроқли, ўнқир-чўнқир айланма дала йўлдан ҳайдади. Бироқ дақир-дуқурда устига боғланган энг улкан силлиқ патиссонлардан бири тўсатдан йўлнинг ўртасига тушиб қолди-ю, ҳаммаси шундан кейин бошланди.

Учинчи воқеа
ПОВУЛҒОН ВОҚЕАСИ



*ёхуд О.тиариқни титратган, раҳбарларни
қўзғатган оламшумул синоат ҳақида*
Повулғон. 1990 йил. 5-бригада даласи.
Тушликка яқин

5-сонли бригада бошлиғи Эшмат ака Тошматовнинг ҳам ўша даврда яхши бир нияти бор эди: “Худо хоҳласа, шу йил пахтадан яхши ҳосил етиштирсак, манави алмисоқдан қолган велосипед ўрнига янгисини оламан”, дерди у. Чунки велосипед дала йўллари бўйлаб юриш учун қулай транспорт ҳисобланади. Афзаллиги шуки, отга ўхшаб ем емайди, мотоциклга ўхшаб бензин ичмайди. Пайкаллар ичида ҳам секин етакласанг, филдираги айланиб, чаққонгина кетаверади. Эшакнинг замонавийлашгани, холос, бу.

— Э, худо, ўзинг мадад бер! Пахта ҳосилимиз бу йил мўл бўлиб, юзимиз ёруғ бўлсин! Мен ҳам ниятимга етай, — дея бир қўлида велосипедининг чиқиб кетган педалини ушлаган ҳолда юзига фотиҳа тортди-да, “Э, савил, буни неча марта пайванд қилдирсам ҳам чидамайди-я”, деб норози гудраниб қўйди.

— Ҳа, тинчликми, нимадан куюнаяпсиз? — дея даб-дурустдан сўради шу маҳал орқадан етиб келган эшакли почтачи Аҳад бобо жониворининг нўхтасини тортиб тўхтатаркан.

— Э, кўрмайсизми, бу педал деган падар лаънати, яна чиқиб кетди-да.

— Эшак мининг, эшак. Сиз учун энг қулай транспорт шу.

— Бригадир учун-а? Ахир, одамлар устимдан кулишмайдами?

— Унда хачир мининг, обрўлироқ.

— Э, йўқ, арпа-ем деб юраманми? Насиб қилса пахтамиз яхши бўлса, янги велосипед олмоқчиман. Ҳозир шунақа ният қилиб турувдим.

— Ният денг, — деди почтачи кулиб. — Нима, янги велосипед сизга осмондан тушармиди?

— Нима, осмондан тарелкалару юлдузлар тушганида бир дона велосипед ҳам тушса, нима бўпти?

— Ҳа, айтмоқчи, бугунги газетада НУЖлар ҳақида яна ёзишибди, — деди почтачи газеталардан бирини олиб кўрсатаркан. — Мана қаранг, суратиям бор.

Эшмат ака шоша-пиша газетани қўлига олиб “Астаф-фириллоҳ... Ё қудратингдан!” деб қўйди.

Газетада дунёнинг аллақасерида ликобчалар галереясини кўришгани, унинг сурати ва бу ҳақдаги олимларнинг фикрлари баён этилган эди.

— Бу газета сизга, Эшматжон. Буни подачи Мусур-

монкулга олиб боришим керак эди. У барибир газета ўқимайди, ўчоғига тутантириқ қилади.

— Э раҳмат, соғ бўлинг. Жуда қизиқарли мақолага ўхшайди.

— Хўп, омон бўлинг, яхши қолинг.

Эшмат ака ликобчанинг суратига синчиклаб қараб, хаёлидан “Тавба, худди қовоққа ўхшайди-я”, деган ўй ўтди ва педални апил-тапил жойига қўйиб бўлгач, Неъмат акам юрган дала йўли томон рулини бурди. Фикру ёди энди ўзга сайёраликлар билан банд бўлди ва мовий осмонга беихтиёр нигоҳ ташлаб қўйди.

Эшмат бригадир тупроқли дала йўлидан ҳеч қанча ҳам юрмаган эдики, бир пайт йўл ўртасида қуёш нурида товланиб ярақлаб турган сирти сип-силлиқ, юлдузсифат, чиройли кўринишдаги “тарелка”га рўбарў келиб қолди ва қўрқиб кетиб қаттиқ тормоз берганидан педали қурғур яна чиқиб кетди. “Ё астағфириллоҳ. Ё қудратингдан... Бу нима экан-а?” дея ҳайратга тушди.

У атрофига аланг-жалаң қараркан, аксига олиб кераксиз пайтда ўтиб турадиган болалар ҳам, ДАН ходимларидан қочган йўловчи транспортлар ҳам кўринмасди. У нима қиларини билмай довдиради. “Наҳотки, бу ўша “тарелка” деган учар НУЖ бўлса?” — деди у хаёлан.

Эшмат ака калласига келган бу фикрдан ўзи чўчиб кетди. Қўйнидан газетани чиқариб фотосуратдаги “тарелка”га йўлда ётган матоҳни тез солиштириб кўрди ва “Худди ўзи-я!” деб юборди. Баданини енгил титроқ босиб, ҳаяжонланганидан пешонасини маржон-маржон терлар қоплади.

— Хабар қилиш керак!.. Ҳозироқ раисга айтиш керак! Бу йўлга ҳеч кимни йўлатмаслик лозим! — деди у ўзини қўлга олиб.

Сўнгра у кесилган тутлардан қолган қуруқ ўтинлар-

ни тез-тез териб йўлни тўса бошлади. “Нариги томондан бирор транспорт келиб қолса-чи...” деган ўйга борди у ва пахтазор пайкали орқали “тарелка”ни айланиб ўтиб, йўлнинг нариги томонини ҳам тўсмоқчи бўлди.

Янглишмаган экан, шу маҳалда қарама-қарши томондан жамоа хўжалигининг “ГАЗ-51” юк машинаси гингиллаб оҳиста келмоқда эди. Машина кабинасида айнан раиснинг хабарчиси Йўлдош бақироқ бор. Эшмат ака ҳай-ҳайлаб “Тўхтат!” дея ваҳима билан қичқириб, машинага пешвоз чиқди.

— Нима гап, тинчликми, Эшмат ака? — сўради Йўлдош бақироқ ҳайрон бўлиб.

— Анави, даламизга ҳалиги, нима дейди, НУЖ-тарелка тушибди! — деди бригадир ҳовлиқиб.

Унинг ранги оқариб кетганди. Шу туфайли машинадагилар кабинадан тез тушишди.

— Э, йўғ-е, рости биланми? — сўради ҳайдовчи Эгамберди ака ҳам ҳайратланиб.

— Бўлиши мумкин. Кеча телевизорда кўрсатишувди, — деди Йўлдош ака тасдиқлаб.

— Яқин борманглар, бу хавфли, — деди Эшмат ака.

— Э, й-йўғ-е!..

— Тез раисга хабар беринглар, бизнинг еримизга Яратган эгамнинг назари тушди, худо хоҳласа, пахтамиз ҳосили бу йил зўр бўлади, шекилли, — деди Эшмат ака қафтларини тез-тез ишқаб оларкан.

— Ҳа-я. Жой қуриб кетгандай келиб-келиб, сизнинг бригадангизга тушадими? — деди Йўлдош бақироқ ҳайратдан каловланиб.

— Худога айтганим бор-да, ака...

— М-мен машинамни нима қилай? — дейди Эгамберди ака каловланиб.

— Озгина орқага юринг, кейин қайтариб, бошқа йўлдан айланиб ўтамиз-да, — деди ҳамроҳи.

— Бўлинг, тезроқ. Анави учиб кетиб қолмасин тагин! Бу ахир, ҳақиқатан... — деди базўр Эшмат ака.

— Ҳа-я, эҳтимол, бу елкамизга кўнган бир омаддир. Ўзга сайёраликлар чиндан ҳам бизнинг раҳбарлар билан гаплашмоқчи бўлишгандир...

— Тўғри, туман ижроқўмигаям тез хабар беришимиз керак.

— ДАН гаям. Бу ёқдан ҳеч кимни юргизмаслик керак, — деди Эшмат ака аланглаб.

— Тўғри айтасиз. Ҳайданг тез, Эгамберди!

То раиснинг машинаси етиб келгунига қадар Эшмат ака йўлнинг бу томонига ҳам шох-шабба йиғиб, белбоғини бир бутага байроқ қилди. Иккинчи томонга бўлса чопонини осиб “Йўл йўқ” дегандай белги қўйгач, шошиб велосипеди қолган томонга чопди ва ҳовлиқиб молига кўк ўт ўриб, уни пиёда орқалаб келаётган беозор Юсуф пиёданинг йўлини тўсди.

“Пиёда” унинг лақаби эди. Қишлоқ одамлари эсини танибдики, бу киши умрида бирор марта ҳам транспорт воситасига чиқиб кўрмаганмиш. Олтиариқ бозорига ҳам у ҳамон саккиз километр йўлни босиб пиёда бориб келарди. Унинг неча ёшга кирганини ҳеч ким айта олмайди. Қирқ йил аввал эғнида кийиб юрган серямоқ эски костюмини ҳозир ҳам ташламаган. Хуллас, Юсуф пиёда ҳам Эшмат бригадирнинг ҳовлиқишидан сўнг “тарелка”ни кўриб ўзича калима қайтарди.

Йўлдош бақироқ асли кўшни полосонлик раис Муродил Эшоновичнинг хонасига кириб келганида у ҳам газеталардаги айнан НУЖлар ҳақидаги мақолани ўқиб ўтирганди. Шу туфайли хабарчининг гапидан бир оз шошиб қолди.

— Йўғ-е!.. Ростданми! Уни ў-ўз кўзингиз билан кўрдингизми-а?

— Ҳа-ҳа. Эшматвой ҳеч кимни ўтказмай йўлни тўсиб уни пойлаб турибди. Бирор чорасини кўрмасангиз бўлмайди, раис ука.

— Қанақа экан ўзи?!

— Роса катта, юмалоқ, тракторнинг улкан шестерниясига ўхшаб кетади! Ч-чиноқлариям бор!

— Манавинга ўхшайдими? — сўради раис газетадаги фотосуратни кўрсатиб.

— Ҳа-ҳа. Худди ўзи! — тасдиқлади шофёр Эгамберди ака.

Муродил Эшонович шошиб ижроқўм раиси Абдупаттоҳ Содиқовичнинг телефон рақамларини терди. Чунки бу халқаро аҳамиятга молик жиддий масала-да. Маслаҳат олмаса бўлмас... У ижроқўмга эшитганларини оқизмай-томизмай гапириб берди. Аксига олиб асли повулғонлик бўлган ижроқўм раиси ҳам бу маҳалда ўша “Известия” газетасини кўздан кечириб ўтирганди. Юраги “шув” этиб кетди. Чунки туғилган қишлоғига нисбатан меҳри ўзгача жўшарди.

— Ҳа-ҳа. Мен ҳам ўқидим. Бу гап бутун дунёда шовшув бўлаяпти... — деди у салмоқланиб. — Улар мулоқотга йўл қидиришяпти, шекилли. Зийрак америкаликлар уларнинг бирини уриб туширганмиш. Одамлари жуда кичкина, калласи каттамиш. Хуллас, одамларингизга айтинг, воқеа жойига ҳеч кимни яқинлаштиришмасин. Ваҳима қилишмасин! Мен ҳозир военкому ички ишлар билан боғланаман. Кейин ўзим етиб бораман. Фақат ваҳима қилманглар, одамлардан бу ишни иложи борича сир сақланглар, хўпми?

Зудлик билан жамоа хўжалиги машина ва тракторлари оёққа турғизилиб, дала йўллари тўсилди. Далада ишлаётганларнинг ҳаммасига жавоб берилиб уларни бошқа йўлдан кетказилди. Ҳамма ҳайрон. “Нима гап, тинчликми?” деб бир-бирларидан сўрай бошлашди.

Муҳим топшириқ олган ДАН ходимлари ҳам бутун кучни қишлоқ дала йўлларини тўсишга қаратди.

* * *

“Повулғон воқеаси”дан хабардор қилинган туман раҳбари Николай Васильевич Федотов ҳам хонасидаги телевизорда шу маҳал НУЖлар ҳақидаги кўрсатувни кўраётганди. “Масала жиддийга ўхшайди-ку” деб кўяди у ва тез жамоа хўжалиги раисига ўзи кўнғироқ қилди.

— Муродилжон, далага шахсан ўзингиз тез боринг, воқеа билан танишиб менга хабар қилинг, хўпми?.. Агар рост бўлса, мен бутун милицияниям, ҳарбийларниям оёққа турғизишим керак. Ҳушёр бўлинглар. “Чтоб без шума”, тушунарлими? — деди у ўзига хос русча талаффузи билан.

— Тушунарли, Николай Васильевич, — деди жамоа хўжалиги раиснинг тили тутилиб.

Муродил Эшонович воқеа жойига етиб борганида Эшмат ака уч-тўрт йўловчининг йўлини тўсиб, уларни ўтказмай ўта ҳушёрлик билан турар, қарама-қарши томонга ҳам бир йигитчани қоровул қилиб қўйганди.

— Э, қўйсангиз-чи, қанақа тарелка? Бизни ўтказиб юборинг! — дерди мотоциклига тут новдаси юқлаб олган Абдурахим Ашматовнинг жаҳли чиқиб.

— Ҳозир раис келади, рухсат берса ўтаверасизлар. Ишларинг зарур бўлса, нариги йўлдан айланиб ўта қолинглар, — деди бригадир босиқлик билан.

Хизмат машинасида ҳозир нозир бўлган раис ваҳима қилмаслик чораларини кўриб, жиддий қиёфага кирдида, “Ҳамманг кетларинг, ҳеч гап бўлгани йўқ. Бу ерга ҳозир пойтахтдан катта комиссия келаяпти” деб тўпланганларни ортига қайтариб юборди.

— Эшмат ака, тинчликми? — деб сўради унинг ўзи кўрқа-писа шивирлаб.

– Э, йўқ! Ҳув, анавини қаранг!..

Раис бир газетадаги суратга, бир узоқда йўл ўртасида қуёш нурида товланиб кўринаётган улкан “юлдуз”га қараб “Ёпирай, астағфируллоҳ, худди ўзи-я!” деб хитоб қилди.

– Эшмат ака, сиз буни учиб келганини кўрдингизми ўзи?

– Худодан “пахта ҳосилимиз мўл бўлсин” деб сўраб илтижо қилувдим. Мундоқ қарасам шу нарса йўлим устида турибди-да...

– Нима, бу билан еримизга худо назар қилди, демоқчимисиз?

– Ҳа-да, бўлмаса бошқа бригадага тушмай, айнан меникига тушармиди?

– Соддасиз-да, Эшмат ака. Уларнинг бригадангиз билан неча пуллик иши бор?

– Яхши ният қилаверайлик. Агар пахта режасини яхши бажарсам бирорта янгироқ велосипед олиб берарсиз. Педали қуриб кетгур, манавини қаранг...

– Бўпти, кўп гапирманг. Яқинроқ борайлик-чи.

– Лекин эҳтиёт бўлинг, раис ака. Ичидагилар чиқиб отиб-нетиб қўйишмасин тағин! Бола-чақангиз бор-а.

– Ҳа, тўғри айтасиз, – деди раис таққа тўхтаб. – Билиб-билмай парвонага ўхшаб оловга йўлиқмайлик тағин. Яхшиси, ҳарбийлар кела қолгани маъқулмикин?..

– Ҳа, шундай қилиш керак. Ахир, улар шунинг учун ҳам маош олишяпти-ку. Бир кинода кўрганман. Уларнинг нурли қуроли бўларкан. Худди қиличга ўхшаб баданингизни шундоқ-шундоқ қилиб бурдалаб ташларкан! – деди Эшмат ака раиснинг бақбақали томоғи ва дўппайиб турган қорнига кўлини қилич қилиб йўналтириб кўрсатаркан.

Раиснинг эти жимирлаб кетди.

— Э, йўғ-е... Бўпти, сиз шу ерда тура-туринг бўлмаса. Мен туман раҳбарига хабар бераман. Эҳтимол, ҳеч гап-масдир. Унинг осмондан тушаётганини ҳарбийларимиз пайқагандиру ҳозир қидираётган бўлишлари ҳам мумкин. Наҳот шундай қудратли, дунёни титратадиган армиямиз шугина нарсани пайқамаган бўлишса?.. Ҳеч кимга нима гаплигини айтманг? Бу ҳукуматнинг иши, тушундингизми? Хавфсизлик кўмитасидагилар ўзлари “разбор” қилволишади. Биз асло аралашмайлик, хўпми?

— Хўп бўлади. Унда мен нима қилай, шу ерда тураверайинми?

— Сал нарироқда тура қолинг.

— Нариги томонга ҳам бир болани кўйиб кўювдим.

— Нима? Бола дейсизми? Айтинг, у ҳам эҳтиёт бўлсин. Яхшиси, тез уйга кета қолсин. Бир гап бўлса ота-онасининг олдида жавоб бериб юрмайлик.

Раис машинасидаги рацияни шириллатиб ишлатиб, Николай Васильевичга хабар қила кетди. Эшмат ака уни бир зум кузатиб туради-да, бошини сарак-сарак қилиб йигитчани огоҳлантириш учун жўнади.

— Мени эшитаяпсизми, ўртоқ бошлиқ? — деди Муродил Эшонович вишиллаб турган рацияга бақириб.

— Ҳа, эшитяпман. Нима гап экан?!

— Мен ҳозир уни элик метр беридан кўриб турибман. Нури борга ўхшайди, кўзим қамашиб яхши илғамаяпти!

— Катталиги қанақа?

— Энига уч қулоч, бўйига бир қулоч. Худди улкан қовоққа ўхшайди. Нима қилай?

— Ҳозир қуролланган махсус отряд етиб боради. “Умоч бобо” зиёратгоҳидаги шийпонда штаб ташкил қилинглари. Ҳеч қандай гап-сўз чиқмасин. Биров сўраса “Ҳарбий ўқув машқи бўларкан” денг. Мен ҳозир пойтахтга ҳам хабар қиламан. Отряд боргунича ундан кўз-

қулоқ бўлиб туринглар. Бирор шубҳали ҳаракат сезсангиз дарров менга ёки Абдупаттоҳ Содиковичга хабар беринглар, тушунарлими?

– Т-тушунарли!

Кўп ўтмай Повулғон осмонида вариллаб ҳарбий вертолёт пайдо бўлди. Объект юқоридан ҳам жуда ғайритабиий кўринган бўлса ажабмас. Қуролланган, юзи ниқобли махсус бўлинма гуруҳ аскарлари “тарелка”га яқин далани ҳалқасимон ўраб олиб ўз позицияларини эгалладилар. Бу орада учраган барча одамлар бу ердан тез жўнатиб юборишди.

Тўртинчи хикоя ТАРАДДУД

ёхуд Повулғон қишлоғининг мактабида алифбодаги ўттиз олтига ҳарфнинг камлик қилаётгани ҳақида

Повулғон. 1990 йил 9 май. Соат 1400.

“Умоч бобо” зиёратгоҳи

Ўзида чуқур ватанпарварлик масъулиятини ҳис қилган ижрокўм раиси Абдупаттоҳ Содикович туман раҳбари Николай Васильевич ҳузурига ошиқди. Ҳар иккиси ҳам “Повулғон воқеаси”га жиддийлик билан ёндашишди. Николай Васильевичда мазкур оламшумул, тарихий воқеа орқали москвалик раҳбарларни қойил қолдириш ва иложи бўлса уни Кремлга топшириб обрў-эътибор орттириш ғояси пайдо бўлди. Шу боис ҳам бу ишга ўзи бош-қош бўлишга астойдил аҳд қилди.

Раис “Умоч бобо”га қишлоқнинг барча фаоллари, бригада бошлиқлари, гаражнинг тракторчи, шофёрларини йиғди. Мактаб директори Пирматов ҳам албатта, шу ерда ҳозир-у нозир эди. Баъзилар тиш-тирноғигача қуролланган махсус отряд аскарларини, осмонда вариллаб учиб юрган вертолётни кўрган, баъзиларини эса аскарлар даладаги иш жойидан қувиб чиқарган, қинғир-қий-

шиқ дала кўчаларида ДАН ходимлари, ўт ўчирувчидан тортиб то “тез ёрдам” гача шай турардилар. Ҳамма таҳликада, ғала-ғовур, шивир-шивир... “Нима гап, тинчликмикан?” дея бир-бирларидан сўрардилар.

— Тинчланинглар, — деди ниҳоят Муродил Эшонович тўпланганларга қарата. — Қишлоғимизда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Кўрқманглар, бу ўқув машғулотини, холос!

Тўпланганлар “Ҳа, хайрият” дея таскин топишди.

— Ҳаммаларинг, матбуотни ўқиб, телевизорни кўраяпсизлар. Дунёнинг у-бу чеккаларида НУЖ ва “тарелка”лар изғиб юришибди. Қаердадир учишяпти, қаергадир тушишяпти. Бироқ биз уларнинг мақсад-муддаоларини ҳали-вери билмаймиз. Шунинг учун ҳам биз ҳар қандай вазиятга тайёр турмоғимиз керак. Мудофаа бўлса мудофаа, мулоқот бўлса мулоқот қила билишимиз лозим. Тушунарлими?

— Тушунарли! — дейишди кўпчилик.

— Ўртоқ раис, биз уларнинг тилини билмаймиз-ку! — деди мактаб директори Аҳад Пирматов дабдурустан.

— Тўғри. Энди тезлик билан ўрганишимиз керак бўлади. Хитойча, корейсчага ўхшашдир-да. Бу муҳим эмас, сизларни бу ерга йиғишдан мақсад — зудлик билан бу ерда штаб ташкил қилиш масаласидир. Юқоридан топшириқ бўлди. Барча меҳмонларни шу ерда кутиб олиш бизнинг зиммамизга юклатилди. Бугун-эрта бу ерга ҳар хил ҳарбийлар, ички ишлар ходимлари, пойтахтдан, ҳатто Москваю, чет давлатлардан осмоншунос уфолог олимларнинг етиб келишлари кутилмоқда. Шунинг учун меҳмонларга кўй-пўй сўйиб, дошқозонга овқат-повқат ташлаб, самоварда чой-пой қайнатиб кўйишимиз керак. Стол-стуллар, байроқлар, гуллар, идиш-товоқ, қошиқ, ҳамма нарса тахт бўлсин! Аскарлар ҳам шу ерда овқатланишади. Бу тадбир неча кун давом этади, худо била-

ди. Тадбир тугамагунича ҳеч кимнинг бесўроқ уйига ёки бошқа жойга кетишига рухсат йўқ. Ҳозир вилоят военкоми Йўлбарсов ҳам келадилар. У киши штаб бошлиғи ҳисобланадилар. Ҳаммаларинг бугундан эътиборан у кишининг ихтиёрида бўласизлар, тушунарлими?

— Бир савол! — деди яна қизиқувчан Пирматов шоша-пиша қўл кўтариб. — Ўзи бизда ўзга сайёраликларни кутиб олиш, улар билан мулоқот қилиш бўйича ишлаб чиқилган бирор дастур борми?

— Сиз, ўртоқ Пирматов, бошимни қотирманг-да, ҳозир мактабингизга бориб, у ердаги стол-стул, бор байроғу шиорларингизни машинага юклатишни ташкилланг. Кейин бўшсиз, тушунарлими?

— Ҳа, энди, бўлганига яраша, бир чиройли тадбир бўлсин дейман-да.

— Ҳозир бунақа бўлмағур майда-чуйдаларга вақт йўқ. Ҳамма ўз вазифасини бажаришга жўнасин. Сизларга бир соат муҳлат. Вазифа олмаганлар бу ерни супуриб-тозалашсин! Анави йўл четидаги гувалалар, гиштарни кўздан йўқотинглар! Дарахтларни оқланглар, ажириқларни чопинглар!

Ҳамма жиддий, патир-путур ишга тушиб кетди. Пирматов стол-стулни юклаб келиш учун Эгамберди аканинг машинасига ўтирди.

— Тавба! Ҳе, машғулотинг курсин! Савол берсанг тюзук-куруқ жавоб бергисиям келмайди-я, — деди у раисдан нолиб.

— Ака, сиз раисдан ҳечам хафа бўлманг. Унгаям ҳозир осонмас... Сизга бир гап айтайинми? — дейди Эгамберди ака сирли шивирлаб. — Фақат бу орамизда қолсин, хўпми?

— Хўш-хўш?

— Билсангиз, бу ҳеч қанақа “учение” эмас, ҳақиқий воқеа бўляпти.

– Нима, “ҳақиқий воқеа” дейсизми?!

– Ҳа, ҳақиқий. Юлдузсимон тарелка тушганини ўз кўзим билан кўрдим, ўлай агар! – деди ҳайдовчи янаям сирли шивирлаб.

– ...Эҳ-ҳе, шунақа денг... Нега бўлмаса, унда?..

– Юқоридан “одамлар ваҳима қилишмасин” деган топшириқ бўлди. Ҳеч кимга ошкора айтгилмасин дейилди; тушундингизми? Хуллас, ўзингиз билингу, ҳеч кимга гинг дея кўрманг.

– Йўғ-е, рости биланми?! – дея мактаб директорнинг ҳайрати янада ошиб, қошлари чимирилди.

Бироқ кутилмаганда унинг кўзлари негадир қувончдан порлаб кетди.

– Бу зўр-ку! Агар улар билан чиндан ҳам мулоқот қилишга киришсак борми? Унда нима бўлади, биласизми, Эгамберди?

– Йўқ, нимаиди?

– Қишлоғимиз бутун дунёга машҳур бўли кетади. Бизнинг қишлоқ бошқа сайёраликлар билан илк учрашилган жой сифатида инсоният тарих саҳифасига киритилади. Эҳтимол, бу ерда халқаро астронавтика институти ҳам очилар.

– Анави автодорожнийга ўхшаганми?

– Ҳа-да, тасаввур қилинг. Ахир, бошқа сайёраларга қатнаш учун қанчадан-қанча учувчи машиналар келтирилади. Уларга ҳали сиздақа ҳайдовчилар жуда кўп керак бўлади-да! Э-ҳе, қанча янги иш ўринлари яратилади! Механиклар, электриклар, эҳ-ҳе!..

– Й-йўғ-е!

– Ҳа, ишонаверинг. Лекин биринчи навбатда уларнинг тилини, ҳарфини ўрганишимиз керак бўлади. Келажак авлодни, яъни мактаб ўқувчиларимизни шу бугундан оқ бу ишга тайёрлаб боришимиз керак. Агар сиз айтганингиздай чиндан ҳам бизнинг заминимизга улар

тушишган бўлишса, демакки, ҳеч бўлмаганда “Пойи қадмингиз қутлуғ бўлсин, хуш келибсизлар!” деган ширни уларнинг тилида, албатта, ёзиб қўйишимиз шарт бўлади. Ҳарҳолда бу ҳурмат-эҳтиром белгиси. Нима дедингиз? — Эҳтирос билан сўради директор тўлқинланиб.

— Эҳтимол, домла. Мана етиб келдик. Нарсаларни қаердан юклаймиз?

Пирматов ўзида йўқ хурсанд, худди ёш болалардай ирғишлаб мактаб ичкарасига чопиб кириб кетди. У кўтаринки руҳда кимларгадир қанақадир топшириқлар берарди. Зум ўтмай машинага стол, стуллар тарақа-туруқ юклана бошланди.

Шундан сўнг директор зудлик билан кабинетида фавқулодда “Педкенгаш” жамоа йиғилишини ўтказди. У ўзини қаерга қўйишни билмас, қаттиқ ҳаяжонда бўлиб бунинг сабабини ўқитувчиларга негадир очиқ-ойдин айта олмас, ютоқиб-ютоқиб, тутилиб-тутилиб гапирарди.

— Ўртоқ, педагоглар! — деди у ниҳоят хотини ўғил туққандай ўзида йўқ қувониб. — Сизларни йиғишдан мақсад бир ғалати янгилик бор! Лекин афсуски, ҳозирча бу нималигини сизларга айта олмайман. Бироқ шу нарса менга аёнки, бугундан бошлаб ўқувчиларга ўзга сайёраликлар тилидан сабоқ бера бошлашимиз керак. Чўчиманглар, бу билан шахсан ўзим шуғулланман. Уларнинг тилини болалигимда бир китобдан ўқиганман. Фақат бу ҳақида туман маориф бўлимига маълум қилиб, бугунги кенгаш баённомасига киритиб қўйишимиз лозим бўлади, холос. Ҳозир бўлса сизлар менга энг фаол ўқувчиларни йиғиб беришларингиз керак. Улар нуфузли ҳайъат учун ўз бадий-ҳаваскорлик чиқишларини намойиш қилмоқлари лозим.

— Қанақа ҳайъат? — сўради Сурайё исмли бир ўқитувчи аёл ҳайрон бўлиб.

— Шу кунларда “Умоч бобо” шийпонида халқаро анжуман бўлади. Анжуманга Москваю хориждан азиз меҳмонлар ташрифи кутилмоқда. Биз, ахир уларга эътиборсиз бўлсак уят бўлмайдими? Байрам тантанасида бадий чиқишларимиз билан иштирок этишимиз керак. Уларнинг кўнглини хушнуд қилмоғимиз лозим. Қишлоғимиз аҳли, болалари нималарга қодир эканини, келинлар, бир кўрсатиб қўяйлик.

— Шунинг учун далани аскарлару мелисалар босиб кетибди-да-а? — сўради директор ўринбосари Аъзамжон Жалолов қишлоқни оралаётган миш-мишларда жон борлиги ҳақида ўйлаб кўраркан.

— Тавба, шуни бир-икки кун аввал айтишса бўларди-ку! — деди Солия исмли муаллима бурнини жийриб. — Бодрингимга дори солиб, сув қўйишим керак эди.

— Вой, Солияхон, шуни айтинг, биз ҳам икки кунлигини узмоқчи эдик, — деди Саломат исмли бошқа муаллима.

— Шуни билингки, Саломат Алимовна, ўзга сайёраликлар “Биз уч кун ёки беш кундан кейин борамиз. Бизни фалон куни кутинглар, унгача бодрингларни узиб қўйинглар”, деб олдиндан ҳеч қачон хабар беришмайди, тушунарлими? Ҳой, билсанглар, қишлоғимизда мисли кўрилмаган оламшумул воқеа юз бермоқда, ахир! Мен ҳозир ўз танамга сиғмай кетяпман! — деди Пирматов беҳад қувонаётганини яшира олмай. — Хуллас, сиз билан биз улкан тарихий воқеанинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Гапни кўпайтирмайлик-да, ҳаммаларинг топшириқни бажаринглар. Спорт майдонига керакли ўқувчиларнинг ҳаммасини зудлик билан тўплаб машқ ўтказинглар. Тасаввур қилинглар-а, гўё бугун қишлоғимизга Москвадан Юрий Гагариннинг шахсан ўзи ташриф буюраяпти, бизнинг ўқувчиларимиз бўлса бу ки-

шини тантанавор кутиб олишади. Дунё матбуотининг мухбирлари бу лаҳзаларни суратга олишади ва афгор оммага “Повулфонга ташриф” сарлавҳаси билан ахборотлар тарқатилади. Майли, Гагаринни эмас, ҳозирча ўзга сайёралик дўстларимизни кутиб олайлик. Илтимос сизлардан, фақат тартибли бўлайлик, майлими?!

— Майли! — дейишди таъсирланган повулфонлик педагоглар.

Пирматов шундай қилиб мактаб ходимларига вазифани юклагач, ўзи зудлик билан туман маориф бўлимига расмий нома тайёрлашга киришди. У шошилар, ташаббусни қўлдан бой бериб қўйгиси келмас, нима бўлсаям, қишлоқни бутун дунёга танитгиси ва ҳукумат раҳбарларига повулфонликлар нималарга қодир эканликларини тезроқ намойиш қилиб, оммани ҳайратга солишни орзу қиларди.

У туман маориф бўлимига тахминан шундай расмий нома битди:

ПОВУЛФОН АРИЗА

“Ҳурматли маориф бўлими мудирини!”

Сизга ушбунни мамнуният ила маълум қиладурманким, мактабимизнинг аҳил ва серғайрат жамоаси ҳукумати-миз қарорларига “лаббай” деб жавоб бериб, ўз зиммаларига бириктирилгон 36 та ҳарфнинг ҳаммасини муддатидан аввал беками-кўст ўргатиб келмоқдалар ва яна қанча ҳарфлар бўлса ҳормай-толмай ўргатишга тайёрдурлар.

Шунингдек, куни кеча бўлиб ўтган педагогик жамоа Кенгашимизда қишлоғимизга илк бора ўзга сайёралик биродари азизларимизнинг ташрифи кутилаётурғони муносабати бирлан уларнинг тилини ёшларга ўргатиш бўйича азму қарор қабул қилинди. Шу боисдан бизга уларнинг ҳарфини, қолаверса, тегишли услубий қўлланмаларни тезлик билан юборишингизни чексиз илтимос қилурмиз, деб эҳтиром ила мактаб директори Пирматов”.

* * *

Хуллас, қишлоқ аҳли алғов-далғов, бесаранжом бўлаётган бир пайтда икки йиллик ҳарбий хизматини тугатиб Олтиариқ томондан қаллиғини соғинган Шодивой исмли аскар шаҳдам қадамлар ила келаётган бўлса, Фарғона томондан дунёнинг ишларидан беҳабар, бирорта ҳам патиссонини сота олмаган Неъмат ака мотоциклини пориллатиб келарди.

У рулни яна ўзи билган дала йўли томон бурди. Юрди-ю балога қолди. Бир тўда ДАН ходимлари ва ҳарбийлар “лаҳм гўшт”ни кўлга олиб, ҳужжатсиз мотоциклни сотилмай қайтган патиссон-матиссонни билан бир четга тортиб қўйдилар. Ҳатто ўзининг қишлоғига пиёда кетишига ҳам рухсат берилмади. Мумкинмасмиш...

Билишича, далада қанақадир ҳарбий ўқув машғулоти бўлаётганмиш. Шундан сўнг у адирлик тепаси билан канал бўйлаб пиёда айланиб ўтиб, ҳовлима-ҳовли, деворлар ошиб кечки оқшомдагина уйига ҳориб-чарчаб кириб борди. Хотинининг эса ҳеч гапдан хабари йўқ. У даладан барвақт жавоб берворишгани учун уйга тез қайтиб келган ва бир уюм патиссонлар жамолига маҳлиё бўлиб турган экан.

Холидахон ҳам ўша даврда 5-бригада даласида ишларди. Бригадир Эшмат ака “Эртага ҳамманглар ярим шишадан пахта ёғи, икки килодан ун олиб келинглар. Бизнинг ерларга шахсан Эгамнинг назари тушди. Чалпак пишириб, ис чиқариб юборсак бу йил пахта ҳосилимиз мўл бўлади” деганмиш.

Неъмат акам ҳовлисидаги бир дунё патиссонни кўриб юраги увишди. Хаёлидан “Анвар келса унга нима дейман” деган хавотирли ўй кечарди. Бозор чиптачиси “Кеча бу матоҳингиздан бир “Камаз” опкелишувди. Ит

ҳам сўрамади. Билиб-билмай экаверасизларми, деб бе-
жиз гудилламагандир. Бу ўша Анвар бўлса керак, албат-
та”.

Яхшики, ўша оқшом Неъмат акани важоҳат билан ке-
лаётган Анвардан худонинг ўзи асрабди. У велосипедда
Повулғонга шитоб билан келаётган экан, қишлоқ осто-
насида уни милиция ходимлари тўхтатиб келган изига
қайтариб юборишибди. Мумкинмасмиш...

* * *

Бу пайтда тумандаги барча ташкилотлар оёққа турға-
зилган, туман ҳарбий комиссарияти биринчи раҳбар-
нинг топшириғига кўра самосвал ва бошқа ағдарма
транспорт воситаларининг борини Повулғон даласига
сафарбар қилдирди. Улар ликобча тушган дала йўлига
бетиним шағал ташишарди. Янги хизматга чақирилувчи
аскарлар катта йўл бўйлари ва йўлдан то патиссонгача,
ие узр, “осмондан тушган НУЖгача” бўлган масофада-
ги ариқ бўйлари яхшилаб тозалаб, тут дарахтларини
белигача оқлаб, ажриқларни чопиб, йўлларни тартиб-
га келтиришган бўлса, ўнлаб ағдарма сурма тракторлар
ўнқир-чўнқир йўлни тўғрилаш учун туну кун бетўхтов
париллаб ишлашди. Чунки бу ерга юқоридан раҳбарлар,
хориждан эса уфолог ва яна бир қанақа олимлар келиши
кутилари.

Мамлакат мудофаа қўшинлари ҳамда давлат хавфсиз-
лик комитети ходимлари бир қисмининг диққат эъти-
бори ўша кунлари фақат Повулғоннинг 5-бригадасига
қаратилди. Кутилаётган меҳмонларга шаҳар меҳмонхо-
наларида жой тайёрланаётган, ресторанларда овқатлар
буюртирилган, матбуот анжуманлари ўтказишга ҳозир-
лик кўрилаётган, чопа-чоп бошланганди. Лекин ҳозир-
ча дим-дим, матбуотда “шовқин кўтармасликка” қарор
қилинди.

Қишлоқда эса ҳаёт ўз измида кечар, деярли ваҳима ва гап-сўз йўқ эди. Биров кўл силтаб “Э, тушса тушгандир, бу билан бодрингнинг нархи кўтарилиб қолармиди” деса, бошқаси “Бошқа сайёралардаям бодринг экса бўлармикин?” деб қўярди.

Фақат мактаб директори бўлмиш жонсарак Пирматовгина тиниб-тинчимас, спорт майдончасида болаларни ўзга сайёраликларни кутиб олишга ҳозирлар, бир моҳир рассомни айттириб келиб куйиб-пишиб унга улкан шиорлар чиздирарди. Унда кўзлари катта-катта, уч бармоқли, пакана ўзга сайёралик билан навқирон дўппи кийган ўзбек йигити бир-бирларига кулиб кўл узатишмоқда. Шиорга эса ҳар икки тилда қуйидагича матнлар битилганди:

“Хуш келибсиз, биродари азизлар!” Хуза-уза-шуза куза-еза-леза-иза-биза-сиза-иза-зиза, биза-иза-риза-оза-доза-аза-раза-иза аза-зиза-иза-зиза-лаза-аза-раза!”

Бу тилни Пирматов ёшлигида қайси бир китобдан ўқиганмиш. Шуниси қизиқки, ўқувчилар бу тилни ҳайратланарли равишда жуда қисқа фурсат ичида ўзлаштириб олишди ва ўша кунданоқ ўзга сайёра тилида бемалол мулоқот қила бошлашди. Ким билади, эҳтимол, бу ҳам ўзга сайёраликларнинг бевосита таъсиридандир.

Масалан, “Қорним оғрияпти” сўзини олайлик. У ўзга сайёра тилида “Қоза-оза-роза-ноза-иза-миза оза-ғоза-риза-иза-яза-пиза-тиза-иза” бўларкан. Фақат уни тутилмай тез айтиш ва бош ҳарфларга кўпроқ эътибор бериш керакмиш.

Бадиий ҳаваскорлар машқи пайтида шўхроқ бир йигитча бир синфдош қизнинг сочини тортгани учун қиз уни ўзга сайёра тилида шунақанги уришиб бердики, болакайнинг оғзи очилиши тугул ўзи қилган ишидан минг пушаймон бўлиб қўрқиб ҳам кетди. Мана, ўша қизнинг

сўкиниши. Фақат буни жабрланувчи қизнинг ҳолатига кириб, сўнгра бир марта чуқур нафас олволиб, жудаям тез айтишингиз керак бўлади:

— Хеза-еза, база-аза-шаза-аза-реза-аза-нгаза қаза-уза-руза-суза-иза-наза! Шиза-иза-лиза-қиза-иза-миза!

— Ҳой, сўкинилмасин! — деди Пирматов қизнинг сўзини аранг уқиб олиб.

Қиз “Ҳе, башаранг қурсин, шилқим” деган экан.

— Сизлар, ахир тараққий этган Ер сайёрасининг энг маданиятли, зукко вакилларисизлар-ку! Одобли, тартибли эканликларингни намойиш қилишларингиз керак. Ахир, ўзларингиз ўйлаб кўринглар-а, жонли мулоқот пайтидаям бир-бирларингни шунақа чўқиб турсаларинг, унда тепадагилар биз ҳақимизда нима деб ўйлашади! — дея ўринли танбеҳ берди директор осмонга ишора қилиб.

— Солиев!.. Қани Шаҳнозадан ҳозироқ кечирим сўра-чи!

— К-кечир, — деди йигитча бурнини бир тортиб олиб.

— Уларнинг тилида айт!

— Кеза-еза-чиза-иза-риза!

— Ҳа, баракалла! Шундоқ бўлсин. Мана энди кириш қисмини яна қайтарамиз. Қани, Маҳфуза қизим, бошланг-чи.

Ўртага 4-“б” синф ўқувчиси Маҳфуза исмли, сочига чиройли тасмалар таққан қизча чиқиб келди ва гўё ўзга сайёралик меҳмонларга қарата кўли билан ишора қилиб ўз декламациясини ёддан шариллатиб айтиб берди:

Ҳуш келибсиз, азизлар,

Еримизга марҳабо!

Дўстлигимиз, дилимиз,

Меҳримизга марҳабо!

Қарсак янгради. Гўё шу маҳал қизчанинг хаёлида беш

панжали одамлар билан уч панжали ўзга сайёраликлар ҳам қарсак чалишиб уни олқишлагандай туюлди.

Энди саҳнага Самад исмли бола чиқди:

*Кўлни қўлга берайлик,
Дилни дилга боғлайлик.
Кемаларни учириб,
“Борди-келди” қилайлик!*

Яна олқишлар янгради.

— Яша, Самаджон, жойингга ўт. Хўш, кимнинг навбати? — деди Пирматов хурсанд.

Ўртага тишлари тўкилган 2-синф ўқувчиси Каримахон чиқди.

*Осмонимизда тинчлик
Доим барқарор бўлсин!
Дўстлигимиз абадий,
Куёшимиз бор бўлсин!*

— Ҳм-м. Буни ўйлаб кўришимиз керак экан. Чунки уларда куёш иккита бўлишиям мумкин, — деди директор ўйчан.

— Бўлмаса тезроқ аниқлаб беринг, домла. Ахир, ўзингиз биласиз-ку, ҳозирги замонда шеър тўқиш осонмас, — деди тил ва адабиёт ўқитувчиси Салимахон Мамажоновна қалин қошларини чимириб кўяркан.

— Хўп-хўп, Салимахон, буни тезда аниқлаймиз. Астрономия ўқитувчиси Латиф акани тез чақириб келинглар. Навбатдаги ким? Қани, Алишер, марҳамат!

Алишер исмли болакай давра тўрига шахдам қадамлар билан чиқиб келди:

*Менинг исмим Алишер,
Келгил, дўстим, қўлни бер.
Сайёрангга олиб кет,
Укам сенга раҳмат дер...*

Залдагилар беихтиёр чапак чалиб юборишди.

Алишер декламациясининг охирида кулгичларини кўрсатиб “Қойил қилдимми?” дегандай хи-хилаб кўя қолди.

– Энди кўшиқ эшитамиз. Дилшодбек қани?

– Мен шўттаман, устоз!

– Қани, Дилшодбек, ўзингиз бир маҳоратингизни кўрсатинг-чи. Диққат, энди навбат 5-“а” синф ўқувчиси, мактабимизда хизмат кўрсатган кўшиқчи Дилшодбек Раҳмоновга, марҳамат!

Дилшодбек ўртага асбоби, ие узр, рубоби билан чиқиб келди. Муסיқа ўқитувчиси Карим ака унга доирада жўр бўлди. Аввалига рубоб ғашга тегиб узоқ тинғирлади. Сўнг-ра эса болакай хонанданинг чийилдоқ овози зални тутиб кетди:

*Улуғбек бобомиз йўлни кўрсатган,
Коинот илмини пухта ўргатган.
Юлдузли самода сизни учратган,
Ўзга сайёралар, бизга бир қада-а-а-а-ам
Ўзга сайёралар, бизга бир қадам...*

Бешинчи ҳикоя
ПОВУЛҒОНЛИКЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН
ЛОЙИҲАЛАРИ

*ёхуд Ғаффор тракторчининг қандай қилиб
бавосирини даволатгани ҳақида*

Повулғон. 9 май 1990 йил

5-бригадага ликобча тушгани ва унинг ўта сир сақланаётгани қишлоқ фуқароларининг деярли барчасига бирма-бир кулоқма-кулоқ етиб борди. Бу кутилмаган янгиликни турли касб эгалари ўзларига турлича қабул қилдилар ва баъзилар ўз касб-корларини келажакда равнақ

топтиришни, баъзи деҳқонлар бўлса, ҳаттоки, ўзга сайёраларда ҳам бодринг ва турп етиштиришни мўлжаллаб, у ердаги шарт-шароитлар ҳақида қизиқа бошлагандилар.

Ўзаро суҳбатлардаги мавзу энди фақат шу ҳақда бўлиб қолганди.

— У ёқда шира йўқмикин? Нима дейсиз, Сотволди ака? — сўради Соли овчи.

— Шуни билингки, ҳаво борки, шира бўлади. Буни бақатерия дейишади, — деди нафақадаги муаллим Сотволди ака.

— О-о...Унда бақатерия дегани жа бемаза нарса бўларкан-да-а?

— Лекин ойда бактерия йўқ дейишади, — деди Сотволди ака осмонга бир назар солиб.

— Йўғ-е.Унда бодринг, турп экса бўларкан-да.

— Сиз ўзи шунақа, чўлма-чўл ов қилиб, дунёдан беҳабар юраверасиз.Ана 5-бригадага бориб, бирор гап овлаб келсангиз бўлмайдим.

— Хавотир бўлманг.Мен у ерларгаям тузоқ кўйиб кўйганман.Агар бирорта ўзга сайёралик илиниб қолса, аввал у билан шахсан ўзим мулоқот қиламан. Чунки қопқоннинг калити менда, у фақат менинг ўлжам бўлади, — деди овчи кассасидан бир бесўнақай калитни олиб кўз-кўз қилиб кўяркан.

* * *

Дўкондор Холмат тоға ҳам янгиликни эшитди-ю, инкассаторни пойлаб ўтиришга ҳам тоқат қила олмай, питиллаб қолди. Дўконни ичкаридан тез ёпиб олди-да, пулларни санаб, уларни халтага жойлаб, бир оқ қоғоз олди.Унга катта-катта ҳарфлар билан эълон ёзди-да, дераза ойнасининг ички томонидан кўринадиган қилиб ёпиштириб кўйди. Эшикка одатдагидек қулфни осиб, муҳрлаб, яхшилаб латта билан ўради.

Эълон матни тахминан қуйидагича эди:

“Ўртоқ инкассатор!

5-бригадада менинг зарур ишим чиқиб қолди, узр. Бугунги савдонинг пулини энамнинг даҳлиз уйидаги кийгизнинг тагига қўйиб қўяман. Уйда ҳеч ким йўқ. Эшик очик. Зарур бўлса, бемалол кириб олиб кетаверасиз, бўптими! Холмат капаратчи”.

Аммо энг хунуги, у шоша-пиша дўконини беркитиб кетганидан сўнг тунги пайт содир бўлди.

...Эрта саҳар дўконини очгани кетган “капаратчи” дўкон эшигини ланг очик эканини кўриб танг қолди. Ҳовлиқиб бориб қоровул Тусмат бобони уйғотди. Мўйсафид одатдагидек бомдод намозини ўқиб, чойини ичиб ҳузур қилиб мизғимоқда эди.

— Ҳой Тусмат ота! Бу ахир, нима деган гап?!

— И-и...вой-вой...мана мен ҳозир-да...— дея мўйсафид калишини илиб-илмай чопиб чиқиб келди.

— Қаёққа қараяпсиз ўзи? Дўконимни ўғри урибди-ку?..

— Ие, астағфируллоҳ. Ахир, ўз кўзим билан кўрувдим-ку, қулфи берк, латгаминам ўралган эди! — дейди чолнинг оёғи шалвираб.

— Сиз шу ерда қимир этмай туринг. Мен ҳозир бу ерга аскарларни бошлаб келаман. Уларнинг овчарка ити бор. Иссиғида ўғрининг гирбонидан олишади... Яхшиям, қишлоғимизга тарелка тушгани, аскарлар шундоқ бурнимизнинг тагида, — дея жавради Холмат ака ва яна алланималарни бидирлаб мотовелосипедини дала томон тариллатиб ҳайдаб кетди.

Мўйсафид ҳайрон бўлиб дўконинг теварак-атрофини кўздан кечирди ва тўсатдан эшикнинг қулфига кўзи тушди. Қулф бузилмаган, кеча қандай турган бўлса ўшандай очилмаган, фақат эшикнинг бир табақасидаги зулфига маҳкамланган экан, холос. “Ё астағфируллоҳ...” деб қўй-

ди чол ҳайратдан лол қолиб.
“Қулфни бузмай уни қанақасига очиш мумкин? Ё буям анави осмондан тушганларнинг ишимикин-а?..”

Кўп ўтмай Йўлбарсов топшириғига кўра воқеа жойига икки ниқобли аскар ва бир ит етиб келишди. Ит қулф устидаги латтани искади ва тўсатдан Холмат аканинг ўзига ташланиб қолди.

Маълум бўлишича, дўкондор тарелкани кўриш иштиёқида инкассатор масаласини “ҳал қилгач”, шошиб қулфни эшикнинг бир ҳалқасига илиб қулфлаган, муҳрлаб, устидан яхшилаб қизил латта билан ўраб кетаверган экан.

Унинг ваҳимасидан сўнг дўконга ревизор ҳам етиб келди ва айтиш ҳақиқатлари ўзга сайёраликлар билан мазза қилиб, “мулоқот қилаётган” хушқайфиятли дамда у ревизорлар билан суҳбат қуришга мажбур бўлди. Тегишли мутасадди ташкилот раҳбарларига ҳам кейинчалик сўроқ-савол беришига тўғри келди.

* * *

Сартарошхонада Қодир кал соч-соқолини олдириб ташқарига чиқди-ю уста ҳақини эл қатори тўлаганидан ҳар сафаргидек кўнгли ғаш тортди. “Тавба, сочимнинг етмиш фоизи йўқ бўлса-ю, юз фоиз сочли бошдан ҳам шу нархни оляпти-я, ноинсоф”, дея норози ғўлдираб қўйди у. Лекин сартарошхонада далага ликобча тушгани ҳақида эшитган гаплари уни жиддий ўйлантириб қўй-



ди. “Айтишларича, тарелка ўзидан қандайдир нур таратаётганмиш. Эҳтимол, бу шифобахш нурдир. Рўпарасига бориб бошимни бир оз тутиб турсам қандай бўларкин?.. Лоп этиб сочим чиқиб кетсая... Э йўқ. Аксига олиб қолганим тўкилиб кетса-чи? Унда тўла кал бўлиб қоламан-ку... Сартарошга ҳеч қанақа ҳақ тўламайман. Демак, ҳар икки ҳолатдаям ютқазмайман. Бор таваккал, бир уриниб кўрайин-чи!” деган қарорга келди у ва дала томон шошилди.

Кўп ўтмай бир улкан тол дарахти тепасида қуёш нури акс этаётган ва “тарелка” томон йўналтирилган бир калла қимир этмай тураверди...

* * *

Айнан шунга ўхшаш қарорга ҳозиргина медпунктга кириб чиққан тракторчи Фаффор ака ҳам келганди. Уни неча йиллардан бери бавосил деган бемаъни ва бетайин хасталик қийнаб келарди. Доктор Олмос аканинг айтишича, 5-бригадага тушган ликобчада лазер нури бўлиши мумкинмиш. Москвалик олимлар бавосилни айнан шунақа нур билан даволашаётганмиш. Фаффор ака орқаси баттар ачишаётганидан афтини тириштириб уйи томон оҳиста бораркан, хаёлида шифобахш туюлган ўша нур пайдо бўлди. “Москвага бориш учун жуда кўп пул кетади. Тарелкага жа яқинлашиб бормай берироқда турсам ҳам ҳарҳолда шифо бўлар” деган ўйга борди у.

— Дўхтирнинг берган дориси кор қилмаяпти. Тағин дорини қидириб шаҳарга бор, пул сарф қил. Ундан кўра таваккал қиламан. “Таваккалчининг ишини худо ўнглайди”, дейишади. Эҳтимол, шу баҳонаи сабаб тезда тузалиб кетарман. Менга ўхшаб қийналаётганлар қанча-ю... Шунақа касалликларни даволаш йўлини топганим учун менга балки мукофот ҳам беришар? — деди у дўхтир билан хайрлашаркан ва беихтиёр дала томон йўл олди.

Албатта, ғўза пайкали ичидаги бир дўнгликда пайдо бўлган ва узоқ вақт қимир этмай турган яна бир аномалия ҳодисаси, яъни номаълум, беқулоқ объект полковник Йўлбарсовнинг эътиборини тортмай қолмади. У дурбинни билан уни зимдан кузатаркан, “Жа қизиқ-ку бу... Одам десанг на қулоғи бор, на кўзи, сигир десанг думи йўқ, ранги оппоқ, тавба...” деб кўйди ва бир ёш сержантни ёнига имлаб унга объектни миқ этмай яхшилаб кузатишни топширди.

— Мабодо шубҳали ҳаракатланса, ёки ҳалиги, нимаиди, бирор отувчи қуролидан фойдаланадиган бўлса... Хуллас, хушёр бўлинглар. Ўзга сайёраликлардан ҳамма нарсани кутса бўлади.

— Бажарилади, ўртоқ бошлиқ! — деди сержант ҳарбийча ўта итоат билан ва дурбинини олиб кипригиниям қоқмай шубҳали туюлган “қулоқсиз” объектни кузатиб қотиб тураверди.

Бир соатлардан сўнг Йўлбарсов бир кафт нос чекиб бир оз мизғиш учун эндигина тутлар соясига чўккалагани замон бирдан аскар йигит қичқириб юборди. Носининг бир-икки донаси зобитнинг томоғидан ўтиб кетди ва уни қаттиқ йўтал тутди.

- Ўртоқ бошлиқ, объект шубҳали ҳаракатланмоқда...
- Нима-нима?!
- Ие!.. Ана, объект йўқолди!
- Нега йўқоларкан? Ким рухсат... Қани, бер-чи!..
- Йўқолгани йўқ, у одамга айланиб олди, ўртоқ бошлиқ!

Йўлбарсов дурбинни кўлига олиб иштонбоғини боғлаётган Фаффор тракторчига кўзи тушди. Ҳар икки ҳарбий ўша маҳали унинг икки соат мобайнида “тарелка”дан ўзига тиббий “муолажа олгани”дан беҳабар эдилар.

Фаффор ака “Банияти шифо бўлсин” дея юзига фо-

тиҳа тортиб олиб, ўз-ўзига: “Бу нур дегани кўзга кўринмасаям анча яхши таъсир қилди шекилли, ачишмай қолди-я”, деб пичирлади. “Ажабмас тузалиб кетсам...” деди у ва пайкал оралаб оҳиста кета бошлади.

– Тавба, ўзга сайёралик одамга айланиб олдимми?

– Бўлиши мумкин. Уларни инсон қиёфасига кириб олишларини киноларда кўп кўрганман.

Йўлбарсов сержантнинг юзига ҳайронлик билан қаради.

– Нима, бу билан повулғонликлар ичида ҳам ўзга сайёраликлар бор, демоқчимисан?..

– Ҳа. Бу қишлоқликларни биламан. Улар бошқачароқ...
– деди сержант ишонч билан.

* * *

Тадбиркор Амин аканинг ҳам хаёлига оламшумул инновацион ғоялар кела бошлади... “Демак, қишлоғимиз даласига келажакда космодром қурилиши мумкин. Улар бу ерни бежиз танлашмагандир. Доимий “борди-келди” йўлга қўйиладиган бўлинса борми, сайёралараро саёҳатлар авж олади. Бу дегани қишлоқда беш, етти, ҳатто, йигирма юлдузли меҳмонхоналар қуриш керак. Банкдан кредит олиб бу ишларни бошлаб юборсам нур устига нур. Демакки, мен ер юзида ўзга сайёраликларни қабул қила оладиган илк меҳмонхонага эга бўламан. Ҳатто Америкага тушадиган ўзга сайёраликлар ҳам тунагани, албатта, Повулғонга келишади... Бўлди, мен шу бугуноқ лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашга киришаман. Қишлоқ марказига уч юз йигирма қаватли баланд бино қурдираман. Унинг тепасига кемалар қўниб, дам олиб, чой-пой ичиб кетишади. Қизик, улар чойнинг қанақасидан ичишаркин? Қорасиданми ё кўкиданми?.. Ҳа айтмоқчи ҳожатхоналари ҳам учтадан бўлади: “А”, “Э”, “Ў”, яъни аёллар, эркаклар ва ўзга сайёраликлар учун!

* * *

Бироқ инновация лойиҳаларининг энг “додаси” Али бангиники бўлса ажабмас. Эҳтимол, носдан икки ҳисса отиб олиб, у каби кўкнори хаёл қилинса, бу зўр самара берармиди...

Ўтган куни катта куёви Қўқондан олиб келган қуруқ чойидан берувди. Чой уни қизиқтириб қолди. Қарангки, қуруқ чой одатдагидек бодроқ-бодроқ эмас, балки бир дамлам-бир дамлам қилиб алоҳида қоғозли халтачаларга солинган экан. Иккитасини шундоқ олиб чойнакка дамлаб бир чеким носни отиб туфлаб олгунича кутди-да, сўнгра уни пиёлага қуйиб кўрганди, ҳай-ҳай, тан берди. “Одамларгаям қойил-е, шама бўлмайдиган чойниям ўйлаб топишибди-я!” деб қўйди у ўзича.

Сўнгра чойнакка қайтарма қилиб, уни ҳайрат билан яна пиёлага қуйди. Тўғриси, дили яйради. Бунақанги бешама, беғубор, беқиёс чойни умрида илк бор ичиши эди. Чўзинчоқ калласи соатнинг капгиридай аста тебранди, қалин қошлари хийла кўтарилди.

— Оҳ-оҳ, ана чою мана чой, ҳар қандай кўкнорихўр ҳам бунақасини ичса дамани олади, — деб қўйди у ўзига-ўзи ва чойнак четида пилдираб турган мўъжазгина ёрлиғига кўз югуртирди.

Кейин қопқоқни олиб чой халтачалардан бирини кўтариб кўрди. Чойнинг бус-бутун эканини кўриб “Ё кудратингдан!” деб юборди. “Демак, чойни ичиб бўлиб, кейин иннайкейин, уни офтобда қуришиб яна бирор қора кунда фойдалансаям бўларкан-да” деган теран фикрга борди ва унга узоқ тикилиб ўтирди.

Ичилган чой қизитдими, ҳарҳолда яна нос чеккиси келгани маҳали миясига бир оламшумул инновация ғоя лоп этиб келиб қолди. Яъни чой ўрнига носни худди чой

каби халтачаларга жойлайди-да, сўнгра уни тилининг тагига ташлаб сўриб юраверади.... Кейин уни тупуриб ташламайди, балки истаса ташлаб юборади, истамаса токчага ёйиб қуритиб қўяди. Ана ғоя-ю мана ғоя! Эҳтимол, қуритилган хом ашёни яна қайта ишлаб чиқаришга жорий қилиб, уни тамаки заводига топшириб папирос таркибига киритиш ҳам мумкиндир. Натижада, папиросни ташлаб носга ўтиб олган, ёки ҳар иккаласини ҳам аралаш-қуралаш “уриб” юрган аросат кашандалар учун янги маҳсулот тури пайдо бўлар. Бундай папиросни “папинос” деб аташ ҳам мумкин. Бундан ташқари чекиб бўлиб токчада қуритиб қўйилган халтачали носдан бирор текин нос сўраб келувчиларга инъом қилиб турса ҳамма азми савоб ўзида қолади. Булар энди кейинги масала, энг муҳими, чекилган халтачи нос атроф-муҳитни ифлосламайди. У ҳақиқий экологик тоза нос. Манави ёрликчасигаям худди шундай деб ёзиб қўйилади.

Мана шундай кўкнори хаёллар билан Али ота узоқ ўтирди ва ёрликқа ёзиши керак бўлган сўзни ниҳоят қуйидагича тузиб чиқди: “ПАПИНОС – экологик тоза, ҳақиқий нос. Повулғонда ишлаб чиқарилган (Made in Povulgon) Товар сертификатланган. Чекилган нос халтачаларини ҳар жойга ташламанг, увол!”

Шундай қилиб носкаш бир чойнак чойни кўрдим демай ичиб қўйди ва халтачалардан биридаги чойни бўшатиб олиб ўрнига бир капсан носни солди-да, уни тилининг тагига ташлаб мудрай кетди. Туш кўрди. Эмишки, тушида ер сайёрасидаги барча одамлар оғизларига халтачали “Папинос” носини солиб, лабларининг ёнидан унинг ипли ёрлиғини осилтириб юришганмиш. Ҳамма хурсанд, Али бангини олқишлашармиш. Ҳатто унинг номзодини Нобель мукофотига ҳам тавсия қилишмоқчи бўлишибди.

Уйининг ёнига баланд ойнаванд дўкон қуриб пештоқига “Папинос – ҳақиқий тоза нос” деб ёзиб қўйилган бўлиб, харидорлар қачон дўкон очилади, деб бир қатор тизилишиб навбат кутиб туришганмиш. Шу маҳал дўкон ёнига бир ўзга сайёра кемаси аста қўнибди.

Ундан кўзлари катта, жуссалари кичик икки киши чиқиб келишибди. Бири эркак, бири аёлмиш. Улар тўғри Али отанинг олдига келиб салом беришибди-да, ниҳоят бир умр орзу қилган биоқувват манбаи бўлмиш экологик тоза нос яратгани учун ўз миннатдорчиликларини изҳор қилиб, сайёраларига ундан янги маҳсулотларни сотиб олиб кетиш бўйича шартнома тузгани келганликларини маълум қилишибди...

Хурсанд бўлиб кетган Али бангининг мардлиги тутиб кетибди ва ҳамқишлоқларига қарата “Меҳмонларнинг машинасига сиққанича янги носдан юклаб беринглар!” дея хитоб қилибди.

Одамлар “Папинос” деб ёзилган кўтиларни худди тўйда ош ташиган каби қўлма-қўл қилиб “тарелка”га яхшилаб жойлашибди.

– Бу неча пул бўлади, биродар? – деб сўрашибди ўзга сайёраликлар.

– Битта Ҳанпа деган эркатой қизим бор. Жойи чиқса куёвга узатмоқчиман. Сепига яраша берақолинглар, майли, – дебди носкаш камтарона.

– Бўпти, – дейишибди улар. – Пулни осмондан ташлаймиз, тўйингизни бизнинг ҳисобдан ўтказиб olasиз, – дейишибди улар қуллуқ қилиб.

– Тўйга ўзларингиз ҳам келинглар!

– Албатта, – дейишибди ўзга сайёраликлар ва кемаларига чиқиб “ҳаё-хуйт” деб учиб кетишибди.

Шу маҳал қизи Ҳанифа келиб отасидан сўрабди:

– Ким экан улар?

— Носнинг ҳақиқий қадрига етадиганлар, — деб жавоб берибди банги осмондан кўзини олмай.

— Вой! Нега оғзингизга поччам берган чойни солиб олдингиз, туринг! — Уни чойнакка солиб дамлаб ичилди-ку! — дебди қизи ва уни тўсатдан турткилаб уйғотиб юборибди.

Носкаш чўчиб уйғониб кетиб ёнида ҳақиқатан ҳам қизи Ҳанифа турганига кўзи тушибди. Ҳанифани аскарликдан қайтиб келган Шодивой учрашувга чақиртиргани учун у аслида ҳовлидан оёқ учида юриб ўтиб кетмоқчи бўлиб турганди. Бироқ отасининг нос ўрнига ёрлиғи бор ипга осиглиқ чойни оғзига солиб олганини кўриб кўрқиб кетганмиш.

— Эҳ, қизим, жа яхши туш кўраётгандим-а... Тушимда сен эрга тегаётганмишсан. Тўйингни пули осмондан тушганмиш.

— Нега унда чойни оғзингизга солиб олдингиз?

— Бу чоймас, қизим, нос. Мазаси ажойиб бўларкан.

— Э, шунақами! Мен кўрқиб кетибман... Бўпти, мен Рисолатникига бориб келаман, хўпми, отажон?

Ота дуога қўл очди.

— Бора қол, қизим, тушимда аён бўлди. Худойим бахтингни очган бўлсин, омин!

* * *

Кўшнимиз Олим ака Аҳмедов ҳамда унинг хотини Адолат опанинг амалга оширган ва қорамол жониворлар билан ўтказган инновацион илмий-амалий тадқиқотлари, айниқса, диққатга сазовордир.

Улар Қуёш тизими ва Ер сайёрасининг айланиш қонунига шубҳа билан қарадилар. Тун ва куннинг ўрнини алмаштириш, қолаверса, уни ўз хизмат вазифаларига, ва ҳатто, даромад манбаига айлантириш мумкинлигини амалда исбот қилиш бўйича бош қотиришди. Натижада

сих ҳам, кабоб ҳам куймади, Курраи замин ҳам ўз ўқи атрофида айланишдан тўхтамади. Айланаверди, айланаверди...

Гап шундаки, Олим ака давлат ишида жуда банд киши. Адолат опа бўлса туман марказида савдо-сотиқ билан ҳамиша овора. Олим аканинг эски “Жигули”си бўлиб қандай қилиб уни яхши пулга сотиб, сармоясига ўнта бузоқ олиб семиртириб сотишни ва кўрилган фойдага “Нексия” олишни орзу қиларди. “Аммо молларга ким қарайди”, дерсиз?

Ликобча тушган кунлари унинг ҳам калласига ажойиб ғоя келиб қолди: иш вақтида, яъни кундуз кунлари молхона деразаларига қора парда илиб уларни ихтиёрий-мажбурий ухлашга даъват этади. Тунда бўлса, аксинча, ёруғ чироқларни ёқиб, шўх-шўх мусиқаларни варангла-тиб кўйиб уларни боқиб, суғориб чиқишади. Емай ҳам кўришсин-чи, таёқ ейишади.

Эр-хотин мана шундай азми қарорга келиб кундузлари ўз хизматларида, тунлари молхонада навбатчилик қилиб чиқаверишди. Аммо бу дунё азобларига чидаёлмаган бечора жониворлар озиб-тўзиб, бу золимлар дастидан “қанот чиқариб фариштадай учиб кетишди”.

* * *

Ҳаттоки қўшнимиз Сулпинисо хола ҳам Хадича исмли келини ҳадеб қиз туғавергани учун ҳомиладор келинини 5-бригадага олиб бориб, уни ликобчанинг устига бир зум ўтирғизиб келишни ният қилибди. Бироқ дала йўлини милиция ходимлари тўсиб олишиб, ўтказишмабди. Ўша ерда бир тўнка бор экан. Хола келинига қараб “Қизим, яхши ният қилиб манави тўнкага ўтира қолинг. Барибир тарелканинг муқаддас нурлари бунгаям тушган-да” дебди ва ўша жойда ўсиб турган тут шохларига ният қилиб латта-путта боғлашибди.

Ўша куни чиндан ҳам Хадичанинг тўсатдан тўлғоғи тутиб қолибди ва қилинган яхши ният ўз кароматини кўрсатганми ёки “тарелка”нинг кўринмас биоқуввати таъсириданми ўғил туғилибди ва исмини Осмонали қўйишибди.

Бироқ Осмоналининг атрофида унинг отаси билан боғлиқ шундай даҳшатли воқеа содир бўлибдики, келинг, яхшиси, бу ҳақда асарнинг трагедия қисмида тўхтай қолайлик. Аъло кайфиятимизни ҳозирча бузмай турайлик, хўпми, китобхон?..

* * *

Қишлоқ гузари доимо сомсахўрлар билан гавжум бўладиган файзли маскан. Сомсапаз Зокир ака ҳам ўзга сайёралик меҳмонларга бағишлаб бир тандир “беш юлдузли” сомса ёпиб бермоқчи. Агар маъқул бўлса Марснинг қизил тупроғидан тандир қурмоқчи. У ерда кундузлари +200 °С иссиқ бўлармиш. Бу дегани тандирни қиздирмайди, ўзи пишаверади...

Албатта, бу ҳазил. Лекин мана шу жойда мен туғилиб, олти ёшлигимгача улғайганман. Кейинчалик қишлоқ гузари қурилиши ва катта йўл ўтиши муносабати билан Юқори маҳаллага кўчирилган эканмиз. Айнан бизнинг уйимиз ўрнида ҳозирги кунда Зокир аканинг сомсахонаси бунёд бўлган. Шуниси ажабланарлики, шу тандир ўрнида уйимизнинг ўчоғида доимо олов ёниб турарди.

Беғубор болалигим мана шу уйда ўтди. Қишнинг аёзларида шу ўчоқ олдида ёзилган пўстак устида ёки сал нарида қурилган сандалга биқиниб неча тунларни хаёл суриб, орзуларга берилиб ўтказганим ҳамон ёдимда.

Шу туфайли мен қишлоғимга қачон борсам сомса ейиш баҳонасида, албатта, шу ерга ташриф буюраман. Ёпилган, бўртиб, қизариб пишган сомсаларни кўриб

завқ оламан. Уларни негадир шу кунга қадар ёзган ва ҳали пишиб улгурмаган қайноқ асарларимга ўхшатгим келади.

...Ана қаранг, қалб кўрида ёпилиб, тобланиб турган бир талай китоблар...Халқимиз тафаккурини тўйинтира-диган, маънавий озуқалар етилиб пишмоқда...

Мен сомсапаз йигитдан сўрадим:

– Тандинрингизга нечта сомса сиғади?

– Саксонга.

– Ҳим-м, демак мен ҳам шунча пишган асар ёзишим керак экан-да.

Йигит ҳайрон бўлиб “Нега?” деб сўради.

– Ҳа энди, бир ниятда, – деб қўйдим мен.

Сўнгра узилган қайноқ сомсани олиб уни иштаҳа билан еяр эканман, ўз-ўзимга “Яхши ният – ярим мол” деганлар. Мен, эҳтимол, саксонтамас, қирқта мана шундай қайноқ-қайноқ, мазали, сермазмун асарлар яратарман. Фақат уни ўқувчиларим “иштаҳа билан” ўқишса бас деб кулиб қўйдим.

Аслида бу ният менинг ҳам инновацион ғояларимдан бири эди.

Олтинчи ҳикоя

“ЮЛДУЗ” ОПЕРАЦИЯСИ

*ёхуд “юлдуз”нинг ошиқ-маъшуқлар томонидан
забт этилиши ҳақида*

**1990 йил 9 май, оқшом. Повулғон. Эшакчи
маҳалласининг бир чети**

Повулғондаги мактабда қизгин таёргарлик кетаётган бир маҳалда полосонлик Анвар аканинг фиғони фалак-ка чиқаётган, Неъмат ака уйида хуррак отиб тинчгина ухлаётган, “Умоч бобо” штаб аъзолари вазиятни чуқур муҳокама қилаётган, жамоа хўжалиги раиси меҳмонлар-

ни қандай қарши олиш ва уларга қандай таом тайёрлаш ҳақида қайғураётган, ҳарбий комиссар билан ижроком раиси даладаги йўл қурилишини тезлатиш, тут қаторларини тартибга келтириб, уларни ҳеч бўлмаганда белигача оқлатиш, йўл бўйини ажриқ ва бошқа бегона ўт, хас-хашаклардан тозалаш чора тадбирларини кўраётган, ДАН ходимлари ўз постларида мудраётган, сигирлар даладан қайтаётган, товуқлар кўноғига кўнаётган, қуёшнинг заррин нурлари сўниб бораётган эди.

Махсус отряд аскарлари ўз ковакларида дала сичқонларини ҳам чўчитмайдиган даражада мушукдай писиб, зийрак ётардилар. Вертолёт учувчилари бўлса кун бўйи бир жойда айланавериб-айланавериб, инига кириб даф бўлишди. Ниҳоят вариллоқ овози ўчди. Сўнгра “Биз ҳам шўттамиз” демоқчидай ёки бўлмаса ўзларини ўзга сайёраликларга кўрсатиб қўймоқчидай бир талай ола қарғалару чумчуқлар ҳам у ёқдан бу ёққа тўдалашиб учиб ўтиб туришарди.

Бу маҳалда дунёнинг алғов-далғов ишларини бепарво ва бефарқ кузатиб Эшакчи маҳалласининг бир четидаги ғўзапоя ғарами ортида собиқ аскар йигит Шодивой сомон чўпак билан тишини ковлаб ўтирарди. Ҳарбий хизматдан қайтгани учун уйда бугун қўй сўйилган, зиёфат қуюқ, ичкилик суюқ бўлганди. Укаси Ходивойдан қўшни маҳалладаги Али бангининг ўртанча қизи Ҳанифани шу ерга айттириб юборган, мабодо қиз унга тегишга розилик билдиргудек бўлса эртагаёқ совчиларини юборишга аҳд қилганди. “Занғар, жа етилгандир”, деб қўйди заҳирадаги аскар ширин энтикиб олиб.

Ниҳоят, у кутган, лаб-лунжини гўё ҳаваскор рассомдек бўяган хилқат махсус тўқиган, “тройной” одекалонга бўктириб олган ялтироқ ҳошияли рўмолчаси билан дўрдоқ лабини тўсган ҳолда, кўзларини жовдиратиб па-

ри-пайкарлар мисоли ярқ этиб пайдо бўлди. Қиз эгнига янги кўйлак, жиякли лозиму камзул кийган эрса-да, оёғидаги пайпоқсиз калиши тезакдор кўринарди. “Исвидания” тўғрисида эшитган қиз ўша маҳалда сугир соғаётганди. Қолган сутни бузоққа тортиқ қилди-да, шошиб бу ёққа қараб чопиб келаверди.

Ахир, ёши ўтиб борапти. Шошилмаса бўлмайди. Бунақа имконият яна қачон бўлади-ю.. “Тўғри, Шодивой дегани ўзи пиянистароқ эди-ю, аскарликда қуюлиб келгандир”, деган ўйга борди қиз.

— ...Ҳа-а?! Менда нима ишингиз бор? — сўради у томдан тараша тушгандай.

— Н-нима бўларди? Сенда ҳалиги, нимаиди, гапим бор-да, — деди йигит ҳаяжон билан довдираб.

— Қанақа гап?

— Ҳалиги бору, нимаиди?..

Қиз зўрға турган бўлса-да, гўё поезддан кеч қолаётгандай атайин ортига ўгирилиб кетмоқчи бўлди.

— Нима?! Тезроқ айтинг. Қанақа одамсиз, ўзи? Бўлмаса кетаман!

— Ҳой, шошма, ҳалиги...

— Нима?

— Ҳанпа... Нима десам экан-а?

— Вой-ей! Ҳа-а, нима дейсиз?! Тезроқ бўлинг, нима гапингиз бор?

— Н-нима, сен, ҳалиги, шошаяпсанми-а?

— Ҳа!

— Нимага?

— Отам уришадилар-де...

Йигит нима деярини билолмай аввало теварак-атрофга аланглади. Учрашувга тайёргарлик кўриб келмаганидан афсус чекди. Сўнгра талмовсираб осмону фалакка боқди. Унинг ишқ билан виж-виж нигоҳи энди

самодаги юлдузларга қадалди. Гўё бу ўткир “нигоҳдан” “ҳуркиб” юлдузлардан бири учди. Ниҳоят важ топгандай бўлди.

— Анувини қара...

— Нима?..Қаерга?

— Юлдузларга-да.

— Ҳо-о!.. Мени ҳали осмонга қаратиб қўйиб, кейин ушлаб олмоқчимисиз?!

— Э, й-йўғ-е...

— Ё бўлмаса, “Ўша юлдузлардан биттасини олиб берман” деб, мени алдамоқчимисиз? Алдаб бўпсиз!

— Нега энди алдарканман, керак бўлса олиб бераверман. Нима кўп, осмонда юлдуз кўп.

— Вой, ануви жиннивойни! Юлдузни олиб бўларканми?

— Бўлади. Ана ҳозир биттаси 5-бригадага тушганмиш-ку.

— Ануви, “тарелка” деганими?

— Ҳа.У ҳам осмондан тушган юлдуз-да, ахир.

Қизнинг кўзлари порлаб кетди ва энди унинг жуссаси бир маромда, хотиржам жилпиллай бошлади.

— Вой, ўша “тарелка” деган юлдузни ҳозир бирам кўргим келаяптики... — деди қиз бош бармоғини оғзига солиб.

— Юр, бўлмаса бирга бориб, кўриб келамиз.

— Вой, аскарлар бор-ку...

— Мен ҳам аскарман. Нима бўпти? Уларнинг ҳаммаси “салабон”. Мен бўлсам “думбул”ман. “Ҳой, салабонлар! Бу қизга юлдузини кўрсатиб юборинглар!” дейман.

— Уларнинг пушқаси бор.

— Мени-ям, иккита газниқобим бор. Хоҳласанг, биттасини сенга совға қиламан.

— Вой, мен уни бошимга ураманми?



– Йўқ, бошингга кийиб оласан. Шунда пашша таламайди. Тезак ҳидиям сезилмайди, – деди йигит қизнинг калишига ишора қилиб.

Қиз хижолат чекиб калишини ғўза боғламига оҳиста артиб олди.

– Хўш, кетдикми? – сўради ошиқ йигит.

– Йўқ. Мен бормайман, – деди қиз нозланиб.

– Унда нима қиламиз?

– Ўзингиз бориб ўшани шу ерга опкеलाқолинг.

Шодивой ишнинг “плюс” томонга ўзгараётганидан қувониб кетди. “Бўш келма, Шодивой!” деди ўзига-ўзи тасалли бериб. Энг муҳими, гаплашишга мавзу топиб олди. Энди бор маҳоратини ишга солиб унинг қўлини сўрайди. “Эҳ, камлик қилди-да. Яна юз грамм бўлганидами бу қизни “гаҳ” деб қўлимга қўндириб олардим”, деди у хаёлан ютоқиб олиб.

– Хўп. Агар ўша юлдузни опкелсам, иннайкейин-чи?.. – деди йигит “яримта қуйиб берасанми?” деб юборишдан ўзини аранг тийиб.

– Нима, кейин?..

– ...Менга тегармидинг?

Қиз уялиб кетди ва ҳаяжондан ўзини ғўзапоя ғарами ортига олди. Йигит қизнинг бу ҳаракатини ризолик аломати деб ҳисобладими, ҳарҳолда кетаётган қизнинг ортидан тантанавор қичқиради:

– Ҳой, Ҳанпа! Уни қаерга опкелай?!

– Катта йўлнинг бўйига!

– Қаерига?

– Лайлак уяли симёғоч бор-ку!..

– Бўлмаса, эртага соат ўнда ўша ерга кел, хўпми!

– Хўп! – деди қиз хўрсанд бўлиб.

– Яхши бор!.. – деди Шодивой ва негадир юраги ҳаприқиб, алланечук бўлиб кетди. “Хайрият, осмондаги насиё юлдуздан ердаги нақдини олиш осон бўлди”, деди у ўзича руҳан таскин топиб.

Содда йигит шу тобда ўзини худди эртақлардаги шахзодалардек ҳис қилар, назарида гўё шоҳ қизи бўлмиш маликаи ҳур рухсори унга шарт қўйгану, фақат шу шартни бажарсагина тегишга рози бўладигандек, бўлмаса, йўқдек туюларди.

Ҳанифа ҳам хурсанд шошиб бораркан, тўсатдан қўйган шартининг қалтис экани ҳақида ўйланиб қолди ва тўхтаб ортига сархуш боқди. “Вой, мен аҳмоқ, нима қилиб қўйдим-а? Шу шартни бекор айтдим-да. Шундоғам тегаверардим-ку. “Юлдуз-пулдуз” деб бошимни қотириб нима қиларди-я. Ундан кўра совчиларини тезроқ юбора-верса бўлмасмиди?” деган ўйларга борди.

Қиз маҳалласи томон яна бир-икки қадам ташлаган бўлди, аммо нохуш хаёлга борди. “Ахир, аскарлар уни отиб қўйишса-чи? Унда нима бўлади?! Вой шўрим, Шодивой ака, тўхтанг!” деди у чўчиб ва ўша ғўзапоя ғарами томон чопди. Бироқ етиб борганида Шодивой аллақачон қоронғилик қўйнига фарқ бўлганди.

Қиз нима қиларини билолмай бир оз довдираб турди. Майин қатиқлаб ювилган хушҳид сочларини еллар пир-пиратди. Сўнгра изтироб ила уйига томон оҳиста қайтди. Юрагида Шодивойга нисбатан пайдо бўлган ўзгача туйғу жўш урди. Илк бор у ўзини муҳаббат қозонида қовурилаётгандек ҳис қилди...

* * *

“Малика”нинг шартини ижро этиш “шаҳзода” учун унчалик қийин кечмади. У ўша тун уйи томон ғолибона шахдам одимлаб бораркан, дўкон олдидан ўтай деганида бир қўлбола ўриндиқда отамлашиб ўтиришган икки улфатга дуч келиб қолди.

Бири ғўза зараркунандаларига қарши дори сепадиган, самолётларнинг ердаги сигналчиси бўлиб ишлайдиган Боймурод ака бўлса, иккинчиси бир умр тракторнинг

“ёғини ялаб” келган ва айнан шу бугун бавосирдан фориғ бўлган Фаффор тракторчи экан.

Сигналчининг велосипеди гувала деворга суяғлиқ турар, унинг ўриндиғига ярми оқ, ярми қизил байроқсимон белги тик қилиб маҳкамлаб қўйилганди. Боймурод ака ғира-шира бўлса-да, аскар йигитни таниб қолди ва химикат дори ифори анқиб турган кучоғини кенг очиб унга пешвоз чиқди:

— Ие-ие, Шодивоймисан?!

Шодивой у билан кўришаркан, уст-бошидан келаётган бадбўй кимёвий ҳиддан афтини буриштирди. Бунинг устига оғзидан гупиллаб вино ва саримсоқпиёз иси анқир, ҳар гапирганда еяётган “Кильки” балиқ консерваси газегининг мўъжаз парчалари оғзидан ҳавога “эркин парвоз” қиларди.

Фаффор тракторчи ҳам аскар йигитни ўзининг қопқора мой босган юмшоқ пахталигига меҳр билан босиб-босиб белини қирсиллатиб қўйди.

— Яхшимисизлар? Омонмисизлар? — дейди Шодивой фикран улардан бир илож қилиб қутулиш чораларини изларкан.

— Бу дейман Шодивой, 5-бригадага юлдуз қаердан тушди десам, бу сенинг шарофатинг билан экан-да-а? — деди Боймурод ака хохлаб кулиб юбориб.

Фаффор тракторчи винони пиёланинг “симидан” қилиб қуяди-да, Шодивойга узатди.

— Э, йўқ. Мен ичмайман.

— Ичасан! Бўлмасам самолётимни сенинг уйингга кўндириб қўяман. Ол ич! — деди сигналчи дўқ қилиб.

— Боймурод тўғри айтяпти. Анави байроғини уйингнинг ёнига ўрнатиб қўйса, қарабсанки, самолёт бошингдан заҳар сочиб ўтади, — дейди Фаффор ака ва худди ўт ололмаётган тракторининг моторидай “қиҳ-қиҳлаб” кулиб юборди.

— Ҳой бола! Бугун шунақа иш бўлдики, ануви осмондан тушганни кўриқлаётган аскарлар ҳам довдираб қолишди. Жанговор позицияларини ҳам ҳатто ташлаб қочишди.

— Ие, қанақа қилиб? — қизиқсиниб сўради Шодивой.

— Аввал манавинингни ич, кейин айтиб бераман.

Йигит чўллаб тургани учунми, беихтиёр винони тагтуги билан сипқорди. Бундан ташқари унга зарурий ахборот тақдим этилмоқда эди.

— Фаффор, бор, дўконга кириб чиқ! — дея буюрди Боймурод ака чўнтагидан пул чиқариб.

Фаффор бўшаган шишани олиб дўкон томон йўналди.

— Боймурод ака, сиз ўша юлдузни кўрдингизми ўзи? — сўради Шодивой.

— Ҳа, бўлмасам-чи? Эни уч қулоч, бўйи бир қулоч. Жа чиройли нарса экан-да ўзиям.

— Қанақа қилиб кўрдингиз?

— 6-бригаданинг пастки ерларида ўз ишимни қилаётувдим. Бир вақт молига ўт ўргани Юсуф пиёда келиб қолди. Кейин “Боймуроджон, хабарингиз борми? 5-бригадага осмондан бир ғалати нарса тушибди. Аскарлар атрофини ўраб олишди”, деб қолди. Мен бу ишга жуда қизиқиб қолганимдан дори сепгани келадиган самолётим ҳам эсимдан чиқибди. Шарт анави велосипедга ўтирдиму физиллаб аскарлар тўсиб олган жойга етиб бордим. Уларга “Ҳой йигитлар, ўша нарсани менгаям бир кўрсатинглар”, деб энди илтимос қилиб турувдим, бир вақт самолётим пасайиб келиб қолса бўладими! Шундоқ муздай заҳарини аскарларнинг устидан сепиб ўтиб кетди-ку, ярамас. Ҳаммалари оғзини тўсиб йўталишларини кўриб ҳайрон бўлиб туравердим. Шу маҳал ҳалиги самолёт яна ортига қайтиб кела бошлади. Аскарлар урра қочишди. Мен ўн метрча беридан ўша юлдузни энди кўриб турувдимки, аскарларнинг коман-

дири “Ҳой! Байроғингизни олиб бу ердан тез даф бўлинг! Йўқса самолёт-памолётингиз билан қўшиб қўшмозор қилиб юбораман!” деб бақриб қолди.

Шодивойнинг кулгиси қистади. Ичилган вино унга ҳам ўз таъсирини ўтказиб, кайфиятини пича кўтарганди. Навбатдаги қултумлар бўлса уни фирт шерюракка айлантирди.

— Боймурод ака, ўша юлдузнинг оғирлиги тахминан қанча бор?

— Олтмиш-етмиш кило чиқса кераг-ов, нима эди?

— Уни қаллиғимга совға қилмоқчийдим, — деди Шодивой даблурустдан.

Боймурод ака аввалига анграйиб қолди, сўнгра шундай хохолаб кулдики, унинг шовқини бутун маҳаллани тутиб кетди. Фаффор ака ҳам ўт олган тракторнинг моторидай унга жўр бўлди.

Боймурод ака билан Шодивой ўриндиқда ўтиришган бўлса, тракторчи уларнинг шундоқ рўпарасидаги тупроқ йўлакка ёнбошлаб қўя қолди. Чунки у ўтира олмас, касалига бугун махсус муолажа олганди. Ўртада эса газета ёзилган...

— Ҳой, сен бола, жиддий гапираяпсанми? — сўради Боймурод ака аскар йигитдан.

— Ҳа, албатта. Бир қиз менга шу шартни қўйди-да.

— Қанақасига? — дея ажабланди Фаффор тракторчи ҳам.

— “Осмондаги насия юлдуздан кўра менга ерга тушиб турган нақдини олиб бераверинг, кейин тегаман сизга,” деди, — дейди Шодивой ўзидан пича қўшиб.

— Оббо, қизи тушмагур-ей, шунақа делими-а? Ким экан ўша-а? — сўради Боймурод ака томоғини маъноли қириб олиб.

— Бунисини айтолмайман, — деди Шодивой ва ўзи беихтиёр шишани олиб учга бўларкан, қўшиб қўйди: —

Хўш, сизлар ўзи тўйимда хизмат қиласизларми, йўқми?

— Албатта! — дейишди улфатлар бараварига.

— Унда сизларга мана шу хизмат бўлади. Менга ёрдам берасизлар.

— Нима?!

— Менга ўша юлдузни ўмаришда ёрдам берасизлар, деяпман.

— Э, йўқ. Ахир бу ғирт жинойт-ку!.. — деди Фаффор тракторчи энди тез бу томонига ёнбошлаб олиб.

— Қанақасига? — сўради Шодивой.

— Нима десам экан? Ахир, бу аскарларнинг, иннайкейин, милиционерларнинг вазифаси-да. Агар биз ўша “тарелка” деган юлдузни ўғирлайдиган бўлсак, бечоралар ишсиз қолишади-ку.

— Ҳой Фаффор, — деди Боймурод ака уни чўрт кесиб, — улар ишсиз қолсаям, маошсиз қолишмайди. Юлдуз бўлса давлатники эмас, у осмонники, билдинг. Демак, бу дегани ҳаммамизники. Биз ўз нарсамизни оламизда, манави йигитга берамиз. У қаллиғига совға қилади. Қизи “мард йигит экан” деб хурсанд бўлади. Қарабсанки, тўй! Бизлар маишат қиламиз. Бунинг нимаси ёмон?

— Тўғри. Шу ишга ёрдам берсанглар, бўкканларингча меҳмон қиламан. Мана, манг, Фаффор ака, яна икки шиша олиб келинг, — дея Шодивой чўнтагидан пул чиқариб ташаббусни ўз қўлига олди.

Боймурод ака буни кутмаганди. Ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди.

— Ҳой бола, сенга ўша нарса керакми ўзи?

— Ҳа-да. Ахир, у осмондан тушган-ку.

— Қовоққа жуда ўхшаб кетаркан лекин.

— Қанақасига? — сўради тракторчи ҳайрон бўлиб.

— Фаффор, сен бошни кўп қотирма, тез бор дўконга. Беркитиб қўйишмасин тағин!

Ғаффор ака шошиб кетди. Боймурод ака у ёқ-бу ёққа қараб олиб Шодивойнинг қулоғига аста шивирлади:

— Билсанг, у ерда ҳеч қанақа юлдуз йўқ. У нарса жуда катта қовоқсимон нарса. Бу воқеани атайин уюштиришган, “ўқув машқи”, холос, тушундингми?

— Э, шунақами? Унда аскарларнинг қуролларидаги ўқ ҳам жанговор эмас экан-да-а?

— Албатта-да. Бу нима дегани?

— Биз учун “Яшил чироқ” дегани.

— Ҳа, балли! Мен сенга, албатта, ёрдам бераман.

— Қандай қилиб?

— Самолётим эртага эрталабки саккиздан учади. Мен унинг йўналишини яна ўша томонга тўғрилайман. Ҳамма аскар яна қочиб қолади. Сен Ғаффор икковинг газниқоб кийиб олиб замбил билан борасанлар-да, ўша нарсени олиб қочасизлар. Кейин мен аскарларга кўз олдимда тарелка қайтиб учиб кетганини ўз кўзим билан кўрганимни айтаман. Қалай?

— Э, зўр! Қойил сизга, Боймурод ака!

Шодивой ва Боймурод ака чин дилдан худди ота-боладай кучоқлашиб кўришишди. Шу маҳал бир жуфт шишани кўтариб Ғаффор ака ҳам келди. Шодивой хурсандлигидан у билан ҳам кучоқлашди.

Шуниси қизиқки, негадир Шодивойнинг “олифта” бурни энди уларнинг бадбўйлигини сираям сезмаётганди...

* * *

Шундай қилиб, эртасига эрталаб туни билан бир талай шиша бўшатишган жойда тузилган режа асосида “юлдуз” операцияси амалга оширилди. Уч улфат тонг-саҳарданоқ захри-маҳриларига биттадан шишадаги винодан “ботирлик учун” беидиш, бегазак қултиллашиб ютиб олиб, юлдузни ҳам бенарвон урадиган ҳолатга келиб олишди.

Кайфи баланд, Боймурод ака соат саккизга яқин сигнал қадалган велосипедини тўппа-тўғри аскарлар қуршови томон мардонавор ҳайдади. Ҳамфикр ҳамроҳи сасиқ самолёт ҳам вариллаб тўғри унинг ортидан эргашди.

— Қочинглар, йигитлар! Бу ўткир захар! Газниқобларингни кийинглар!! — дея бор овозда қичқира бошлади у.

Самолёт ўзининг муздай дорисини сепиб ўтгач, ўзи тезлик билан доимо бўйнида осилтириб юрадиган газниқобни кийиб олди.

Аскарларнинг газниқоби йўқ эди. Улар оғиз-бурунларини беркитиб “занжир”ни тарк этишди. Газниқоб кийган Шодивой билан Ғаффор ака бўлса фурсатдан фойдаланиб, “тарелка”ни улкан замбилга жойлаб, жўнаб қолишди. Уларга кўзи тушган Боймурод ака газниқобни тез ечиб, аскарларга “Қаранглар, учиб кетди! Тарелка учиб кетди! Ўз кўзим билан кўрдим!” дея осмонга қараб атайин қичқира кетди. Аскарлар осмонга қарашди ва кўкда ҳам, ерда ҳам ҳеч вақони кўришмади.

* * *

Фавқулодда юз берган мазкур ҳодиса ҳақида отряд командири сержант Туробов рация орқали зудлик билан штаб бошлиғи Йўлбарсовга хабар берди.

— Нима, учиб кетди?! Қ-қанақасига? Нега учиб кетаркан?

— Билмадим, ўртоқ бошлиқ.

— К-кимдан рухсат...Э, ҳалиги, ахир бу қандай масъулиятсизлик?! — дея қичқирди зобит.

— Кўрмай қолдик. Тўсатдан ғойиб бўлди, ўртоқ бошлиқ! — деди сержант ўзини айбдор ҳис қилиб.

— Санлар қарамагансанлар? Уни чўчитиб юборгансанлар!

— Биз эмас, самолёт чўчитиб юборди?

— Қанақа самолёт?

— Вариллаб келиб устимиздан сассиқ дорисини сепиб ўтиб кетди-да. Эҳтимол, шунга...

— Вой аҳмоғ-ей! Энди ўзга сайёраликлар биз ҳақимизда нима деб ўйлашади?! Ахир, меҳмончиёғ шунақа кутиб оладими?! Уф-ф... Хўп майли, бўлар иш бўпти. Мен ҳозироқ ҳарбий ҳаво кучлари билан боғланаман. Сенлар жойларингда қимирламай ётларинг!

— Ўртоқ подполковник, фақат сиздан илтимос, анави самолёт бошқа устимиздан дори сепмасин. Йигитларимиз чиндан ҳам заҳарланиши мумкин.

— Бўпти. Мен ҳозир учувчини топиб таъзирини бераман. Лекин сенлар чиданглар. Тарелка яна қайтиб тушиши мумкин. Чунки биз йўлларни ўзга сайёраликлар билан учрашувга тайёрлаб, чиройли асфальтлаб қўйдик. Келган пойтахтлик меҳмонларга ўша воқеа жойини кўрсатамиз, қолаверса, сизларнинг устларингдан заҳар сепилса ҳам ватан учун, она сайёра учун доимо ҳушёр, фидойи эканликларингни намойиш қилинглар. Тушунарлими?

— Тушунарли, ўртоқ бошлиқ!

— Бажаринг!..

* * *

...Осмондан тушган жисмнинг ҳе йўқ-бе йўқ, “индамай” учиб кетаверганидан бохабар бўлган нуфузли амалдорлардан иборат штаб аъзолари саросимага тушиб қолишди.

— Ахир, Москвадан, хориждан нозик меҳмонлар Тошкентга етиб кела бошлашди-ку! Халқаро симпозиумга ҳам тайёргарлик кетаяпти! — деди туман ижроқўм раиси афсусланиб.

— Кисилманг, Абдунагтоҳ Содикович, — деди хамиша “қ” ҳарфини “к” қилиб айтишга ўрганган туман раҳбари

Николай Васильевич унга далда бермоқчи бўлиб. — Кайтиб келиб калишар, заправка-маправка килгани кетишгандир-да.

— Қаерга?

— Ну, масалан, ойга, — деди раҳбар кўрсаткич бармоғини осмонга қаратиб.

— Ну и ну, Николай Васильевич, сиз ҳам жа опқочасиз-да.

— Шунча овқат, тайёргарлик кўриб кўйдик, ахир. Энди нима бўлади, Николай Васильевич? — сўраб қолади тўсатдан жамоа хўжалиги раиси Муродил Эшонович гўё айбдордай қўлларини дўмпайган қорни устига кўйиб.

— Нийма килардингиз, акт язиб списать киласиз-да. Эсингизда бўлса жамоа хўжалигининг туясини бир вақтлар шундай “туя килишган” икан.

— Повулфондаги “Туя воқеаси” тўғрисида мен ҳам бир оз эшитгандим. Нима бўлган экан ўзи? — дея хўжалик раиси ижроқум раисига юзланиб сўраб қолди.

Абдупаттоҳ Содиқович салмоқланиб гап бошлади:

— Иккинчи жаҳон уруши даврида оғир қаҳатчилик бўлиб одамлар тугул, ҳатто туялар ҳам оч қолишган экан. Шунинг учун ҳукумат ҳар бир жамоа хўжалиги бригадаларига биттадан туяни мажбуран боқиб беришларини топширган. Яна уларга қатъий рацион-асосида овқат бериш ҳам тавсия этилган. Ўзларига овқат топа олмаётган бечора қишлоқ аҳли туянинг жағи тинмай кавшанаверишини кўриб ғашлари келган ва ундан қандай қутулиш чорасини излай бошлашган. Бригадирлар бўлса моддий жавобгар, масъул шахс ҳисобланган. Шу ердаги ана шундай тadbиркор бригадирлардан бири ҳам туядан қутулиш, ҳам бир йўла бригада аъзоларнинг қорнини яхшилаб тўйдириш чорасини топишган экан.

— Эҳ-ҳа, ана уддабуронлик, — хитоб қилди раис юма-лоқ бошини оҳиста тебратиб. — Қанақа чора экан-а у?

— Хуллас, бригадир мажлис қилиб аъзоларга туяни

ғўза пайкалининг ичига ҳайдаб олиб киришларини буюрибди. У бир йўла қассобни ҳам чақиртириб келган экан. Ишчиларга “Ҳозир пахтанинг ичида қонунбузар туяни сўйиб ҳаммага тарқатамиз. Тушликка тўйиб туя шўрва ичасизлар, сўнгра икки килодан гўшт ҳам берилади. Фақат шу шарт биланки, аввал ҳамманг актга имзо қўясанлар”, дебди ва далолатномани ёзиб имзоларни йиғиб олингач, “Бисмиллоҳ” деб пахта пайкалига берухсат, ноқонуний кириб кетгани учун пайкал ўртасида “ўзбошимча” туяни бўғизлашибди. Сўнгра уни арқонларга боғлаб, пахтазор ичидан аранг судраб ғўзаларга ўзлари озор берган ҳолда олиб чиқишибди.

Далолатноманинг мазмуни тахминан шундай экан:

Повулғон далолатномаси.

Бизларким, тубанда имзо қўйиб тасдиқловчилар, туздик мазкур далолатномани шул ҳақиндаким, ҳукумат томонидан бригадамиз ихтиёрига бириктирулғон 1 (бир) донна букри туя қорни тўқлигидан шўхлик қилиб пахта пайкалига ўзбошимчалик билан берухсат кириб олди. Сўнгра пахта кўчатларини 4 (тўрт) донна туёғи билан эзиб давлатга катта моддий зиён-заҳмат етказди. Биз бригада аъзолари унинг бу ноқонуний хатти-ҳаракатини қатъий қораладик ва қонунларга мувофиқ равишда уни энг олий жазога ҳукм қилишга азму қарор қилдик. Бебош туянинг туёқлари “оқ олтин”имизнинг нозик ниҳолларига бошқа озор бермаслигининг олдини олиш мақсадида ҳукм бевосита воқеа жойида ижро этилди.

Туядан 97 кг 400 гр қора гўшт, 14 кг 330 гр ёғ, 4 (тўрт) донна туёқ ва 1 (бир) донна калла олиниб дала меҳнатчиларга тенг тақсимлаб берилди. (Қайднома илова қилинмоқда;) Олингач 1 (бир) донна лўстак териси “Умоч бобо” зиёратгоҳи супасига тўшаб қўйиш учун хайрия сифатида тақдим этилди, деб имзо қўювчи бригада аъзолари:

Жами 29 имзо”

Даврадагилар хоҳолаб кулиб юборишди, бироқ штаб хонасидан чиқиб келган ДХҚ бошлиғи Октябрь Мэлисовичнинг авзойини кўриб дамлари ичларига тушиб кетди.

— Бас қилинглар! — дея қичқирди у. — Биз бу ерга қанақадир туяни муҳокама қилгани келганимиз йўқ. Жўнанглар ҳаммаларинг!

— Қаёққа?! — деб сўрашга журъат қилди ижроқўм раиси.

— Қаёққа бўларди, келган маконларингга-да. Кечки пайт яна шу ерда тўпланиб вазиятни муҳокама қиламиз. Лекин айтиб қўяй, бўлиб ўтган иш ҳақида ҳеч кимга овоза қилинмасин! Гап ташқарига чиқмасин. Бу давлат сири ҳисобланади, тушунарлими?

— Тушунарли! — дейишди раҳбарлар.

Даврадаги амалдорлар дув этиб ўз машиналарига жойлашишди. Николай Васильевич ҳам илиб қўйган, лекин негадир замбилдай туюлган шляпасини шошиб олиб бошига оҳиста қўндирди. Бироқ шу маҳал бир хижолатпазлик содир бўлди. ДХҚ ходими Октябрь Мэлисовичнинг шляпаси кўз олдиларида бирдан ғойиб бўлиб қолди. Ҳамма питирлаб нозик амалдорнинг мўъжаз чучвара шляпасини излай кетди. Туман раҳбари Николай Васильевич нозик бошлиқнинг бош кийимини сўри ва стол-стуллар тагидан шахсан ўзи қидириб чиқди. Ходим эса қовун қоқи қовоғини хиёл кўтариб “Бу қанақа жой ўзи, тартиб-интизом йўқ” дегандай тепакалини силаб-сийпаб норози қараб тураверди.

— Тавба, — деди у таажжубланиб, — бир “тарелка” йўқолса, бир шляпа йўқолса, нима деган гап-а? Бу қанақа ташкилот ўзи?

— Кисилманг, ўртак башлик, шляпангизни албатта топамиз, — юпатди Николай Васильевич бошидаги ўз шляпасини яхшилаб тўғрилаб оларкан.

— Қачон топасизлар? Ҳалиги туянинг думи ерга текканидами ёки сиз қачонки “Қ” ҳарфини ўрганиб олганингиздами? — сўради ходим жиддий ва машинасига асабий ўтирди-да, жўнаб қолди.

— Оббо, яхши иш бўлмади-да, — деб қўйди туман раҳбари ва ҳайдовчиси Файрат акага “Ҳайданг!” дея буюрди.

— Сиқилманг, Николай Васильевич, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, — деб қўйди ҳайдовчи Файрат ака ҳам хўжайинининг кўнглини кўтариб.

Еттинчи ҳикоя ЙЎТАЛИШИ ЎЗБЕКЧА

ёхуд Повулғон қишлоғининг асл ўтмишига бир назар

1990 йил 10 май. Вақти хотирамда йўқ.

Эсладим. Мен айна ўша йиллари, яъни “Повулғон воқеаси” содир бўлган даврда Олтиариқ босмаҳонасининг директори бўлиб ишлардим. Лекин қишлоқда содир бўлаётган ишлардан мутлақо беҳабар эдим. Чунки кўшни Қапчуғай қишлоғидаги кўпқаватли уйлардан бирида истиқомат қилардим.

Ўша кунлари бир фаол одамнинг юбилейи нишонланиши керак бўлиб, Николай Васильевич шахсан менга ўша юбилей учун махсус табрик папкаси тайёрлаб беришни илтимос қилганди. Мен уни беками кўст тайёрлаб қўйгач, тушликка чиқиб, йўл бўйида ўтган-кетгани томоша қилиб тургандим. Бир пайт раҳбарнинг қора “ГАЗ-24” машинасига кўзим тушди. Ҳойнаҳой, у киши мени кўриб тўхтади ва анави буюртмасини олиб кетса керак, деган илинжда туравердим. Николай Васильевич мени кўрди. Машина олдимдан ўтиб кетди-да, анча нарига бориб тўхтади. Ҳайдовчи Файрат ака тез тушди-да, хўжайин ўтирган орқа эшикни илтифоту чаққонлик билан очди. Мен ҳам раҳбарга пешвоз чиқиш ва у билан қўл бериб салом-алик қилиш мақсадида тез етиб бордим.

Бироқ Николай Васильевич менга эътибор ҳам бермай, негадир Файрат ака билан кўл бериб қуюқ сўраша кетди. Улар нима ҳақидадир анчагина тортишиб туришди. Сўнгра раҳбар негадир машинага қайтиб ўтирди. Эшик ёпилди. Машина бир оз юрди-да, яна тўхтади. Энди машинанинг орқа эшиги очилиб раҳбарнинг шляпали паришон боши кўринди.

— Узр, Набижон. Ҳозир бир танишимни учратиб кўлдудим. У билан гаплашиб қолиб сиз ёдимдан бутунлай кўтарилибсиз.

— Қанақа танишингиз? — сўрадим мен ниҳоят чопиб бориб кўл бериб сўрашар эканман.

— Ҳа, энди бир якин таниш. Исми эсимда юк.

— Ҳозир сиз билан сўрашган кишими?

— Албатта.

— Ахир, у ҳайдовчингиз Файрат ака эди-ку. Ана у, ўз жойида ўтирибди, — дедим ҳайдовчини кўрсатиб.

Файрат ака қолиб юборди. Раҳбар унга бир оз ҳайрон бўлиб тикилди.

— Ие, оркангиздан бошқача кўринаркансиз, Файратжон, — деди раҳбар чиндан ҳам таажжубланиб.

— Набижон ака, айбга буюрмайсиз-да, биз ҳозир сизнинг қишлоғингиздан келаяпмиз. Бир кичик муаммо бўлувди. Шунга сал хўжайиннинг хаёли паришонроқ.

— Николай Васильевич, қўйинг, сиқилманг. Мен айтган топшириғингизни бажариб қўювдим. Ҳозир ўзим уни хонангизга олиб кириб бераман.

— Э, раҳмат. Зўр кадрсиз-да, Набижон, — деди раҳбар қўлимни сиқиб.

— Повулғонлик-да, — деб қўшиб қўйди Файрат ака ғурур билан.

— Э, шунаками?!

— Повулғоннинг сувидан ичибсизлар-да-а? — дедим мен ҳам қолиб.

— Бир нозик одам билан чой ичувдик. Шляпаси йўкалиб калди. Ўзингиз бир суриштириб кўринг, хўпми?

— Хўп бўлади, — дедим итоат билан.

* * *

Мен ҳукумат идорасига кирганимда раҳбар столининг устида бир эмас, икки шляпа тургани эътиборимни тортди. Раҳбарнинг чехраси очиқ эди. Кейин билсам воқеа бундай бўлган экан:

“Умоч бобо” зиёратгоҳига келган Октябрь Мэлисович шляпасини ҳурмат юзасидан илгичга биринчи бўлиб илибди. Сўнгра туман раҳбари Николай Васильевич ва бошқалар бирин-кетин устма-уст илибдилар. Бироқ ишлар битиб, ҳаммалари қайтмоқчи бўлганларида нозик идора ходимининг шляпаси кутилмаганда ғойиб бўлибди. Бу нохуш вазиятга тушиб қайтган Николай Васильевични ўша куни мен йўл бўйида учратиб қолибман. Лекин “Повулғон сувини ичган”и сабаб паришонхотирлик туфайли бегона одам деб ўйлаб ўз ҳайдовчиси Файрат акага “дуч келиб” йўқолган шляпа ҳақида кўйиб-пишиб дардини изҳор қилибди. Сўнгра эса хонасига асабий кириб бориб ўз бошидаги шляпасини илгич томон итқитибди. Бироқ не ҳолки, ҳавода парвоз қилган бир шляпа иккига ажралиб илгакларга иккита шляпа моҳирона илиниб қолибди. Бу билан ДХҚ ходимининг шляпаси устига туман раҳбари ўз шляпасини кўндириб кўйгани ва у ҳар иккала шляпани шахсан ўзи устма-уст кийиб олгани маълум бўлибди.

Мен юбилей буюртмасини столга кўйиб, ўриндиққа ўтирдим, раҳбар аллақаяёққа кўнғироқ қилаётганди.

— Алло, Октябрь Мэлисович, узр, шляпангиз топилди! — деди у хурсанд бўлиб.

— Қаерда экан? — деган овоз келди гўшакдан.

— Хонамда.

— Қанақасига?

— Мана шундок, илиғлик турибди-ку.

— Мен, ахир бугун умуман хонангиз тугул, туман марказига ҳам бормадим-ку!

— Лекин менинг бошим Повулғонга бориб сизнинг бошингиз билан учрашди-ку!

Орага бир оз жимлик чўкди. Ниҳоят гапнинг моҳиятини англаган ходим ҳузур қилиб кула бошлади шекили, “Хўп, кечки пайт ўзим олиб бораман”, деди раҳбар ва гўшакни қўйиб менга томон юзланди...

— Раҳмат сизга, Набижон. Аввало ҳақиқий Повулғонлик бўлганингиз учун раҳмат!

Омонат шляпанинг топилгани учун Николай Васильевичнинг кайфияти аъло эди. У мени ўзбекона эҳтиром билан қарши олиб, бир пиёла чой ҳам қуйиб узатди. Айниқса, айтган топшириғини кўнгилдагидек бажариб берганим учун мендан беҳад миннатдор бўлди.

— Зўр кадрсиз-да, Набижон! Ўзи повулғонликларда қандайдир бошқачарок иқтидор бўладими, дейман-да. Чойдан ичинг.

— Бу чой мабодо Повулғоннинг сувидан эмасми? — сўрадим атайин шляпага бир бор нигоҳ ташлаб олиб.

— Ҳа, кстати, Повулғонда бутун туман аҳолиси учун етарли бўлган тоза ичимлик захира суви бор экан. Биз яқин келажакда шу сув билан бутун Олтиарикни таъминлашни лойиҳалаштирмакдамиз.

— Эҳ-ҳе, демак, янги-янги ҳангомалар энди биргина бизнинг қишлоқдан эмас, бутун бошли Олтиарикдан чиқар экан-да-а?

— Нима, ҳангомалар кўпайишига Повулғоннинг суви сабаб, демоқчимисиз?

— Ҳа-да, — дедим мен жиддий. — Чунки бунинг тарихини чуқур ўрганганман.

Набижон ҲОШИМОВ

— Хўш-хўш?..— деди раҳбар ва чойнакни кўтариб, рў-парамга беихтиёр ўтириб олди.

Кутилмаган гапим уни қизиқтириб қўйгани шундоқ юз кўзидан сезилиб турарди.

— Нима, хабарингиз йўқмиди?

— Юк. Илтимос, айтиб беринг. Кейин мен ҳам Повулғон ҳақида сизга бир кизик тарихий воқиани айтиб бераман.

— Қанақа? Эҳтимол, эшитгандирман.

— Шахсан Иосиф Сталиннинг Повулғон билан кизиқиб калгани ва уни Совет Иттифоқи харитасига киритиб қўйгани ҳақида-да.

Мен учун бу гап янгилик эди. Тўғри, 1928 йилларда Тусмат бобо колхозчиларнинг Бутуниттифоқ I Курултойида қатнашиб келганидан сўнг “қовун тушургани”ни эшитгандим. Лекин ана ўша Тусмат бобони шахсан Сталин қабул қилганидан ва шундан сўнг қишлоғимизнинг номини давлат харитасига киритиш ҳақида буйруқ берилганидан мутлақо беҳабар эканман. Шу туфайли туман раҳбаридан бу ҳақда аввал ўзи сўзлаб беришини илтимос қилдим.

Воқеа шундай бўлган экан:

— 1925 йилларда Повулғон қишлоғида Каганович номли жамоа хўжалиги бунёдга келади ва унга оддий деҳқон — бодрингфуруш Тусмат ака раис этиб тайинланади. У хўжалик аъзоларига жамоа хўжалигининг 15 гектар ерини хўкиз омочида ҳайдатиб, сўнгра бодринг жўягига ўхшатиб кетмонда ариқлар очтиради ва уларга қўл билан пахта чигити эктиради.

Аъзолар бодринг кўчатини қандай парвариш қилинадиган бўлса, ғўзаларга ҳам бутун диққат-эътиборларини қаратиб, уларни меҳр билан “па-па”лашади. Натижада ўша йили пахта ҳосилидан ҳатто Шўро Иттифоқида би-

ринчи бўлиб йиллик режаларнинг бажарилишига, қолаверса, ўша давр учун энг юқори хосил олинишига эришишади. Шу туфайли ҳам Тусмат акани колхозчиларнинг Бутуниттифоқ I Курултойига вакил этиб сайлайдилар ва у кишини Ўзбекистоннинг энг фахрли фуқароси, “хосил карвони”нинг бошчиси сифатида Москвага савфарбар қиладилар.

Иосиф Виссарионович Сталин Курултойга келган ўн беш республиканинг ҳар бир вакилини алоҳида-алоҳида қабул қилибди. Албатта, Тусмат ака ҳам унинг ҳузурига ҳайрат ила кириб борибди. Ҳали Тошкент тугул, Фарғона шаҳрига ҳам бормаган оддий дехқон учун Кремль саройи ҳақиқатан ҳам бир ажойибхонадек туюлибди. Оддий кетмончидан чиққан раис рус тилининг “р” ҳарфини ҳам тушунмаганлиги учун унга тилмоч ҳамроҳлик қилибди.

Сталин унинг кетмондан қадоқ бўлган кўлларини маҳкам сиқиб, тамакили трубкасидан ҳузур қилиб чекиб оларкан, “Хуш келибсиз! Хўш...Ўзбекистоннинг қаеридансиз?”— деб сўрабди. Тилмочнинг таржимасидан сўнг раис “Повулғонликман” деб дангал жавоб берибди.

— Повульган?...— дебди Сталин ўйчан.

У трубкасини яна бир тортиб оларкан, мамлакатда бундай жой борлигини ҳеч эслай олмабди ва мамлакат харитаси ёнига келиб, Тошкент, Самарқанд шаҳарларини излаб топибди. Сўнгра қалин қошларини хиёл кўтариб трубкасидаги тамакидан бир тортиб олиб, ўша ерда ҳозир нозир турган котибига савол назари билан нигоҳ ташлабди.

— Повульган...Им-м, Лаврентий Павлович, а почему-то этот стратегическо-важное на карте не оказывается?..

— М-может, картографы пропустили... — дебди котиб шоша-пиша.

— А, почему?.. А ну-ка немедленно соедините меня с министром, который создал эту карту.

— Будет сделано, товарищ Сталин! — деди котиб хитоб билан.

Давлат бошлиғи Ўзбекистон вакили билан то ўз мулоҳазаларини ўртоқлашгунларига қадар харита бўйича жавобгар вазир билан ҳам телефон орқали боғланибди.

— Я не понимаю, дорогой... — дебди Сталин салмоқланиб трубкасидан яна чекиб оларкан. — Вот вы мне объясните... Почему выполняет план на первом месте по Советскому Союзу по заготовки хлопка-сырца, а на карте не оказывается? Вот есть Ташкент, Самарканд, а Павульгана нет?..

— Будет сделано, товарищ Иосиф Виссарионович! — деган вазирнинг жаранглаган овози эшитилибди.

— Чтоб, немедленно... — дебди у ва гўшакни қўйиб Тусмат акага хиёл кулиб қарабди.

Шундан сўнг “Ташкент” ёнида “Фергана” ёки “Алтыарык” эмас, балки “Повульган” деган аҳоли гўшаси қайд қилинган харита чоп этила бошланибди ва ундан то 1940 йилга қадар амалда қўлланиб келинган экан.

Тусмат ака Кремлда бўлганидан сўнг эл қатори Қурултой мажлисида ҳам иштирок этибди. Сўнгра шериклари билан бозор айланиб уйига бир-икки қоп совға-салом ҳам харид қилибди.

Уни Марғилон шоҳбекатида карнай-сурнай, тантана билан кутиб олибдилар. Ўша куни Фарғона вилоят ижрокўмида Сталин билан шахсан қўл бериб, учрашиб Қурултойда иштирок этиб қайтган “ўзбек қаҳрамони” дан таассуротлари билан ўртоқлашиш мақсадида вилоят фаолларининг Кенгаши ўтказилиб, Тусмат акани поезд шоҳбекатидан тўғри шу ерга олиб келишибди.

Кенгаш қарсаклар уммонида Тусмат акани минбарга чиқариб қўйишибди. Албатта, унинг номига ҳамду

санолар айтилиб, маърузалар қилинибди. Сўнгра яна гулдурос қарсақлар остида фарғоналиклар фаҳри бўлмиш Тусмат акага сўз берибдилар. Аммо тугаб қолган нос хумор қилибми, “қаҳрамон” нима деярини билолмай томоғини қириб, иккиланиб тураверибди.

— Ҳеч тортинмай бемалол гапираверинг, — дебди вилоят раҳбари унга далда бўлиб, — Сталин билан қандай мулоқотда бўлдингиз? Қурултойда қанақа гаплар бўлди? Марҳамат, бир бошидан сўзлайверинг. Сизни жон қулоғимиз билан эшитамиз.

Тусмат ака бир пайт томоғини қириб, оҳиста йўталиб ҳам олибди. Залда яна гулдурос қарсақлар янграбди. Йиғилганлар унинг чеҳрасига умид-ишонч, ҳавас ва ўзгача иштиёқ билан боқибдилар.

— Бордим... — дебди ниҳоят Тусмат ака тилга кириб. — Сталин дегани бир басавлат, мўйловли, жа гаплашадиган бамаъни одам экан. Гаплашдик... Ёнимда бир ориқ, қорачадан келган тилмоч йигит бўлди. У асли тошкентлик, яхши йигит экан. Отаси катта “начальник” миш. Бир вақт пошшо мендан “Қаерликсиз?!” деб сўраб қолди. Мен “Повулғонликман!” дедим. Кейин ва иннайкейин...

Залдагилар севиниб иштиёқ билан узоқ ва давомли, гулдурос қарсақ чалишибди. Тусмат ака довдираб яна гапини йўқотиб қўйибди. Раҳбар графинни қалам билан чертиб “Бас!” ищорасини қилгачгина қарсақ оҳиста тинибди.

— Яхши. Қурултойда қандай гаплар бўлди ўзи? У киши нималар деди? Шулардан гапиринг!

— Пошшонинг олдига кириб чиққанимдан кейин, мундоқ қарасам, бир вақт ёнимда “ака-ака” деб юрган ҳалиги тилмоч йигит йўқ... Бозорга бориб мен хотинимга олган рўмолдан олмоқчи бўлган бўлса керак-да. Кейин ўша ердаям мана шунақанги, йўғ-е, бундан ҳам чиройли, сип-силлиқ қиммат тахта тўсиқ бор экан, —

дебди раис трибунани бир-икки бор уриб кўйиб, унинг у ёқ-буёғини қараб оларкан. — Шу тахтанинг орқасига ўтволиб уч-тўртгаси ҳадеб бир балоларни жаврайверишди-жаврайверишди. Ўлай агар, ҳеч нимани тушунмадим. Аммо уларни қарсагиям, иннайкейин, йўталишлариям худди ўзимизникидақа, ўзбекча экан...

Шундай дея у дабдурустдан трибунадан қайтиб тушибди.

Залда яна гулдирос давомли қарсақлар чалинибди.

— Ҳой, сиз қаёққа?! — дея хитоб қилибди вилоят раҳбари.

— Узр, пахтага сув очишим керак эди. Мен кетганимдан кейин бечоралар тоза чанқаб қолишгандир. Сизлар бемалол-а... — дебди Тусмат ака ва залдан чиқиб кета бошлабди.

Раҳбар бу ғалати вазиятдан чиқиш учун тўсатдан хитоб қилибди:

— Ана кўрдиларингми?! Ҳақиқий деҳқон мана шундай бўлиши керак! У ўзини эмас, пахтасини деб жон куйдираяпти. У ҳақиқий қаҳрамон!

Залда яна кучли гулдирос қарсақлар, хитоблар янграбди. Ҳамма ўрнидан туриб Тусмат аканинг шаънига ҳамду санолар айтиб кузатиб қолишибди.

Тусмат ака зални тарк этаркан, ортидан “Яшасин деҳқон!” “Яшасин!..” деган хитоблар янграбди. “Тавба, жинни-пинними булар? Ё қиладиган ишлари йўқми? Қарсақ чалишни намунча яхши кўришмаса!” дебди раис ортига ҳайрон қараб олиб.

* * *

Мен ҳам Николай Васильевичга Повулғон суви ҳақидаги мулоҳазаларимни ўз билганимча гапириб бердим. Раҳбар буларни эшитиб танг қолди.

— Николай Васильевич, сиз “Умоч бобо”га тез-тез

бориб, у ердан чой-пой ичиб турибсизми ўзи ?— деб сўрадим дабдурустдан.

— Ҳа. Биз у ерда тез-тез фаоллар йиғилишлари, турли ўқув семинарлари ўтказиб турамиз. Чой кчамиз, албатта. Нима эди?

— Тушунарли, — дедим мен сирли кулиб.

— Н-нимаси тушунарли?..

— Биласиз, у ердаги сув сиз ўйлаганчалик истеъмолга яроқли эмас. Масалан, у сув одамни паришонхотир қилиб қўяди, дейишади. Эҳтимол, одамни кулгига ҳам мойил қилар. Тагин билмадим...

— Сабаб?

— У ерда икки булоқ бўлган. Яъни қўшбулоқ. Қишлоқнинг номи ҳам илгари Повулғон эмас, балки “Ширин булоқ”, “Шакар қишлоқ”, “Дониш қишлоқ” деб аталган экан. Марказий Осиё бўйича минерал булоқларнинг таркиби билан шуғулланиб, уларни тадқиқ қилган Кушельевский деган гидрогеолог олим томонидан биринчи булоқ истеъмолга мутлақо яроқсиз деб топилган экан. Пастроғидан чиқадиган иккинчи булоқни бўлса истеъмолга яроқли, тоза ширин сув деб хулоса қилган. Ўтмишда ҳар иккала булоқ суви кўшилиб қишлоқ ичидан бир ариқ бўлиб оққан ва ундан аجدодларимиз бир умр истеъмол қилиб келишган экан. Шу сув сабаб-лими, қишлоқликларни овсарроқ, паришонхотир деб келишган. Ҳатто бошқа қишлоқлар билан куда-андачилик ҳам бўлмаган экан.

Раҳбар ўрнидан беихтиёр туриб кетди ва туман харитасининг ёнига борди.

— Тўхтанг, ахир у ерда ҳозир биз захира деб ҳисоблаётган оғзи япик бир булак бор, халос-ку!.. Кейин кишлак аҳолисини Олтиарикнинг биринчи ариғидан сув ичиб келишган дейишади.

— Тўғри. Бу кейинроқ, 1920-йилларда содир бўл-

ди. Яъни олим Кушелъевскийнинг хулосасидан кейин қишлоқ аҳолиси ҳашар уюштириб, биринчи булоқнинг оғзини қирқ қулоқли қозон ва кигизлар билан тўсиб, кўмиб ташлашибди. Шундан сўнг “Мана энди қишлоқ номи покланди”, “пок бўлди”, деб унинг номини “Пок бўлгон” деб атай бошлашган. Лекин маҳаллий халқ лаҳжасида “Пок бўлгон” сўзи бузилиб кейинчалик Повулгон бўлиб кетган бўлса ажабмас. Олтиариқнинг биринчи ариғи масаласига келсак, ўша булоқларнинг ҳар иккаласи ҳам ҳозирда маҳкамлаб қўйилгани муносабати билан Шоҳимардонсой сувини олиб келиш учун ариқ қазилган. Сиз айтган захира суви бу иккинчи булоқникидир. Лекин кўмиб ташланган биринчи булоқнинг суви унга томон сизиб ўтмайди ёки бошқа жойдан чиқиб кетмайди, деб ким кафолат беради?

— Тўғри, — деди раҳбар ўйчан. — Лекин ўша сув нима учун истеъмолга яраксиз?

— Сабаби — нефть. У булоқ сувлари нефть тепасидаги сувлардан бўлса керак. Унинг таркибида эса сероводород бор. Ана адирларимизнинг нариги тарафидаги “Чимён” санаториясини олайлик. У ердаги сувни ичиб бўлмайди. Лекин бемалол чўмилиб даволанса бўлади.

— Молодец! Каллангиз зўр ишлар экан.

— Бунинг сабаби бор.

— Қанақа сабаб?

— Ўша сув... У ҳозирги кунда менинг уйимдан, қудуғимдан ҳам чиқаяпти.

— Й-йўғ-е! — дея хитоб қилди раҳбар.

Николай Васильевичнинг асли касби нефтчи бўлгани учунми, бу масалага қизиқиб қолиши табиий эди.

— Ҳа, қишлоқдан янги участка олгандим, — дедим мен воқеани батафсил тушунтиришга уриниб. — Иморат қуриб кўчиб келмоқчи бўлдим. Ишни қудуқ қазишдан бошладим. Лекин қудуқ суви жуда бошқача

чиқиб қолди. Ранги кўкимтир, тиниқ... Бир боринг, чой дамлаб бераман.

Раҳбар ҳайрон бўлиб бир дақиқа менга тикилиб қолди-да, ниҳоят тилга кирди.

– Кизик... Бу жудда кизик. Ҳа, айтмакчи. Эҳтимол, унга анави ўзга сайёраликлар билан мулоқот бўлиб қолгудек бўлса, чойни уларга ўша сувдан дамласак бўларкан. Нима дедингиз?

– Яхши бўларди. Бир нималари албатта ёдларидан чиқиб қолиб яна тез-тез қайтиб тушиб туришармиди...

Раҳбар мириқиб кулиб олди.

– Сизга мана шу сув билан боғлиқ бир воқеани айтиб берайинми, Николай Васильевич? – дедим мен.

– Хўш-хўш?

– Ўша булоқлар чиқиб турган даврда бир тўда аёллар дастурхонларини бошларига қўйиб тўйга кетишаётган экан. Шунда булоқ сувидан ичгилари келиб қолибди. Кейин сувдан тўйгунларича ичиб лақиллашиб тўй тугунларини булоқ бўйида унутиб тўйга кириб боришган экан. Бошқа бир тўда аёллар бўлса сувдан қониб ичиб олгач, биз тўйдан қайтиб келаяпмиз шекилли, деб ўйлаб тугунларини олиб яна ўз уйларига қайтиб кетаверишибди. Кейин дастурхонларини очиб қарашса, ўзлари қўйган нарсалармиш. “Ҳе тўй қилмай, қурумсоқ бўлмай ўлгур, ўзим қўйган буюмимни яна ўзимга қайтариб қўйибди-я” дейишган экан.

– Ҳа айтмоқчи, Набижон. “Повулғонликлар билан башка кишлоқлар куда-андачилик қилмай кўюшган” дегандек бўлдингиз. Ана кечаги куни мен Кигконга бир тўйга бордим. Келинни Повулғондан олдик дейишди-ку?

– Тўғри, – дедим мен раҳматли онам Ҳафиза Иброҳим қизи айтиб берган баъзи тафсилотларни ёдимга олиб, – ўттизинчи йиллардан кейингина бошқа қишлоқларга қиз бериб, қиз олиш бошланган.

– Қизиқ, биринчи бўлиб ким қизини берган экан-а?

– Олтиариқлик Иброҳим бобом-да.

– Ким?

– Онаминг отаси.

– Э, шунаками? Ҳали иккинчи бобонгиз марказдан бўладими?

– Ҳа. Ҳозирги автобус шоҳбекати орқасида илгари катта ўрикзор бўларди. Менинг болалигим, таътил кунларим, баъзан шу ерда ҳам ўтарди. Бобомнинг қандолатчилик цехи бўлган. Шунинг учун у кишини Иброҳим баққол дейишаркан. Кейинчалик бу цех катта тоғам Абдурахмон баққолга қолган. Бозор ичида унинг катта қандолатчилик дўкони ҳам бўларди.

– Эҳ-ҳе, шунинг учун тадбиркорлик қонингизда бор экан-да-а?

– Болалигимда цехда ҳам ишлардим. Тоғам хизмат ҳақи берарди. Мен бу пулларга китоб сотиб олардим. Ширинлик бўлса текин эди.

– Шунақа денг. Оббо сиз-ей. Унда айтинг-чи, нима учун Иброҳим бобо қизини кўрқмай Повулғонга берди?

– Ўттизинчи йиллари бобом туман фаолларидан бири бўлган. Повулғонда шўро ҳукуматини тузиб бошқариш қийин кечган. Айтишларича, бобом бир муддат ижроқўм раиси ҳам бўлган эканлар. Менимча, қишлоқ билан ҳукумат ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш мақсадида ўзлари ташаббус кўрсатган бўлсалар керак-да. Чунки қадимги замонлардаям ўзаро барқарорлик, тотувликни сақлаш учун подшолар қуда-анда бўлишган-ку.

– Повулғонлик бобонгиз-чи? У киши қандай мавкега эга бўлган?

– У киши, яъни Ҳошим бобо катта домла, қишлоқ зиёлиси, масжид имом хатиби бўлган эканлар. Айтишларича, шеър ҳам ёзиб турарканлар.

– Эҳ-ҳе, демак, бу томондан сизга ижодкорлик, илмга хавас ўтган экан-да. Яхши...

Николай Васильевич Федотов мен билан яқинроқ танишганидан хурсанд бўлиб ўрнидан турди. Аммо шу маҳал тўсатдан онам айтиб берган бир воқеа ёдимга тушиб қолди.

— Лекин повулфонликлар онамнинг тўйидаям қовун туширишган экан.

— Йўғ-е! — деб юборди биринчи раҳбар ажабланиб.

— Нима бўлган экан?

Ноилож, ҳаммасини бир бошидан гапириб беришга тўғри келди.

Саккизинчи ҳикоя ПОВУЛФОНЧА “ЁР-ЁР”

ёхуд унутиб қолдирилган келин

Қува. Хонобод қишлоғи. 1974 йил. Сентябрь ойи

Талабалик. Биринчи курсда ўқирдим. Фарғона Политехника институти пахта теримига ёрдамлашиш учун ҳар йили талабаларни Қува туманига йўллаши анъанага айланиб қолганди. Ўн кун ўқимаёқ пахта теримига сафарбар қилиндик ва то декабрь ойига қадар Қува тумани далаларидан чиқмадик.

Ўша вақтда мен шеър ёзишга ҳавасманд эдим. Романтик ҳаёлот мен билан ошно эди. Эҳтимол, шу туфайлими қандай қилиб пахтани ҳаммадан кўп териш кўйганимни билолмай қолардим. Мени “тўрт қаторли машина” деб ҳам аташарди. Жуссам кичик бўлгани учун пахтани теришга эмас, балки уни даладан кўтариб олиб чиқишга қийналардим. Курсдошларим устимдан кулишарди. Улар Муҳтарам, Малика исмли теримчи қизларга пайкалдан пахтани олиб чиқишга ёрдам беришарди. Аммо менга “Озроқ теринг-да, баттар бўлинг” деб танбеҳ беришарди.

Шундай қилиб кунлардан бир куни белим майишиб қолди. Белимда қаттиқ оғриқ пайдо бўлиб ётиб қолдим. Тунда “тез ёрдам” чақиришди. Мени шу ерга энг яқин

бўлган Хонабод қишлоғи шифохонасига замбилда машинага солиб олиб кетишди. Шифокор кўриб “Белида чурра ҳосил бўлибди. Эртага вилоят касалхонасига жўнатиб юбориш керак. У ерда операция қилишади”, деди.

Мен қимир этмай ётардим. Палата каттагина — олти кишилик, ёнимда бир нуроний отахон бор экан. У менга жуда ачиниб, бир гали бошимни кўтариб чой ичириб қўйди. У операция тўғрисида эшитиб “Астаффируллоҳ, шундай ёш йигит-а, тавба”, деди ва мени тинчлантиришга ҳаракат қилди. “Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Тузалиб кетасиз, ўғлим, бардам бўлинг” дерди у ва баъзан деразадан ташқарига қараб-қараб қўярди. Менга тинчлантирувчи ва уйқи дорилар беришди, шекилли, узоқ ухладим. Уйғонгач, ҳамшира бошимни кўтариб овқат едириб қўйди. Отахон баттар ачиниб сўради:

— Бу дейман, ўғлим, уйингиздагиларнинг хабари борми?

— Йўқ, — дедим мен.

— Қаерликсиз ўзи?

— Олтиариқлик.

— Нима?! — дея ҳаяжон билан сўради мўйсафид. — Ростдан-а?!

— Ҳа, — дедим мен инқиллаб базўр.

Ҳозирда чолнинг сўроқ-саволлари қулоғимга сира ҳам ёқмаётганди. Лекин...

— Олтиариқнинг қаеридансиз?

— Повулғонидан.

— Воҳ! Ростдан-а?! — деб юборди чол янада эҳтирос билан ва ўрнидан туриб ўтирди.

— Нима, у ерни биласизми? — сўрадим аранг.

— Ҳа. Мен ҳам асли олтиариқликман-да. Эллигинчи йилларда бу ерга ичкуёв бўлиб келиб қолганман. Сиз ўзингиз бу ерга қандай келиб қолдингиз, ўғлим?

— Мен талабаман. Пахта тергани келганмиз. Фарғонада ўқийман, — дедим мен оғриқдан афтимни буриштириб.

Вилоятнинг узоқ бир четидаги қишлоқда ўз ҳамюртимни топиб олганимдан ич-ичимдан мамнун бўлдим. Аммо мўйсафидга бу ердан эртаси жавоб бўлишини эшитиб афсусландим.

Мўйсафид ўзининг ёшликдаги ҳаётини гапириб берди. У ўттизинчи йиллари Олтиариқда миршаббоши бўлган экан. Доим отлиқ юраркан. Ёнида наган тўппончаси ҳам бўлармиш. У сўзларкан, онамнинг Повулғонга келин бўлиб тушган тўйи куни ҳақидаги ҳикояси ёдимга келди. Мўйсафид ҳам онам айтиб бераётган воқеани айнан такрорламоқда эди.

— Мен ўшанда туман миршаббошиси эдим. Илгари Повулғонга ҳеч ким қиз бермасди. Ижроқўм раиси биринчи бўлиб қизини Ҳошим аканинг ўғлига узатди. Раис мени чақириб “Бу тўй бошқачароқ тўй, биласиз-а?”, деди. Мен у кишини тушуниб “Ҳа, хушёр бўламиз”, дедим. “Яхши. Унда шахсан ўзингиз назоратга олинг, тўй тинч ўтсин” деб топшириқ берди. Хуллас, повулғонликлар оқшом пайти йигирмата от аравага келиннинг кўч-кўронини юклаб, хотин-халаж доирани чалиб “Ёр-ёр” айтиб кетишди. Мен ҳам бир оз ўтгач, отимни миниб улар кетган йўлдан аста жўнадим. Олтиариқ билан Повулғон ораси тахминан саккиз километрлар бўлиб, орада Полосондан кейин Қоқир даштлиги бўларди. У ерда оч бўрилар ҳам баъзан изғиб юришарди.

Ой ҳам чиқмаган осмон булутли, қоронғи тун эди. Ўша даштдан ғира-шира кўринаётган тупроқ йўлдан аста ўтиб борардим. Тун жуда кўрқинчли, буталар қорайиб худди биров пусиб, пойлаб ўтиргандек кўринар, чигирткалар чириллаши кулоқни батанг қиларди.

Бир пайт тулпорим қаттиқ кишнаб юборди ва таққа тўхтаб қолди. Қанча уринмайин оёғини тираб туравер-

ди. Мен теварак-атрофга синчиклаб қарадим. Аҳён-аҳёнда “пих-пих” деган товуш эшитилиб қоларди. Қорамтир буталардан бири хиёл қимирлагандай ва яна пих-пихлагандай туюлди. Беихтиёр наганимни қўлга олдим. “Ким у?!” дея қичқирдим. Яна жимлик ҳукмрон бўлиб, нимадир яна “пих-пих” деб қўйди. “Кимсан, жавоб бер! Инсонмисан ё ажинамисан?!” — деб бақирдим. Жавоб бўлмади. Сўнг осмонга қараб ўқ уздим. Ҳатто шовқинли чигирткалар ҳам бир оз овозларини ўчириб тек қолишди. “Пих-пих” овози энди баралла янгради ва “Мен” деган аёл кишининг майин овози эшитилди.

— Ким у “мен” деганинг?!

— Иброҳим аканинг қизиман.

— Қайси Иброҳим?

— Олтиариқлик...

Бир сапчиб тушдим.

— Анави, раиснинг қизими?

— Ҳа.

— Бугун тўйи бўлаётганинг-а?

— Ҳа, ўша... — деди аёл ва яна пиқиллаб қўйди.

— Ие, келинчакмисан? Олдимга кел-чи?

Паранжигга ўраниб олган аёл олдимда пайдо бўлди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Анавиларнинг орқасидан етолмадим. Пиёда чарчаб қолдим.

— Нега аравага чиқиб олмадинг?

— Ҳамма паранжилик. Қоронғида биров-бировни танимайди. Энди чиқай десам сандиқчани олиб қўйишди. “Тўхтанглар” дея олмадим. Кейин орқаларидан секин келавердим-да.

— Вой-бў. Бу повулғонликлар барибир қовун туширишибди-ку. Келинниям эсдан чиқариб бўларканми. Ё, тавба!.. — дедим-да, “Ҳа майли, кел, отга миниб ол-чи,

мен сени ўзим “ёр-ёр айтиб тушириб бораман” дедим ва даштликда ашулани ванг қўйиб келин минган отни етаклаб кетдим. Бу ёғи унчалик узоқ эмасди.

Шу алфозда тўйхонага етиб бордим. Ҳошим отанинг уйи шундоқ қишлоқ гузарида, лайлақлар уя қурган симёғоч олдидаги кўҳна қайрағоч ва масжид ёнида эканини яхши билардим. Отлиқ келинни қайрағоч тагига қўйиб тўй бўлиб ўтган хонадон дарвозаси томон бордим. Одатда, келинни аравадан куёв бўлмиш қўли билан тушириб олиб, гулхан атрофида уч марта айлантириб, сўнг гўшангага олиб кириб кетарди. Дарвоза олдида олов чўғлари ҳали сўнмаган, қизғиш милтиллаб турарди. Дарвоза бўлса орқасидан тамбаланган. Ҳамма тарқаган. Фақат ичкаридагина хотин-халажнинг ғалағовури эшитилиб турарди.

Мен ҳайрон бўлдим ва “Ҳошим ака!” деб дарвозани қамчин билан қоқдим. Бир оздан сўнг уй эгаси чиқиб келди.

— Ассалому алайкум!

— Ие-ие, келсинлар. Миршаббоши Холдорсиз-а?

— Худди ўзи. Қалай, тўйларни яхши ўтказиб олдингизми?

— Шукр, раҳмат. Қани, ичкарига марҳамат.

— Келинни-чи?

— Ҳа, келин ичкарида, яхши.

— Қаерда?

— Гўшангада-да, қаерда бўларди?

— Аниқми?

Ҳошим ота миршабни атайин ижроқўм раиси аҳволни билиб келишга юборган, деган ўй билан ҳисобот бера бошлади.

— Ҳа-ҳа. Ўғлим, яъни куёв бола у кишини урф-одатимиздагидек чиройли қилиб қўллари билан аравадан эҳ-

тиёт бўлиб кутариб олиб, манави олов атрофида уч марта чиройли қилиб айлантирди-да, ичкарига олиб кириб ташлади. Мана энди, худо хоҳласа, қолган тadbирларни ҳам чиройли қилиб ўтказаверамиз-да, Холдоржон. Ҳаммаси жойида, худога шукр.

— Ҳим-м, ҳаммаси жойида денг.

— Юринг, меҳмон, ичкарига марҳамат. Кўчада турмайлик.

— Майли, кирамиз. Лекин сиз аввал аёлларга айтинг. Ичкарига кириб келиннинг аҳволидан бир хабар олиб чиқишсин-чи.

— Эҳ-ҳе, қудамиз нима бало, жа ишонмай қаттиқ тайинлабдилар шекилли-да-а? Ҳай майли, нима бўлсаям кенжа қизлари, қудам яхши кўрадилар-да. “Ҳой, ким бор? Қараворинглар!” дея ҳовли томон қичқирди ота. Шу маҳал қизи шекилли, бир аёл юзини рўмол билан тўсиб келди. — Сорахон, сен кириб бир келиндан хабар олиб чиқ. Қудамиз одам жўнатибдилар.

— Вой ўлай! Ҳеч жаҳонда...

— Бор тез, айтганимни қил!

— “Чиққан қиз чиғириқдан нари” деганлар, — деди жувон ғудиллаб. — Бўпти, келинчакнинг янгаларига айтман. Тавба, қанақа қуда бўлди-а булар?..

Ҳошим ота мени “Ичкарига кирайлик” деб қистовга олиб туриб олди. Ноилож меҳмонхонага кирдик. Олдимга тўй неъматларидан қўйишди. Аммо икки хаёлим кўчада қолган аёлда эди. Отахон эндигина чой қуйиб узатганди, Сорахон шошиб келиб отасини имлади. У чиқди. Мен учун уларнинг ўзаро шивирлаган суҳбати жуда қизиқарли эди. Эътиборимни уларга қаратдим. Сорахон бир пайт “Ота, келин йўқ!” деб ваҳимали шивирлади. “Нима?! Қанақасига?!” — сўради ота. “Ўрнида опангиз — аммам юмшоққина жойда мазза қилиб ухлаб ётибдилар”.

— Ахир, куёв келинни кўтариб олиб кириб кетганини ўз кўзим билан кўрдим-ку.

— У келинмас, аммам экан, деяпман-ку. Энди нима қиламиз?

— Астаффируллоҳ, ёмон бўпти-ку! Ишқилиб куёв ёнига ҳали кирмаганмиди?

— Ҳали ҳеч кимнинг хабари йўқ.

— Бўпти, ваҳима қилманглар. Бир гап бор-ов, бекорга миршаббоши келмаган, шекилли.

— Вой ўлмасам. Энди нима қиламиз?..

Мен томоғимни қириб гўё Ҳошим отани чорлаган бўлдим. У тушунди шекилли қизига “Ҳозир сен шу ерда шошмай тур-чи” деб ичкарига ранглари оқариб кириб келди.

— Айбга буюрмайсиз. Бир иш бўлибди, шекилли. Келин Олтиариқда қолиб кетганмиш. Аёлларни биласиз, ҳаммаси чирмаб ўранган, ўзи билан ўзи овора...

— Хўп, Ҳошим ака, гапни чўзмайлик, бўлар иш бўлган. Тагин ёмонотлиқ гап тарқалиб кетмасин. Гап ўрта-мизда қолсин-а. Қизингизгаям тайинланг.

Сорахоннинг ҳам жон қулоғи билан суҳбатни эшитиб тургани аниқ эди.

— Иложи бўлса куёв ҳам билмай кўя қолсин, хўпми? — дедим.

— Хўш, нима қил, дейсиз? — сўради у.

— Келиннинг жойини тез бўшатиб кўйишсин.

— Воҳ! Сиз уни олиб келдингизми?

— Ҳа. Бир ошга эрийсиз-да энди.

— Ўҳ-хў, осон экан-ку!

— Келин ташқарига чиқиб келган қилиб кўрсатишсин.

— Хўп бўлади.

Мўйсафид тез қизининг олдига чиқиб бир нималар деб тушунтирди. Мен ҳам чиқиб “Юринглар” деб уларни тулпорим олдига бошлаб бордим. Сорахон полвон жувон

экан, келинчакни отдан даст кўтариб олди-да, ўзи сўнаётган гулхан атрофида гир айлангирди ва, “Бисмиллоҳ қадамлари қутлуғ келган бўлсин” деб ичкарига олиб кириб кетди...

Отахон ўз ҳикоясини завқ билан сўзлаб бераркан, кўз ўнгимга онам келди. У ўзи ҳақидаги айнан шу ҳикояни менга бир неча бор айтиб берганди ва мен ётган ҳолатимда беихтиёр овоз чиқариб “Ўша келинчак менинг онам эди” деб юбордим. Аммо отахон “Яхши” деб кўя қолади деб ўйлагандим. Бироқ у кутилмаганда устидаги ўз кўрпасини итқитиб юборди, “Воҳ!” дея ўрнида сапчиб туриб кетди-да, энди менинг устимдагини ҳам олиб ташлади.

— Ростдан-а! Ростданам сиз ўша Нишон Ҳошимнинг ўғлимисиз?! Айланай, болам! — дея кучли эҳтирос билан бағрига босиш учун мени шарт кўтариб олди. Белим “қирс” этди. Кўзимдан ўт чақнагандай туюлди.

Менинг оғир бемор эканим у кишининг умуман ўй-хаёлидан мутлақо кўтарилганди. Ватан, ўтмиш соғинчи уни ўртаб юборган, кўзларидан тирқираб ёш оқарди.

Сўнгра у мени бағрига шундай меҳр билан қаттиқ босиб, “Эй, Худо! Еткизганингга шукр!” дея мени силтаб-силтаб олди ва аста қўйиб юбориб сўрига ўтқазиб қўйиб ўзи ҳам ёнимга ўтирди.

— Сиз ростданам ўшамисиз, эй?! — дея бетиним сўроққа тутди у ва “Оббо, сиз-ей!” деб елкамга уриб-уриб қўйди. — Қолиб кетган келинчакнинг боласи!

У шундай завқ-шавқ билан хохолаб кула бошладики, унга бутун палатадагилар ҳам ва ҳозиргина инқиллаб-синқиллаб ётган камина бемор ҳам қўшилишдик. Ҳамширалар “Нима гап?” дегандек чопиб келишиб бизнинг кулишимизни кўриб қўшилиб кула бошлашди.

Бизни энди сўри кўторолмади. Ўрнимиздан беих-

тиёр туриб, хонада юриб кулавердик, кулавердик. Ҳар замонда мўйсафид оқ соқолли юзини менинг юзимга босиб-босиб қўярди. Бу пайтда бизни ҳеч ким тўхта-толмасди. Кулавериб ўпкамиз шишиб кетди. Коридорга чиқиб ҳам, ҳовлига чиқиб ҳам кулавердик. Ниҳоят отахон юрагини ушлаб бир ўриндиққа ўтириб қолди.

— Ё тавба қилдим, астағфируллоҳ... Ўлиб қолиш ҳеч гапмас, — деди у аранг ва яна бошини силтаб, тиззасига уриб қиҳ-қиҳлаб кулаверди.

Мен ҳам тинмадим.

Бир пайт навбатчи шифокор опа чиқиб келди ва уришиб берди.

— Ҳой! Ахир, сизни эртага операция қилишади-ку. Нима қилиб... Қандай юрибсиз?

— Билмасам, — дедим мен ва бемалол у ёқ-бу ёқ юриб кўрдим.

— Ҳеч қаерингиз оғримаяптими?

— Йўқ. Яхши бўп қолдим, — дедим мен ва ўзим ҳам ҳайрон қолдим.

Бу ҳолатдан илҳомланиб мўйсафид яна кулишни давом эттирди. Мен ҳам кулавердим. Энди шифокор опа ҳам бизга қўшилди. У менинг тўсатдан тузалиб қолганимдан қувонмоқда эди.

...Эртаси хамроҳимга жавоб беришди. Бош шифокор “Майли, йигит, сиз беш-ўн кун даволаниб, дамнингизни олаверинг”, деди. Биз мўйсафид билан хайрлашдик. У энди кулмади, балки кўзларига ёш олди.

У киши деярли ҳар куни ул-бул пиширтириб мен то шифохонадан кетгунимгача мендан хабар олиб турди. Ўз оиласи, фарзандлари билан таништирди.

Миллатимизга хос меҳр-оқибат, самимийлик ва инсонийликни мен илк бор ўзим учун мана шу инсон тимсолида кашф этган эдим.

Шундай дея ҳикоямни якунлар эканман, Николай Васильевич “Э, қойил сизга!” деб қўйди. У ҳам жуда таъсирланган эди. Ўрнимдан кўзгалдим, аммо яна бир гап ёдимга тушиб қолди.

— Бу ёғини сўрасангиз “қайтар дунё” бўлган, Николай Васильевич.

— Тушунмадим.

— Уйланаётганимда повулғонлик жўраларим мени келинникида унутиб қолдиришган. Ўша куни тўй қолдирилган эди.

Раҳбар менинг кўзларимга ҳайрат ила бир оз қараб қолди.

— Ие, бу ёғи кизиқ-қу. Бирор кун айтиб берасиз-а?

— Ҳа, албатта.

— Повулғондаги ишлар якун топаверсин, хўпми?

Биз самимий хайрлашдик. Мен ҳам хурсанд бўлиб стол устида турган шляпамни оҳиста бошимга қўндирдим-да, тавозе билан чиқиб кетдим. Лекин ишхонамга кирганимда ўзимнинг униққан эски шляпам илгакда осиглиқ турганига кўзим тушиб қолди. Бошимдағини олдим-да, уни ишчилардан бирига бериб, шахсан Николай Васильевичга тезлик билан элтиб беришни тайинладим.

Кейин билсам бу ўша, вилоят раҳбарининг шляпаси экан.

* * *

Кечки пайт “Умоч бобо” штабига полковник Октябрь Мэлисович билан жамоа хўжалиги раиси Муродил Эшонвич келишди ва сўрига тунд кайфият билан ўтиришди.

— Тавба, — деди раис куюниб ва бир бор осмонга қараб оларкан. — Келган меҳмон индамай қайтиб кетавераркан-да-а... Қани ҳурмат, қани иззат?

— Кимни айтаяпсиз?

— Анави ўзга сайёраликларни-да.

— Э, қуриб кетсин ўшалар. Бир жиҳатдан кетганлари яхши бўлди. Тинчгина келган жойларига учиб кетишди. Энди бошимизни оғритишмайди.

— Эсиз, шунча тайёргарлик. Қўй сўйиб зиёфатлар пишириб қўйгандик-да.

— Ҳечқиси йўқ, Йўлбарсовнинг аскарлари еворишади. Кечадан бери бечоралар “сухой паёк”да писиб ётишибди.

— Ҳа, майли. Лекин мактаб болалари тоза тайёргарлик кўришганди-да. Эҳ... болалар умид қилишганди, — деди Муродил Эшонович чуқур хўрсиниб олиб.

— Нимага умид қилишаркан?

— Ўзга сайёраликларни тантанали кутиб олишни-да.

— Қанақасига? Ким уларга айтди? Ахир, бу давлат сири-ку? Айтиб қўяй, агар бу ишларни сиз уюштириб, қишлоқ аҳолиси ичида ваҳима тарқатган бўлсангиз, бунга ҳали жавоб берасиз!

— Э, йўқ. М-мен эмас!..

— Ким?

— Мак-мактаб директори Аҳад Пирматов-да.

— Унга ким буюрибди?

— Ҳ-ҳеч ким. Бу ўзининг шахсий ташаббуси. Ҳ-ҳалиги, чиройли қилиб шиорлар ҳам ёздириб қўйибди.

— Шиор! Яна қанақа шиор?

— Ўзга сайёраликлар тилида “Хуш келибсиз”, яна алламбало, деб-да...

— Хўш, ўзга сайёра тилида бу сўз қанақа бўларкан?

— Х-хушовуза келовуза...

ДХҚ ходими бир оз анграйиб турди-да, сўнгра ўзини тутолмай шундай кулдики, зиёратгоҳ чинорларида қўниб турган қушлар патирлаб парвоз қилишди.

— Ҳой, нодон! Ахир, бу тошкентликларнинг тили-ку!

— Шиор ҳозир шу ерда. Истасангиз ўзингиз бир ўқиб кўринг.

— Хўп, майли. Қани, кўрсатинг-чи.

Раис шоша-пиша улкан шиорни суппа устига ёзиб чиқди. Сайёралараро дўстлик, ҳамкорлик тўғрисида моҳирона чизилган сурат ва “ажиб-бузи” ёзувларни кўриб ходимнинг оғзи очилиб қолди.

— Бу ҳали ҳаммасимас, ўртоқ полковник. Ўқувчиларимиз атайин шеърлар ёдлашган, кўшиқлар яратишган. Худди космонавтни кутиб оладигандек пухта тайёргарлик кўрилган.

— Ҳа, Пирматов деганингиз анчагина меҳнат қилган кўринади. Менимча, у ё ўта содда ёки ҳақиқий фидойи инсон. Албатта, унинг бу ишларини бир кўриб кўйсак ёмон бўлмасди.

— Аскарларни тўплаб, уларга зиёфат бериб, бирйўла бадий чиқиш қилиб кўя қолишсин. Бир маданий-маърифий тадбир бўлди, деб ҳисоблай қоламиз, нима дегингиз?

— Майли бўлмаса, ҳарбий ҳолат бекор қилинган, ўқув-машқлари муваффақиятли тугагани муносабати билан кичик зиёфат уюштирамиз. Ана ҳаваскорларингизни чақираверасиз. Албатта, ўзга сайёраликлар билан мулоқотга доимо тайёр бўлганимиз дуруст.

— Мабодо “тарелка” яна қайтиб тушиб қолса-чи, унда нима қиламиз?

— Суфф сизга-е! Нима қилардик, шиорингизни баланд осиб кўясиз-да. Уларни тантанали кутиб олаверасиз.

— Эшитишимча, уларнинг бўйи жудаям кичкинамиш. Бармоқлари ҳам учтамиш.

— Буни қаёқдан биласиз?

— Иккинчи жаҳон урушида америкаликлар отган бир снаряди тасодифан бир тарелкага тегиб кетган экан. Кейин у ҳалокатга учрагач, ичидан кичкина мавжудот чиққанини ўзим ўқиганман. Уни дўхтирлар ёриб

кўришибди, қони кўкнори ранг, мияси тўла аллақандай томирлар эмиш.

— Ҳа, тўғри. Мен ҳам ўқиганман. Улар бизни аллақачон кузатувга олишган. Лекин афсуски, мақсад-муддаоларини ҳали аниқ билмаймиз...

— Шунинг учун улар билан албатта учрашиб мулоқот қилиб кўрмоғимиз керак. Пирматов уларнинг тилини биларкан. Энди ҳарф сўраб туман маориф бўлимига расман ариза ёзибди.

Октябрь Мэлисовичнинг афт-башараси энди негадир тунд тусга кирди. Юрагини ушламоқчи бўлди. Лекин янглишиб ўнг кўксига қўлини қўйди.

— Бас қилинг, илтимос. Менинг қон босимим бор. Агар ҳозир кулиб юборсам, уволимга қоласиз... — дея олди у аранг ва лекин хаёлидан теран фикрлар кеча бошлади: “Бу қишлоқнинг одамлари қанақа ўзи? Нодон десанг нодонмас, содда десанг соддамас. Уларнинг ҳақиқатан ҳам ўзга сайёраликлар билан алоқаси бормикин-а? ...Ёки коинотдаги мавжудотлар уларнинг миясига узоқ масофадан таъсир қилиб ҳақиқатан ҳам мулоқотга тайёрлашаяптимикин? Агар шундай бўлса, демакки, ҳали бу ерда иш бор... Биз нафақат давлат хавфсизлигини, балки сайёрамиз хавфсизлиги чораларини кўрмоғимиз керакка ўхшайди. Лекин бу ишларни ўта махфий сақлаганимиз маъқул. Ҳеч қандай шов-шув қилмаган ҳолда қишлоқ одамларини пинҳона ўрганмоқ керак. Чунки бу ерда инсон қиёфасидаги ўзга сайёраликлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, Пирматов. У осмондагиларнинг тилини қаёқдан билади? Унинг қилаётган ишлари “соғ” одамнинг иши эмас-ку, ахир!

— Яхши. Пирматовга айтинг, командасини бошлаб келсин. Қани бир кўрайлик-чи...

— Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ! — деди раис кўзлари-

ни жавдиратиб ва ўзича “Хайрият, бечора муаллимнинг меҳнатлари зое кетмайдиган бўлди. Унга ҳеч бўлмаса жамоа хўжалиги номидан бирор “Фахрий ёрлик” бериб қўйишимиз керак. Унга тахминан шундоқ деб ёзамиз:

“Умумосмоний муносабатларни яхшилашга қўшган самарали хизматлари учун жамоа хўжалиги бошқармаси ва касаба уюшмаси мактаб директори Аҳад Пирматовни “Фахрий ёрлик” билан тақдирлайди”.

Тўққизинчи ҳикоя ИККИ ДИЛ ТУТАШГАНДА...

ёхуд етилмаган висол ҳақида

Повулғон. 1990 йил 10 май. Соат 10:00. 5-бригада.

Лайлак уяли симёғоч таги

Номаълум учувчи жисмнинг учиб кетганлиги маълум бўлгач, кўнгли хотиржам тортган туман раҳбари Николай Васильевич айтилган вақтда яна штаб сари кела бошлади. У ўз хизмат машинасида лайлак уяси бор улкан қайрағоч олдидаги симёғоч бўлган даладаги йўл бўйлаб борарди.

Бу пайтда Шодивой севгилисини ўша келишилган жойда интиқлик билан кутарди. Шарт бажарилган. Ошиқ йигит фақат юлдузни эгасига тантанали равишда топшириши ва эвазига севгилисидан ҳеч бўлмаганда бир бор бўлса ҳам бўса олиш илинжида ўртанар, юраги бир ширин туйғуни туяр, худди қорни тўймаган кучукдай лаб-лунжини ялаб, ширин энтикиб ҳам қўярди.

Айтилган вақтда Ҳанифа ҳам ҳозир у нозир бўлган, лекин у тут дарахтлари ортида кўрқиб-писиб турарди.

Ниҳоят, у қимтиниб-симтиниб шаҳзодасининг хузурига яқинлашиб ҳам қолди. Хумор кўзларини хиёл сузган бўлиб, баркашдай ўсма қўйган қошларини бир оз чимирди-да, дарахт ортидан оҳиста қиё боқди. Не кўз билан кўрсинки, шаҳзодаси ўша ваъда қилган, осмон-

дан тушган, сипсиллик, ялтироқ юлдуз билан уни ин-тизор кутмоқда эди. Қизнинг кўзлари юлдуздай порлаб, юраги тузоққа тушган кўшдай патирлаб кетди.

Шу топда Ҳанифа ўзини шундай бахтиёр ҳис қилди-ки, худди ҳинд кинофильмларидагидек тупроқли дала-лар бўйлаб югуриб, бедазорларда юмалаб кўшиқ айтгиси, адир тепаликларида чиқиб ҳайқиргиси, лайлақлар ин кўйган ўша симёғоч тепасидан туриб қийқиргиси, беозор қушларни ҳуркитиб учиргиси, журналистлар тили билан айтганда, яна “турли-туман маданий-маърифий ва амалий тадбирларни амалга оширгиси” қистаб кетди.

Афсуски, у ҳиндча тугул қирғизчани ҳам билмасди. Шу туфайли Шодивойнинг ёнига оҳиста келиб индамай жилпанглаб, бош бармоғини оғзига солиб тураверади. Қўлида эса бўлғуси куёви учун атаб тўқиган, бурунни артса ялтироқ зар сим ҳошиялари тирнайдиган, аллақандай одекалонга бўктирилган шоҳи атлас рўмол-часи хилпирарди.

Ортидан келган антиқа ўткир атир ҳид тотли хаёл оғушида ўтирган ошиқ йигитни тўсатдан акса урдириб юборди.

— Соғ бўлинг! — деб кўйди қиз оҳиста.

Йигит бир чўчиб тушди ва ўгирилиб турган ҳурлиқо-сига кўзи тушди.

— Раҳмат, Ҳанпа. Келдингми?

— Ҳа, — дейди қиз ва ажабтовур юлдузнинг ялтироқ сиргини хина чапланган бармоқлари ила силаб-сийпаб айланаверди.

Йигит ҳам “моторини ўт олдириди” ва қизнинг кўли суртилиб ўтган “йўллар” бўйлаб уни тутиб олиш илинжида тафтли кафтларини изма-из йўналтирди. Улар “орзулар юлдузи” атрофида беихтиёр гирёнда эдилар.

Шу маҳал негадир йигитнинг кўшиқ айтгиси келар,

лекин мактабда ашула дарсини ёмон ўқигани панд берарди. Агар у мактабда яхши ўқиганидами, озгина бўлсаям истеъдоди бўлганидами, эҳ, эҳтимол, ўз туйғуларини тахминан мана бундай қўшиқ қилиб ижро этган бўлармиди:

*Мана, юлдузингни олиб қўй, жоним,
Уни юрагингга солиб қўй, жоним.
Орзу-армонларинг шул юлдуз эрса,
Севгим ҳам армуғон, билиб қўй, жоним.*

Афсус, қизнинг ҳам саводи яхши эмасди. Шу топда йигитнинг дил изҳорини англаб олиб, албатта, қуйидаги жавобни қайтарган бўларди, лекин зўр дуэт чиқарди:

*Менга асли юлдуз ўзингиз, бегим,
Шакардек калому сўзингиз, бегим.
Муҳаббат ўтида ёнган, ёндирган,
Қайноқ юрагингиз, кўзингиз бегим.*

Бироқ улар бу қўшиқни пинҳона ижро этишар, нигоҳлар нигоҳларга қадалган, мўъжаз “юлдуз”лари атрофида унсиз парвона эдилар. Шу топда томирларидаги бўйдоқлик эволюцияси революция қиларди...

Ниҳоят, Шодивой қайноқ кафтини Ҳанифанинг юмшоққина қўли устига “эсон-омон” кўндириб олишга муваффақ бўлди. Юраклар така-пука бўлиб, хаёлидаги пинҳона қўшиқлари кулоқни батанг қилувчи даражада авж олди. Энди навбат жиндай-миндай тотли бўсага келганди. Қиз ҳам, йигит ҳам кўзларини оҳиста юмишди. Лаб-лунжлар чўччайиб, бир-бирлари томон интиқ яқинлашди. Бироқ аллакимнинг бирдан “Стоп!” деган ҳайқириғи уларни ҳуркитиб юборди.

— Качинглар! Машинага тез чиқингиз! — дея жиддий қичқирарди бир ўрис амалдор.

Лайлаклар ҳам безовта бўлиб потирлашди. Ёшлар бир

чўчиб тушишди-да, кўл ушлашиб “юлдуз”ларини тарк этишди. Уларни олдинда машаққатли сўроқ-саволлар кутмоқда эди. Тўғри-да, “жон чекмасанг, жонона қайда?” деганлар-ку!.. Икки ошиқ-маъшуқнинг бир-бирига етишиши осон кечмаслиги эртақлардагидек тўғри эмас-да, ахир. Агар севишганлар бир-бирларига дарров етиша олишганида эди, унда Тоҳир ва Зухралар, Ромео ва Жюльеталар, Зулфизару Маквайтарлар ҳақида не-не асарлар битилмай инсоният эса уларни ўқий олмай армонда қолган бўлармиди...

* * *

Повулгон. “Умоч бобо” зиёратгоҳи. 10 май. Соат 1142

Ошиқ-маъшуқларни машинасига олволган Николай Васильевич штабга етиб келганида ерликлар билан мулоқот қилмасдан яна қаёққадир “дайдиб кетган” ўзга сайёраликлар шарафига ёзилган дастурхонга “куйиб” қолмаслик мақсадида дошқозондаги овқат махсус отряд бўлинмаси аскарларию, бошқа хизмат қилаётган ходимлар ва меҳмонларга тортилаётган, Пирматов бошчилигидаги мактаб бадий ҳаваскорлик тўғараги қатнашчиларининг бадий чиқишлари байрамона намойиш қилина бошланганди.

Тўрига бир сўри қўйилиб орқасига гиламлар илинган ва ўша тайёрланган шиор осиб қўйилибди. Бу эса ҳуқуқтартибот органи ходимларининг кайфиятини анчагина кўтарарди. Нима бўлсаям улар бир суткадан буён она замин ҳимояси учун зах ерларда мардонавор писиб ётдилар ва энди маданий-маърифий ҳордиқ чиқаришга тўла ҳақли эдилар.

Шеърлар айтилиб, кўшиқ ва рақслар ижро этиларди. Ҳамма хурсанд, фақат Пирматовгина тунд кўринар, у бир четда миқ этмай ўтирарди. Ахир, у ўзга сайёраликлар билан чин дилдан мулоқот қилмоқчи, ҳеч бўлмаса, бир бор

башараларини кўрмоққа орзуманд эди-да. Шундай бўлса-да, “орзуга айб йўқ” қабилида бир иш тутди. Иккинчи синф ўқувчиларидан бири Иқболжон исмли болакайнинг юзига ўзга сайёраликларнинг қовоқ каллали ниқоб ва эгнига зангори кийим кийдириб, кўксига ёниб-ўчиб турадиган махсус чироқчалар ўрнатилди. Кўлқопини ҳам уч бармоқли қилинди. Болакайни кўрган ҳар қандай одам бир бор сесканиши, ҳатто кучук ҳам ҳуркиб қочиши аниқ эди. Иқболжон ўзига бириктирилган бу ролни қойилмақом қилиб бажарар, савол берилса, атайин овозини дўриллатиб, бурнига кирқисқични қистириб олган ҳолда жавоб қайтарарди.

Туман раҳбарининг машинаси қайтиб келганида сахнада 5-“а” синф ўқувчиси Дилшодбек Раҳмонов рубобини тинғирлатиб ўзининг “Ўзга сайёралар” номли кўшиғини маромига етказиб шундай айтаётгандики, гўё бу билан мана кўрасизлар, “Мен кагга бўлсам, албатта, таниқли эстрада хонандаси бўламан” демоқчидек бўлар, кўпчилик уни завқ билан эшитаётган бўлишса, баъзилар кўзига ёш олганди:

Ўзга сайёралар, бизга бир қада-а-а-ам!!!

Ўзга сайёралар, бизга бир қадам...

Николай Васильевич сахнада “артист”лар қаторида қарсак чалиб турган “ўзга сайёралик” Иқболжонни кўриб бир сапчиб тушди. Аввалига у ҳақиқиймикан деб синчковлик билан нигоҳ ташлади ва Йўлбарсовнинг кулоғига оҳиста: “Мен тарелкани “обнаружать” килдим” дея шипшиди. Бироқ бу пайтда подполковник кўшиқ сеҳридан сел бўлмоқда эди. “Тс-с!” дея ишора қилди у. Кўшиқ тугади. Ҳамма гулдурос қарсак чалиб юборди. “Ўзга сайёралик” ҳам, Николай Васильевич ҳам қарсакка кўшилишган бўлишди.

— Оббо, Николай Васильевич-ей, нималар қилиб юрибсиз-а? Ўтиринг, дам олинг.

– Йўқ, ўртоқ подполковник, мен ўтира олмайман!

– Нега?

– “Тарелкани обнаружатъ килдим” деяпман-ку.

Зобитнинг бошига биров гурзи билан ургандай бир сакраб тушди.

– Н-нималар деяпсиз?! Ахир, “отбой” командаси берилди-ку!

– Тез ичкарига кирайлик.

Раҳбар севишганларни ўзи томон имлади. Улар штаб хонасига кириб боришди. Ортларидан нохушликни англаган Октябрь Мелисович ва бошқа мугасадди ходимлар ҳам эргашишди.

– Тарелкани манави йигит ўмариб кетган экан, — деди Николай Васильевич иштонига ҳўл қилиб қўйган болакайдай шумшайиб турган Шодивойни кўрсатиб.

Ҳанифа ҳам айб иш қилиб қўйган қизалоқдай бурни-ни тортиб-тортиб “ер чизиб” турарди.

Йўлбарсовнинг ранги аввалига шолғамдай қизарди, сўнгра эса Олтиариқнинг турпидай кўкарди. У айбдор йигитга кемшик тишларини кўрсатиб афтини шундай бужмайтирдики, шу тобда ўзини тошойнада кўрганидами, кўрққанидан бақириб юборган бўларди.

– Ҳой бола! Нима қип қўйганингни ўзинг биласанми?! Бу, ахир халқаро сиёсий тадбир-ку! Сен уни нима учун буздинг?!

– Мен ҳеч қанақа тандирни бузганим йўқ, — деди Шодивой довдираб.

– Тандир эмас, тадбир деяпман, овсар!

– Мен ҳеч нарсага текканим йўқ, ўлай агар...

– Ахир, тушун! Бутун дунё аҳли бизга қараб турган бир пайтда бизни ш-шарманда қилдинг-ку!

– Қизишманг, ўртоқ подполковник, — деди ДХҚ ходими содда Шодивойнинг ёнини олиб. — Бу йигитда ҳеч

қандай гуноҳ йўқ. Қани, ўзингиз айтинг-чи, отрядингиз ҳақиқатан ҳам жанговар ҳолатдамиди?

– Худди шундай, ўртоқ бошлиқ!

– Унда бу ҳодисани қандай изоҳлайсиз? Демак, сизнинг аскарларингиз орасидан ҳар қандай хавфли қурол-нияш бемалол ўмариб кетиш мумкин экан-да?! Сиз ҳали бунинг учун жавоб берасиз! Айбни бу йигитга қўйманг, аксинча, унинг кўрсатган жасорати учун медалга тавсия қилиш керак. Хуллас, одамларингизни олинг-да, яна позициянгизни эгалланг. Марш!

– Хўп бўлади, ўртоқ пол-ков-ковник!

У чопиб чиқиб кетиб ва яна шошиб қайтиб кирди.

– Николай Васильевич! Ануви айтган “меҳмон”лар, ҳалиги, қаерда ўзи? – деди у осмонга ишора қилиб.

– Катта толда. Лайлаклари бар... – деди туман раҳбари.

– Т-тушундим, – дейди Йўлбарсов ва дарҳол ташқарига отилди.

У қўшиқ ижро этилаётган саҳна-сўри устига чиқиб “Бас қилинглар!” дегандай иккала қўлини баланд кўтарди. Аммо ҳамма негадир гулдурос қарсак чалишди.

– Отряд, сафланинг! Жанговор тревога! Она замини-мизни номаълум учувчи объектлардан асраш учун олға!

Тўпланганлар аввалига командирнинг бу ҳаракатини ҳам бадий чиқишнинг бир кўриниши деб қабул қилишди ва қасур-қусур қилиб олқишлаб қарсак чалишди.

– Ҳой, мен сенларга жиддий айтяпман, тарелка яна қайтиб тушибди! Нима қилиб анқайиб ўтирибсанлар? Қани, ҳамманг марш машинага!

Қорни тўқ махсус отряд аскарлари яна юзларига қораниқобларини тақиб зудлик билан машиналарга чиқа бошлашди. Ҳамма ҳайрон. Фақат Пирматовгина хурсандликдан қичқириб юборди:

– Ур-ра! Ахир, мен сизларга айтдим-ку, улар мард

бўлишади, деб. Биз билан ҳамсуҳбат бўлишмагунча ҳеч қаёққа кетишмайди! Мана кўрасизлар, улар биз билан албатта мулоқот қилишади!

Ҳарбий машиналар яна йўлга отланди. Пирматов ҳам севишиб уларнинг бирига чиқишга уриниб кўрди. Бироқ уни кўймадилар. Унинг ўзи машиналар ортидан ҳаллослаб чопарди. Қолган муаллимлару бадийий ҳаваскорлик тўғараги иштирокчилари ҳамда бошқа бекорчи болалар ҳам эргашишди. Кўп ўтмай “Умоч бобо”да ДХК ходимлари ва икки севишган оташ қалб Шодивою Ҳанифадан бўлак ҳеч ким қолмади.

* * *

“Айбдор”ларни Октябрь Мэлисовичнинг ўзи тергов қилди. Йигит ҳам, қиз ҳам бўлган ишларни оқизмай-томизмай гапириб беришди. Бошлиқ жиддий кўринар, қоғоз тўлдираётган ходимлар эса бир-бирларига ўғринча маъноли қараб олишмоқда эди. Ҳанифанинг кўзларидан дувиллаб ёш оқди. Бу алам ёшлари эди, албатта. “Қаёқданам ўша юлдузни олиб беринг, дедим. Бошга битган бало бўлди-ку. Энди нима бўларкин? Шодивой акамни қамаб қўйишса-я...” деган ўйлар хаёлини банд қилиб олганди. Қиз пиқ-пиқ йиғлаб, ниҳоят, ўз фикрини ошкора баён қилишга журъат этди:

— ...Осмонда юлдуз кўп-ку! Нима, биттасини олган билан камайиб қолармиди?

— ...Ахир, тушунинг, яхши қиз, бу юлдуз бошқача-да!

— Нима, у осмон кўрмаганми?

— Ҳа... Э, йўқ. У айнан осмондан тушган номаълум учувчи жисм, яъни НУЖ. У жудаям хавфли бўлиши мумкин, тушунарлими?

Қиз “Ҳа” ишорасини қилгач, зобит энди йигитнинг олдига келди:

– Сен ҳақиқатан мана шу қишлоқда туғилганмисан?

– Ҳа...

– Мана шу Повулғоннинг сувини ичиб катта бўлганмисан?

Шодивой яна “Ҳа” дея айбдордай бошини эгди.

– Ўша сен олиб қочган НУЖнинг оғирлиги тахминан қанча эди?

– Олтмиш килоча бор.

– Ичидан бирор сирли овоз ёки шовқин чиққанини сезмадингми?

– Йўқ, қулоғим берк эди.

– Нега?

– Газниқоб кийиб олгандим-да.

– Хўп, фақат тўғри жавоб бер. Ўша нарса бомба бўлганида нима бўларди?

– У бомбамас, қовоққа ўхшаган нарса экан...

– Мен жиддий сўраяпман. Сен бомбанинг нималигини биласанми ўзи?

– Ҳа. Мен сапёр бўлиб хизмат қилдим. Хизматдан кечагина қайтдим. Портловчи қуролларни яхши ўрганганман. У нарса ҳақиқатан ҳам каттакон қовоқ эди.

– Нима? Қовоқ?! Сиз мени ҳали алдадингизми? Нима, у юлдуз эмасмиди?! – дея ҳаяжон ила қичқириб сўради маъшуқа қиз.

– Йўқ. У юлдуз эди. Фақат осмон кўрмаган, холос, – жавоб берди йигит хижолат бўлиб.

– Ҳой бола! Сен мени ҳали ким деб ўйлаяпсан?! – дея ўшқириб гапга аралашади орган ходими. – Нима, бизни НУЖ билан қовоқнинг фарқига бормайдиган қовоқ калла деб ўйлаяпсанми?! Агар портлаб кетганида иккаланг онангни кўрардинглар, уқдингми?

– У портламайди-да, ўртоқ полковник, – деди Шодивой яна ўз фикрида қатъий туриб.

— Хўп, шундай ҳам дейлик. Эҳтимол, у бактериологик курулдир? Ер сайёрасига аллақандай юкумли касаллик олиб келган бўлса-чи?

Орага оғир жимлик чўкди. Фақат қизнинг пиқ-пиқ йиғиси эшитилиб турар, у шу тобда ёш боладай алданиб қолганидан алам ўтида ёнарди.

Зобит сўроқни энди дадилроқ давом эттирди:

— Хўш. Шундай қилиб, сен НУЖ, яъни ўша юлдузни нима мақсадда олиб қочдинг?

— Ануви қизга ваъда қилувдим.

— Хиҳ, алдоқчи... — деб қўйди қиз норози бўлиб ва лаб-лунжини осилтириб олди.

— Сен ростдан ҳам бу йигитдан шуни талаб қилувдингми? — сўради зобит энди қизга жиддий юзланиб.

Қиз бир чўчиб тушди ва озгина жим турди-да, ниҳоят, тилга кирди:

— У киши қийналмасин дедим-да... Осмонга чиқиб овора бўлиб юрмасдан 5-бригадага тушган юлдузни опкелаверинг, дегандим... — деди ва кутилмаганда чинакамига хўнграб йиғлаб юборди.

Ходимлар бир-бирларига маъноли қараб олишди-да, юзларини тўсиб негадир кула бошлашди.

— Тавба, — деди бошлиқ таажжубланиб. — Ҳозирги замоннинг қизларига ҳайронман. Бизнинг замонда хотинларимиз юлдуз-пулдуз ҳақида ўйлаб кўрмасданоқ шартта тегиб ола қолишарди.

— Погонингиздаги юлдузлар-чи, ўртоқ бошлиқ, — деди ходимлардан бири самимий кулиб.

Бошлиқ елкасига бир қараб олди.

— Ҳа, тўғри айтасан, Аҳадбек. Булар ҳам осмон кўришмаган, албатта... Эҳ, ёшлар, ёшлар. Нима қилиб қўйдинглар-а?! Ҳукуматнинг ишига араллашиб нима қилардинглар? Қанча одамни ишдан қўйдинглар-а?!

У чуқур хўрсиниб олди-да, у ёқдан бу ёққа ўйчан юра бошлади. “Шармандалик-ку, бу, — деди у хаёлан. — Бу тарелка дегани чиндан ҳам ошқовоқ бўлиб чиқса-чи? Унда одамлар нима дейди? Устимиздан, яъни ҳукумат устидан тоза кулишади-ку! Оммавий ахборот воситаларига етиб борса-чи... Яхшиям, улар чақирилмагани. Тоза шарманда бўлардик. Манави аскар йигит уни кўрқмай “қовоқ” деяпти. У мутахассис экан. Демак, бу аниқ. Энди нима бўлсаям бу ишни дим-дим, “ёпти-ёпти” қилиш керак. Эҳ, Йўлбарсов, Йўлбарсов... Аслида уни Галварсов деб аташ керак экан”.

— Шунақа қилиб тураверамизми? Мени отам ахтариб юргандир, — деб қолди қиз дабдурустдан.

— Ҳа-ҳа... Хўш, қизим. Сен энди шу йигитга тегадиган бўлдингми?

— Йўқ! — деди Ҳанифа атайин терс ўгирилиб.

Шодивой бир ирғиб тушди. Юраги кўлтиғидан гўё мис товоқ ерга даранглаб тушиб тўхтамай айланиб тургандай туюлди.

— Нега? — сўради зобит атайин.

— У мени алдабди. Қовоғини ўзи пишириб есин! — деди Ҳанифа кўрслик билан ва ўзини ташқарига отди.

Унинг ортидан ходимлар “ҳай-ҳай”лашди. Шодивой ҳам “Ҳанпа!” деганича шалвираб қолаверди. Ошиқ йигитнинг хаёлидан “Наҳотки, ҳаммаси тамом! Нега энди қовоқ дедим-а? Ҳамма ишни “қовун” қилдим-ку!..” деган нохуш саволлар кечаётганди.

— Кўяверинглар, кетаверсин, — деди бошлиқ ва тунд бўлиб қолган ошиқ йигитга юзланди. Унга ҳамдардлик билдириб, елкасига кўлини кўйиб деди: — Шу қизни чинданам яхши кўрасанми?

Йигит бошини силкитиб, “Ҳа” ишорасини қилди.

— Ростдан ҳам унга уйланмоқчимисан?

Йигит миқ этмади. Чунки энди Ҳанифанинг тегишига ишончи комил эмасди.

— Бўпти. Биз, яъни барча раҳбарлар бугун ўша қиз-никига сенинг номингдан совчи бўлиб борамиз. Худо хоҳласа, тўйларингниям ўзимиз ўтказиб берганимиз бўлсин. Фақат бир шарт билан. Шунга розимисан?

— Қанақа шарт?

— Ўтир. Ҳой, бу йигитга қоғоз-қалам беринглар.

— Хуллас, Шодивой, гап бундай, “тарелка”, яъни қо-воқ ҳақидаги кўрган-билганларингни ҳеч кимга миқ этмайсан. Қаллиғингни ҳам шунга кўндирасан. Шу ҳақда менга тилхат ёзиб берасан. Тўйларинга, худо хоҳласа, ўзим бош-қош бўламан. Келишдикми?

— Келишдик, — деди Шодивой ва кўнгли кўтарилиб тилхат ёзиб ташлади.

— Бўпти, кўлни бер. “Темирни қизигида бос” деганлар. Биз шу бугуноқ қаллиғингникига совчиликка борамиз, тушунарлими?

— Тушунарли.

— Бўлмаса, сен уйингга боравер, — дея зобит уни эн-дигина эшикдан кузатиб қўяётган ҳам эдики, шу маҳал шошилиб ДАН бўлинма бошлиғи майор Яминов келиб қолди.

— Рухсат этинг, ўртоқ бошлиқ!

— Рухсат. Нима гап, тинчликми?

— Биз бир қанча тарелкалар галереясини кўлга олдик!

— Нима?! Қандай қилиб? Қанақа галерея?!

— Бир мотоцикл кажавасига жойланган экан.

Ходим мийиғида кулиб қўйди-да, бироқ Яминовнинг жиддийлиги учун сир бой бермади.

— Хўш, қаерда улар? — дея атайин сўради у.

— Ўн еттинчи постда, ўртоқ бошлиқ!

— Кетдик, ҳайданг ўша ёққа!

Улар ва ходимлар шоша-пиша хизмат машиналари-

га ўтириб қўлга олинган ликобчалар галереяси томон жўнашди. “17-пост” деб вақтинча, фақат операция давридагина ном олган даланинг чет йўли бошланишида бир неча қўлга олинган машина, мотоцикл, велосипед, эшак-аравалар қатори аллақандай шубҳали юк ортилган Неъмат аканинг кажавали “Ява” мотоцикли ҳам турарди.

— Ана, ўртоқ бошлиқ, лекин яқинлашманг, бу хавфли! — деди ДАН бўлинмаси ходими.

ДХҚ бўлинма бошлиғи эса “Ақл ўргатма” дегандай унга олайиб қараб қўйди.

— Ҳой, қовоққалла! Қанақа одамсанлар ўзи? Ҳақиқатдан ҳам бошларинг бўлганида эди қовоқ билан “тарелка”нинг фарқига борган бўлардинглар! — деди у ўшқириб ва мардонавор шахдам қадамлар билан мотоцикл ёнига борди-да, юкининг ипини ечиб юборди.

Патиссонлардан бири ерга думалади. Ходимлар ёнларидан тезлик билан тўппончаларини чиқариб ўқталдилар.

Уларнинг бу ҳаракатидан бошлиқнинг баттар фиғони ошди ва бир патиссонни олди-да, худди душманни ер билан яксон қилмоқчи бўлган баҳодирдай уни чираниб баланд кўтариб тут тўнкаларидан бирига зарб билан урди. Патиссон ёрилиб йирик уруғлари теварак-атрофга сочилиб кетди. Атрофдагилар кўрққанларидан “Воҳ!” деб юборишди.

— Бунинг эгаси ким?! — ҳайқирди бошлиқ.

— Повулғонлик Н-не-Неъматжон деган йигит.

— Қани у?

— У-уйида, ўртоқ бошлиқ.

— Зудлик билан уни топиб, штабга келтиринглар!

ДАН бошлиғи ва хавфсизлик хизмати машиналари тупроқнинг чангини чиқариб гўё ашаддий жиноятчини қўлга олгани отлангандай шиддат билан Неъмат акани ушлаб келгани кетишди.

— Ўртоқ бошлиқ, сизни пойтахтдан сўрашаяпти, — деб қолди шу маҳал ходимлардан бири машинага ишора қилиб.

Бошлиқ шошиб бориб салон ичидаги гўшакни кўтарди.

— Алло, эшитаман, ўртоқ генерал!

— Вазият тўғрисида ахборот беринг!

— Ҳеч гап йўқ, тинчлик, ўртоқ генерал!

— Бу нима деганингиз?

— Бир келибди-ю, яна қайтиб учиб кетибди-да.

— Нима?.. Учиб кетдимиз?

— Ҳа, ўртоқ бошлиқ..

— ...Эҳ, афсус. Хориждан уфолог олимлар етиб келишувди. Мен ҳам улар билан воқеа жойига бормоқчи эдим. НУЖлар ҳақида бирор маълумот ололмадингизми?

— Ҳа, оз-моз.

— Ўзингиз кўрдингизми?

— Йўқ, ўртоқ бошлиқ, — деди зобит хижолатданми, иссиқданми чаккасидаги қуйилиб келаётган маржон-маржон терларини шоша-пиша артиб оларкан.

— Гувоҳлар-чи, уни кўрганлар борми?

— Бор, ўртоқ генерал.

— Улардан ёзма маълумот олинг. Кейин айтинг, одамлар орасида ваҳима бўлмасин. Бу воқеа ўта сир сақлансин.

— Тушунарли, ўртоқ генерал.

— Лекин ўзи ажойиб нарса бўлса керак-а? Бир кўришга орзуманд эдим-да. Мободо қайтиб тушиб қолгудек бўлса, аввал тўғри менинг ўзимга хабар беринг, хўпми?

— Хўп бўлади, ўртоқ генерал.

— Демак, келган олимларга “Қайтиб учиб кетибди” деб маълум қиламиз. Хўп, хайр.

— Худди шундай. Саломат бўлинг, ўртоқ генерал.

Набижон ҲОШИМОВ

Зобит “хайрият” дегандек чуқур тин олди ва ҳарбий командир Йўлбарсовнинг рация рақамини терди.

— Эшитаман, ўртоқ бошлиқ! — дея гўшакдан гуриллаган овоз янгради.

— Отбой!

— Қ-қанақасига “отбой” бўларкан?

— Отбой, тамом! Бу ўқув машқи эди.

— Ахир у, ана, дурбинимда шундоқ кўриниб турибди-ку!

— Бу тарелка эмас. Унинг нусхаси, гаранг.

— Йўғ-е, ахир худди ўзи-ку!

— Ҳой қовоқкалла! Сиз унинг ўзини кўрганмисиз?

— Й-йўқ!

— Бўлмаса, каллани гаранг қилманг. Аскарларингизни йиғиштиринг-да, бу ердан тез жўнанг!

— Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ.

— Лекин ўзингиз кетиб қолманг, иш бор.

— Қанақа иш?

— Совчиликка борамиз.

— Нима?.. Қаерга?

— Ўзга сайёрага, — деди бошлиқ ва хоҳолаб кулиб юборди.

ДАН ва бошқа ички ишлар ходимларига ҳам тарқалишга буйруқ берилди. Сўнгра Октябрь Мелисович Неъмат деганни сўроқ қилиш учун штабга жўнади.

Бу пайтда Ҳанифа уйига кетмаган, балки севгилиси совға қилган ўша азиз “юлдуз қовоқ”ни яна охирги бор кўриш илинжида орзулари мустажоб бўлган жойга оҳиста беихтиёр йиғлаб бормоқда эди. Севгилисининг ўша томонга кетганини эшитиб Шодивой ҳам бугун уйдагилари совчиларни кутиб олиши ҳақида уни огоҳлантириб қўймоқчи бўлди.

Пирматов бошчилигидаги мактаб бадий ҳаваскорлик жамоаси йўл устида турли шиорларини баланд тутган

ҳолда “аскарлар ҳалқаси” ёнида интиқ туришар, узоқдан — лайлак уя қурган дарахт тагидаги “тарелка”ни кўриш илинжида худди қуш болаларидай бетўхтов бўйин чўзишарди.

Лекин шу маҳал тўсатдан “Отбой!” командаси берилди ва аскарлар сафлана бошлашди. Ҳанифа биринчилардан бўлиб “ҳалқа”ни ёриб ўтиб, “тарелка” томон ошиқди. Унинг ортидан Шодивой чопди. Пирматов эса барибир чўчиди ва болаларни қимир этмасликка даъват этди.

Ҳанифа етиб келгач, ўзи учун ҳарҳолда энг азиз бўлган “юлдуз”нинг силлиқ сиртини меҳр билан оҳиста силади. “Қандай ажойиб! Наҳотки Шодивой акам аскарлардан кўрқмай шуни менга олиб келган бўлсалар?.. Демакки, мени севар эканлар”, деган якуний хулоса қилди у ўзича.

Шу маҳал йигит ҳам ҳаллослаб чопиб келди ва севгилисининг ҳаракатини лол бўлиб бир лаҳза кузатди. Сўнгра бориб патиссонни кўтариб кўрмоқчи бўлди.

— Вой, нима қилаяпсиз?

— Бунини тўйимизда давра ўртасига қўйиб қўямиз.

— Нима? Тўй дейсизми? Қанақа тўй?

— Иккимизнинг тўйимиз-да. Бугун сизларникига менинг совчиларим боришадиган бўлишди.

— Вой, ростданми? — сўради қиз эҳтирос билан.

— Ҳа, рост.

Икки севишган дил нигоҳлари улкан патиссон узра бир-бирлари томон интиқ қадалди. Қизнинг қўллари мўъжизакор улкан сабзавотни силаб эркаларкан, ниҳоят йигитнинг тафтли кафти унинг устига оҳиста қўнди.

— Ҳанпа, кечир. Ишқилиб мендан айниб қолмадингми?

— Йўқ, — деди Ҳанифа шоша-пиша.

Бу маҳалда аскарларга тўла ҳарбий машиналар колоннаси уларнинг шундоқ ёнгинасидан вариллаб ўта бошлашди. Аскарларнинг нигоҳи икки севишган ёшнинг

ваҳимали “тарелка” ёнида бир-бирларига эҳтиросли боқиб турганларига тушиб ҳайратдан оғизлари очилиб кетмоқда эдилар...

Эҳ...қани энди улар мактабда ашула дарсига яхши қатнашишганида эди, ҳеч бўлмаганда мана шу улкан сабзавот атрофида ажойиб дуэт ижро этишган бўлармиди:

*Менга асли юлдуз ўзингиз, жоним,
Ёнаётган қалбим кўзингиз, жоним.
Орзу- армонимиз шу юлдуз эрса,
Ошиён қурурмиз, шунда биз, жоним...*

Ўнинчи ҳикоя

ОСМОНДАН ТУШГАН СОВЧИЛАР

ёхуд юлдуз ўғрилариининг тўй режалари

Повулғон. “Умоч бобо” штаби.

1990 йил 10 май. Соат 1200

Неъмат акани тутиб келтиришган. Уни ичкарида тергов қилишмоқда. Ташқарида эса охирги гаплардан беҳабар бўлган хўжалик раиси, туман раҳбарлари, ўзаро мулоҳаза қилиб чой ичиб ўтиришарди.

Шу маҳал махсус отряд командири полковник Йўлбарсов ҳам етиб келди. Унинг хуноби ошиб, норози кўринарди.

— Келинг, ўртоқ подполковник, тинчликми? — сўради ижрокўм раиси.

— Йўқ. Мен ҳеч нарсани тушунмадим.

— Нега?

— Тўсатдан “отбой” берилди. Бу қандай гап? Ахир, “тарелка” бўлса жойида турибди. Ҳайронман. Менинг аскарларим энди нима иш билан шуғулланишади?

— Ким “отбой” берди?

— Ким бўларди, акахонимиз-да, — деди ҳарбий зобит кесатиб, штаб томон ишора қиларкан. — Шундай оли-

жаноб ишнинг белига тепди-я. Менинг отам “Ошингни ҳалоллаб е”, деб айтганлар. Иш охирига етмади. Ўша митти ўзга сайёраликларни шартта қўлга олишимиз керак эди.

Шу маҳал узоқдан болаларнинг қувноқ қий-чуви эшитилди.

— Нима гап, тинчликми? — сўради туман раҳбари.

Хўжалик раиси Муродил Эшонович ҳайрон бўлиб қўлини пешонасига соябон қилиб йўлга қаради ва велосипедини тез ҳайдаб келаётган бригадир Эшмат акага кўзи тушди.

— Ҳозир биламиз. Бригадир келяпти.

Кўп ўтмай Эшмат ака етиб келди ва “Обкелишяпти” деб тормоз берган ҳамоно яна “тойчоғи”нинг педали чиқиб кетди.

— Нимани олиб келишяпти?

— Ҳе, бу педални...

— Педалнинг нима дахли бор?

— Педални эмас, “тарелка”ни олиб келишяпти!

— Нима? Қаерга?

— Болалар. Бизнинг шийпонга-да.

— Н-нега?

— Ис чиқарворамиз.

— Қанақа ис?!

— Мен ҳозир мачитдан имом хатибни айтиб келдим. Бригада аъзолари чалпак пиширишяпти. Ўша ерда бир тиловат қилиб юборамиз. Худо хоҳласа, бу йил пахта ҳосилимиз зўр бўлади. Кейин раис ака менга бир велосипед совға қиларсиз-а. Бу педал қурғурни кўрмайсизми?

Мазкур суҳбатдан воқиф бўлган меҳмонларнинг ҳаммалари беихтиёр ўринларидан туриб кетишди. Шу маҳал бир милиционер патиссон тўла “Ява” мотоциклини ҳайдаб келиб қолди ва штаб бошлиғига маълум қилди. “Далилий ашё” эмиш...

Ичкаридан эса дераза орқали тергов жараёнидаги сўроқ-саволлар эшитилиб турарди.

— Бу нима ўзи? — қайта-қайта сўрарди орган бошлиғи.

— Патиссон, — деб жавоб берарди Неъмат ака кўзларини жовдиратиб.

— Нима мақсадда эккансиз буни?

— Мен экмаганман. Уни полосонлик Анвар деган ошнам эккан. Мен унга уруғ берганман, холос, — деди у хавотирлик билан.

— Зудлик билан ўша Анвар деганни топиб келтиринглар! — буйруқ берди бошлиқ.

Зум ўтмай қовоқлари солиқ бесўнақай Анварни тутиб келтиришди. У дўсти Неъматга еб юборгудек олайиб қараб кўйди. Унинг ўткир нигоҳидан “Ҳали мендан кўрасан! Ҳаммасини тўлайсан!” деган маънони англаб олиш қийин эмасди.

Энди Анвар сўроққа тутилди:

— Ануви патиссоннинг эгаси сенми?

— Ҳа.

— Уни нима мақсадда эккансан?

— “Жигули” оламан деб.

— Қанақа “Жигули”?

— “06”.

— Хўш, иннайкейин-чи?

— Уруғини манави Неъматдан олганман?

— Хўш, давом эттираммиз...

— Яхши даромад қилсам, унга соғин сигир олиб бермоқчи бўлувдим.

— Қачон?

— Агар яхши даромад олсам-да.

— Хўш, яхши ҳосил олдингми?

— Ҳа...

— Машина-чи, ололдингми?

– Йўқ.

– Нима учун?

– Бу матоҳни сотолмадим...

– Хўп, яхши. Ҳаммаси анави мотоциклдагими?

– Йўқ. Яна бор.

– Қанча?

– Икки ёки учта “Камаз” да чиқиб қолар...

Ходимлар “Вой-бў!” деб юборишди.

– Демак, бировинг машина, бировинг сигир олмоқчи бўлгансанлар, шундайми?

– Ҳа! – дея жўр овозда жавоб беришди дўстлар.

– Лекин сизлар қонунбузарлик қилгансизлар. Буни биласизларми?

– Йўқ. Нима учун?

– Ёлғон ахборот тарқалишига сабабчи бўлиб, давлатга катта миқдорда зиён-заҳмат етказдингиз.

– Қанақа зиён? – ажабланиб сўради Анвар.

– Сенларнинг дастларингдан дала йўлини текислаш учун уч километр кераксиз дала йўлига бир ярим минг машина шағал, эллик машина асфальт ётқизилди. Махсус отряд, ДАН, Ёнғин назорати, медицина навбатчилик қилди. Ҳаттоки мактаб жамоаси ҳам катта тайёргарлик кўриб, болалар ашула айтиб юборишди. Нима, бу зиён бўлмай, катта холангнинг назр-ниёзими?!

– Мен ҳам ануви Неъматнинг гапига кириб шу матоҳни экиб энамни кўриб ўтирибман-ку, ака, – деди “Тарелка воқеаси”дан бехабар Анвар асабийлашиб. – Бу зиённи-чи, менга ким тўлайди?

Бошлиқ ўйланиб қолди ва маслаҳат олиш учун бир ходимининг олдига бориб сўради.

– Нима дейсиз, Аҳаджон? Бу патиссон деганни нима қилса бўлади-а?

– Консерва.

Набижон ҲОШИМОВ

– А?.. Ростданми?

– Ҳа. Мен уни еб кўрганман. Жа мазали бўлади.

– Тушунарли. Яхши. Раҳмат, – деди у. Сўнгра икки дўстнинг олдига яна рўбарў бўлиб, ўзининг жиддий қарорини маълум қилди. – Биз тўлаймиз! Фақат бир шарт билан.

– Қанақа шарт?! – дея улфатлар яна жўр овозда сўрашга журъат этишди.

Ҳаммасини мен консерва заводига ўтказиб бераман. Фақат сенлар “Давлат сирини то йигирма беш йил ўтгунга қадар ҳеч кимга ошкора қилмайман”, деган мазмунда тилхат ёзиб берасанлар... Хўш, келишдикми?

– Келишдик!

– Яхши. Аҳаджон, менга зудлик билан шаҳар консерва заводининг директори Тўхлиевни топтириб келинглр.

– Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ.

– Ҳа айтмоқчи, у ўзи билан битта янги автомобилга, маркаси қанақа эди?

– “06” Жигули! – дея тантанали жавоб беради Анвар.

– Ҳа. “06”, кейин битта болали соғин сигирга, иннайкейин, бир никоҳ тўйига кетадиган сарф-харажатнинг пулиниям тез ола келсин. Тушунарлими?

– Бажарилади, ўртоқ бошлиқ!

* * *

Кўп ўтмай “гуноҳкорлар” сафига ранглари пишмаган турпдай оқарган Тўхлиев келиб қўшилди.

– Хўш, обкелдингизми?

– Н-нимани? – сўради директор қалтираб.

– Нимани бўларди, айтилган пулни-да!

– Ҳа-ҳа, лекин нима учун?

— Сиз патиссон деган сабзавот ҳақида эшитганми-сиз?

— Ҳа-ҳа. Лекин у бизнинг шароитда экилмайди. Красноярскликлар доим шуни сўрашгани сўрашган. Афсуски...

— Қанча сўрашган?

— Бир юз йигирма тонна. Бу уч вагон дегани.

— Нима? Сиз хали шунча маҳсулотни етказиб бера олмайсизми?

— Йўқ. Уни ҳеч ким экмайди-да.

— Олтиариқликларга буюртма бермаганмисиз?

— Йўқ. Улар, ахир бодрингдан бошқасини экишни хоҳлашмайди-ку.

— Ҳой, бола! — деди зобит Тўхлиевнинг кўзларига тикилиб. — Сиз бекорларнинг бештасини ебсиз, билдингизми? Неъматжон, боринг мотоциклдан биттасини олиб келинг-чи!

Кўп ўтмай Неъмат ака бир қулоч келадиган патиссонлардан бирини аранг кўтариб келиб стол устига қўйганди. Тўхлиевнинг оғзи очилиб қолди.

— Манави нима?

— Буми?.. Ахир, патиссон дегани бош бармоқдек бўларди-ку?

— Ўшани қаерда экишади?

— Россияда.

— Буниси Олтиариқда етиштирилгани, билдингизми?

— Ахир, буни мен қандай қилиб?..

— Қандай қилиб бўларди, ўша бош бармоқдай қилиб майдалаб, орасига саримсоқпиёз, хрен, ана кўк помидор, бодринг дегандек қўшиб тайёрлайсиз-да. Ёки консерва тайёрлаш технологиясини сизга ўргатайликми?

— Э-йўқ...

— Билсангиз, сизга уч “Камаз” мана шунақа патиссон

берамиз. Уни битта қўймай йиғиштириб олиб кетасиз. Палагиям қолмасин, тушунарлими?

— Тушунарли.

— Буни етиштирган манави деҳқон болага “Жигули”-нинг пулини, ғоя муаллифи Неъматжонга сигирнинг пулини, яна бир ёш келин-куёв бор, уларга тўйнинг пулини тўланг-да, Красноярскга уч вагон патиссон етказиб бериш бўйича битимингизни тузаверинг. Айтинг, улар пулини олдиндан ҳайдаб беришсин. Бу ишларни шахсан ўзим назоратга оламан.

Тўхлиев беҳад хурсанд бўлиб кетди. Бу воқеа унинг учун кутилмаган омад эди. Ахир унинг заводи икки ҳафта уч смена ишлайдиган бўлди-да. Бор-йўғи бир машина, бир болалик сигиру яна бир бебола хотин пулига хом-ашё сотиб олиш билан бу ишдан камида йигирма баробар соф фойда олиши мумкин. Эҳ, қандай яхши!..

Шу туфайли директор чўнтагидаги қоғозга ўроғлиқ пулларни ҳеч иккиланмай чиқарди-да, стол устига қўйди. Ҳар икки дўстдан пулни олганликлари ҳақидаги тилхат ва бошқа чиқим ҳужжатларини ҳам имзолатди.

Зобит ҳам ўша айтилган тилхатларни ёздириб олди. Ҳаммалари ёруғ юз билан ташқарига чиқиб келдилар. Неъмат аканинг хотини Холидахон шу маҳал уларнинг олдига бир товоқ чалпак кўтариб келиб қолди.

— Ҳой дадаси, тинчликми? Меҳмонлар билан манави чалпакдан еб олинглар, ишларинг юриб кетади. Бригадамизда бугун ис чиқарувдик.

— Эрингиз давлатга яхши хизмат қилгани учун сизларга бир болали сигир совға қиламиз, — деди Октябрь Мелисович кулиб.

— Вой! — деди Холида. — Бу ис чиқарганимизнинг ша-рофати-да-а? Ана, айтмабмидим...

Холидахон ўзида йўқ қувониб барча тўпланганларга хурсанд чалпак тарқатди. Завод директори Анвар билан бирга маҳсулотни кўргани кетишди ва эртаси барча транспортларини шу ёққа сафарбар қиладиган бўлди.

“Еган оғиз уялади” дейилгани учунми, чалпак еяётган Октябр Мелисович Неъмат акани бир четга имлади.

— Откорма базасини биласиз-а?

— Ҳа...

— Мен унинг бошлиғига кўнғироқ қилиб қўяман. Сизга энг зотдор сигирдан танлаб беради, хўпми? — деди зобит кулиб.

— Хўп, раҳмат — деди у беҳад хурсанд бўлиб.

Сўнгра давлат хавфсизлик хизмати зобити ваъда қилганидек, ўша кунги воқеа “заҳматкашлари” бўлмиш амалдорларнинг ҳаммасини олиб оқшом маҳали Али бангининг гувала пахсали уйига баланд-паст бўлиб совчиликка кириб боришди.

* * *

Шу чоққача ҳеч кимнинг назари тушмаган содда ва тўпори қизларига вилоят ва туманнинг ўндан ортиқ мартабали раҳбарлари совчи бўлиб келганини кўриб банги Али отанинг тили галдираб қолди. Ҳанифанинг синглиси бўлса кириб келаётган совчиларни санаб эсхонаси чиқаёзди.

— Қаранг, Шодивойни бир пияниста, овсар йигит деб ўйларканман. Унинг шунча акахонлари бор экан-ку... Жа камтар йигит-да ўзиям, — деди муйсафиднинг оғзи қулоғига етиб.

— У қизингизни жудаям яхши кўраркан, — деди подполковник Йўлбарсов. — Унинг учун ҳатто жонини фидо қилишга тайёр. Бирорта аскарим агар уни “пақ” этиб отиб қўйганидами, эҳтимол бугун унинг таъзиясига келармидик.

— Ҳой, оғизингизга кўп ҳам эрк берманг, — дея уришиб берди Октябрь Мелисович. — Биз бу ерга яхши ният билан келдик.

— Ҳа-ҳа, узр... У зўр йигит! Қойил! Агар рози бўлса, албатта команدامга қабул қилган бўлардим.

Совчилар суҳбати унча кўп чўзилмади. “Бўладиган ишнинг бўлгани яхши-да” деб тўй кунини ҳам белгилаб кўя қолишди. Шундан сўнг бўлғуси келин билан куёв бу ерга чақиртирилиб отахоннинг дуои фотиҳасини олиш маросимини бир йўла ўтказиб юбориш учун куёв болани зудлик билан “тутиб келиш” буюрилди.

Ходимлар уни гузардаги дўкон олдида Боймурод сигналчи билан Фаффор тракторчи даврасидан топишди. Улар эндигина винонинг тўртинчисини бўшатишган ва қилган ишларидан мамнун бўлиб, “Мен сенга айтсам” деб ўтиришарди. Ходимлар кўпчиликнинг кўз ўнгида Шодивойнинг оёғини ерга теккизмай машинага тиқишди. Улфатлар “ҳай-ҳайлаб” қолаверишди.

Ҳанифа бўлса бу пайтда ошхонанинг жажжи дарчаси орқали кутилмаган меҳмонларни ҳайрат билан кузатиб турар ва ўзича шаҳзодасини уришмоқда эди: “Мақтанмай ўл! Нимангга мақтанасан?! Шунча катталарни юбориш шартмиди? Бирорга одами номига келсаям отам берворарди-ку!.. Ие, вой ер юткур-ей! Уялмай ўзиям кепти-я. Кайфи бор шекилли, иккита одам кўлтиқлаб олибди-ку!.. Вой, ана шарманда!..”

Ёғоч оёқлари эскириб, бужмайиб тиришган қийшиқ сўри кутилмаган семиз-семиз меҳмонларни аранг кўтариб турар, у бунақа серқорин, сердимоқ одамларни умри бино бўлиб ҳам тепасига чиқармаганди. Унинг камига ширакайф “куёвтўра” ҳам гезариб кулиб келиб орқасининг “бир четини”ни сўрига омонат қўйиб олди. Айниқса улар шарақлаб кулишганида сўрининг

“қовурға”ларидаги эски михлар “дод” деб юборишар, ёғочлари ғирчиллаб ўзини аранг тутишаётганди.

Икки кундан буён фавқулодда ҳолат туфайли ҳаловатини йўқотган давлатнинг бу мутасадди одамлари ҳозир Али бангининг гувала деворли, лой сувоқли пастқам уйлардан иборат музейнамо ҳовлисидаги бобосидан қолган кўҳна сўрисиди ўзларини худди ўзга сайёрада ўтиргандек ҳис қилишар, ҳазил-ҳузулга мойилликлари ўта баланд эди.

Отанинг кичик қизи Райҳоной югуриб-елиб чой ташир, катта қизи Ҳанифа ва хотини Қумринсо хола шу топда ошхонада банд эдилар. Кўп ўтмай оғзи қулоғида бўлган ота уларни ўз ҳузурига йўқлади. Қумринисо холанинг бир қулоғи кар бўлиб, бунинг ҳам сабаб-иддаоси бор эди, албатта.

Али ота ёшлигида ҳам нос ихлосманди бўлгани туфайли ҳадеб пул сарф қилиб бозордан сотиб олавериш ўрнига бир гали бодринг орасига нос тамакиси кўчатидан экиб кўриб яхши натижа олган ва носни уй шароитида тайёрлашни йўлга қўйиб носнинг ашаддий ҳавасмандлари сафига қўшилганди.

Қишнинг аёзли тунларидан бири эди ўшанда. Қишлоқда чироқ ўчиқ, ҳаммаёқ зим-зиё. Уйқуси қочган ота хуморбосди қилиб тилининг тагига бир каплам ташлаб олганди. Ҳадеганда чироқ ёнавермагач, оғзидагини одатдагидек ҳужрасининг бир четига тупуриб қўявермоқчи бўлди ва хотинини ташқарида бўлса керак деб ўйлаб, бир четга чаксагини қилиб қўя қолди. Афсуски, беозор хотини бу маҳалда секингина кириб шу жойга ётиб олганидан у беҳабар эди. Нос ухлаб ётган аёлни қулоғини тўлдирди ва бижғиб қайнади. Шу-шу, у эшитмайдиган бўлиб қолди.

— Қара, хотин, шунча мартабали одамлар худди ос-

мондан тушгандай қизингнинг қўлини сўраб уйимизга кириб келишди-я!..

— Нима? “Осмондан тушишди” дейсизми?

— Э, йўқ, гаранг! Қизингга совчи бўлиб келишибди!

— А-а... Яхши-яхши... — Кампир меҳмонларга қуллуқ қилди. — Вой, хуш келибсизлар, айланайлар. Ануви 5-бригадага тушган “тарелка”ни одамлари сизмисизлар?.. Қалай, яхши учиб келдингларми? Тан-жонларинг соғми, осмондагилар эсон-омон юришибдимми? — дея у бетўхтов жаврай-жаврай ҳарбийларнинг кенг юлдузли елкаларини қўли билан силаб-сийпаб юзига суртиб ола бошлади.

ДХҚ зобитининг кўзлари ола-кула бўлиб кетди ва ёнида ўтирган туман ИИБ бошлиғини секин туртиб қулоғига шипшиди:

— Кампирга бу махфий ахборотни ким етказиб улгурди?

— Қизи бўлса керак-да, — деди ҳозиржавоблик билан милиция майори Собитов.

Кампир эса жавраб, ўзига хос “мантиқий хулосалар” қилишда давом этарди. Бу ҳолат ниҳоят отахоннинг ҳам гашига тегди шекилли, кампирини уришиб берди:

— Ҳой хотин, сен нималар деб алжираяпсан. Ахир, булар совчилар деяпман-ку!

— Вой ўлмасам! Нима, унда қизимизни осмондагиларга берамизми-а, дадаси?

Меҳмонлар энди кулиб юборишди. Чолнинг хижолат бўлганини кўриб ижрокўм раиси унинг елкасига маъноли қоқиб кўйди.

Отахон ҳам гапни ҳазилга йўйиб деди:

— Осмонга тегди нима-ю, ерга тегди нима? Кимга бўлсаям эрга тегса тегиб, ўзидан тиниб-тинчиб кетса бўлди-да. Нима дединглар?

— Нима, ерда эр қуриб кетгандай ойга тегармиди, бўлмаса? — деди хўжалик раиси ҳам бўш келмай.

— Лекин гапингизда жон бор, — деди шу пайт Октябрь Мэлисович лаби учган пиёладаги чойдан бир хўплаб оларкан. — Олтиариқликларни ойга америкаликлардан аввал чиққан дейишади.

— Қанақасига? — сўради ҳарбий командир бу гапни жиддий қабул қилиб.

— Шунақа бир латифа бор-да, айтиб берайинми? — деди Муродил Эшонович.

— Америкалик астронавтлар ойга чиқишгач, энди эшикни очишмоқчи бўлиб “Сен чиқ-мен чиқ” деб қўрқиб туришган экан, шу маҳал кеманинг эшиги ташқаридан гурс-гурс тақиллаб қолибди. “Ие!” деб юборибди фазогирлар ҳайронлик билан. “Ҳой, ким у?!” деб қичқириб сўрабди бирови. Шу маҳал ташқаридан “Биз олтиариқликмиз. Тўрт қоп “свежий” бодрингимиз қолувди, олмайсизларми?” деган овоз келибди. “Сизлар бу ерга қанақа қилиб келдиларинг?” ҳайрон сўрашибди астронавтлар. “Камаз”да, деб жавоб беришибди олтиариқликлар.

Чунонам кулги кўтарилди. Бечора сўри яна чираниб додлаб юборай деди. Фақатгина куёв бўлмиш Шоди пиён миқ этмай гезариб ўтирар, унинг афт-ангори русчасига айтилганида “недопитий” эди. Милиция бошлиғи уни сал мақтаб алқагиси келдими, кулгидан сўнг бўлғуси қайнонага уни яқин таништирамоқчи бўлди.

— Онажон, кўрқманг, бешик тўйига овора бўлиб ойга чиқиб юрмайсиз, куёв бола ҳам мана шу ўзимизнинг Повулғондан, — дея Шодивойнинг елкасига қаттиқроқ уриб қўйганди, балога қолди.

Омонат ўтирган куёв ерга ағдарилиб тушиб тупроққа беланди. Уни турғазиб қўяман, деб командир Йўлбар-

сов шошиб ўрнидан турди. Аммо сўрининг оёғи силтовга дош беролмай тўсатдан қарсиллаб синди ва меҳмонлар ҳам тупроққа думалаб ўзларини чиндан ҳам замин фарзанди эканликларини Кумринисо холага амалда на- мойиш этдилар...

Ўн биринчи ҳикоя
ҚОПҚОҚ ЁҚҚАН КУН

ёхуд консерва заводини “банка-рот” бўлгани ҳақида

Повулгон. Эшакчи маҳалласи.

1990 йил 19 май. Соат 1700

Хуллас, орадан бир ҳафта ўтгач, Али банги хонадони- да оламшумул тўй бўлди. Бир жиҳатдан бу тўйни ҳомий ташкилотларнинг хайрия ҳашарига асосланган тадбир деса ҳам бўларди. Албатта, гувала деворлару лой сувоқ уйлар яхшилаб оқланди. Беўхшов жойларига гиламлардан “ямоқ” солиниб, ҳовли ойдек қилиб ялтиратиб қўйилди. Тўкин-сочин давранинг ўртасига келин билан куёв учун бахт ва омад ҳадя этган, дунёни бир кеча бўлса-да, олтиариқча лаҳжа билан айтилганида “жичча-пичча, ақабақа обориб-опкелган”, ҳукумат одамларини ҳайратга сола билган, ўша муҳаббат рамзи, гўзал ва маҳобатли Анвар аканинг патиссонини қўйиб қўйишди. Тўйда “Осмонлик қуда”ларнинг барчаси бўйинбоқсиз, фуқаролик кийимида иштирок этдилар. Олтиариқ туман маданият уйининг “Шудринг бодринг” ансамбли беминнат хизматда бўлди. 5-“а” синф ўқувчиси Дилшодбек Раҳмонов ўшанда илк бор тўйда кўшиқ айтди ва чаккасига пул қистирилди:

... Ўзга сайёралар, бизга бир қадам.

Ўзга сайёралар, бизга бир қад-а-а-ам!...

Димоғи чоғ бўлган Али банги ҳам ўша кун тўйга келган барча меҳмонларга ўзининг ихтироси асосида тайёр-

ланган “Папинос”дан бепул тарқатди. Махсус ёрлиқни, оғзидан осилтириб олган кашандалар тўйда елиб-югуриб хизмат қилдилар.

* * *

Ўша тўй бўлган куни Неъмат ака билан Анвар патиссон ҳам Фарғонадаги автомобиль бозоридан оппоқ, ҳали завод ёғи артилмаган, “Об – жигули”ни сотиб олишди ва уни уйга бориб ювиш учун йўл-йўлакай қадрдон пивохонадан уч литрли икки банкада пиво харид қилишди. Неъмат ака ваъдага вафо қилиб патиссоннинг уруғини берган Гришанинг ҳурматини жойига қўйиб уни яримта билан сийлаб қўймоқчи эди. Афсуски, у шўр патиссонли банкани маҳкам қучоқлаганича бир четда ҳузур қилиб, “ўчиб” бўлган ва шу зайл оромбахш замин тупроғидан баҳра олиб думалаб ётарди...

Икки улфат ўзларида йўқ хурсанд, янги машинада консерва заводи олдидаги катта йўлдан ўта бошлаганларида яна бир байрамона шукуҳнинг гувоҳи бўлдилар. Уларни гўё машина олганлари билан қутлагандек худди салют машъалалари мисоли завод осмонига бир нималар паққиллаб отилар, ўша атрофда юрган ёш болалар “Ур-ре!” дея данғиллаб йўлакларга ёғилаётган янги консерва қопқоқларини териб олишмоқда эди.

Нима гаплигига ҳайрон бўлган Анвар машинани секинлатди. Шу маҳал машина капотига ҳам бир неча қопқоқлар келиб тушди. Завод ичкарасида гўё шу маҳалда “қасир-қусур” мушакбозликлар бўлаётгандек эди. Анвар машинасини бир четга тўхтатди ва акамдан завод қоровулидан нима гап эканини сўраб келишини илтимос қилди.

Қоровул кўзларидан ёш милтираб “Бай-бай, астағфируллоҳ, эсизгина меҳнат...” дегандай бош чайқаб турган экан.

– Ассалому алайкум, тинчликми, отахон?

– Ваалайкум...Э, қўяверасиз, ука, ишлар чатоқ...Инженеримиз айтди, заводимиз энди “банка-рот” бўлармиш.

– “Банка-рот” дейсизми? Нима, банкаларининг оғзи очилиб кетаяптимики?

– Э, бир олтиариқлик муттаҳам бодринг ўрнига бир балои азимни экканмиш. Ичи ғирт селитрамиш. Ўша дори туфайли қопқоқлар энди пақиллаб отилаяпти. Ишчилар икки ҳафта уч сменалаб ишлашиб, энди Россияга вагонга юклашаётган эди, эсиз, – деди мўйсафид ачи-ниб.

Неъмат акамнинг юрагига ғулғула тушди.

– Энди нима бўлади?

– Нима бўларди, директор ҳозир патиссон эккан ўша муттаҳамни ахтариб кетган-да.

– Уни нима қилмоқчи? Урмоқчимми?!

– Э, йўқ. “Бошқа бунақа бемаъни нарса экмагин” деб огоҳлантириб, қолган-қутган палак-малагию, уруғини тўплаб ўт қўйиб келмоқчи.

Улар Анварникига етиб боришганида томорқасидан ҳақиқатан ҳам аччиқ қора тутун кўтарилмоқда эди.

Анвар қовоғини кўтариб кулиб қўйди ва машина сигналинини варанглатиб маҳалласи бўйлаб тантанавор ўта бошлади. Кўча-кўйдаги болалар, маҳалла одамлари, кўни-қўшнилари унга ҳавас билан қараб қолишар, бироқ улар орасида ҳасад ўтида тутай бошлаганлари ҳам йўқ эмасди. Яп-янги машинага эга бўлгани, қолаверса, Неъмат аканинг болали ола сигир олганини билган, эшитганлар янги даромадли соҳа бўлмиш махфий ҳолда етиштирилган патиссонга қизиқиб қолишлари табиий эди, албатта.

* * *

Келгуси йили Анварнинг ҳовлисидаги патиссондан ўғирлаганлар билан бир қаторда Неъмат аканинг кўшниси Юрсин ака ҳам Анварлар қандай патиссон экиб етиштиришган бўлишса, улар ҳам ҳаммадан яшириқча бодринг ўрнига ўша сирли, сердаромад, серунум янги экин турини “папалаб” парваришладди. Лекин Анвар ҳам, Неъмат ака ҳам бу ишлардан беҳабар бўлиб, улар томорқаларида яна қадрдон ва ардоқли бўлиб қолган ўз бодринглари экиб, “Об”ини физиллатиб ҳайдаб, молнинг сут-қатигидан баҳраманд бўлиб, роҳат-фароғатда кун кечириб юраверишди.

Кунлардан бир куни, айти “сезон” маҳали Неъмат аканикига кўшниси Юрсин ака қисиниб-қимтиниб кулиб кириб келиб аста мурожаат қилди:

— Неъматжон, узр. Ўтган йили сизнинг уйингизга бир уюм патиссон опкелишувди. Билдим, у “Жигули” миниб юрган ўртоғингиз Анварники экан, тўғрими?

— Ҳа-ҳа, тўғри.

— Ўртоғингиз ўшанда яхши даромад қилибди, деб эшитдим.

— Тўғри. Уруғ берганим учун менга ҳам сигир олиб берди, нима эди?

— Ҳа-ҳа, яхши.

— Ўша кунлари бизникида хотинлар “чилёсин” қилишганида хотинингиз Холидахон дастурхон ўрнига бир патиссонни олиб чиққан экан. Уни биз уруғликка олиб қўйгандик. Кейин бу йил бодрингнинг ўрнига мен ҳам ҳовлимнинг ҳаммасига шундан экувдим-да.

Неъмат акам ажабланиб, ҳайрон бўлди:

— Нима, рост биланми?!

— Ҳа, энди тирикчиликнинг айби йўқ, дегандай. Мен

ҳам тузукроқ даромад олай деб ният қилувдим-да... Шунинг учун олдингизга бир илтимос билан чиқувдим.

— Қанақа илтимос?

— Ўзингиз биласиз, “Запарож” машинам анча эскириб қолган. Шунини бир амаллаб янгилаб олиш ниятим бор. Лекин ҳосилнинг бир қисмини йиғиштириб заготконторага олиб борсам, муттаҳамлар қабул қилишмади. Кейин шаҳарга, бозорга олиб бордим. Ҳечам сотолмадим. Шунини сизлар қаерга олиб бориб, қандай сотувдинглар? Илтимос, шу масалада менга бир оз маслаҳатингиз керак эди. Олган уруғлигим эвазига сизга бирор қоп патиссоннимдан қайтарганим бўлсин.

— Э, йўқ, керакмас, раҳмат. Уларни, гапнинг очиги, консерва заводида топширганмиз. Директор Тўхлиевнинг ўзи пулини қуртдай санаб берган.

Юрсин аканинг кўзларидан ўт чақнагандек ўрнидан хурсанд туриб кетди.

— Раҳмат сизга, қўшни. Мендан қайтмаса худодан қайтсин. Қаранг, консерва заводи қурғур хаёлимгаям келмабди-я. Эртагаёқ териб ҳаммасини олиб борганим бўлсин!

— Патиссонингизни “Запарож”ингизда олиб борасизми?

— Йўғ-е, қўшни, нималар деяпсиз. Ўн сотих томорқамнинг ҳаммасига экканман-а. Худо хоҳласа, иккитагина “Камаз” чиқиб қолар, — деди у ва хурсанд чиқиб кетди.

Неъмат ака унинг ортидан ҳайрон қараб қолди. “Эсиз, — деди у ўзича. — Агар “Запарож”га боғлаган бўлганида эди, кейин унинг бир донасини дала йўлида тушириб қолганидами... Уҳ-ҳу, унда нима бўларди? Ана томошаю, мана томоша...”

* * *

Худди шунга ўхшаш ҳолат Анварнинг қўшилари билан ҳам содир бўлди. Қўшни болалар девор ошиб патиссонлардан ўғирлашга муваффақ бўлгани маълум бўлди. Болалар уларни еб бўлмагач, оталарига олиб боришган. Оталар эса уларнинг уруғини олишган экан.

Ҳам қўшни, ҳам яқин қариндошларидан бири бўлмиш Исоқ ака ҳам ҳадди сиғиб Анвардан етиштирган антиқавор ҳосилни қаерга топшириш мумкинлиги ҳақида маслаҳат сўради. Анвар унга ачиниб бемаслаҳат бекор экканини ва ўзлари ўтган йили аранг уни консерва заводига ўтказганини эҳтиётлик билан давлат сирини ошқора қилмаган ҳолда рўйи-рост гапириб берди.

Хуллас, бир-биридан сир тутиб патиссонни етиштирган маҳалладаги етти қўшни айна бодринг мавсуми маҳали питирлаб қолдилар ва бир-бирларини пойлаб, бирин-кетин “Камаз”у тракторларга жойлаб, ҳаттоки усти кўринмайдиган қилиб ўраб, аллақачон “банка-рот” бўлиб фаолияти тўхтаб қолган консерва заводининг дарвозаси ёнига турнақатор бўлиб саф тортдилар.

Ўзи “куйиб ёнаётган” завод директори Тўхлиев баттар тутади. Можаро қилиб бир-иккитаси билан ёқалашди ҳам. Деҳқонлар билан амалдор ўртасида жиддий зиддият юзага келди. Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига асосан текшир-текширлар, дўқ-пўписалар ва асабга тегадиган қанақа нохуш гаплар бўлса, ҳаммаси бўлиб ўтди. Аммо ҳосил қабул қилинмади. Уларнинг ҳаммасини арзимаган пулга чўчқахонага олиб бориб ташлашди. Тўртта машинадагисини товуқ фабрикасига текинга топширишди. Томорқаларда ёндирилган патиссон палакларининг аччиқ тутунни бир ҳафта давомида маҳалла осмони узра қорайиб, қалқиб турди.

* * *

Фақат дунёнинг бундай алғов-далғовларидан беҳабар Эшмат акагина янги велосипедини физиллатиб миниб юрарди. Чунки ўша йили чиндан ҳам унинг бригадаси пахтадан юқори ҳосил олган ва хўжалик бошқармаси правлениеси уни янги велосипед билан муносиб тақдирлаган эди. Мана, орадан йигирма беш йил ўтибдики, нафақага чиққан Эшмат ака ҳозир ҳам баъзан ўша велосипедни кўчаларда физиллатиб ўтиб қолади. Анвар аканинг “Об”сига бўлса, гап йўқ. Ҳали у яп-янгидек.

Ҳа айтмоқчи, Қодир кал “отбой”дан сўнг бошини “шифобахш тарелка”га кўп ишқаганми, ҳар ҳолда унинг сочи бутунлай тўкилиб кетди. Лекин бундан хурсанд бўлди. Энди сартарошга умуман пул тўламай қўйди. Фаффор ака ҳам мўъжизакор “юлдуз”га қаттиқ ихлос қўйиб, узоқ масофадан туриб нурли муолажа “қабул қилаверганидан” бутунлай тузалиб кетди. Бироқ ачинарлиси шуки, Олтиариқ маориф бўлими жамият тараққиётига тўсиқ бўлиб, ҳамон Повулғон мактабига 36 тадан ортиқ бошқа ҳеч қанақа ҳарф-марф юбормади.

Бироқ товуқ фабрикасида ўша даврда товуқлар улкан тухумлар туғаётгани, ҳатто уларнинг сариғи иккита экани ва очилган жўжалар туяқушлардек катта бўлиб кетгани ҳақида кўп гапиришади. Аммо мен ишонмайман. Бу лоф бўлса керак. Яна ким билади дейсиз...

Ўн иккинчи ҳикоя

ТАҲЛИКА

ёхуд Эргаш кемшикнинг ўзга сайёраликлар билан муштлашгани ҳақида

Туман туғруқхонаси. 1990 йил 11 май соат 12-00

Ҳай, майли, эҳтиросларга берилмайлик-да, бўлган гаплардан гаплашайлик.

Ҳурматли ўқувчи!

Эсингизда бўлса Сулпинисо холанинг келини билан боғлиқ бир хунук воқеа тўғрисида асар сўнггида тўхталишга ваъда бергандим. Ҳамма нарса ҳам ҳар доим кутилганидек бўлавермайди, албатта. Патиссон орқали кимларнингдир омади чошиб, бир нималик бўлиб қолишган бўлишса, Хадичанинг эри Эргаш кемшикнинг дили вайрон бўлганди ўшанда...

Тушунаман, сиз ўқувчи кулгига мойилсиз, фожиани ўзингизга эп кўрмоқчи эмассиз. Бироқ ўша Неъмат аканинг кажавали мотоциклидан тасодифан дала йўлида тушиб қолган патиссоннинг кейинги тақдири сизни қизиқтирса ажабмас. Агар Эргаш кемшик томонидан ўша патиссон ёвузларча чошиб ташланмаганида эди, ким билади, у ҳозир Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олган бўлиб, дунё музейларининг бирида ноёб кўрғазма сифатида сақланаётган бўлиши мумкин эди.

Эргаш кемшик ҳақиқий деҳқон йигит. У ҳам қовоқларнинг ҳар қандай турини яхши кўради. Бироқ йигитнинг қонини жунбушга келтирган бу синоат, яъни хотинига бўлган аламли рашки уни бу қабихликдан қайтара олмади. Аммо ўзи ҳам жазосиз қолмади. Инсоният қўли билан яралган, Анвар патиссондек миришкор, унинг оилавий меҳри ила парваришланган, ҳаттоки, номи мактаб ўқувчиларининг шеърү қўшиғида жаранглаган, керак бўлса, ўзга сайёралик номини олиб, давлат амалдорларининг ҳурмат-эътиборига тушган, икки ёшнинг бахт-висол тўй оқшомида давранинг тўрида азиз бўлган, Фаффор тракторчидек баъзи беморларда хасталикка қарши курашишга ихлос пайдо қила олган ўша ноёб экспонат тўй оқшомининг эртаси Эргаш кемшик томонидан аёвсизларча болта билан чошиб ташланди!..

Аммо тўй кечасини электр чироғи билан безаган мон-тёр Эсонжон ака патиссоннинг теварагидан ҳам ёниб-ўчиб турувчи ранго-ранг электр чироқларини ўтказган бўлиб ва воқеа содир бўлган маҳали уни ҳали электр тармоқ тизимидан ҳам узиб улгурмаганди...

* * *

Воқеа шундай содир бўлди:

Ҳанифа билан Шодивойнинг тўйи куни “учар ликобча” тушган жойга бориб тўнқада ўтириб яхши ният қилиб қайтгани учунми, Хадичанинг тўлғоғи тутиб, уни Олтиариқ марказидаги туғуруқхонага олиб боришди. Сулпинисо хола яхши ниятда ўша 5-бригадага осмондан тушган НУЖга ихлос қилганиданми, келини ҳақиқатан ҳам ўғил туғди. Бу ҳақдаги хушxabарни келиннинг укаси Раҳимжон етказиб келди. Хола хурсанд бўлганидан унга бир кўйлак ва атлас қийиқча ҳадя қилди. Йигитнинг айтишича, у ҳозиргина ўғил жиянини дераза орқали кўрганмиш ва Повулғонга ўзга сайёраликлар ташриф буюргани учун “жияним, албатта, фазогир бўлсин” деган ният билан унга пуфлаб шишириладиган ўзга сайёралик нусха кўғирчоқ олиб бериб келганини айтди. Кампир унинг нияти амалга ошиши учун яхшилаб дуои фотиҳа қилди.

Бироқ Эргаш кемшикнинг мазкур кўғирчоқдан хабари йўқ эди ёки онасининг бу ҳақидаги гапларига эътибор бермади. Ўғил кўрганини эшитиб оғзи қулоғига етди ва дўконга ҳам кемшик тишларини кўз-кўз қилганича кулиб тасодифан бу ерда дуч келиб қолган Боймурод сигналчини вино билан сийлади. Сигналчи шошиб турган ва сигнал-байроқча ўрнатилган велосипедини кўчада қолдирган бўлса-да, Эргашнинг хуш кайфиятига шेरликлик қилмасликни ўзига эп кўрмади, албатта.

— Э, баракалла, қойил иш қилибсан!... М-мен жуда хурсандман, — деди Боймурод ака улфатини ўзидан антиқа кимёвий ифор уфуриб турган бағрига маҳкам босиб.

Шундан сўнг далага олиб кетиш учун яна икки шиша олволди. “Юр, энди мен сени меҳмон қиламан. Далада, тоза ҳавода бир улфатчилик қиламиз!..” — деди у самимий.

— Йўқ, бориб ўғилчамдан хабар олай.

— Э-э, с-сен ўғилча баҳона хотинингни соғингандирсан-а. Ҳай, майли-майли. Лекин хотининг, илоҳим, кўз тегмасин, жа кўзга яқин-да ўзиям, тфу-тфу... Уни эҳтиёт қил. Бўпти, мендан салом айт.

Шу зайл улар дўкондан қўлтиқлашиб чиқиб келишганида тўсатдан самолёт вариллаб келиб шундоқ тепаларидан дори сепиб ўтиб кетди.

— Нима бало, бу, Боймурод ака? — дея қичқиради Эргаш ва уни йўтал тутди.

— Эсим курсин, сен билан аймоқилашиб кўчага сигналимни кўйиб кетганим ёдимдан кўтарилибди-ку. Эҳтиёт бўл, самолёт ҳозир яна қайтиб келади! — деди у ва сигналли велосипедини физиллатиб дала томон тез ҳайдаб кетди.

Аммо хайриятки, самолёт учувчиси тушликка чиққан-ми, қайтмади.

Боймурод ака велосипед рулига осилган бир жуфт қулинг ўргулсин шишанинг жарангига ишқибоз бўлиб бирдан қорни ҳам очиққанини ҳис қилди. Эргаш билан аймоқлашиб олган нону консерваси ёдидан чиқибди. “Эҳ, повулғонликманда. Ўтган куни бозорга борганимда деҳқон билан тоза тортишиб беш кило пиёз олиб пулини санаб берибману, пиёз ўша ерда қолиб кетаверибди” — деб кўйди Боймурод ака ўз устидан кулиб ва осмонга қараб илтижо қилган бўлди. “Э худо, ўзинг мадад бер.

Йўлда бирор овқат-мовқатга дуч келтир”, деб кетаётган ҳам эдики, тут тагида ўтирган бригадир Эшмат ака ва унинг табелчисига кўзи тушиб қолди.

Сидиқжон исмли табелчи йигит бир тугунни очиб кўймоқда эди. Олдиларида термосда чой ҳам бор. Сигналчининг хаёлидан “Уларни вино билан сийлаб овқатларига шерик бўламан” деган ўй ўтди.

— Э, ҳорманглар энди! — дея қичқирди у йўлдан туриб.

— Э, бор бўлинг, Боймурод ака.

— Нима қилаяпсизлар?

— Сидиқжон шавла қилиб келган экан.

— Нима, шавлани қуруқ емоқчимисизлар?

— Ҳеч нимамиз йўқ-да, — деди табелчи йигит кулиб.

— Мана менда бор-да, ўша қулинг ўргилсин, — деди сигналчи халтасидагини шиқирлатиб.

— Э, опкелинг унда. Бирга тушлик қиламиз!

— Эй худо, ўзингга шукр, — деб кўйди сигналчи ва байроқли велосипедини улар ўтирган тутга тираб кўйиб, хурсанд ҳолда халтани кўтариб келди.

Лекин доим олиб юрадиган вино очқичи илгари ул-фатчилик қилган жойда унутиб қолдирган эди. Овқат ол-дидан уни очмоқ мақсадида кафти билан шиша орқасига ҳуноби ошиб ура кетди. Заводинг тутаб қетгур, шиша пўкагини жуда мустаҳкам ўрнатган чоғи, ҳадеганда шиша жўмрагини кўйиб юборавермади. Энг хунуги, томоқлари чуккуллаб овқат ҳам интизор бўлиб, совуб қолаётгани маҳали бирдан вариллаб самолёт келиб қолди ва уларнинг устидан пастлаб муздек дорисини сепиб ўтиб кетди.

— Нимага устимиздан сепади у! — дея қичқирди Сидиқжон. — Ахир, овқатни расво қилди-ку!

— Ҳечқиси йўқ “заҳарни заҳар кесади” дейдилар, манавиндан отиб олсангизлар бало ҳам урмайди, — деди Боймурод ака ва бир урганди пўкак “пўқ” этиб отилиб кетди.

У тез пиёлаларни тўлатди.

— Тезроқ ичиб олинглар, — деди у ва пиёладагини сипқириб шавланинг ўз тақсими томони устидагини қошиқ билан суриб олиб ташлади-да, паққос тушира кетди.

— Хой, буни еманг заҳар-ку! — дея қичқирди Эшмат ака.

— Менинг танам ҳар қанақа заҳарга қарши кураша оладиган бўлиб кетган.

Шу маҳал изига қайтган самолёт яна бир бор дорисини чиройли қилиб сепиб ўтди. Улар кийимлари билан бошларини тўсишди ва ўринларидан туриб ура қочишди.

— Э, йўқолинг-е бу ердан-е! — дея қичқириб берди Эшмат ака.

Боймурод ака эса эътибор бермай яна бир пиёлани уриб олди-да, шавлани тез-тез паққос тушириб олди-да, “Шавла учун раҳмат!” дея сигналли велосипеди томон чопди ва уни физиллатиб жўнади. Самолёт ҳам унинг ортидан эргашди...

* * *

Шундай қилиб, Эргаш кемшик туғуруқхонага тенти-раб-сентираб кириб келди ва бинонинг орқа томонига ўтиб ўғилчасини дераза орқали кўрмоқчи бўлди.

— Хой, Ҳадича, қайси палатадасан?! — дея қичқирди у.

Ҳадича бу паллада ёнидаги туғиш арафасида бўлган бир полосонлик келинчакка гўдакни қандай йўр-гаклашдан сабоқ бериб, укаси олиб берган шишириладиган “ўзга сайёралик” қўғирчоқни ўраб-чирмаб кўрсатаётганди. Ўзининг чақалоғи бу маҳалда ичкарида, чақалоқлар хонасида уйқуда эди.

У маст эрининг авзойини кўриб жаҳли чиқдимиди ёки бошқа гўдакларнинг уйғониб кетишидан чўчидими,

ҳарҳолда, эрининг гул олиб келмай, куп-куруқ маст-аласт келганидан ва бақириб ҳаммани безовта қилаётганига гаши келди. “Бир боплай уни” дея йўргаклаб турган ўша “инопланетян” қўғирчоқни эркалатиб” “Ана дадаси келди. У маст, ароқ ичиб олибди “дад-да” деб қўйинг”, дея атайин деразадан йўргакланган қўғирчоқни эрига кўрсатиб “кўз-кўз” қилди.

Бироқ аёл қаттиқ янглишганди. Эрининг тишлари кемшик бўлса-да, кўзлари бургутникидай ўткир эди. У чақалоққа бир оз ҳайрат билан тикилиб турди-да, негадир 5-бригадага тушган “тарелка”ни эсига олди. “Оббо ярамас-ей, у осмондан бекорга тушмаган экан-да. Ҳали гап бу ёқдамиди?” деди ўзича. Сўнгра бир оз гангиб турди. Хотинининг бир нималар деб қичқираётгани негадир энди қулоғига кирмасди. Тентирав нари кетди ва бир нимага қоқилиб йиқилиб ҳам тушди. “Вой, бечора эрим манави қўғирчоқни кўриб қўрқиб кетди, шекилли”, дея ҳамширани чақириб ичкаридан чақалоғини тез олиб чиқиб беришларини, унинг дадаси келганини айтди. Лекин гўдакни кўрсатиш учун дераза олдига келганида кеч бўлган, Эргаш кемшикнинг қораси ўчган, бу маҳалда у бошини қаерга уриб ёришни билолмай, алаmidан беҳисоб, бегазак ароқ ича бошлаганди.

Бир қўлида шиша, иккинчисида шўр бодринг, қалби тўла рашк алами уни ўртаб борар, осмонга қараб шунақа бўқириб сўкинардики, буни эшитган ҳар қандай ўзга сайёралик албатта жуфтакни ростлаб қолиши муқаррар эди.

* * *

Бечора йигит нима қиларини билолмай, фирт маст ҳолда отасининг ҳузурига гандираклаб кириб борди.

Ота ўғлини бунчалар расво аҳволда ҳеч қачон кўрмаганди. Назарида ўғли ўғил фарзанд кўрганга ўхшамасди.

– Ҳа, тинчликми? Сенга нима бўлди, ўғлим? – сўради Сайидолим ота хавотирланиб.

– Дард бўлди, бало бўлди...

– Мундоқ тушунтириб гапирсанг-чи!

– Ота, сиз мени қанақа қилиб яратгансиз-а?

Отанинг кўнгли қандайдир нохушликни туйди. Лекин ўғлининг кўнглидаги синоатни ўзидан тезроқ эшитишни истаб гапни ҳазилга олди:

– Шу ҳам саволми? Тунда ётишдан аввал онанг иккимиз ёстиғимизнинг тагига туфлаб кўювдик. Эрталаб ёстиқни кўтариб қарасак, мўйловини ўйнатиб бир суварак турган экан. Бир уриб ўлдириб кўймоқчийдим, “Фарзандимиз-ку” деб онанг кўнмади. Кейин уни боқиб катта қилдик-да.

– Лекин мен туфлаган ёстиқнинг тагида суваракмас, бошқа нарса пайдо бўлибди-ку!

Сайидолим отанинг юраги шув этиб кетди. “Демак, набирам ногирон туғилган. Ўғлим бекорга куйинмаётган экан. Эй худо, бечора ўғлимнинг кўнглини ўкситмай, гўдакнинг тўрт мучасини соғ қилиб яратсанг бўларди-ку!..” дея хаёлан ўртаниб олди ва индамай бориб ўғлини маҳкам бағрига босди.

– Энди нимаям қила олардик, болам. Буям бир Яратганнинг синоати-да. Нима бўлсаям, у сенинг фарзандинг. Кўнғиз ҳам ўз боласини “оппоғим” дейди. Эркаксан-ку, чида...

– Кўнғиз бўлса майли эди. Ахир, у худди осмондан тушганга ўхшаяпти, ота!

– Нима бўпти, никоҳ, бу – илоҳий. Уни коинотда ўқилади, дейишади. Ўтган аждоддаримизнинг руҳи осмонда учиб юради-да. Ҳа, энди ўғлинг бирортасига ўхшаса ўхшагандир. Шунгаям айюҳаннос солиш керакми? Уят бўлади-я, ўғлим, уят!

Эргашнинг фигони ошиб “Э-э” дея норози кўл силтади-да, ичкарига кириб, ўзини тап этиб ўриндиққа ташлади.

Ўғлининг синиқ кўнглига таскин бера олмаган Сайидолим ота нима қиларини билмай оғир хўрсиниб гузар томон йўрғалади. “Одилни ишга солсаммикан? Ҳарҳолда у муаллим-ку. Эргашни бир йўлга солар”, деди у хаёлан ва катта ўғлини эсига олди. Мактаб томон бориб, уни чақиртирди.

Одилбек укасининг аҳволига ачиниб, ҳозироқ унинг ҳолидан хабар олажагини айтди ва ҳамон осмондагиларни сўкиб, гудраниб ётган Эргашнинг ёнида пайдо бўлди.

— Энди, ука, кўп сиқилма... Бу дунёда қанақа болалар туғилмайди, дейсан. Ана, кечагина бир газетада ўқидим. Қозоғистонда бутун юзини жун босган бир бола туғилганмиш. Ҳиндистонлик бир тўрт яшар қизча бўлса аввал яшаган ҳаётини эслаб ота-онасини ўша жойларга етаклаб олиб бораётганмиш.

Эргаш ётган ўрнида гўнғиллаб эътироз билдирди:

— Ахир ака, тушунинг, Ҳиндистон бошқа, ўзга сайёра бошқа. Менинг ўғлим худди ўзга сайёраликка ўхшайди-ку! — деди у ёстиқни гижимлаб, муштларини тугди.

Одилбек бир сапчиб тушди ва ўзини босиб олиб фикрини эркин давом эттиришга ҳаракат қилди:

— Нима бўпти, — деди у ўзини ҳеч нарса бўлмагандай тутиб. — Бир жиҳатдан бу зўр-ку!

— Нимаси зўр?!

— Билсанг, уларнинг калласи зўр ишлайди! Калласи қанақа ўзи? Каттами?

— Ҳа...

— Ҳалиги, беданақовоқникидай бордир?..

— Ҳа, — дея бошини сарак-сарак қилади кемшик.

— Ана! Билсанг, ерлик одамларни ўшалар бошқариб туришибди. Одамлар бекорчиликдан бир-бирини фисқи-



фасод, қирғин-барот қилмасин деб онгимизга ҳар хил темир ўйинчоқларни яратишни сингдиришяпти. Масалан, компьютер, телевизор, машиналар, эҳ-ҳе.

— Ҳой, ака, нималар деб алжираяпсиз?! Ахир, болам қанақасига ўзга сайёралик бўлиши мумкин?!

— Бўлиши мумкин. Бунинг учун улар сендан фойдаланишгандир-да.

— Ахир, уни хотиним туғди-ку!...

— Тўғри-да, болани хотин киши туғади-да. Бўлмаса, сен ўзинг... Сен бола, кўп сиқилма. Аксинча, бундан фахрланишинг керак. Эҳтимол, қишлоғимизга тарелка бежиз тушмагандир. Ие, тўхта! Ҳали сени улар ўз сайёраларига меҳмондорчиликка олиб кетишса-я.

— Э, йўқ!..

— Бўпти. Бўлмаса, болани менга берасан. Билсанг, директоримиз Аҳад Пирматов уларнинг тилини биларкан. Бу янгиликни эшитса боши осмонга етади. Ҳали кўрасан, мен бутун дунёга машҳур бўлиб кета-

ман. Мени улар сайёра вакили деб ҳисоблашади. Эҳ... Б-бўпти, ука, гапим гап, қўлингни бер, — деди Одилбек ҳаяжонланиб.

— Э, йўғ-е, нималар деяпсиз, ака?!

— Бунақа қилиб ётволсанг, нима қилай? Отамниям куйдириб адо қиляпсан. Кел, гап битта, болани менга берақол. Бу дунёга келиб мен нима қилдим? Орзуларим жуда кўп. Лекин ҳаётимда номим қоладиган бирор иш қилмадим. Мактабга бораман, келаман. Бодринг экаман, дори соламан, суғораман, сотаман. Бир хил режим, бир хил дастур... Ҳаммаси жонимга тегди. Билсанг, баъзан узоқ-узоқларга ўша сайёраларга учиб кетгим келади. Эҳтимол, у ёқларда одамлар узоқ умр кўришар, бодрингларигаям шира тушмас. Ана арифимизнинг кўприги йўқ. Йигирма йилдан бери икки километрни айланиб ишга бораман. Шунга ўғлингни менга бера қол, ука.

Эргаш энди ўрнидан туриб, жиддийлашди.

— Йўқ, ака. Мен сизни тушундим. У гўдакни мен ўз фарзандим эканини инкор қилмоқчи эмасман. Лекин хотиним-чи? У нега менга хиёнат қилди?!

— Бекорларни айтибсан! Келин бола покиза жувон. У ахир, бир ожиза бўлса... Эҳтимол, экстрасеанс Кашпировскийга ўхшаб улар узоқ масофадан, осмондан туриб телепатик йўл билан, ҳалиги...

— Бас қилинг! — дея ҳайқирди Эргаш ва тура солиб ўриндиқни тепа кетди.

Унинг важоҳатидан нақд шўрва қайнарди. У уйнинг шифтига қўлини бигиз қилиб кўрсатиб бақириб берди:

— Телепатиясини кўрсатиб кўяман унга ҳали!

— Ҳой, ўзингни бос, ука. Бу ҳам бир тасодиф-да. Ўша гўдакнинг ўрнига онамизнинг қорнидан сен ёки мен шундай туғилганимизда нима бўларди?

Эргаш энди талмовсираб тек қолди ва бир оз ўтгач, акасидан жиддий сўради:



— Бўлар иш бўлди. Ҳозир ўша қишлоғимизга тушган тарелка қаерда экан, қайтиб учиб кетмадимикан? — жаҳл ила сўради кемшик.

— Али аканинг ҳовлисида деб эшитувдим. Тўй базмига борган ўғлим унинг давра ўртасига қўйиб қўйилганини ўз кўзи билан кўрганмиш. Ёниб-ўчиб турадиган рангдор чироқлариям бормиш.

— Чироқлариям бор экан денг, демак, кутаяпти, — деди Эргаш ўзича ва сапчиб ўрнидан туриб кетди. — Бўпти. Мен кетдим!

— Қаёққа?

— У билан эркакчасига гаплашиб кўймоқчиман!

— Э, нималар деяпсан? Бу хавфли-ку, ахир. Уларнинг нурли куроли бўлиши мумкин.

— Бир бошга бир ўлим, деганлар.

— Йўқ. Борма. Улар билан пачакилашма.

— Уларга ўз фарзандини бериб қўядиган аҳмоқ йўқ! — деди Эргаш қатъий ва шиддат билан кўча томон отилди.

Унинг қиёфаси шундай важоҳатли эдики, турқидан кўрқиб, ҳатто йўлак бўйида ўтирган бир қора мушук ҳам хуркиб ура қочди.

Қалби ҳақоратланган йигит алам ўтида ёнар, шу дамда уни ҳеч ким ва ҳеч қандай куч йўлидан тўхтатиб қола олмасди. Шу туфайли у акасининг чақириғига ҳам қулоқ солмади. Бу маҳали Сайидолим ота гузардан қайтиб келмоқда эди. У саросимага тушиб уйдан чиқаётган кичик ўғлига дуч келди.

— Ҳой! С-сен қаёққа?!

Эргашнинг мақсад-муддаосини Одилбойдан эшитган ота мийиғида кулиб деди:

— Э, қўявер. Ҳозиргина чойхонада эшитдим. Далага тушган тарелка ҳақиқий эмасмиш, аллақандай қовоқмиш. Майли, Эргаш бориб бир ҳовуридан тушиб келақолсин... Юр, ўғлим. Биз келин болани кўриб, ўғил набирамдан хабар олайлик. Келин бечора эрининг дағдағасидан кўрқиб, ҳозир ўз ёғига ўзи қовурилиб ўтиргандир.

— Майли, ота, кетдик.

* * *

Эргаш куни кеча тўй бўлиб ўтган Али бангининг ҳовлисига гувала девор ортидан боқди-да, ҳеч кимнинг эътиборида бўлмайд қолган, чироқлари ҳамон “лип-лип” ёниб-ўчиб турган улкан юлдузсимон ҳошияли “тарелка”га кўзи тушди. Хонадон эгаларининг ҳаммаси бугун куёвникига кетишган, Али ота эса ичкарида қотиб ухламоқда эди. У жуда чарчаган бўлиб, ҳатто эшакдай занжирбанд олапар итининг ҳуришига ҳам эътибор бермади.

Аламзада йигит девордан ошиб ўтди-да, теваарак-атрофга ўғрилардай олазарақ нигоҳ ташлаб олди. Кўзи

тандир-ўчоқ олдида турган катта ўтин ёрар темир сопли болтага тушди ва уни қўлига олиб, патиссон ҳузурида пайдо бўлди.

“Сенми, ярамас, ҳали менинг оиламга ҳазил-тепа қилмоқчи бўлган!” деди у важоҳат билан ва “тарелка”нинг жон-жойига зарб билан тепди. Патиссон тоза пишган эди, “тарс” ёрилди. Аммо икки паллага ажралиб кетишига теварагидаги электр токига уланган сими халақит қилди. Шу туфайли эндиги темир сопли болта берилган зарб электр симини узишга қаратилди. Патиссоннинг сирли жуссаси очилиб, муштдек-муштдек уруғлари кемшикнинг кўзига худди кинолардагидек жонли бўлиб кўринди. Бироқ рақиби ўз нури билан уни шундай жавоб зарбасини қайтардики, Эргашнинг кўзидан ўт чақнаб, қулоғидан тутун чиқиб кетди, чироқлари ўчди...

...У касалхонада кўзини очганида тепасида онаси Сулпинисо хола йиғлаб ўтирар, ёнида чақалоғини кўтариб олган хотини гўдакка қараб бир нималар демоқда эди.

— Нуринг бўлмаганида-ку, онангни кўрсатардим-а!..— деди у тилга кириб.

— Ие, вой, ўзингга келдингми, болам? Худога шукур, худо яна умрингни қайтиб берди.

— Ана, ана, даданг ўзига келдилар “дад-да”деб қўй... “Энди ичманг”, дегин дея хотини соғлом гўдакни унинг тепасига олиб келди. Гўдакнинг чиройли, одамбашара эканини кўрган Эргаш ниҳоят, кемшик тишларини кўрсатиб иршайди...

ХОТИМА

Повулғон. Акамнинг уйи. 2015 йил. 10 май. Соат 16:42

Икки шишадодш дўстнинг “Патиссон воқеаси” ҳақидаги ҳикояларини мароқ билан эшитиб бўлгач, биз яна ўша серпашша, серҳид ола сигир олдидаги сўқмоқдан ўтиб бордик. Мен бу сафар сигирга негадир ўзгача меҳр билан қарадим. Тили билан бурнини ялаб, думи билан пашша кўриётган катта-катта кўзлари ўзга сайёраликларникидай самимий боқаётган беозор ола сигирнинг дўнг пешонасини беихтиёр силаб қўйдим. Кўчага чиқдик. Кўлим ҳам “Жигули”нинг олд ойнаси узра узалди.

— Бу ўша, “осмондан тушган” машинангизми, Анвар ака? — ҳавас билан сўрадим мен.

— Ҳа, — деди Анвар ака бир кафт носни тилининг тагига завқ билан ташлаб оларкан. — Жа яхши хизмат қилди-да, тойчоқ.

Хуллас, пойтахти азимдан келиб ёмон иш қилмаганимдан кўнглим хотиржам тортди. Мусаффо самога қараб яхшилаб бир керишиб, бир йўла, мовий осмондан алланималарни беихтиёр қидирган бўлдим.

Бироқ тепада учиб юрган бир жуфт қора қаргадан бўлак ҳеч вақо кўринмасди.

*Дўрмон—Повулғон,
2009—2015 йиллар*

Асарда номлари тилга олинган ҳамқишлоқларимдан қилинган ҳазил учун узр сўрайман. Ўтганларнинг охиратлари обод бўлсин!

Муаллиф

НАБИЖОН ҲОШИМОВ ҲАЁТИДАН ҲАНГОМАЛАР

КИТОБ – МЕНИНГ ҲАЁТИМ

ёхуд менга омад ҳада этган ярим қоп китоб ҳақида

Акамнинг айтишича, мендаги китобга бўлган ҳавас онам менга юкли бўлган даврдан пайдо бўлганмиш. Неъмат акам билан менинг орамизда етти ёш фарқимиз бор. Бу дегани акам мактабга борадиган, айти ҳарф ўрганиб, онамга “эртак ўқиб беринг” деб тихирлик қиладиган даврида мен бунёд бўла бошлаганман.

Онам – Ҳафиза Иброҳим қизи, ўзлари муаллима бўлгани учун акамга кўп китоблар ўқиб бераркан, аммо у ҳар вақт ухлаб қолиб эртакнинг қолганини мен эшитишга мушарраф бўлар эканман.

Япон олимларининг фикрича, китобни она ҳомиладорлигида ўқиб бериш ва мумтоз мусиқалар эшитиб ўтириши керак экан. Ўша вақтда уйимизда тўхтамай ахборот бериб, қўшиқлар янграб турадиган мўъжаз радиомизнинг борлиги ҳам, эҳтимол, менда тафаккур ва иқтидорнинг шаклланишига ёрдам бергандир.

Тафаккури шакллана бошлаган бола туғилганидан сўнг дунёвий илмларни тез англай оларкан ва билим олишга, китобларни кўпроқ ўқишга иштиёқи гўё витамин каби зарурий ҳолатга айланаркан. Бўйи билан ақли баробар ўсиб, дунёқараши тез ривожланиб, мустақил фикрлайдиган бўларкан.

Шу чин ҳақиқат бўлса керак. Мен болалигимда кўп китоб ўқирдим. Айниқса, Даниель Дефонинг “Робинзон Крузо”сини деярли ҳар йили бир бор қайта ўқиб чиқардим. Бу китоб мени том маънода меҳнат қилишга, яшаш учун курашга, мустақил фикр юрита олишга, жумладан, таваккалчиликдан қўрқмаслик, тадбиркорлик билан иш тутишга ўргатди, десам хато бўлмайди. Бундан

ташқари Жюль Верн, Лев Толстой, Чехов, Чингиз Айтматов, Худойберди Тўхтабоев ва бошқа машҳур ёзувчилар асарлари туфайли дунёвий оламини ўзим учун кашф эта олдим, саргузаштларга қизиқдим. Китоблар замиридаги сирли, синоатли воқеалар мени ўзига ром қилди, тарбиялаб ҳаёт йўлига солди. Эҳтимол, шу туфайлими, ёзувчилик тақдиримга битилиб унинг маъсулиятини бўйнимга олгач, ижодимни асосан саргузашт асарлар билан бойитдим. Жумладан, “Ёввойи куёв”, “Ёввойи келин”, “Чаёнлар сўқмоғи”, “Афғондаги фиғонлар”, “Бировнинг ҳақи”, “Адашган автобус”, “Келгинди йигит”, “Маржон табиб” каби асарларим ёзилишига ўша китоблардан олган болаликдаги қизиқишларим туртки бўлган бўлса, ажабмас.

Эсимни таниб Олтиариқ бозорига харажат қилиб келиш учун мустақил бориб кела бошлагач, биринчи ташриф буюрадиган жойим бу бозор ёнидаги улкан китоб дўкони бўларди. Мен аввало, у ерга кириб, қанақа китоблар келгани билан танишиб, ҳатто ҳавас билан кўлимга олиб ичларини варақлаб кўрардим-да, сўнгра нархига эътибор берардим. Ёнимда етарли пулим бўлса-ку хўп-хўп, етмайдиган бўлса шу пулни топиш чорасини излардим. Биринчи навбатда мустаҳкам ирода ва матонат ила музқаймоқдан воз кечиш, ва шу мақсадда, ота-онам томонидан ажратилган маблағни даромадга айлантириш, тушлик лағмони ўрнига гумма ейиш билан пулни салкам икки баробарга тежаш бўлса, яна захирада қандолатчи дўкондор тоғам Абдурахмон баққол ҳар сафар берадиган тангалар менга далда бўларди. Бундан ташқари картошка, сабзи, пиёз сотиб олаётганимда, албатта, ҳар сафар деҳқонлар билан талашиб-тортишиб, уларнинг нархини хиёл пасайтиришга мушарраф бўлардим.

Мисол учун картошка бир сўмга беш кило дейлик. Мен деҳқон амакидан “Олти кило беринг”, деб туриб

олардим. Менинг қистовларимга улар ҳеч қийинчиликсиз “Ҳа ана, олақол, болакай” дерди. Мен бўлса “Хўп, менга беш кило етади. Манави 1 сўмни олингда, 15 тийин қайтимини қайтиб беринг”, дердим.

Хуллас, ана шу йиғилган маблағлар эвазига ҳар ҳафта бир-икки дона китобни уй харажатларига қўшиб олиб келардим. Харажатлар онам айтганидай миқдор жиҳатидан бекаму-кўст бўларди.

Бир куни кутилмаган, мен учун омадли воқеа юз берди. Ўша, китоб дўконида бир марталик йиртиб кўриладиган 25 тийинли ютуқли лоторея сотила бошланди. Фарқи шуки, унда ютуққа фақат ютуқ суммасига тенг миқдордаги китоблар бериларди. Таваккал ўйнаб кўрдим. 5 сўмлик ютуқ чиқди. Беш-олтита китоб олдим. Сотувчи опа “Омадингиз келаяпти, йигитча, яна битта олинг”, деди. Мен яна таваккал қилдим, бу сафар 25 сўмлик ютуқ чиқди. Яна икки бор ўйнагандим, кўлимда 15 сўмлик китоб ютуғи пайдо бўлди. Бор-йўғи 1 сўмга 40 сўмлик ютуққа мос келадиган, ҳали ўқилмаган ва сотиб олишга пулим етмайдиган китобларнинг ҳаммасини йиғиштирдим. Улар ярим қоп бўлди.

Уйга ярим қоп харажат ва ярим қоп китобни терлаб-пишиб аранг кўтариб олиб келдим. Аммо бу терлашнинг гашти ўзгача эди. Мана шу китоблар менинг дунёқарашимни бутунлай ўзгаришига сабаб бўлган бўлса керак, деб ўйлайман. Қўй боққани ёки далага ўт ўргани борганимда ҳам қўйнимда албатта қайсидир китоб бўларди.

Айниқса, адирда қўй боқиб юриб баъзан китоб мутолаасига шундай берилиб кетардимки, қўйларим кўздан ғойиб бўлиб қоларди. Уларни қидира-қидира чарчаб уйга келсам, улар серка бошчилигида аллақачон ўзлари кўрага кириб келиб ётишган бўлишарди.

Мен болалигимда ўртоқларимга ва ҳар хил ўйинларига унчалик қўшилавермасдим. Иложи борича китоб

Ўқирдим ва уни ўзимга энг яқин дўст деб билардим. Шу туфайлими, мен китоб билан бир умр ажралмас дўст тутиндим. Ҳозирда китобимни ўқиётган мухлисларнинг барчасини энди менинг дўстларим деб ҳисоблайман.

Рус файласуфи Белинский айтгани каби менинг ким эканимни билмоқчи бўлсангиз китобларимни ўқинг. Шунда мен кўз олдингизда бутун бўйи-бастим, тафаккурим, борлигим ва кечирган ҳаётим билан қадрдон дўстингиз сифатида намоён бўламан. “Китоб – ҳаёт ойнаси” дейдилар. Сиз ҳам ўзлигингизни англамоқчи бўлсангиз, албатта китоб ўқинг.

Сизни ким хафа қилган бўлса, дўстим, менга айтинг. Мен ўша, сизни хафа қилганларнинг, аввало руҳий кечинмаларини чуқур ўрганиб, уларни минг бир хил синоатларга рубарў қилиб, китобимга исмларини ёзиб қўяман. Токи келажак авлодлар сизни хафа қилганлар устидан холисано ҳукм чиқариб, сизни хафа қилганлардан хафа бўлсинлар!

Тўғри, мен баъзан китоб ўқишга мажбурман. Бу ҳаётининг зарурат. Масалан бирор қаҳрамоним дўхтир дейлик. Демакки, мазкур образни тўлақонли яратмоқ учун тиббиёт ва табобатга доир барча билимлардан хабардор бўлмоғим керак бўлади. Бунинг учун менга фақат шу соҳага оид илмий-оммабоп китоблар ёрдам беради. Айтайлик, қаҳрамоним фермер, тадбиркор, миришкор, қурувчи, хунарманд, ҳарбий, учувчи ва ҳоказо бўлса, демакки, ҳар қайси соҳани мукамаллик билан ўрганишимга фақат китобларгина ёрдам бера олади.

Бундан ташқари воқеа қайси даврда, қайси географик масканда, қай замонда бўлишига қараб тарихий-жуғрофий ҳамда иқтисодий билимларга ҳам эга бўлмоқлик лозимлиги туфайли шу соҳага доир адабиётларни ёки интернет материалларини мутоалаа қилишга тўғри келмоқда. Акс ҳолда мен яратаётган образ сохта ва

ишонарсиз чиқиб қолиши табиий ҳол. Шу боис, ёзувчи — барча билимлар соҳиби ҳамда бетиним китоблар мутолаа қилувчи инсон эканига иқрор бўлдим.

Шу ўринда китобхон ўқувчилар бир нарсани холисона тўғри фарқлай олишлари кераклигини эслатиб ўтмоқчиман: Журналист бошқа, шоирлик бошқа, ёзувчилик бошқадир.

Мисол учун “Баҳор келди!” дейлик. Соҳа эгалари табиатнинг бу гўзал фаслини мана бундай таърифлашар эҳтимол:

Журналист ёзади:

“Баҳор келди! Далаларда қизгин меҳнат палласи авжга минди. Бобо деҳқон ижарага олган икки гектар ерига барака уруғини қадаб, ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олишга аҳд қилди...”

Шоир ёзади:

“Баҳор келди! Табиат маликаси ўз тароватини кўз-кўз қилиб, ифорини борлиқ бўйлаб таратмоқда. Бободеҳқон мусаффо ҳаводан баҳра олиб, икки гектар ери узра гўё кушлар каби парвоз қилгиси, ҳайқиргиси келади”.

Ёзувчи ёзади:

“Баҳор келди! Оббо, бободеҳқонга ташвиш келди! Ижарага олган икки гектар ерни ҳайдатмоқ керак. Аммо ёқилғи йўқ, пул йўқ. Бир ёғи ўғли Россияда. Ундан на хат, на хабар бор. Катта қизи иккита боласи билан эридан аразлаб келиб олган. Хотинининг бўлса бели оғрир, касалхонага ётиши керакмиш...”

Ёзувчилар халқнинг дарди билан яшайди, келажакни олдиндин кўра биледи ҳамда воқеликка реал ёндашади. Акс ҳолда ёзилган асарларда борлиқ ҳаёт нафаси, инсоннинг руҳий кечинмалари, шодлигу изтироблар, толею тақдирлар, одамлар ўртасидаги муносабатлар ҳақиқатдан йироқ бўлади.

Менинг ёзувчилик толеим яна бир жиҳати билан бошқа

каламкашларникидан бир оз фарқ қилали. Бу ҳаётим моддий манбаининг ҳам китоб билан боғлиқлигидир. Менинг маълумотим бўйича мутахассислигим матбаачи, ношир. Асосий даромадим бўлса, китоб савдосидир. Яъни ҳаёлимдан ўтган руҳий кечинмалар, одамларга айтмоқчи бўлган фикрларим аввал ёзувим билан қоғозга қораланади, нашрга тайёрланади, босмахонада чоп этилади ва бозор орқали истеъмолчи бўлган китобхонлар қўлига етиб боради. Интеллектуал мулк маънавий ва моддий мулкка айланади. Шу туфайли ҳам мен ёмон китоб ёзишга, истеъмолчини, яъни Сиз — азиз китобхонни норози қилишга ҳаққим йўқ. Акс ҳолда асарларим нокерак қоғоз маҳсулотларига айланади. Лекин чин дилдан шуни шукроналик билан айта оламанки, ҳали ҳеч қайси мухлисим мендан норози бўлган эмас ва асарларим сотилмай қолиб кетмаган. Китоб нафақат дўстим, балки у ҳаётим мазмунига айланган.

СЎРИ ТАГИДА ЭШИТГАНЛАРИМ

ёхуд бир асарнинг яратилиш тарихидан

Айтишларича болалигимда жуда оламовироқ, бошқаларга қўшилишни хуш кўрмайдиган, камгап бўлган эканман. Айниқса, дадамнинг укаси Қурбон амаким келиб қолса негалир бирор овлоқ жойга яшириниб олардим ёки ҳовли томонга зипиллаб қочиб қолардим. Ҳовлимизда шохлари тарвақайлаб кетган улкан оқ ўрик дарахти бўларди. Унинг тепасида жойлашиб олиб узоқ-узоқларни, теварак-агрофни, қуёшнинг ботишию, паға-паға булутлар ва тўда-тўда қушлар парвозини томоша қилиб, ҳаёл суриб ўтиришни ёқтирардим. Ғўра бўлса ғўра, ўрик бўлса ўрик ёки ҳеч бўлмаганда, ёпишқоқ елимидан териб ейишни хуш кўрардим.

Қурбон амаким жаҳон уруши қатнашчиси бўлиб, бир оёқсиз, доим қўлтиқ таёғини тўққиллатиб юрарди. Эҳ-

тимол, унинг яхшилиб дазмолланган шимининг тепага қайириб белига қистириб кўлтиқтаёқда юришидан, қолаверса, салобатли ва сирли нигоҳларидан чўчирдим... У киши ҳам менинг келиб саломлашишим ўрнига қочиб қолишимдан ҳамиша ранжирди. “Тавба, бу боланинг галати феъли бор-да, ёввойи” деб кўярдилар. У киши кетганлари ҳамано яширинган жойимдан чиқиб ёки оқўрикдан пастга тушиб келиб дастурхондаги амаким олиб келган ширинликларга таппа ёпишардим.

Кунлардан бир куни уйда ҳеч ким йўқ эди. Мен айвонда олдимга кир тоғорани тескари қилиб кўйиб олиб аллақандай кўшиқни хиргойи қилиб тоғорани тарақлатиб чалиб ўтирардим. Шу боис амаким кириб келганини сезмай қолибман. У киши хурсанд бўлиб кетиб мени ушлаб олмоқчи бўлган шекилли, таёғини тўқиллатиб тез юриб келаётганини англаб қолдим ва қаёққа қочишни билмай ёнимдаги сўри тагига кириб кетишга улгурдим. “Оббо, сен-ей. Чиқ бу ёққа, сенга конфет олиб келдим”, деди у самимий. Мен эса миқ этмадим.

— Яхши чаларкансан. Сени мусиқа мактабига бериш керак. Қани, уйда ким бор?

Мен бурнимни тортиб олиб сезилар-сезилмас “Ҳеч ким йўқ” деб кўйдим. Амаким, “Оббо” деб бир хўрсиниб олди. Ҳолатидан дадамда унинг муҳим гапи бордек туюларди. Чойнакдаги совуқ чойдан пиёлага кўйиб ютоқиб ичиб олди-да, оғир хўрсиниб сўрига ёнбошлади. Бир оздан сўнг юраги сиқилди шекилли, менга томон ўшқириб берди.

— Ҳой жиян! Бўлди-да, энди. Кап-катта бўлсанг ҳам ҳеч эсинг кирмас экан-да. Чиқ бу ёққа, мундоқ одамга ўхшаб гаплашиб ўтирайлик. Билсанг одам одамга ҳамиша керак. Ҳа, жиян-а... Илоҳим, менинг кўрганларимни сен кўрмагин.

Мен барибир чиқмадим. Уни тезроқ туриб кетса ке-

рак, деган хаёлда эдим. Сўрининг гилами етмаган тепа қисмидаги тахта полда каттароқ тирқиш бор эди. Мен ана шу тирқиш тагида “мардона, сабр-бардош ила” ўтиравердим. Бир пайт амакимнинг пишиллаб ҳарсиллагани эшитилди. У ўша тирқишни топиб мени кузатмоқни ихтиёр этган кўринарди. “Набижон, чиқ бу ёққа, гапим бор. Ма, ол, — деди у ва тирқишдан қоғозли конфет ташлади. — Билсанг, буни Кристина холанг Ленинграддан олиб келибди”. Мен конфетни олиб уни тез еб олдим. Жуда мазали экан. “Чиқсаммикин” деган хаёлга ҳам бордим. Лекин негадир чўчирдим.

— Ҳой чиқ энди. У ерда илон, чаёнлар бор. Чақиб олади, — деди амаким.

Мен сўри тагини яхшилаб кўздан кечирдим. Узун сурпурги ётарди. Уни олиб ўтинлар ва бурчаклар узра юргизиб гўё ўзим учун жойимни ҳимоялаган бўлдим. Барибир чиқмадим. Тезроқ амакимнинг ухлаб қолишини ва бу ердан чиқиб қочишни мўлжаллардим. Аммо амаким ухламади, балки ўз кўрган-кечирганлари, бошига тушган ташвишлар ҳақида минғирлаб, сўзлаб ётди. Ора-орада “Набижон, эшитяпсанми?” деб сўзида давом ётарди.

У бир каноп топиб олган шекилли, бир пайт конфетнинг бир учини боғлаб ўша тирқишдан узатиб ҳам турди. Мен уни ечиб олганимни пайқагач, худди балиқ хўрагини еб кетгандай “Оббо, сен-ей!” дея хурсанд бўлиб кетарди. Унинг айтиб бераётган ҳикояси жуда қизиқарли эди. Аммо бир маромдаги овоз сеҳриданми қандай уйқуга кетганимни билмай қолдим. Зокир акамнинг овози, уларнинг гўнғир-гўнғир суҳбатлари қулоғимга элас-элас чалинаверди.

Бир оздан сўнг мени кимдир кўтариб олганини ҳис қилдим. Зокир акам мени сўри четига ётқизиб устимдан адёл ташлаб қўйди.

— Бу ёввойини кўрмайсизми энди, — деб қўйди акам кулиб.

– Ҳай майли, уйғотма, ухлайверсин, – деди амаким.

Лекин мен уйғоқ бўлсам-да ўзимни атайин уйқуга солиб олгандим. Амаким ва акам чой ичишиб, узоқ суҳбатлашишди. Асосан амаким гапирар, гап мавзуси Кристина исмли аёл ҳақида эди.

Бошимга офтоб тушиб қолди. Терлаб-пишиб кетган бўлсам ҳам чидадим, қимир этмай, гап пойлаб ётавердим...

Кейинчалик каттароқ бўлиб, эс-ҳушимни таниган вақтимда бундай қилиқларим учун афсусландим. Тез орада амаким юрак хуружидан ўтиб кетдилар. Аммо ўша сўри тагида эшитганларим бир умр ёдимда қолди.

Қурбон амаким Олтиариқ туман шифохонасининг Бош шифокори бўлган экан. У жаҳон урушида ҳарбий шифокор сифатида иштирок этиб, оёғи икки бора кесилган бўлиб, биринчи бор немис фашистлари оккупацияси пайтида яраланган, Кристина исмли ҳамшира уни ертўлалардан бирига яшириб парваришлаётган вақтидан қорайиб қолгани учун оёғини ўзи арралаб кесган экан. Лекин олти ойлардан сўнг қутқариб олингач, яна қорая бошлаган оёғини энди госпиталда сонининг энг тагидан кесиб ташлашганмиш.

Ёдимда, кўкси орден ва медалларга тўла Кристина хола ҳар йил баҳорда бизникига келиб турарди. У ҳар келганида турли-туман ширинликлар олиб келар, ўзи жуда меҳрибон ва дилбар аёл эди. Аммо Қурбон амакимнинг Олтиариқнинг Кўмирчи маҳалласида ўз оиласи бўлиб, у ичкуёв эди. Шу туфайли оилавий можаролар юзага келарди.

Кристина хола бизникига меҳмон бўлиб келган кунларнинг бири эди. Уйда фақат мен ва Неъмат акам бор эдик. У бизга рус тилидан сабоқ бермоқда эди. Бир пайт кўчадан шитоб билан Қурбон амакимнинг хотини Сора опа кириб келди. “Ҳа, яшшамагур, сариқ мегажин! Ҳали шу ердамидинг!” деб Кристина холанинг чиройли мал-

Набижон ҲОШИМОВ

ла сочларига чанг солиб, қарғай кетди. Сўнгра “Йўқол!” дея унинг сумкасини кўчага улоқтирди. Яхшики, дадам келиб қолди ва аёлларни ажратиб қўйди. Кристина хола юм-юм йиғлади. Шу алфозда қишлоқ кўчаларидан кета бошлади. Дадам янгамни уришиб берди ва аёлни қайтариш учун ортидан чопди. Сўнгра кечки пайт станцияга олиб бориб уни поездга кузатиб қайтди.

Шундай қилиб, Курбон амаким ва Кристина хола ўртасидаги оташин муҳаббат ҳақида қарийб эллик йилдан сўнг мен асар ёздим. Бу “Ўқ ва тиф” деб номланган роман эди.

ЯЛАНГАН ПАЛОВ

Мактабни битиргач, ўша йили синфдошларим ичида институтга фақат мен кира олдим. Политехника институти бўлгани учун чизма ишлари жуда кўп эди. Қолаверса, турли фанлардан ёзадиган семинар мавзулари ва курс ишлари ҳам кўп. Уларни тайёрлашга вақт етишмасди. Қишлоққа шанба кунлари келардим ва кўп вазифаларни уйда бажаришни мўлжаллардим. Аммо ҳар шанба синфдошлар билан йиғилишиб, гап-гаштак уюштирилди.

Синфдошларим асосан томорқасида деҳқончилик билан шуғулланишар, обрўлироқлари тракторчилар эди. Шу туфайли асосий гап мавзуси бодринг, турп, узум ҳақида бўлар, тракторчи ўртоқларим бўлса, фақат эҳтиёт қисмлар тўғрисида гаплашишарди. Биз бирор навбати келган ўртоғимизникида тўпланардик. Йигитлар кун бўйи қарта ўйнаб, шўрва ичиб, ош еб, ярим тунга қадар лақиллаб ўтиришга одатланишганди. Энг ёмони, ош ейилмагунича ҳеч кимнинг туриб кетиши мумкин эмас, деган қоидага қатъий амал қилинарди.

Жўрабошимиз Абдурахим исмли йигит бўлиб унинг айтганини ҳамма бажарарди.

Бир гали имтиҳонлар сессия арафаси эди. Навбат Ад-

ҳамжонларникида ўтказилди. Чизма ишларим шунақа кўп эдики, гўё игнанинг учида ўтирардим. Аксига олиб болалар ўйинга қаттиқ берилиб кетишди. Ҳеч ким тайёр қилиб қўйилган ош масаллиғини олиб палов пиширишни истамасди. Ошни емагунча менга ҳам рухсат йўқ. Мен Абдурахимга аста узримни айтдим “Кетмасам бўлмайди” дедим. Аммо “Бўлди, ошни ҳозироқ бошлаймиз-да” деди. Лекин ош қилувчи “мард” топилмади. Соат ўн бўлса ҳамки, улар учун ҳали барвақтдек эди.

— Ошни ким қилади?! — дея сўради Абдурахим яна бир бор.

Ҳеч ким чурқ этмади. Мен эса умрим бино бўлиб ҳали палов пиширмаган ва унинг қандай тайёрланишдан мутлақо беҳабар эдим. Шундай бўлса-да, тезроқ кетиш илинжида “Мен!” деб юбордим.

Адҳамжон менга ўзининг саккиз ёшлардаги укасини ёрдамчи, яъни “кочегар” қилиб берди. “Нима керак бўлса бемалол айтаверасиз”, — деди у.

Менинг тасаввуримда олов қанча баланд бўлиб, ўтин кўп ёқилса таом шунча тез ва ширин пишади, деган тусунча бор эди. Шу туфайли тайёрлаб қўйилганидан ташқари “кочегар бола”га яна тўрт боғ ғўзапоя ўтини келтиришни буюрдим. Бунинг устига қозонга электр ёруғи тушмас ва унинг ичини деярли кўриб бўлмасди. Таваккал ёғни қуйиб, алангани авж олдирдим. У то доғ бўлгунича кириб бир оз мен ҳам қарта ўйин томоша қилиб турдим. Бир пайт олдимга шошиб “кочегар бола” келди ва қулоғимга “Қозон ёнаяпти”, деб қолди. Чопиб чиқиб нима қиларимни билмай довдирадим. Сув сепмоқчи бўлдим. Яхшики, болакай биларкан, “Қопқоқни ёпинг”, деб қолди. Ёлгандим, ўчди. Гўштни солдим, жазиллаб кетди...

Болакай ош қилишдан бир оз хабардор шекилли “Аввал сабзи пиёз солмайсизми?” деб қолди. Бор масаллиқ-

ни қозонга ташлаб гўё моҳир ошпазлардай завқ билан аралаштириб кўйдим. Қовурилган гўштнинг оромбахш ҳиди димоғимга урилди ва бу ҳид ичкарига ҳам оралаб кириб қартабозларнинг оч ошқозонларини қитиқлаб ўтган чоғи, Маҳамалали Дадабоев деган оғайним “Оҳ-оҳ, Набижон ошни зўр пишираяпти, шекилли”, деб қолди. “Албатта, институтда ўқийдиганлар палов пиширишнинг зўр билишади-да”, деди Иброҳим Эргашев ҳам мени рағбатлантириб. Бу орада Адҳамжон ва Абдурахимлар қозон олдиғаям бир бора келиб, таомни зўр эътибор билан тайёрлаётганимни кўриб хотиржам бўлишди.

— Гуручни ивитдингизми? — сўради Абдурахим. — Уни иссиқ сувда ивитинг.

Бу ҳали хаёлимга келмаган экан. “Ҳозир-да” деб кўйдим ва унинг тезроқ ивиши учун қайноқ сувдан кўйдим. Шундай қилсам гуруч тезроқ пишади, деган ўйда эдим.

Лекин “кочегар” болага гап йўқ экан. Оловни терлаб-пишиб, бурнини тортиб-тортиб бетўхтов ёқаверди. Тўрт боғ гўзапоядан ном-нишон ҳам қолмади. “Негадир гўштнинг куйгани сезила бошлади. Мен дарров бир челак сув кўйиб юбордим ва болакайга яна оловни тезлатишини тайинладим. “Гуручни солмайсизми?” деб қолди у бир пайт. “Яхши эсимга солди. Ақлли бола экан”. Гуручсиз ош бўлмайди-ку, деб гуруч-бўтқасини худди моҳир ошпазлардай “Бисмиллоҳ” деб қоп-қора қозон ичра ташладим ва “Ўтни кучайтир энди” деб кўйдим. Палов тайёрлашга қизиқиб кетиб, бажаралдиган уй вазифаларим бутунлай унут бўлди. Бу маҳалда қорин ҳам карнай чалаётган бўлгани учун паловни товоққа сузиб иштаҳа билан интизор ўтирган ўртоқларим ҳузурига ҳали-ҳозир тантанавор ҳолатда кириб боришни кўз олдимга келтирардим.

Ичкаридагилар ҳам жуда очиқиб кетишган чоғи, “Ҳой, Набижон! Ош тайёр бўлдими?!” дея овоз қила бошлашди. “Дамладингизми?!” деди Тўхтасин исмли ўр-

тоғим ҳам бир ютиниб олиб. “Ҳозир мана, дамлаяпман!” дедим мен гурур билан ва қозон ичига гугурт ёқиб қарадим. Оппоқ қуюқ нарса кўринди. Лекин суви қолмабди. Ажабландим. Назаримда унинг суви милтираб қайнаб туриши керак эди. Ҳайрон бўлдим. Яна таваккал қилиб ярим пақир сув қўйдим ва туз солдим. Яна бир боғ гўзапоя келтирилди. Уни ҳам ёқиб ташладик. Олов ёниб бўлгач, лаганни тескари қилдим-да, қулинг ўргулсин паловни дамладим ва чўғларни тагидан моҳирона тортиб қўйдим. Мен бунақа қилишларини аввал бир тўй маросимида кўргандим.

Ёрдамчи бола ҳам мендан ош қилиш сирларини анчагина ўрганиб олди. Энди ўртоқларига ҳам мақтаниб юрадиган бўлди.

Ошни дамлагач, мен ҳам бир оз дам олиб қарта ўйинига қўшилишни ихтиёр қилдим. Аммо йигитларнинг қорни очиб, ўртани йиғиштириб, аллақачон дастурхон солиб паловга муштоқ ўтиришарди.

— Сузиб келаверинг, — деб қолди бирови.

— Намунча шошасизлар? — дедим ишни қойил қилиб қўйгандек.

Орадан йигирма дақиқалар ўтди. Қозонни ўчоқдан тушириб электр чироғи тагига олиб бордик. Ёрдамчи бола гўшларни ажратиш учун аввал бир идиш олиб келди. Паловнинг устини очдим. Оппоқ ошнинг ёқимли ғуборидан димоғим яйради. Кўз олдимга ошпазларнинг ошни яйраб аралаштиришлари, гуручларнинг ўйноқлаши келди ва мен ҳам шундай қилмоқчи бўлдим. Аммо санчган капгирим негадир ёпишиб қолди. Уни аранг тортиб олдим. Аралаштирмоқчи бўлдим. У худди елимга ўхшар, капгирни кўтарганимда гўё тоза асал каби аста осилиб оқарди. “Асал палов” бўлибди, шекилли” деб қўйдим ўзимча. Мабодо болакай сўраб қолса шундай жавоб беришга руҳан ўзимни тайёрладим.

— Гўшти қани? — деб сўраб қолди бир пайт ҳамроҳим.

Оқ бўтқани титиб кўрдим. Хаёлимдаги хил-хил пишган қора-қора гўштлар кўринмасди.

— Эриб кетмагандир, — деб қўйдим ҳайрон бўлиб ва қозонни яна титкилаб кўргандим, капгирга қаттиқ нарсаларга урилгандай туюлди.

Улардан бирини худди бир ноёб нарсани топиб олгандай бир илож қилиб суғуриб олдим ва идишга тўқ этказиб ташладим. Бу гўшт деб аталмиш қайноқ матоҳ сирти ҳам оппоқ елимсифат қуюқлик билан қопланган эди. Гўштларнинг гўштлиги қолмабди. “Улар ахир паловхонтўра тепасида қорайиб, жилоланиб туриши керак-ку. Гўштсиз палов палов бўлармиди”, деган хаёлга бордим ва бирини сувда ювиб кўрдим. Устидаги қуюқлик кетиб қоп-қора, куйган гўшт пайдо бўлди. Сув ичида кўп қайнагани учунми, уни пичоқ билан бир илож қилиб кесса бўларди.

Севиниб кетдим ва ҳамма гўштларни ювиб ва иложи борича тўғраб чиқдим. Уларни ҳар бир товоқдаги палов ўртасига жойлаштириб қўйиб чиқишни кўзладим.

Йигитлар қаторлашиб товоқларни олиб келишди. Ҳар доимгидай саккиз товоққа сузиларди. Аксарият йигитлар қўлида ейишади. Қўл билан ейилганда бармоқдаги асаб нуқталари орқали қайноқ ёғли палов шифобахш таъсир қилармиш. Айниқса, уни еб бўлиб баъзилар қошу кўзларига суртиб олишни ҳам одат қилишганди.

Паловни худди нишолдани сузгандай маҳорат билан лаганни айлантириб, атрофига капгирнинг у ёқ-бу ёғини чаққонлик билан суртиб-суртиб чиқавердим. Бу иш менга ўта завқ бағишларди. Суюқ-қуюқ палов аталмиш елимсимон ёпишқоқ масса товоқ гирдидан жой олгач, ўртасига қора гўштлардан ташлаб қўярдим-да, “Олиб бораверинг! Кейингиси!” дея қийқириб қўярдим.

Тўғриси айтсам, синфдошларим паловни кўриб бир мўъжизани кўргандай лол қолишди.

— Бу атала палов бўлса керак. Қашқаларёда шунақа тайёрлашади, — деб қолди Обиджон билағонлик қилиб.

— Атала эмас, халта палов бу, — деди Аҳмадали.

Абдурахим менга жуда хайрихоҳ эди. Менинг об-рўйимни қандай ҳимоя қилишни ўйлаб боши қотди ва бир қарорга келди шекилли, ўз фатвосини эълон қилди:

— Бу махсус парҳез палов. Мен Набижондан ўзим шунақасини тайёрлаб беришини илтимос қилувдим. Ҳар сафар палов тагида қолиб кетаяпти. Шунинг учун Набижон бугун янгича усулда палов тайёрлади. Бунга нон ботириб ейиш ҳам мумкин. Қани, олинглар. Кимки охиригача емаса ўша ҳожиқиз бўлсин. Бисмиллоҳ...

Палов кўл билан ейилди, тагидаям қолмади. Ялаб ташланди.

Келгуси шанба соат олтилардаёқ “Бугун паловни ким қилади?!” деб сўралганида, “Мен!” дея қичқирдим. Чунки бугун имтиҳонларни топшириб олган, бўш эдим. Қолаверса, палов тайёрлаш энди менга ўзгача завқ бағишларди. Аммо кутилмаганда қарта ўйнаётганлардан бештаси ҳам ирғиб ўринларидан туриб кетишди. Шу-шу синфдошларим мени қозон ёнига бошқа яқинлаштиришмади.

“САЛОҲИДДИН, ҚАЙДАСИЗ?!”

ёхуд бир муҳаббат инқироzi ҳақида

Талабалик йиллари пахта терими мавсумини биз ҳар йили Қува туманининг қайси бир овлоқ далаларида ўтказардик. Бир галги сафаримиз Деҳқонобол қишлоғида ўтди. Бир дала шийпонига жойлашдик. Мен ўша даврларда шеър ёзишга ҳавасманд эдим. Романтик хаёлий туйғуларга берилиб пахтани қандай кўп териб кўйганимни англамай қолардим. Шеърларимни баъзан курсдошларимга ва маҳаллий теримчи қизларга ўқиб берардим.

Биз асосан логонлик Пўлат, учкўприклик Эминжон, наманганлик Содиқжон, бойсунлик Салим ва нукуслик Гулайхан ва Муҳтарамахон бир тўп бўлиб юрардик. Ўша далада бизлар билан ёнма-ён маҳаллий тожик қизлар ҳам пахта теришар ва бизларга “Тағо”, “Тағожон” деб мурожаат қилишарди. Улар жуда шўх, шаддот ва содда қизлар эди.

Шулардан бир Сабоҳат исмли юзларида кулгичлари яшнаб турадиган, худди ҳинд фильмларидаги қизларга ўхшаб кетадиган бир қиз бўлиб ўзи ҳам ғўзалар оралаб ҳиндча кўшиқларни баралла куйлаб юришни ёқтирарди. Унга, айниқса, Пўлат ишқибоздек туюларди.

Бригадирнинг исми ёдимда йўғу, лекин саккиз ёшлардаги Салоҳиддин исмли ўғли бўлиб, у ҳам биз билан аймақлашиб юрар, у гоҳо бизга сув ёки мева-чевалар ташиб, сийлаб турарди. Баъзан эса маҳаллий қизлар билан мулоқот қилишимизда почтачилик вазифасини ҳам бажарарди.

Қишлоқ ҳаётидан зериккан, балоғат ёшидаги қизлар учун шаҳарлик йигитлар билан баҳс юритиш қанчалик қизиқарли бўлса, биз учун ҳам ўзгача лаҳжали, содда қизлар билан суҳбат қуриш ва вақтни хушқайфиятда ўтказиш жуда завқли эди. Айниқса, ёноғида кулгичлари бор “ҳинд қиз”ни Пўлат чиндан ҳам ёқтириб қолди. Аммо пахта мавсуми кун сайин охирлаб борар ва кўп ўтмай қизлар билан хайрлашиш онлари етиб келди. Пўлат ўша қизнинг манзилини ёзиб олди ва шаҳарга келганимиздан кейин ўзаро мактублар алмашиб туришди.

Ўша маҳаллари Пўлатнинг уйидагилари қистовга олиб уни уйлантириш пайида экани бизга маълум эди. Қишки сессия имтиҳонларини топшириб бўлган кунларнинг бирида ётоқхонада Пўлат ийманиб хузуримга кириб келди.

— Набижон, сиздан илтимос, бирга Деҳқонободга бориб келайлик.

— Ие, ҳазиллашаяпсизми? Шундай совуқда далада бало борми?

— Э, йўқ. Энди тушунасиз-ку уйдагилар уйлантирамиз деб ҳеч қўйишмаяпти-да. Ўша ердаги ҳалиги “ҳинд қиз” бор эди-ку...

— Э-ҳа, хат-пат ёзишаяписизларми ўзи?

— Албатта. Шунга бир бориб, ўзи билан учрашиб, эҳтимол, таг-тугини суриштириб келсак дегандим. Энди ўзингиз куёвжўралик қиласиз-да.

Мен рози бўлдим ва совуқ, туманли кунларнинг бирида Қуванинг ўша чет қишлоғи томон йўл олдик. Фарғонадан Қувагача ва Қувадан Деҳқонободгача автобусда алмашиб боргунимизча кун яримлади.

Бундай об-ҳаво шароити ва кунлар қисқа пайтда қизнинг уйини топиш ва топганда ҳам уни қандай чақириб олиш муаммоси бор эди. Тўсатдан Пўлатнинг хаёлига бригадирнинг ўғли Салоҳиддин келиб қолди. Биз уларнинг уйини тахминан билардик. Автобусда биз аввало ана шу йигитчани топишни ва унга қизни чақиртириб келишни режалаштирдик. Бу жуда оқилона режа эди.

Ишимиз ўнгидан келиб қолди. Салоҳиддинни топишга қийналмадик. Лекин совуқ ич этимизга зуғум қиларди. Салоҳиддин биздан керакли топшириқни олди. Бироқ қиздан жавоб келгунича кутиб туришга бирор панароқ, иссиқроқ жой йўқ эди. Шу маҳал болакай жонимизга оро кирди:

— Бизникига кириб тура қолинглар. Меҳмонхонамиз бор. Ойимга айтаман печни ёқиб берадилар, — деб қолди у.

Биз жон деб рози бўлдик.

Болакай бизни ҳовлиларига бошлаб кирди. Онаси тандирга нон ёпаётган экан. Иссиқ нон ифори димоғимизни қитиқлади.

Онахон бизнинг танимаса-да, кириб борганимиздан негадир ўзида йўқ севиниб кетди. Биз бу ҳолни қишлоқликларнинг ўта меҳмондўстлигига йўйдик.

— Вой, акангнинг ўртоқлари келишдими? — сўради она ўғлидан.

Ўгли ҳеч иккиланмай “Ҳа” деб жавоб берди ва меҳмонхонага жой ҳозирлаш кераклигини айтди-да, ўзи велосипедини олиб бизнинг топшириққа биноан зингилаб кетди.

Она ўзини қўярга жой тополмай ўта меҳрибончилик билан бизни меҳмонхонага олиб кириб илтифот кўрсатди. Бир зумда печдаги олов гуриллаб дастурхонда иссиқ нонлар ва четига ёпилган сомсалар пайдо бўлди. Иссиқ чойдан ичиб танамиз яйради.

Аёл югуриб-елиб хизмат қиларкан, “Вой, яхши келдингларми? У ичдагилар яхши юришибдими? Бахтиёржон яхшими? Ўзиям сизлар ҳақингизда кўп гапиради-да” ва ҳоказо гапларни тез-тез жавраб бизни дастурхонга қарашга даъват қиларди. Биз ҳам ҳурмат юзасидан “Ҳа-ҳа, раҳмат” деб олишиб ўтиравердик.

Қорин тўйиб, исиниб, бир оз мизғиб ҳам олдики, Салоҳиддиндан ҳадеганда дарак бўлавермади.

— Қиз бирор жойда бўлса кутиб қолгандир-да, — деди Пўлат.

— Кеч кириб қолаяпти-ку. Кун калта. Тезроқ қайта қолайлик, — дедим мен.

— Ишни пишитмасак бўлмайди. Гапнинг очиги, қиз рози бўлса совчиларимни юбормоқчийдим, — деди у “Бир-оз сабр қилинг” деган маънода.

— “Ёш болага иш буюр, ортидан ўзинг югур”, деганлар, — деб турган ҳам эдимки, остонада шоп мойловли биз билган бригадир ака пайдо бўлди.

У биз билан қуюқ сўрашди. Аммо бизни бундай шаҳарча кийимда кўрмаганидан бўлса керак, танимади. Биз у киши билан илгари деярли мулоқот қилмаган, асосан пахтани торттиришда табелчи йигит билан мулоқотда бўлардик.

— Яхши келдингларми, йигитлар? Бемалол ўтираверинглар, мен ҳозир, — деди у ва тез чиқиб кетди.

Биз ёнбошлаб эндигина мизғий бошлаган ҳам эдикки, бир пайт “Ассалому алайкум. Э-э, келинглар”

меҳмонлар, хуш кўрдик!” дея бирин-кетин биз қурам қишлоқ йигитлари кириб кела бошлашди. Катта қилиб дастурхон ёзилди. Егуликлар тузалди. “Олинг-олинг” деган мулозаматлар бошланди. Ҳадемай газаклару ароқлар ҳам пайдо бўлди. Бу ерда аллақандай маросим бўлаётгандай туюлди. Лекин бунинг биз учун қизиғи йўқ, дераза томон тез-тез нигоҳ ташлаб кўярдик. Салоҳиддиндан эса ҳамон дарак йўқ эди.

Илгари умримда ароқ ичмаганим учун дастлаб қистовларга кўнмадим. Пўлат бўлса кўнгли бўшлиқ қилдими ё бўлғуси келин бола билан учрашувга чиққанида совқотиб қолмаслик, бир оз шерюрак бўлиб олишни ўйладими, ҳарҳолда, қўлларни қайтармади. У ароқ узатаётган шинаванда йигит билан тез чиқишиб кетди. Бу орада қулоғимга шивирлаб қўйди. “Набижон, олавиринг, кўча совуқ. Жа кечиксак таксида кетамиз, пулим етарли”, деб қўйди. “Ҳай майли”, — деб мен ҳам энди чўқиштира кетдим. Аммо ҳамон Салоҳиддин кўринмасди.

Гангир-гунгир гурунг, аллақандай Бахтиёр деган йигит ҳақидаги баҳслар қизғин давом этарди. Мен оёғимнинг чигалини ёзиш учун ўрнимдан туриб деразадан ташқарига мўраладим. Ташқи ҳовлида бир қўй сўйилмоқда, дошқозонга овқат ташланмоқда эди. Ўзимни сархуш ҳис қилдим ва аранг қайтиб ўтирдим. Назаримда уй чайқалиб кетгандай туюлди. Яна узатишди. Биз энди аллақандай ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий баҳсга қўшилиб кетдик. Овқат кетидан овқат, зиёфат кетидан зиёфат кириб келаверди. Ароқ-вино қолиб ўртага улкан шишада аллақандай қўлбола спиртли ичимлик ҳам қўйилди.

Ўша улкан шишадан ҳам тотиб кўргандик, миямизга тез урди. Нималар деяпмиз, нималар ҳақида гаплашаяпмиз фарқлай олмай қолдим. Бир пайт не кўз билан кўрайки, Салоҳиддин бамайлихотир чой ташиб юрар, ташқари қоп-қоронғи эди. Уни ёнимизга аранг чақириб олдик.

— Аммасиникига тўйга кетган экан, тоза кутдим, келмади, — деди у ниҳоят шоша-пиша. — Бугун бизникида қолаверасизлар.

— Бу ерда қанақа маросим бўлаяпти? — сўрадим мен.

— Билмасам, хабарим йўқ. Булар акамнинг синфдошлари, кейин қариндош-уруғларимиз. Бемалол ўтираверинглар, — деди йигитча ва ўзи шошиб чиқиб кетди.

Шу ерда ётиб қоладиган бўлдик. Яна қуйилди, яна ичилди. Бир маҳал ўртада улкан лаганда тоғдай палов пайдо бўлди. Палов дастурхон ўртарида бўлгани учун унга эгилиброқ қўл узатиш керак бўларди. Ош олди-дан ҳам “олинг-олинг” бошланди. Ўша катта шишадан қуйишди. Паловни қошиқсиз қўл билан ейилади дейишди. Зиғир ёғида бўлганмиш. Аммо... мен тўсатдан мункиб кетдим ва палов устига юзтубан йиқилдим...

Бир пайт ўзимга бир оз келсам юзларимни тозалаб, артиб сўрига ётқизиб қўйишибди. Йигитларнинг кўпчилиги қарта ўйнаб ўтиришар, Пўлат бўлса, бир-икки йигит билан “Мен сенга айтсам” деб ҳамон улфатчилик қилишмоқда эди. Энди тўсатдан қайд қилишни бошлаб юбордим. Мени ташқарига кўтариб олиб чиқишди. Ҳамма ёқ расво...

Хуллас, бир илож қилиб тонг оттирдик. Зиёфат жуда қуюқ бўлган эди. Тонги нонуштага аччиққина мастава қилинибди. “Бош оғриғини ёзишга” деб дастурхон тўрида яна бир шиша ароқ гўддайиб турарди. Уни кўриб кўнглим озаёзди.

Биз жуда ҳам хижолатда эдик. Бригадир ака “Ҳечқиси йўқ, йигитлар” деб таскин берди ва бизни нонуштага ўзи таклиф қилди. У ҳам аллақандай Бахтиёр ҳақида сўради. Биз ҳам кўнгли учун “Ҳа-ҳа” деб қўя қолдик. Лекин бу пайтда Салоҳиддин ҳали уйғонмаганди чоғи, дастурхон ёнида кўринмади.

— Қани олинглар, меҳмонлар, тортинманглар, — деди бригадир ва ўзи ароқдан қуйиб узатди.

Кўнгли учун олган бўлдик. Шунда Пўлат гап қотди. У бир илож қилиб туриб тезроқ кетишга чора изларди.

— Меҳмондорчилигингиз учун раҳмат, ака. Энди биз қайтсак. Ўқишга боришимиз керак. Ҳозир сессия, тушунасиз-ку.

— Фарғонага кетасизларми? — деб сўради у.

Мен “Ҳа” деб юбордим.

— Яхши. Мен сизларни ўзим Қувагача элтиб кузатиб келаман.

— Э, йўқ. Ўзимиз кетаверамиз — деди Пўлат шошапиша.

— Қувада ахир, ишим бор. Бир йўла сизларниям кузатиб кўяман, — деди у узил-кесил.

Мен Пўлатга ялт этиб қарадим. У нима деярини билмай каловланарди. Ҳар иккимиз ҳам “Бизнинг ҳали бу ерда ишимиз битгани йўқ” дея олмаётгандик. Орият қилдик.

— Ҳа, айтмоқчи, ўғлингиз Салоҳиддин қани? — сўрадим мен.

Бригадир хотинини чақирди.

— Ҳой, Салоҳиддинни уйғотворинглар! Меҳмонлар қайтамиз, дейишяпти! — дея хотини томон қичқирди у.

— Вой, қаёққа турасизлар?! Бир-икки кун меҳмон бўлинглар энди. Акангиз сизларга атаб-қўй сўйганлар, еб борасизлар-да.

Пўлат ҳайрон бўлди.

— Йўқ, раҳмат, опа. Ўқишимизга борайлик. Ҳозир имтиҳонлар топшираяпмиз! Шунга, ака, ўзингиз бир дуо қилсангиз.

Бригадир ва опа бизга оқ йўл тилаб яхши дуо қилишди. Бу маҳалда Салоҳиддин ҳам ўрнидан турди чоғи. Болакай кеча хизмат қилавериб жуда чарчаган кўринарди.

— Биз ўзимиз секин қайтаверамиз. Сиз ҳечам овора бўлманг, ака, — дедим мен куёвжўралик масъулиятини фикран ҳис қилиб.

— Э, йўқ. Ўзим кузатиб келаман, дедим-ку. Кунлар исиганда бошқа келинлар, хўпми? — деб қўйди бригадир ака.

— Ҳа-ҳа. Бахтиёржон ҳам баҳорга келиб қолади. Албатта, келинлар, хўпми? — деди опа ҳам илтифот билан.

Шундай қилиб, бўлғуси келинчак билан учрашувни кейинги сафарга қолдиришга тўғри келди. Биз бригадирнинг машинасига ўтираётганимиз маҳали Салоҳиддин ҳам чопиб келиб ёнимизга чиқиб олди. Машина ўрнидан оғир қўзғалди.

Болакай нимадир демоқчидай, биз бўлса ундан сўрамоқчидай бўлар эдигу, аммо бригадир отасининг олдида айта олмай миқ этмай кетавердик. Пўлат қишлоқ йўлларини, хувиллаб ётган кимсасиз далаларни бетоқат кузатиб борар, худди “ҳинд қизи” лоп этиб чиқиб қолдигандай эди.

Ниҳоят, Кувага кириб бордик. Шоҳбекатга яқинлашиб қолганимизда бригадир тилга кирди.

— Бўпти, йигитлар, бошқа келинлар-а! Бахтиёржонга салом айтинлар, хўпми?

Шу маҳал Салоҳиддин қовун туширди:

— Ие, дада. Булар акамнинг ўртоқларимас... Ахир, булар пахта тергани келган ҳалиги ёрдамчилар-ку, танимаяписизми?! — деб қолди.

Отаси унга бир ўқрайиб қараб қўйди. Биз тушиниб юрагимиз шув этиб кетди. Шоҳбекат олдида тушиб қолдик. Хайр-хўш ҳам насия бўлди. Машина қаттиқ овоз чиқариб гизиллаб кетди. Биз бўлса бир оз анграйиб ортидан қараб қолдик. Сўнгра Фарғона автобуси томон чопдик. Фақат автобусга чиқиб ўтирганимиздагина бўлиб ўтган воқеанинг туб моҳиятига тушуниб етгандик.

Дастлаб оғзимизни тўсиб пих-пих қилиб, сўнгра баралла овоз билан кулавердик, кулавердик... Йўловчилар ҳайрон эди. Фарғонага етиб келгач ҳам, ётоғимизга кириб боргач ҳам кулавердик. Ўзимизни тўхтатолмадик...

Аммо кейин фурсат топиб Деҳқонободга боролмадик. Пўлат ўз қишлоғилик бошқа қизга уйланди.

Биз Пўлат билан гоҳо учрашиб қолганимизда ўша талабаликдаги воқеа ҳақида кўп эслаймиз. Агар ўшанда Салоҳиддинни учратмаганимизда бир инсон тақдири бутунлай бошқача бўлиб кетармиди.

Кейинчалик билсак, ўша Салоҳиддиннинг Бахтиёр исмли акаси узоқ ўлкаларда аскарликда хизмат қиларкан ва унинг икки қўқонлик хизматдош ўртоғи олти ой аввал қайтишибди. Улар Бахтиёрга кўп яхшиликлар қилишган экан. Бахтиёр шу дўстлари уйга ташриф буюришлари мумкинлиги ва уларни яхши кутиб олишларини илтимос қилиб ота-онасига мактуб йўллаган экан.

Қаердасиз, Салоҳиддин? Катта бўлиб ким бўлдингиз? Ким бўлсангиз ҳам отангиздай танти инсон бўлганингиз аниқ. Биз албатта сиздан дўппидай ошга қарздормиз!

ХОРИЖДАЯМ ШОГИРДЛАРИМ БОР

ёхуд ҳабаш қиз билан тиллашганим

Институтни тамомлагач, мутахассислигим бўйича ўқитувчи сифатида йўлланма билан Тошкент полиграфия техникумига ишга юборилдим. Бироқ мен ҳеч қандай ўқитиш услубияти ва педагогик маҳоратга эга эмасдим. Бу ҳам ҳолва экан. Менга дабдурустдан ажнабий талабаларни топшириб қўйишди. Аслида эса техникумдаги тажрибали ўқитувчилар иш оғирлиги учун улар билан ишлашдан бош торттишар экан. Эҳтимол, менинг ҳам, ажнабий талабаларнинг ҳам рус тилини яхши билмаслигимиз, биздаги ўқитиш моделидан беҳабарликлари қўл келганми, ҳарҳолда, тез тил топишдик. Уларга тўла эркинлик бердим.

Улар анголалик кўкимтир ҳабашлар, кубалик бўйи дароз испанлар, Веътнам ва лаослик пакана қиз ва йи-

гитчалар ҳамда монголиялик ўрта бўйли, аммо рус тилини ҳарҳолда яхши биладиган талабалар эди. Уларнинг математика, физика ва бошқа гуманитар фанлардан кўра кўпроқ матбаачилик касбини эгаллашга доир дарсларга қизиқишлари кучли экани сезилиб турарди. Шу туфайли ҳам менинг асосий мутахассислик бўйича ўтадиган назарий, амалий дарсларимга улар эътиборлироқ эди.

Улар Тошкентга келишларидан аввал Ленинградда олти ойлик рус тилини ўрганиш курсида ўқиб келишган экан. Айниқса, монголиялик қизлар ва улар орасидаги Алтынцек исмли иккита қора кокили тўпифига тушиб турадиган қиз рус тилини яхши биларди ва менга таржимонлик қилиб, ёрдам берарди. Қайси талабанинг саволи бўлса у аввал Алтынцекка берар ва у орқали жавобини оларди. У жуда ақлли ва билимли, айтишларича, Монголия элчисининг қизи экан. Кубалик испанлар ичида Армандо дегани жуда иқтидорли, бўйи дароз бўлгани билан ўзи яхши йигит эди.

Алтынцек дарсга келмай қолган кунлари мен жуда қийналардим ва кўпроқ амалиёт дарслари ўтишга ҳаракат қилардим. Ана шундай кунларнинг бирида бир қизиқ воқеа юз берди:

— Бир пайт бўйи новча, сочи табиий-майда кўнғироқ ҳабаш қиз қўл кўтариб мурожаат қилди. Мен журнални тўлдириш билан банд эдим.

— Пере-подова-тель, — деди у охириги “тель” қўшимчасига алоҳида урғу бериб.

— Да, слушаю, — дедим мен бепарво.

— Писат хочу, — деди у.

Мен бу сўзни доскага чиқиб нимадир ёзмоқчи экан деб тушундим ва ҳеч иккиланмай “Пожалуйста” дедим. Аммо у синфхонадан чиқиб кетаётганини кўриб “Ты, куда?” дея тўхтатиб қолдим.

— Писат буду, — деди у яна.

Талабалар негадир кулиб юборишди.

— Пожалуйста, пиши, — дедим мен доска томон ишора қилиб.

— Где, здесь?..

— Да, куда ещё?..

— Им-м... здесь не-удоб-но... — деди қиз ўзгача лаҳжа билан.

— Почему? — деб сўрадим мен жиддий.

У жавоб бера олмай, тўғрироғи хаёлига келган фикрни айта олмай “Ис-ис...” деб иккиланиб тураверди. Бир мўғул қиз шу пайт “Она истисняется!” деб қичқирди. Мен бўлса тушунмай баттар ҳайрон бўлдим. Асабийлашдим ва шарт ўрнимдан турдим-да, “Вот мел, вот тряпка, ...и пиши!” дедим.

Негадир қиз безовталаниб, кумушранг юзида, аниқро, оқиш кўзида қизариш пайдо бўлди. Сўнгра бўр ва латтани жойига қўйиб, тез жойига борди-да, сумкачасини титкилай кетди. Сумкасидан луғат китобини олиб қайси бир сўзни қидирди ва топди, шекилли, олдимга олиб келди.

Китобда “писит” сўзи “сиймоқ” маъносини англатаркан. Қиз бўлса бу сўзни бузиб айтган экан. Бу сўзни аниқлагунча, яъни инглиз тилидан рус тилига, рус тилидан монгол тилига, монгол тилидан ўзбек тилига ўгирилгунча анча вақт кетди.

Бу воқеа талабалар ўртасида самимий кулгига сабаб бўлди.

Мен ажнабий талабалар билан бир ётоқхонада яшардим. Улар тез-тез дискотекалар, дам олиш кечалари, туғилган кунлар уюштириб туришарди. Армандо баъзан ўзларига тенг билиб мени ҳам қўймай чақириб олиб кетарди. Шу зайл улар билан тез тиллашиб, дўстлашиб кетдим ва дунё халқлари ва қардошлик ҳақида фикрлайдиган бўлдим.

...Техникум раҳбарияти баъзи-баъзида дарсларимга

“бош суқиб” хабар олиб туришарди ва дарсдаги сокинлик ва иштиёқни кўриб хотиржам бўлишарди. Кейин билсам, аслида улар “Бу йигит ишқилиб қочиб кетмадимкин”, деб хавотир олишаркан.

Мен яна иккита ўзбек гуруҳга ҳам дарс берадиган бўлдим ва бу дарсларда хотиржам “дам олардим”. Ўз она тилимизда дарс бериш жуда мароқли эди. Айниқса, ўзбек қизларининг “домла”, “домлажон” деб мурожаат қилишлари, хорижий ҳорғинликдан кейин менга руҳий таскинлик берарди.

Тақдирнинг тақозоси билан кейинчалик Тожикистонга ўз мутахассислигим бўйича ишлаш учун бориб қолдим. Бир гали Республика Матбуот Кўмитасининг раҳбарига ўша ажнабий талабалар билан кечган кунларим ҳақида гапириб бердим. У киши қизиқиб қолди. Чунки матбаачи кадрлар муаммоси республикада жуда долзарб экан.

Тез орада қарор қабул қилинди. Бизнинг босмахона қошида Иқтисодиёт техникумига қарашли “Матбаа бўлими” очилди ва мени ўз ишимдан ташқари мазкур бўлимга ўқитувчи этиб тайинлашди. Техникум бу ерга унчалик узоқ эмасди. Назарий билимларни у ерда, амалиётни босмахонада ўтай бошлашди.

Мен дастлаб “Тожик тилини билмайман” деб эътироз билдирдим. Лекин раис “Ҳабаш қиз билан тиллашибсиз, испан йигитларни ҳам ўқитибсиз, тожик тили нима бўпти?” деб қолди. Бўлимга турли вилоятлардан ўттиз нафар талаба қабул қилинди. Улар аксарияти рус тилини мутлақо билишмасди. Шу туфайли анча қийналдим. Бахтимга кўрғонтепалик Фурқат исмли ўзбек йигит бор эди. Шу йигитнинг ёрдами менга наф берди. Дарсларни рус тилида олиб борардим. Тожик тилини ҳам аста ўргана бошладим. Дастлаб сўкишни ўргандим...

Шундай қилиб, хорижда ҳам шогирдларим кўп. Улар ҳозирда дунё босмахоналарини эгаллаган десам бўлаверса керак.

“ЎЗБОШИМЧАЛИК” ОҚИБАТИ

ёхуд аскарликда уйланганим ҳақида

Ҳарбий хизматга жўнашим кутилмаганда содир бўлди. Матбаа техникумида дарс бераётгандим. Иккинчи ва учинчи пара соатлар мутахассисликка оид ўзбек гуруҳида эди. Катта танаффус кўнғироғига бир оз қолганида қабулхона котибаси келиб мени директор йўқлаётганини айтди.

Директор ҳузурига кирдим. У мени зудлик билан Чорсу бозори ёнидаги туман Ҳарбий комиссариятига боришимни тайинлади ва “Чопинг!” дея буюрди.

Мен танаффус тугагунича улгурайин, кейин дарсни давом эттираман деган ўй билан тушлик ҳам қилмай, тўғри ҳарбий комиссар ҳузурига кириб бориб, ғоз турдим.

Комиссар афтимга бир оз қараб олди-да, “Сизга икки кун муҳлат. Индинга “отправка” Вокзалга кечикмай келинг”, деб кўлимга чақирув қоғозини тутди ва ҳозироқ 7-хонага киришимни айтди.

Мен шошиб 7-хонага кирдим. У ердаги киши “Ўтиринг” деди. Ўтирдим. Олдимга бир оқ чойшаб тутишди. Мен нима гап эканини англаб улгурмаган ҳам эдимки, қоқ пешонамдан ғириллаб сочларим олина бошланди. Мен “Ҳой, нима қиляпсиз?! Ахир, ҳозир дарсга киришим керак”, деб эътироз билдиргунимча бошим тақирга айланди-қолди.

Танаффус тугаб кўнғироқ чалинган пайтда етиб келдим, тўғри дарсга кириб бордим. Талабаларим оғзи ланг очилиб қолди. Индинига ҳам дарсим бор эди. Лекин барча талабалар мени кузатиш учун вокзалга боришди. Улар ичида биринчи партада доимо жилмайиб ўтирадиган Жамила ва Саидалар ҳам бор эди.

Туркменистоннинг жанубидаги ҳарбий батальонда ўқув курсини ўтадик. Сўнгра бизни собиқ Иттифоқ

бўйича буюртмага мувофиқ тарқатишди. Тақдир тақазоси билан мени штаб котиби сифатида Тошкентдаги ҳарбий қисмлардан бирига юборишди.

Олий ўқув юрти, сўнгра техникумда ўқитувчилик қилиб юрган ёши каттароқ йигит учун ёш аскарлар билан бир сафда, қора ишлар ҳам қилавериш жуда зерикарли эди. Шу туфайли баъзан тунги “отбой”дан сўнг “Талабалар шаҳарчаси”даги қадрдон ётоқхонам сари “ўзбошимчалик” билан “қочиб кетиш”ни одат қилдим.

Мен у ерга асосан тунги соат ўн иккидан кейин фуқаро кийимида такси билан етиб борардим. Бу маҳалда қоровул эшикни беркитиб қўярди. Шу туфайли бешинчи қаватдаги ўқувчиларим яшайдиган хоналар сари балкон орқали осилиб бемалол чиқиб борардим-да, эшиклардан бирини тикирлатардим. Спорт билан мунтазам машғул бўлганим кутилмаганда менда жасорат ва ғайрат пайдо қилганди... Талабалар билан алламаҳалгача чақ-чақлашиб суҳбат қурардик. Сўнгра мени холи қолдиришар, гоҳ у, гоҳ бу хонада ётиб дам олардим. Бу ерда бир оз бўлса-да, эркинликни ҳис этардим, руҳан дам олардим. Эрталаб олтиларда яна қайтиб осилиб тушиб, ҳарбий қисмга етиб олардим-да, девордан ошиб ўтиб, сўнгра ётиб олардим. “Подём!” командаси бўлиши биланок ўрнимдан турардим-да, ҳеч-нима бўлмагандек ҳамма қатори ювиниб яна сафга турардим.

Хуллас, менинг баъзи бу “ўзбошимчалик”ларимни анча вақтга қадар ҳеч ким пайқамади. Лекин “Кўза бир кун эмас, кунига синади”, деганларидек бир куни “қўлга тушдим”. Бу ҳолат шундай юз берди:

Талабаларнинг бирининг туғилган куни эди. У Насимхон исмли қувалик йигит эди. Келишимга ишониб, атайин ошни мен келгунимгача сузмай ўтиришган экан. Тадбирни яхши ўтказдик. Тунги учларда қотиб ухлаб қолибман. Пастда кимдир “Наби ака!” деб чақираётганини эшитдим ва балконга чиқдим. Пастда бир

такси дириллаб турар ва икки аскар сафдошларим қичқиришмоқда эди.

— Ҳа, тинчликми?! — сўрадим мен

— Юринг “Тревога” бўлган. Сизни қидиришяпти. Бормагунингизча бизга дам берилмас экан! — деди нуроталик Абдумажид исмли сафдошим.

Мен уни илгари бир бор бу ерга олиб келиб синфдоши Замира исмли қиз билан учраштириб қўйгандим.

Пастга шитоб билан тушдим-да, таксига ўтирдим.

Эртаси эрталаб мени ўн кунга “гаупвахта” га жўнатадиган бўлишди. Мен ўша кунлари штабда штаб бошлиғига ҳужжатларни тартибга солишда ёрдам бераётгандим. Унинг айтишича, Мудофа вазирлигидан катта тафтишчилар келиши кутилаётганди. Шу тобда менинг жазоланиб ўн кунга “сафарбар” қилинаётганимдан у ўта норози бўлди. Чунки фақат менгина аралашиб кетган ҳужжатларнинг тартибини яхши билардим.

Қисм командири майор Постнов ҳам мени оддий аскар эмас, балки олий маълумотли штаб ходими сифатида кўриб инсонийлик жиҳатдан ҳурмат қиларди.

Аммо “самаволька”, яъни ўзбошимчалик билан қисмдан четга кетиб қолаётганим учун жазоланишимга қаршилиқ қилмади ва штаб бошлиғи капитан Келинга мени Гаупвахтага ташлаб келишини топширар экан, қулоғига бир нима деб шипшиб қўйди.

Кейинчалик маълум бўлишича, қадрдони, Гаупвахта бошлиғидан менга яхшироқ шароит қилиб беришини ва уч кун ичида қайтариб юборишини илтимос қилган экан.

Барча жазоланувчилар бу ерда азобланиб, оғир ва ифлос ишларга жалб қилинар ва ҳатто машқ майдонига сув сепиб тозалаш учун ётқизиб юргизишарди. Мени эса бир спорт клубига олиб боришарди ва сув ҳовузи атрофидаги ўриндиқларни бўяшни топшириб, қизиб кетсам чўмилиб олишга ҳам рухсат беришди. Гўё бу ерга жазолангани эмас, дам олгани келгандек

эдим. Аммо кўп дам олдиришмади. Тафтишчи гуруҳ келганмиш, учинчи куни қайтариб олиб кетишди. Лекин қаттиқ огоҳлантиришди. “Агар яна “самаволька” қиладиган бўлсам бир ойга гаупвахтага ҳақиқий жазо олиш учун юборишларини айтишди. Мен сўз бердим.

Лекин “Йигит киши айтаверади, ҳам қайтаверади” деган гапда жон бор шекилли, яна бир жузъий сабаб бўлиб қолди. Талабаларим ичида мени жуда ҳурмат қиладиган — Жамилахоннинг туғилган куни бўлиб қолди. Ахир, қандай қилиб бормаслик мумкин? Яхшиликча жавоб, яъни “увольнение” сўрадим, эшитгилари ҳам келмади. Яна ўша эски “хунарим”ни қайтаришга тўғри келди. Тунда, айти туғилган кун шодиёнаси қизгин паллага кирган пайтда 5-қават балкон эшиги орқали аскарлик кийимида бир даста гул билан кириб бордим.

Эрта тонг одатдагидек қисмга етиб бориб ўғри мушукдай жойимга ётиб олмоқчи бўлдим. Лекин не кўз билан кўрайинки ўрнимда бир катта одам адёлга ўралиб шердек наъра тортиб ухларди. Нима қиларимни билмай сочиғу тиш чўткамни тортмадан олиб ювиниш хонасига бормоқчи бўлдим. Ётган одам келганимни сезган чоғи хиёл қимирлаб кўйди. Мен аста бу ёнимда ётадиган Абдумажидни туртиб уйғотиб “Ким бу?!” деб имо-ишора билан сўрадим. У рота командири капитан Волков эканини маълум қилди. Юрагим шув этиб кетди. Чунки ўтган сафар ҳам шу зобит мени фош қилган ва гаупвахтага тавсия этганди. “Оббо, энди командирга нима дейман? Ахир, унга сўз бергандим-ку”, деган нохуш ўйга бордим. Мен командир Пастновни ҳамиша ғамхўрлик қилиб келаётганига, бераётган жавобимдан ўзим уялиб кетдим.

Боз устига ўша куни эргалабки “Подём!” камандасини бериш учун командирнинг ўзи келиб қолди. Мен ювиниш хонасида бамайлихотир тишимни ювар, уйғонишга ҳали вақт бор эди.

— Ҳа, Ҳошимов, уйқинг келмаяптими, дейман? — деб сўраб қолди у.

— Худди шундай, ўртоқ командир! — дедим

Аммо ичкаридан капитан Волковнинг: “Он врёт! Опять сбежал!” (“У алдаяпти. Яна қочиб кетибди”) деган жаҳлдор овози келди. Бу билан у гўё “Мен қонунбузарни қўлга олдим” демоқчидай эди. Лекин командирнинг жаҳли чиқди. “Ким бу аскарлар ётоғидан гапираётган?!” дея ётоққа тез кириб борди.

Волков эндигина уйғонган, лекин ўрнидан турмаганди.

— Ану-ка, встать! — дея қичқирди командир.

Зобит ирғиб ўрнидан тураман деганди, бошини тепадаги сўри қирғогига қаттиқ уриб олди. Аллақачон уйғониб бўлган аскарлар кулиб юборишди.

— Бу ерда нима қияпсиз, ўртоқ зобит? — сўради ундан сардоримиз

— Келсам жой бўш, Ҳошимов қочиб кетган экан. Бир оз ётиб ухлаб қолибман.

— Нега?

— Хотиним билан бир оз ғижиллашиб қолувдим...

Бу пайтда ёнимдаги шеригим командани ҳам кутиб ўтирмай мени бир нимадан хабардор қилиш учун тез ювиниш хонасига етиб келди ва Волковнинг кеча тунда ғирт маст ҳолда кириб келганини етказиб улгурди. Бу гап менга далла бўлди ва ўзимни ҳимоя қилишга йўл топдим. Сўнгра тўғри келиб командирга мурожаат қилдим.

— Рухсат этинг, ўртоқ командир!

— Гапир!

— Кеча тунда ташқарига чиққандим. Қайтиб кирсам жойимга манави киши ётиб олибди. Ғирт маст. Нима қиларимни билмай Абдумажид билан бир кароватда ётдик. Яна у қаттиқ хуррак отиб, жавраб-алжираб бизни туни билан ухлатмади, — дедим.

Бошқа аскарлар ҳам гапимни тасдиқлашди. Жазодан

кутилиб қолдим. Командир Волковга бир олайиб кўйди-да, ўз хонасига олиб кетди. Менимча, уни маъмурий жазога ҳам торди. Аммо шундан сўнг Волков менга қасдлашиб қолди ва тунлари келиб жойимни атайин текшириб кетадиган одат чиқарди. У баъзан очиқчасига “Ҳали кўлимга тушасан” дегандай ёвқараш қилиб кўярди.

“Ўрганган кўнгил ўртанса кўймас” деганларидек яна бир бор ички қонунни бузишимга тўғри келиб қолди. Ўрнимдаги адёлга шинелимни ўраб, худди одам ётгандек қилиб кўйгандим. Волков томонидан фош этилибман. У ўша тунда қисм навбатчиси экан. “Тревога” берибди ва аскарларни сафга тузиб то мен келмагунимча ётмасликларини буюрибди.

Абдумажид бир илож қилиб сафдан чиқиб, мен каби девордан ошиб такси ушлабди-да, “Талабалар шаҳарчаси”га равона бўлибди.

...Эндигина кўзим илинган эди. Бир пайт пастдан “Наби ака!” деган қичқириқ эшитила бошланди. Балконга чиқиб қарадим. Такси саман отдай диркиллаб, тутаб турарди.

Қисмга келдим. Қорнимни атайин ушлаб, афтимни бужмайтириб саф олдидан ўтиб бордим-да, ётиб олдим.

...Эрталаб командир ҳузурига йўқлади. Мен шу тобда ҳар қандай жазога тайёр, худди қушхонага олиб келинган кўйдек эдим. Айбимга иқроор бўлдим. Лекин бошқа қайтарилмаслигига бошқа ваъда бермадим. Чунки бу ҳолатга ҳеч қандай кафолатим йўқ эди.

— Сен нега ҳалеб қочиб кетаверасан? — деб қолди бир пайт командир.

Шумлигим тутди. “Ҳарҳолда унинг кўнгли юмшаса керак”, деган маънода ёлғон гапира кетдим.

— Хотин, бола-чақам бор-да, ўртоқ командир. Чақалоқни мазаси қочиб қолувди. Хотиним йиғлаб кўнғироқ қилди. Шунга...

— Нима? Сен уйланганмисан?

— Худди шундай, ўртоқ командир! — дедим ва ичимда “Ёлғонни худонинг ўзи кечирсин”, деб қўйдим.

— Э-ҳа... Ҳа, албатта. Ахир, сен институтни битириб келгансан-ку.

— Кейин техникумда ўқитувчилик қилаётувдим.

Командирнинг жигарранг, қалин қошлари кўтарилди.

— Энди бўлса оддий аскарсан. Ҳим-м... Нега энди, сизларда ҳарбий кафедра йўқмиди?

— Йўқ эди.

— Э, шунақа де, — деди командирнинг кўнгли юмшаб ва у ёқ-бу ёққа юриб жиддий ўйланиб қолди.

Тушундимки, у ҳозир нимадир қилиб менга енгиллик бермоқчи.

— Бўлмаса, гап бундай, — деди у ниҳоят бир қарорга келиб. — Сенга ҳар шанба ва якшанба расман кетишинга рухсат бераман. Майли, жума куни 18-00 дан чиқиб кетасан. Аммо душанба куни 8-00 да, қандай бўлмасин, сафда турган бўласан! Хўш, мени уялтириб қўймайсанми?

Мен кутилмаган бу таклифдан ўзимда йўқ қувониб кетдим. Ҳарбий хизматим тугашига тўрт-беш ой қолган бўлса-да, командир мен учун жуда катта имконият яратиб бераётганидан хурсанд бўлдим ва сидқидилдан хизматни давом эттириб, жума кун келишини сабрсизлик билан кута бошладим. Командир сўзида турди ва тушлик пайти қўлимга рухсатномани тутқазди. Бу менинг илк бор қонуний, уч кунликка рухсат эди. “Ўзбошимча” кетиб қолишлар энди барҳам топди.

Мен илк бор ўғри мушукка ўхшаб девор ошиб эмас, балки кўркам аскар кийимини кийиб қадрдон ётоқхонага тантановор ёп-ёруғда кириб бордим. Талабаларни қойил қолдириб хурсанд қилмоқчи бўлдим. Аммо хоналарда ҳеч ким кўринмасди.

Ниҳоят, бошқа гуруҳдаги бир қиз Жамилахон хоналарининг калитини унга ташлаб кетганини, ўзлари қизлар

билан Тўйтепага тўйга кетганини айтди. Шунисига ҳам шукур қилиб, хонага кириб ётдим. Лекин тунги пайт аллақандай ғала-ғовур овозлардан чўчиб уйғондим. Хаёлимда яна ҳозир такси келгану пастда мени кутиб тургандек туюлди. Шошиб балконга чиқдим. Пастда ҳеч ким кўринмасди. Қандайдир таниш овозлар эса эшик олдидан келаётганди. Бир пайт эшик тақиллаб “Наби! Наби!” дея Неъмат акам чақира бошлади. Эшикни ланг очиб юбордим. Қарасам остонада икки акам, опам, келинойим, опамнинг қизлари, шу жумладан, Жамила ҳам қаторлашиб туришарди.

— Мана, Набижон шу ерда экан-ку, ваҳима қиласизлар-а, — деб қолди Лола опам.

Мен апил-тапил кийиндим. Жамила бамайлихотир ўз хонасига кириб, шкафига кийимини алмаштирди-да, меҳмонларни ичкарига таклиф қилди. Опам ва акаларим негадир унга ва менга ҳайрон бўлиб, бошқачароқ қарашарди. Мен бу ҳолатни ювиниб келганимда ҳам, ўтириб ҳол-аҳвол сўраганимдан кейин ҳам сездим. Негадир улар хурсанд эмасдек, жиддий кўринишар, Жамилага бўлса суқланиб, сирли қарарди.

— Мени қандай топиб келдиларинг? — сўрадим мен хаёл, эҳтимол, уларни Абдумажид юбордимикин, деган ўйда.

— Таваккал келавердик, — деди Зокир акам. — Командиринг билан учрашдим. Кейин постда турган бир аскар йигит сени “Талабалар шаҳарчаси”да бўлиши мумкинлигини айтди. Аммо бу ернинг қаерида эканингни ҳеч ким билмас экан.

— Кейин қандай топдиларинг?

— Такси билан шаҳарча марказига келиб тушдик. Бир пайт қарасам манави қиз йўлакдан пиёда келаётган экан. Опанг бориб шу қиздан сўради. “Биз укамни қидириб келувдик. У аскар. Хизмат қилаётган жойида йўқ экан. Бир аскар йигит, уни шу ёқларда бўлади деганди. Қай-

си ётоқхонадалигини билмаймиз” деди. Бу қиз бўлса “Укангизнинг исми нима” деб сўраб қолди. “Укамнинг исми Набижон. Армиядан олдин ўқитувчилик қиларди” десам, “Мен у кишини танийман, қаердаликларини ҳам биламан. Мен билан юраверинглар” деб қолди. Кейин бизни шу хонага бошлаб келди. Қарасам, сен ҳақиқатдан ҳам шу ерда экансан. Тақдирнинг ҳазилини қараю...

— Ҳа-ҳа. Бу қиз талабаларимдан бири. Менга хонасининг калитини беришувди, — дедим қисқа қилиб.

Хуллас, кун бўйи биргаликда шаҳар айландик. Опаларим Жамилани ўртага олиб суҳбатлашиб юришди ва кечки пайт уларни Андижон поездига чиқариб кузатиб келдик. Улар негадир жуда шошилишди. Мен яна ётоқхонада қолишим керак эди. Чунки рухсатномани бузиб бўлмасди.

— Нималарни гаплашдиларинг? — сўрадим Жамиладан.

— Ота-онамни, қаерданлигимни суриштиришди.

— Ҳим-м, шу холосми?

— Ҳа, шу... Яхшиям, эрталаб менга дуч келиб қолишди. Бўлмаса, тоза сарсон бўлиб сизни қидиришаркан. Сиз бўлмаса бемалол дамингизни олаверинг, домла. Биз Саида билан дугоналаримникида бўламиз, — деди у ва биз хайрлашдик.

Ўртамиздаги муносабат самимий, у мени устози сифатида жуда ҳурмат қиларди. Оила қуриш ва шунга ўхшаш мавзуда ҳали гаплашмагандик.

Биз якшанба куни ҳам Насимхон, Саида — тўртовимиз кинога тушдик, шаҳар айландик, бирга истироҳат боғларини кездик. Аммо менинг яқинларим келиб кетишгандан сўнг ўртамиздаги муносабат янада илиқлашгандек эди. Жамила эндиги келаётган дам олиш кунлари уйига бориб келишини айтди.

Ниҳоят, яна бир жума келди. Ваъда берганидай мени командир ҳузурига чақиртирди.

- Оиланг қалай, яхшими?
- Ҳа, раҳмат.
- Кичкинтой-чи, касал бўлмаяптими?
- Йўқ. Яхши.

– Шанба куни уйингдагилар келишганди. Мен сени хотининг, болангни кўргани боришга рухсат берганимни айтувдим.

– Ҳа-ҳа, келишди. Кўришдик, раҳмат... – дедим мен аммо алланечук бўлиб кетдим ва уларнинг мен ва Жамилага бошқачароқ муносабатда бўлишгани ёдимга тушди.

“Оббо, – дедим мен фикран. – Энди улар биз ҳақимизда нима хаёлга боришаётган экан. Опам Жамилдан қанақадир бола ҳақида бекорга суриштирмаган экан-да”. Лекин бу ҳақида мендан ҳеч нима сўрашгани ва сўрашганида ҳам тўғрисиани айтиб командирни лақиллатганимни айтаверган бўлардим.

Командир менга сиёсий-маърифий хонани қайта безаш вазифасини топширди. Агар бу хонанинг тезроқ ва сифатли безак бера олсам мени биринчилар қаторида демобилизация қилишга ваъда берди. Шунинг учун энди мен туну кун, шанба-якшанба ҳам шу хонада рассом сифатида ишлай бошладим.

Шундай кунларнинг бирида навбатчи йигит мени бир қиз йўқлаётганини айтиб қолди.

Чиқсам жилмайиб Жамила турарди. Қўлида тугун.

– Қутлуғ бўлсин! – деди у дабдурустдан. Мен ҳайрон бўлиб “Нима гап?” деб сўрадим.

– Фотиҳа тўйимиз бўлибди.

– Ие! Қачон?!

– Кечаги куни уйга борсам бир маросим бўлаётган экан. Сўрасам “Сени унаштирдик” деб кулишди. Кейин “Ичкарига кир, Фарғонадан меҳмонлар бор” дейишди. Кирсам опангиз экан.

– Қизиқ. Мендан сўрашмаганди-ку.

— Мендан ҳам фақат уй манзилимизни сўрашганди, холос. Совчиликка боришиб ҳол-жонларига қўйишмабди. Узоқ йўл, бир икки марта бизникида ётиб ҳам қолишганмиш. Сиз хизматдан қайтиб борганингиздан сўнг бир ҳафтадан кейиноқ тўйимиз бўларкан.

— Ие, ростдан-а?.. Унда қутлуғ бўлсин! — дедим мен ажабланиб. — Бу ёғи тезлашиб кетибди-ку.

— Ўша кетган кунларининг эртасигаёқ ҳаракатга тушишган экан-да... Манави зиёфатни ўртоқларингизга олиб кирарсиз.

Шу маҳал штаб биносидан командиримиз майор Пастнов чиқиб қолди ва бизни кўриб кулиб қўйди.

— Ҳа, хотининг шуми? — деб сўради узоқдан туриб.

— Худди шундай, ўртоқ бошлиқ!

— Жуда гўзал экан. Чақалоқни олиб келмабдими?

— Худо хоҳласа, янаги сафар, ўртоқ командир!

— Ҳа майли, бахтли бўлинглар, — дея нари кетди.

Шу-шу бошқа “ўзбошимчалик” қилмадим.

ТУРПГА КЕТИБ...

ёхуд Тошкентни забт этган Олтиариқнинг сабзавоти ҳақида

Уйланганимдан сўнг бизни “талабалар уйи”дан чиқариб юборишди. Боз устига мен ҳам техникумни тарк этиб республика босмахоналаридан бирида ўз мутахассислигим бўйича ишга кирдим.

Ишхонадаги бир аёл бизга ижара уй топиб берди. У четроқда бўлса ҳам, ишхонагача трамвай юраркан.

Мен юкли бўлган хотинимни ўша уйга жойлаштиригач, трамвай бекати томон йўналдим. Хотиним Жамила ортимдан:

— Ҳой, турп егим келаяпти. Бозордан ўзимизнинг олтиариқ турпидан ола келинг! — деб тайинлаб қолди.

Трамвай бекатидаги бир цирк рекламаси ва ундаги шопмўйловли полвон сурати билан эндигина танишиб

турувдим, трамвай ғувиллаб келиб тўхтади. “Марказий хиёбонга борадими?” деб сўрадим. “Ҳа, боради” дейишди. Мен трамвай рақамига аҳамият бермаган ҳолда чиқиб олдим. “Шопмўйловли полвон” менга олайиб қараб кузатиб қолди. Аксига олиб бу мавзенинг нима деб аталишини ва нечанчи трамвайлар билан келиш мумкинлигини сўраб ҳам олмабман. Фақат ёдимда қолгани 103-ҳовли эди ва бу ерга хизмат машинаси ташлаб кетганди.

Ишдан чиққач, хотинимнинг айтганини сотиб олиш учун Олой бозорига томон йўналдим. У ерга пиёда борарканман, ижарада турган уйга қайси трамвай билан бориш мумкинлиги ҳақида уйладим ва турпни сотиб олгач, яна ишхона яқинига келиб у ердан таваккал трамвайлардан бирига ўтириб қайтишни ва ўша шопмўйловли циркчининг реклама сурати қайси бекатга ёпиштирилган бўлса ўша ерда тушиб қолишни мўлжалладим.

Олой бозори одатдагидай гавжум, турплар мўл эди. Сотувчилар уларни арчиб, турли гулу шакллар бериб кўйишибди. Бир оз айланган бўлдим. Менга айнан Олтиариқники керак бўлгани учун Марғилон дўппили сотувчини қидирдим. Ниҳоят топдим. Лекин уларнинг тўрттаси пештахта ортида жой қилиб яримтани майдалаб, кабоб еб ўтиришарди. Менинг ҳидланганимни кўриб бирови “Келинг, ака!” деб қолди.

— Ўзимизнинг Олтиариқнинг турпидан керак эди-да, — дедим.

Бирови шинаванда йигит кўринарди. Ўзи деҳқонга ўхшамасдию, аммо янги марғилон дўппи кийиб олганди. У ирғиб ўрнидан турди-да:

— Қани, тақсир, бу ёққа ўтсинлар, бир пиёла чойимиз бор. Турп кўп, қочиб кетмайди, — деб илтифот қилиб қолди.

Мен сира ароқ ичмасдим шунинг учун узримни айтиб икки кило тортиб беришларини илтимос қилдим.

— Икки кило эмас юртдошимиз учун беш кило биздан совға деб қолди, — ўтирган йигитлардан бири.

— Йўқ, кўтарганингизча олиб кетасиз. Йигитлар ўзи сизни машинага чиқариб келишади. Ўтинг энди, братан. Танишайлик. Бу ерда ҳаммамиз ҳам мусофир.

Хуллас, иложсиз, пештахта ортига ўтишимга тўғри келди. Ўзимни таништирдим, улар хурсанд бўлиб кетишди. Қадаҳ сўзлар айтилди, пиёлаларни чўқиштирдик. Турп билан газак қилдик. “Турп ёнга қолди” деб киссамдан яримтага яраша пул чиқардим.

Ўша куни маош олгандим. Яна бир-икки шиша бўшади. Биров келиб “бу ерда бақир-чақир қилманглар”, деб огоҳлантирди. Ўрнимиздан кўзғалдик. Ҳалиги шинаванда дўппили йигит исми Аббос эди шекилли. “Мен эрийман, кетдик, ресторанда бир оз ўтирамыз” деди. Мен кўнмадим. Аммо улар бир қоғоз пакетни турпга тўлатиб қўлимга тутқазишди. “Бунчани нима қиламан, икки кило етади” дедим.

— Бу акани кузатиб қўйишимиз керак, — деб қолди ўша Аббос дегани. Сотувчи йигитлар хайр-хўш деб қолишди. Иккитаси мен билан кетишди. Улар халтани қўлимдан олишди. Ширакайф Аббос қўймай яна озгинадан отишни қистарди. Ниҳоят устунлик қилди. Бир ресторанга кирдик. Ул-бул буюртма бердик. Албатта икки шиша ароқ ҳам айтилди.

Муסיқа янграрди. Мен бир оз пул ташлаб бир илож қилиб бу ердан чиқиб кетиш чорасини изладим. Чунки улар менинг ёнимда пул борлигини ва шунга менинг ҳисобимдан ўтиришганини фаҳмлаб қолдим. Аббос устига келса-келмаса буюртма устига буюртма бераверди. Официант бир нима деганди, у мени кўрсатди. Ноилож ойлик маошнинг катта қисмини тўлаб қўйишимга тўғри келди.

Сўнгра бир халта турпни қўлимга олдим-да, жўнаб қолдим. Аммо улар ортимдан чопиб чиқишди.

— Ҳой, браган, қаёққа?! Яна қиттай-қиттай!.. — деб ортимдан югура бошлашди.

Мен бу елимбашаралардан қутулиш учун жон-жаҳдим билан қочдим. Қўлимдаги турпнинг бири устидан халтанинг бурчаги қисмидан маҳкам ушлаб олдим. Чопганимда турплар йўлда бир-бир тўкилиб қолаверди. “Ҳой, тўхтанг!” деб қичқирди улардан бири. Қарасам трамвайлардан бири юрмоқда эди. Мен чопиб бориб чиқиб олдим. Югурганимда қаттиқ ҳолдан тойган эканман. Ҳам ароқ ўз таъсирини кўрсатдими, ёнбошлаганимча қотиб ухлаб қолибман.

Бир пайт жуда совуққотдим. Кимдир елкамни туртди.

— Ҳой йигит! Туринг, паркка келдик! — деди у.

Қарасам трамвайда ҳеч ким йўқ. Атрофим тўла бўш трамвайлар. Тунги соат бир бўлибди. Ундан тушиб таваккал трамвайлар кириб келадиган парк дарвозасидан темир йўл бўйлаб пиёда кетдим. Қўлимда халта, ўша бир дона турпни маҳкам чангаллаб олгандим.

Анчагина юрдим. Чарчадим, биринчи бекатга дуч келдим. Ўтириб бир оз дам олволиб, яна юришни давом этдирмоқчи бўлдим. Аммо ўриндиқ тепасидаги эрталабки шопмўйловли полвон рекламасига кўзим тушди. Севиниб кетдим. Мен яшайдиган уй мана шу бекат яқинида бўлиши керак дедим. Эрталаб юрган йўлимни ёдга олиб қоронғи кўчаларда аста юра кетдим.

Узоқда икки аёлнинг дарвоза олдида ўтиришганига кўзим тушди. Улардан бу ер қаер эканини сўрамоқчи бўлиб дадиллашдим ва “Ассаламу алайкум” дейишим билан:

— Вой, қаёқларда юрибсиз? — деб қолди хотиним.

У совуқдан биқиниб эгнига аллақандай пахталик чопон ва қалин рўмол ўраб олганди.

— Ҳа, биз жуда хавотир олиб, йўлингизни пойлаб ўтирувдик, — деб қолди иккинчи аёл.

Кейин билсам бу аёл ўша уйнинг эгаси экан.

Мен кўлимдаги бир халта турпни хотинимга тантанавор узатдим. Фақат унинг ичида бир донагина бўлиб, қоғоз халтанинг таги ланг очиқ эди.

...Эртаси эрталаб ўша бекатдан 3-трамвайга ўгириб кетдим. Билсам кеча тунда мен келган жой мана шу трамвай парки бўлиб, биз яшаётган уй шу паркнинг ёнида экан.

Йўлда, у ер-бу ерларда тўкилиб қолган турпларга кўзим тушди. Улар ўзимизнинг Олтиариқнинг турплари эди.

БОШСИЗ “ҲАҚИҚАТ”

ёхуд мулла орқали келган мадад ҳақида

1981 йиллар эди. Биз ёш оила Тошкентда ижарада яшаб ишлашга қийналиб қолдик. Ҳеч ким бизга ёрдам беролмас, бир уйга муҳтож эдик. Ишхона раҳбаридан “Қачон бизга уй берасизлар?” деб сўрасам, “Икки йил сабр қилсангиз Юнусободда қурилаётган уйлардан берилади”, деган жавоб олдим. Икки йил мен учун жуда узоқ муддат бўлиб туюлди.

Ўша кунлари “Труд” газетасидаги бир эълонга кўзим тушиб қолди. Унда Тожикистон Матбуот қўмитаси ёш матбаачи-мутахассис кадрларни ишга таклиф қилиб, уй-жой билан таъминлаши ҳақида ёзилган эди.

Шундай қилиб, тақдир тақозаси билан мен оилам билан жанубий Тожикистон вилоятларидан бўлган Қўрғонтепа вилоят босмахоналар бирлашмасининг Бош муҳандиси вазифасига тайинландим. Бу жуда масъулиятли вазифа эди. Ўша давр сиёсати ёритиладиган иккита вилоят ва ўн учта туман газеталарининг бетўхтов чоп этилиши таъминланиши лозим эди.

Газеталар қўрғошин ҳарфларда терилар ва саҳифаларининг ярим ой шаклидаги қўрғошин қолиплари тайёрланиб, сўнг рулонли ротация машинасида чоп

этиларди. Аммо бундай машина ягона бўлиб, бузулиб қолгудек бўлса фақат Душанбе ёки Термиз шаҳрига олиб бориб чоп қилиб келиш мумкин бўларди.

Газеталарнинг ўз вақтида ва сифатли чоп этилишини вилоятнинг ғоявий сиёсий ишлар бўйича раҳбари ҳисобланган Табошаров фамилияли совуқ башара ходим назорат қиларди. У арзимас ҳолатга ҳам сиёсий тус беришга ўрганган, “ўпкаси йўқ”лардан эди.

Кунлардан бир куни жуда хунук воқеа юз берди. Аксига олиб республика раҳбари келиб иштирок этган ва унинг маърузаси ёритилаётган газета чоп этилаётганида кутилмаган “Ҳақиқат” газетасининг боши қисми кесилиб ярми таг томонидан чиқа бошлади. Бу албатта машинанинг буклаш-пичоқ механизмидаги носозлик эди. Аммо қанча уринмайлик “Ҳақиқат”нинг боши тикланмади. Газета кеч қолди. Табошаров тез етиб келди ва менга қараб “Ҳой фарғоналик! “Ҳақиқат”нинг боши нега йўқ? Нима, сиз атайин фитна уюштираяпсизми?” деб ўдағайлади.

Машинани созлашга республиканинг барча етакчи мутахассислари жалб қилинди. Жумладан, Душанбе полиграфкомбинати, Термиз вилоят босмаҳонаси ва бошқа таниқли матбаачи механик-муҳандислар етиб келишди ва ўша кунги сонни пойтахтга олиб бориб чоп қилдик. Аммо конференция яна давом этар, маъруза матнлари тўхтамас ва навбатдаги газеталар қаторлашиб, чоп этишга тайёр ҳолга келмоқда эди.

Биз ўн чоғли матбаачи мутахассислар машинанинг чизмаларини ёзиб олиб бошимиз қотди. Баҳс чексиз давом этар, аммо натижа кўринмаётганди. Қандай қилмайлик барибир “Ҳақиқат”нинг боши кесилиб, калласи думидан чиқаверди. Деярли икки сутка ухламадик, тузата олмадик. Кейинги сонини ҳам Душанбега олиб кетишга тайёрлай бошладик.

Серғалва яна бир тонг отди. Бу орада Табошаров ке-

либ яна бир вайсаб кетди. Эмишки, мен атайин қилмоқда эканман. Яхшики, пойтахтлик механиклар “Бу завод деффекти”, завод мутахассисларини чақириш керак ёки зудлик билан яна битга шунақа машина топиб ўрнатиш керак”, деган хулоса беришгачгина менга бўлган хусумати бир оз пасайди.

Ана шундай таҳликали пайтда бир маҳал олдимга узун оқ соқолли қоровул муйсафид аста келди.

— Акои раис, хафа бўлманг, худо ўзи мадакор бўлади. Ҳаммаси изига тушиб кетади ҳали. Ҳозир маҳалламизда бир “худойи” бўлаяпти. Меҳмонларингизни олиб боринг-да, бир тиловат қилиб, шўрва ичиб чиқинглар. Барибир нонушта қиласизлар-ку. Савоб бўлади. Марҳум киши яхши, зиёли одам эди. Унинг руҳлари сизга мадакор бўлса ажабмас, — деб қолди.

“Чўкаётган чумоли ҳар қандай хасга ҳам илашади” деган гап бор. Лекин мен бу ибора учун эмас, балки ҳақиқатан ҳам қорнимиз очгани, тунни билан чарчаганимиз учун қайноқ шўрва фойда бўлиши ҳақида ўйлаб қолдим. “Қоровул чол ҳақ” дедим-да, меҳмонларга “Юринглар, бизни нонуштага таклиф қилишди” деб уларни ювинишга чорладим.

Биз “Худойи”га биринчилар қатори кириб борибмиз. Бир четдаги сўрида шумшайиб, ола чопонли, саватчадек саллали, эчки соқолли мулла ўтирарди. У ўтириб жойлашишимиз биланоқ Куръон тиловат қилди. Орамизда турли миллат вакиллари, жумладан, ўзбек, тожик, бадахшонлик, рус, немис миллатига мансуб механиклар бор эди. Ҳаммамиз дуога қўл очдик...

Ўша ернинг миллий урф-одатига мувофиқ катта ёғоч товоқларда сергўшт, қайноқ шўрва тортиларди. Марҳумнинг хотирасига катта новвос сўйилган. Биз терлаб-пишиб шўрва учун махсус ёпиладиган юпқа патирдан ҳам тўғраб олиб, ёғоч қошиқ билан паққос тушура кетдик.

Аммо ўлган одамнинг кимлигини ва у ҳақида уйламасдик, чунки калламиз “Ҳақиқат”нинг боши учун бўлаётган говға билан банд эди.

Овқат еяр эканман, мутахассис сифатида калламга келиб қолган бир масалани рус тилида ўртага ташладим.

— Агар пичоқ механизмини демонтаж қилиб, деталларини майдалаб, болтларини бир-бир текшириб чиқсакчи?

Бадахшонлик Чоршанбе исмли механик гўштни иштаҳа билан тановул қиларкан:

— Йўқ, Набижон, бўлмайди. Бунинг учун бир ҳафта вақт керак. Кейин махсус ажратувчи қурилмалар ҳам топиш лозим. Газета қараб турмайди-ку, — деди.

Яна овқатланишда давом этдик. Бир маҳал немис миллатга мансуб Альберт исмли йигит ҳам ўртага гап ташлаб қолди.

— Пичоқ механизмини созлаш керак, вассалом.

— Тўғри, лекин қандай қилиб, у ерга қўл кирмайди-ку, — дея эътироз билдирдим.

— Тўғри. Ўша созловчи мурувватни бураш учун одам механизмнинг ичига кириши керак бўлади. Аммо бунинг ҳечам иложи йўқ, — деди уста Олим исмли пойтахтдан келган механик ҳам елкасини қисиб қўяркан.

Ана шундай қизгин баҳслар давом этаркан, тасбеҳини бир-бир ташлаб турган чўққи соқолли мулла бир у меҳмонга, бир бунисига қизиқиб қараб қўярди.

Бу орада бир-иккита маросимга келганлар учун ҳам тиловат қилинди. Бизнинг туриб кетишимизга яна бир баҳя қолганди. Яна бориб босмаҳонанинг бўёқ ва қўрғошин ҳиди анқиб турган, бузилган, муаммоли машинамиз олдига бориб бош қотирмоғимиз зарур эди. Бир пайт мулла мени оҳиста туртди-да, соф ўзбек тилида сўради:

— Ўғлим, сўраганинг айби йўқ. Бирор муаммоларинг борми дейман-а?

— Ҳа, домла. Нима, сиз ўзбекчани тушунасизми? — сўрадим мен.

— Ҳа, мен асли фарғоналикман. Бу ерга ичкуёв бўлиб келиб қолганман. Сиз менга сал тушунтириброқ айта оласизми? Нима бўлаяпти ўзи?

Менинг ансам қотди... “Оббо, энди шу одам етмай турувди” деб ич-ичимдан гижиниб кўйдим.

— Э, отахон. Сизга тушунтиришим қийин, — дедим мен ва ҳамюртим экани учун ҳурмат юзасидан кўйнимдан “брак” бўлган “Ҳақиқат” газетасини олиб кўрсатдим.

— Мана қаранг, “Ҳақиқат”нинг калласи кесилиб кетаяпти, — дедим-да, унга бошқаларнинг кўзи тушмаслиги учун яна тез буклаб киссамга солдим.

— Ҳим-м, тушунарли, — деб кўйди мулла соқолини ўйчан бир силаб оларкан ва томдан тараша тушгандай деди: — Ҳеч гапмас, буни мен тузатиб бера оламан...

Кўлимдан еяётган ноним тушиб кетди ва кўнглимга “Энди мени масхара қиладиган шу мулла қолувди”, деб тезроқ бу ердан туриб кетиш чорасини излай бошладим. Уста Олим ўзбек тилини яхши тушинарди. У ҳам гапга аралашди:

— Сиз, тағо, нима демоқчисиз? — деб сўраб қолди.

— Олим ака, тезроқ турсак бўлармиди, — дедим мен бетоқат бўлиб.

Чунки бемаъни суҳбат қуриб ўтиришнинг ҳозир фурсати эмасди.

— Мен тузатиб бера оламан, беҳазил, — деди мулла жиддий.

— Э кўйинг, отахон. Ҳар ким ўз ишини қилаверсин, — деди Уста Олим ҳам эътироз билдириб. — Бизга дуо қилсангиз, турсак.

Мулла яхшилаб дуо қилди. Биз ўрнимиздан кўзгалдик.

— Исмингиз нима, ўғлим?

— Набижон, — дедим истар-истамай.

— Меники Шокарим. Фарғона босмахонасида бир пайтлар ишлаганман. Шунинг учун бу ишларни яхши биламан-да.

— Нима, қоровул бўлганмисиз?

— Йўқ. Печатник бўлганман. Машинани деярли ўзим созлардим.

— Машинанинг маркаси қанақа эди? — сўраб қолди уста Олим туфлисининг ипини аста боғларкан.

— “ПВГ-84-2”, Рыбинск заводида ишлаб чиқарилган, — деди мулла ва “Иншоолоҳ” деб олди.

Бизнинг кўзимиз ярқ этиб очилиб кетди. Бу бизнинг машинамизнинг маркасининг айнан ўзи эди. Довдираб туриб қолдик.

— Сиз тўғри айтдингиз. Ҳамма гап пичоқ механизмидаги ўша созлаш мурувватида. Лекин буни созласа бўлади, — деди мулла тасбеҳини бир бор силкитиб кўяркан.

— Қандай қилиб?! — сўрадик биз бараварига.

— Ҳозир сал келди-кетди камайсин. Кейин мен ўзим кириб созлаб бераман, иншооллоҳ, — деб кўйди у самимий кулиб.

Бу орада катта бир гуруҳ кириб келишди. Биз эса ишониб-ишонмай у ердан чиқиб босмахона сари йўл олдик.

Яна ўз ишимизга шўнғиб кетдик. Уста Олим ўша қўл етмайдиган, кўзга кўринмас мурувватни пайпаслаб топишга ўриниб кўрди, аммо эплай олмади. Шу маҳал Табошаров ҳам пайдо бўлди. Мен унга аҳволни тушунтирдим ва механизмни бузиб созлаб, йиғиш учун яна бир ҳафта керак эканини айтдим. Унинг жаҳли чиқди. У ёқ-бу ёқ асабий юрди.

— Демак, ҳамма газеталарни пойтахтга олиб бориб чоп қилиш чораларини кўрасизлар.

— Бунинг учун у ерга қоғоз олиб бориш керак, пул ўтказиб беришимиз керак бўлади, — дедим мен.

— Мен билмайман. Агар газета чиқмай қолса масалангизни бюрога қўяман! — деди у дўқ уриб.

— Мен партия аъзоси эмасман. Бу ерга мутахассис сифатида келганман.

— Ана тузатинг мутахассис бўлсангиз, — деди у асабий ва қўл силтаб чиқиб кетди.

Усталар менинг аҳволимни тушуниб елкамга дўстона қўл ташлашди. Шу маҳал котиба келиб “Сизни Матбуот Қўмитасидан сўрашяпти” деб қолди. Ҳаммаси тушунарли эди. Демак, вилоят раҳбарлари хавотир олиб у ерга чиқишган.

Мен қўмита раисига ҳам вазият тўғрисида баёнот бердим.

— Туну кун ишляяпмиз. Республиканинг энг етакчи механиклари шу ерда, — дедим.

— Муаммо нимада? — сўради қўмита раиси Курбонов. У асли хўжандлик бўлиб ўзбек тилини яхши биларди.

— Яна бир машина керак. Мана шунақа фавқулотда ҳолатлар учун, — дедим мен.

— Майли, мен ҳукуматга чиқаман. Лекин бу тезда ҳал бўлмайди. Москвага расман чиқишимиз керак. Мен ҳозир республика босмаҳонаси билан боғланаман. Газеталарни вақтинча шу ерда чоп қилиб турасизлар, — деди у.

Бу орада икки-уч соатлар ўтди. Бир пайт қоровул чол “Акои раис, сизни масжидимизнинг муҳтарам имом хатибнинг ўзлари йўқляяптилар”, — деди ҳайрон оҳангда.

Мен чиқиб бордим. Қарасам эчки соқолини селкиллатиб, қўлида тасбеҳ билан Шокарим мулла жилмайиб турарди.

— Машинангиз тузалдими? — сўради у мени кўрибоқ.

— Йўқ, — дедим мен ҳайротомуз.

Чунки унинг келишини кутмагандим. “Ҳа энди, бир айтди-қўйди-да” деган хаёлга боргандим.

Уни цех ичига бошлаб бордим. У баҳайбат машинанинг у ер-бу ерини ушлаган бўлиб бир бор айланиб чиқди. Касбини соғинганиданми, кўзларида шодла-

ниш акс этарди. “Демак, алдамабди. У ҳақиқатан ҳам шунақа машинада ишлаган”. Лекин қизиқ, қанақасига бу ерларда муллачилик қилиб юрибди экан?” деган ўй хаёлимдан ўтди.

— Яхши, — деди у буклаш-пичоқ механизмини кўздан кечираркан. — Ҳеч гапмас, тузатамиз!

Механиклар ҳам ҳайрон бўлиб, мендан “Что он говорит?” деб сўрашди. Мен бамайлихотир “Тузатар экан” деб қўя қолдим.

— Бўлмаса, ҳамюрт мундоқ қиламиз, — деди мулла ака менга юзланиб. — Биринчидан, менга халат топиб берасиз. Кейин иккита бақувват йигитларни тайинлайсиз. Мени даст кўтариб аста-аста пичоқ механизмини ичига туширишади, хўпми? Кейин ўнинчи калитни узатворасизлар.

— Қандай қилиб? Бунинг ичига сиғмайсиз-ку?! — дедим мен ажабланиб.

— Ким айтди мени сиғмайди, деб. Машинангизни тузатиш керакми ўзи?

— Ҳа, албатта.

— Бошқа чораси йўқ-да, ахир.

Менинг бошим қотди. Меҳмон механикларга ҳам бу ҳақида маълум қилдим. Улар ҳам қошларини кўтариб ҳайрон боқишди. Уста Олим:

— Оббо, бобо-ей! Ёмонсиз-ку. Бизнинг устимиздан кулманг, илтимос, — деди.

— Нега энди куларканман. Бу ерда гап жиддийга ўхшайди-ку. Агар мошинни тузатмасак манави йигитга жабр бўлади. Набижон, бўлинг, менга халат беринг. Қарерга ечинай?!

Ечиниш жойини кўрсатдим ва цех бошлиғига зудлик билан янги халат ва сочиқ келтиришини буюрдим. Лекин бир нарсадан чўчирдим. “Ҳозир шу вазиятда Табошаров келиб қолсами, нима деркин?” деган ўй ўтди. Яхшики келмади.

Мулла бирин-кетин белидаги чорсиларини, сўнг чопонларини еча бошлади. Улар қават-қават экан. Кейин қовоқдай салласини ҳам ечиб кўйди. Жиккаккина ориқ кишига айланиб қолди. Устига янги иш халатини кийиб олди.

— Қани, йигитларингиз?! — дея сўради у.

Мен бир чўчиб тушдим ва кўзим тушган икки йигитга нима қилиш кераклигини тушунтирдим. Бировнинг ўрнига Уста Олим ўзи ёрдамлашадиган бўлди. У механизм устидан туриб уни қандай созланишини кўрмоқчилиги аён эди.

Мўйсафиднинг ўзи буйруқ бериб уни пичоқ механизми ичига туширишларини тайинлади. Бу жуда кўрқинчли ҳолат эди. Мабодо машина ишлаб кетса борми, уни бурдалаб ташларди. Шу туфайли мен босмахона бўйича электр чироғини учуриб кўйишларини буюрдим. Аммо кўрғошинлар қотиб қолиши мумкин эди. Барибир ўчиртирдим. Чунки бу вазиятда инсон ҳаёти учун хавфли эди.

Мулланинг жуссасини даст кўтариб оҳисталик билан механизм ичига тушира бошлашди. Ниҳоят у кўринмай қолди. Унинг қўлига электр фонар ва айтганидай ўнинчи калитни узатишди.

— Нима гап, тоға?! — дея сўрадим мен.

— Оҳ-ҳо, топдим. Қизил муруввати бўшаб кетибди-ку. Шуни қотириб кўйсак, бўлди, — деди у ичкаридан овоз қилиб ва “Бисмиллоҳ...” дея бир калима қайтариб олди-да, тиқирлатиб бир нималар қила кетди. Бир оздан сўнг “Ана бўлди! Энди мени бу ерга қандай тушурган бўлсанглар, шундай шошилмай чиқариб оласизлар”, — деди.

Шундай қилинди. Уни косманавт учувчини қутқариб олгандай ҳайрат ва ҳаяжон билан механизм ичидан тортиб олишди.

— Набижон, энди юргизиб кўринглар-чи, — деди у кулиб.

Машинани юргиздик. Не ҳамду санолар бўлсинки, “Ҳақиқат” газетасининг калласи кесилмай одатдагидай чоп этила бошланди. Қувониб кетдик. Кимдир “Ур-ра” дея, кимдир қарсак чаларди. Йигитлар мўйсафидни эндигина ушлаб осмонга отишмоқчи бўлиб туришганди, шу маҳал Табошаров келиб қолди ва газетанинг шовиллаб бир текис чиқаётганини куриб “Ҳақиқат бор экану” дея кулиб қўйди ва “Ким тузатди?” деб сўради. Мўйсафид “мени айтманглар” дегандай ишора қилди. “Бог помог”, деди Альберт кулиб.

Вилоят раҳбари ҳаммамизнинг қўлимизни бир-бир сиқиб чиқди. Мўйсафидни кўриб “Сиз бу ерда нима қилаяпсиз, отахон?” деб сўради. “Шунчаки йигитларга ёрдам бераяпман”, деди у камтарона.

Биз Табошаров билан борар эканмиз, у “Агар шу бугун ҳам машинани тузатмаганингизда ишингизга сиёсий тус бермоқчи эдик. Сизни худонинг ўзи асради” деб қўйди.

...Ўша куни мулланинг тавсияси билан чоп қилиш цехида гулгул товуқ сўйиб, қон чиқариб, ош қилдик. Имом хатиб тиловат қилди. Сўнгра меҳмонларни кузатиб қўйдик.

Мулла ҳам кетаркан, “Набижон, бир гап бўлса тўғри масжидга бораверинг, хизматингизга тайёрман”, деди.

Кейинчалик Фарғона босмахонасининг директоридан Шокарим ака ҳақида суриштирдим. Октябрь Қодирович ҳақиқатан ҳам бир вақтлар шундай бош печатник ишлаганини ва тўсатдан хотин бола-чақасини ташлаб, қаёққадир ғойиб бўлганини айтди. Аммо унинг имом хатиб бўлиб қолганини эшитиб ажабланди.

Тақдир уни шу томонларга юборган ва бизларни учраштирганидан ҳали-ҳали тан бераман. Агар ўшанда шу муллани учратмаганимда аҳволим не кечарди, билмадим.

НЕМИС “ҚУДАЛАРИМИЗ”

ёхуд антиқа улфатчилик -

Кунлардан бир куни мени Бош директор ҳузурига чақиртириб қолди: Унинг кайфияти яхши, менинг ишларимдан мамнун эди. Шу туфайлими гапни узоқдан олиб келиб мени алқади. Лекин мен унинг нега бундай муносабат билдираётганини англагандай бўлдим. У одатда қачон яримтани майдалаб улфатчилик қилгиси келиб қолса шундай ширинсухан бўлиб қоларди.

Лекин ўша даврлар ароқхўрликнинг илдизига болта урилган, деярли барча меҳнаткашлар “Ҳушёрлик жамияти”га ихтиёрий-мажбурий аъзо бўлиб кирган, меҳнат интизоми қаттиқ назоратга олиниб, айниқса, ичкиликбозликка қарши кескин кураш авж олган ғала-ғовур замонлар эди. Раҳбарларга, айниқса, қийин, бечоралар эл қатори ресторанларга эмин-озод кира олишмас, чойхоналарда ҳам худди игнанинг учуда ўтиргандек безовта ўтиришлар ва иложи бориचा бундай жамоат жойлардан ўзларини олиб қочардилар.

— Набижон, сиз зўр мутахассиссиз-да. Келинг, бугун бир улфатчилик қилайлик. Мана, худо хоҳласа, ишларимиз жойида. Давлат буюртмалари бажарилияпти, газеталар, китоблар ўз вақтида чоп этилаяпти. Сизга катта раҳмат!

— Ҳа энди, қўлдан келганича зиммадаги вазифамизни бажараяпмиз-да, ўртоқ бошлиқ.

— Шу бугуноқ буйруқ чиқараман. Сидқидилдан хизмат қилаётганингиз учун шахсан сизга маошингизга мос равишда мукофот билан тақдирланасиз.

— Э, раҳмат, ўртоқ бошлиқ.

— Шунинг учун келинг, бугун бир улфатчилик қилайлик! Жағни жағга қўйиб ака-укалардек дилдан суҳбат қурайлик, — деди бошлиқ Аъзам Аминжонович ва шарт

туриб темир сейфини очди-да, бир пачка пул чиқариб олдимга тап этказиб ташлади.

— Бу нима? — ажабланиб сўрадим мен.

— Бу сафар мен эрийман. Мукофотни олгач, сиз эрийсиз. Хўш, келишдикми?

— Майлию, лекин қаерда ўтирамиз?

— Ҳа ўлманг! Ҳамма гап мана шунда-да, — деди раҳбар у ёқ-бу ёқ безовта юраркан, яна мулоҳазага ўтди: — Мана сиз, ўта зукко, ўз ишининг моҳир устаси ва фаол ташкилотчи ходимсиз. Ўйланг. Шундай жой топингки, у ерда пашша ҳам учмасин. Биз бемалол қиттай-қиттай қилайлик. Иложи бўлса гуллар очилиб турган гўзал, сўлим ва сокин жой бўлсин.

Мен ўйланиб қолдим. “Бундай жой қаерда бўлиши мумкин? Дарё бўйларида чивин кўп. Ресторан, чойхоналар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Эҳтимол, шофёрим Ғофур ака билар. Ҳарҳолда кўпни кўрган” деган фикрга бордим.

— Биз рулда бормасак керак? — сўрадим мен атайин.

— Ҳа, албатта. Ўзи мақсад улфатчилик бўлса. Бир шофёр бўлиши керак-ку. Хўш, топшириқ тушунарлими?

— Тушунарли, ўртоқ бошлиқ!

— Бўлмаса, мен сизни иш вақти тугаганидан сўнг кутаман. Анави пулни олинг-да, кўнглингиз тусаган массалиқни олинг.

— Анавиндан неча шиша бўлсин? Кейин оқими ё қизилими? Бу ёғи камёб тушунасиз-ку.

— Ҳим-м, оқидан иккита етиб қолар...

— Йўқ. Ҳар эҳтимолга қарши учта оламан.

— Э, айтдим-ку сиз жуда доно йигитсиз, деб. Топа оласизми?

— Ҳа, танишлар бор. Куруқ қўйишмас.

— Келишдик, — деди Аъзам Аминжонович ва қўлимни сиқиб қўйди.

Мен хонамга кириб борибоқ шофёр Ғофур акани ху-

зуримга йўқлаттирдим. Кўп ўтмай у жилмайиб кириб келди. Мен ҳам гапни узоқдан бошлаб уни алқаган бўлдим ва бир нозик хизмат чиқиб қолганини тушунтирдим. Аммо Бош директорнинг у ерда бўлиши ҳақида лом-мим демадим.

— Хўш, Фофур ака, шунақа бемалол чиройли ўтиришни ташкил қила оласизми?

— Ҳеч гапмас. Албатта, ташкиллайман.

— Масалан, қаерни мўлжаллаяпсиз? — сўрадим қизиқиб.

— Энди сизга қаер бўлсаям барибир эмасми? Кўнглингиздагидай, биров халақит қилмайдиган, маза қилиб ўтирадиган сўлим, сокин жой бўлса бўлдими, ахир?

— Албатта.

— Хотиржам бўлинг, жойни топаман. Фақат қачон?..

— Бугун кечки соат бешга машинангизда тайёр бўлиб турасиз. Кейин манави пулга яхши газаклар учун масаллиқ, гўштли ассортилардан, кейин учта тоза ароқ топинг, тушунарлими?

— Бўлди, гап йўқ, бажарилади, — деди Фофур ака итоат билан.

Айтилган вақтда бизлар машинага ўтириб “ҳаё-ҳуйт” деб жўнадик. Лекин қаерга боришимиз фақат Фофур акагагина маълум эди. Тез орада шаҳарни тарк этдик. Биз корхонадаги ишлар юзасидан қизгин суҳбат қуриб қандай қилиб бир овлоқ жойга бориб қолганимизни сезмай қолибмиз.

Жой чиндан ҳам жуда сўлим ва сокин бўлиб, анвойи гуллар ярақлаб очилиб турар, теварак-атроф қушларнинг дилтортар хонишлари билан тўла эди.

Машинадан тушиб, аввало ҳузур қилиб нафас оллик ва табиат гўзаллигидан лол қолдик. Муаттар очилган гуллар мажнунтолнинг нозик шохларига туташиб кетганди. Тол тагида бўлса улкан сип-силлиқ мармар тошли стол бўлиб, икки томонига ҳам мармар тошли,

Ўтирсанг тагинг ёпишгудек, яхдай ўриндиқ қўйилибди. Гўё уларни биров ўғирлаб кетмаслиги учун ерга бетонлаб, маҳкамлашибди ҳам.

Бошлиқ мени, мен эса ҳайдовчимизни алқадик.

— Гап йўқ. Шундай ажойиб жойларни ҳам билар экансиз-да-а, Набижон, — деб қўйди бошлиқ севиниб.

Мен ўзимча гурурланиб қўярканман, Гофур акага қараб кўзимни қисдим.

Гофур ака нарсаларни айтилгандан ҳам зиёда қилиб сотиб олибди. У ҳатто янги кўрпачалар олишни ҳам унутмабди. Тезда уларни совуқ мрамартош ўриндиққа солиб бизни таклиф қилди-да, ўзи газак тайёрлашга тушиб кетди.

— Бу ерда бемалол, мазза қилиб ўтираверасизлар, ҳеч ким сизларга халақит қилмайди, — деди у баралла ва учала шишани ҳам стол устига очиқ қўйиб қўйди.

Шўр бодринг билан “олинг-олинг” қизғин бошланиб кетди. Бошлиқнинг кайфияти аъло даражада эди.

Бир пайт эндигина тўртинчи пиёлани ҳам бўшатган эдикки, машинамиз орқасига бир “УАЗ” машинаси келиб тўхтади. Қўрқиб кетдик. Бошлиқ мен томонга, мен бўлса Гофур ака томон “Нима гап?!” дегандек ярқ этиб қарадик.

У ҳам ҳайрон бўлиб елкасини қисди ва шишаларни гуллар ичига яширган бўлди-да, бегона машина томон пешвоз чиқди ва кўп ўтмай кулиб ортига қайтди. ...Булар ҳам бемалол жой излаганлардан шекилли” деди у ва тол япроқларини очиб кўрсатди.

Машинадан ўрта ёшли русийзабон бир эркак ва аёл тушиб келишди-да, бир оз биз томон ҳайрон қараб қолишди. Аёл бир нималар деганди, эри машинадан тез нарсаларни туширди. Чамаси, егулик ва ичкиликлар эди. Аммо бошқа жойларга юрмасдан тўғри биз томон кела бошлашди. Улар жуда хурсанд кўринарди. Биз би-

лан гўё яқин дўстларидай хушнудлик билан саломлашишди ва ҳеч иккиланмай қўлларидаги озиқ-овқатлар, ичимликларни столимиз устига қўйишди.

Эркак шинавандага ўхшарди тезда ароқни очди-да, тўртта стаканга тўлдириб-тўлдириб қуйди-да, ўзини ва аёлини таништирди ҳамда танишганликлари учун хурсанд эканликларини билдириб отиб олишди. Биз ҳам ўзимизни таништирдик. Сўнгра улар олиб келган қовурилган ғоз гўштидан ҳам тановул қилдик.

Дастлаб гапимиз қовушавермади. Генрих деган киши ўзини негадир бир оз ноқулай ҳис қилар, тезда қизариб кетди. Аёл анчагина хушмуомала ва маданиятли экан. Гаплари дона-дона ва сермазмун эди.

Тез орада чиқишиб кетдик. Чақ-чақлашиб, латифалар айтиша бошладик. Даврамиз ҳақиқий улфатлар даврасига айланди. Улардан икки шиша ром дегани ва биздан уч шиша рус ароғи бўшади.

Энди улар шу яқин жойда туришларини ва бизнинг уларникида меҳмон бўлишимизни сўраб, самимият-ла таклиф қила бошлашди. Бошлиқнинг спиртли ичимликка суяги бўлмагани учун тез рози бўлиб қўя қолди. “Майли, текин бўлса бир тўйиб олсин” деб биз ҳам қаршилиқ қилмадик.

Кетиш олдидан мен бир шамоллаб, оёқнинг чигалини ёзмоқ ва сўлим гўшани бир оз айланиб келмоқ учун ўрнимдан турдим. Улар улфатчиликни давом эттиришди. Машиналарида тоза спирт бор экан, сув билан аралаштириб уни ҳам уришди. Генрихнинг энди думалоқ бурни шолғомдек қизариб қолди.

Мен гўзал манзарадан баҳра олиб ўтирган жойимизнинг орқа тарафига ўтиб бордим ва улкан мрамар тошга рубарў бўлдим. Унда бир басавлат йигит сурати, тугилган, ўлган йиллари йўниб ёзилибди. Теварак-атрофга янада синчков назар ташладим. Бу ер ана шундай тошлар мазори экан.

Тез қайтиб келдим. Аммо бошлиққа кўрганларим ҳақида ҳеч нима демадим. “Оббо, Фофур ака-ей, бизни тоза боплапти-ку. Топган жойини қаранглару” деб қўйдим ўзимча. “Қизиқ, бу одамлар ким бўлди? Ё шу қабрнинг бирор яқинлариданмикин? Унда нега бунчалик илтифот кўрсатишмоқда?”

Олдинда “УАЗ”, орқада қора “Волга” изма-из бир аҳоли жойига кириб бордик.

— Бу ерда асосан немислар яшайди, — деб қўйди Фофур ака.

У ичмаганди. Шу туфайли бемалол мулоҳаза қилар, бошлиқ бўлса, “Мен сизга айтсам...” деб жаврашдан бўшамасди.

Мезбонлар бизни ўта лутф билан кутиб олишди ва меҳмонхонларига бошлашди. Уйларида кимни учратишса уларга бир нималар деб буйруқ беришар, улар бўлса қаёққадир чопишарди.

Мен “Ҳозир яна бирор шиша бўшатамизу кейин жўнаймиз. Лекин зўр дам олдик” деган ўйда эдим. Аммо бундай бўлмади. Биз ичкарида ҳамшишалик қилаётган кезимизда ҳовлида “П” шаклида улкан жой ҳозирланмоқда эди. Кўча дарвозасидан кимлардир нималардир кўтариб келишарди. Мен буни деразадан қараб пайқаб қолдим, лекин бошлиққа ҳеч нима демадим. Назаримда биз бу ерда нишонланаётган бирор маросимга тўғри келиб қолгандик.

Генрих ака бизга “Бемалол ўтиринглар, мен ҳозир” дея ташқарига чиқиб кетган эди. Бир оздан сўнг аёли билан хушнуд кайфиятда кириб келишди.

— Қани марҳамат, азиз меҳмонлар. Камтарона дастурхонимиз сизларга мунтазир!

— Сизлар билан бутун қариндошларимиз, кўни-кўшниларибиз танишишмоқчи, — деди Эмма исмли аёл лутф билан.

— Йўғ-е, бизга шу ер ҳам бўлаверади, — деди шошиб Аъзам Аминжонович.

Ноилож ўрнимиздан кўзгалдик.

— Темур билан Еваниям бирга олиб келавермабсизлар-да, — деб қўйди Эмма.

Бошлиқ менга, мен Ғофур акага ялт этиб қарадик.

— Темурбекнинг зарур иши чиқиб қолди-да, — деб қўйди Ғофур ака.

Гап чала қолди, бизнинг ичкаридан чиқиб келишимизга тантанавор мусиқа янграб кетди. Бу немис халқининг шўх миллий мусиқаларидан бири эди. Улар ўз миллий кийимида берилиб куй ижро этишар, тўрт нафар раққоса қизлар бўлса хиром айлашарди. Яна бир қиз бизга нон ва туз кўтариб чиқиб келди.

Ўртани олиб борувчи чиқиб “Хуш келибсизлар, азиз меҳмонлар!” дея уч тилда эълон қилди. Даврага тўпланганлар ўринларидан туриб бизни қарсақлар ила қарши олишди. Бизни тўрдаги егулик-ичкилик билан безатилган улкан столга таклиф қилишди.

Даврани очиш учун сўз мезбон эр-хотинга берилди.

— Хуш келибсизлар, азиз меҳмонлар, муҳтарам мусофирдошлар, хамқишлоқлар, — деди аёл биринчи сўз олиб. — Мана бугун бизнинг оила учун жуда қувончликун. Ниҳоят қизимиз Еванинг яқин қариндошлари биз билан қариндошлик ришталарини боғлаш учун ташриф буюришибди. Уларнинг, аввало акамнинг қабрини зиёрат қилиб, руҳларини шод қилаётганини кўриб... — деди аёл ва шу ерга келганида йиғлаб юборди.

Микрофонни ширакайф Генрих кўлига олди.

— Хуш келибсизлар, қишлоғимизга! Аъзамжон, Набижон, Ғофуржон, сизларга катта раҳмат. Сизларнинг ташрифларинг биз учун бу катта байрам. Қадаҳлар тўлдирилсин!

Даврада эркак-аёл, аралаш-қуралаш саксонга яқин хўрандалар қадаҳу шиша, пичоғу вилкага ёпишишди. Илк қадаҳни ҳамма ўрнида туриб охиригача сипқоришди. Скрипкада енгил мусиқа янграй бошлади. Биз жойлашиб олгач, Аъзам Аминжонович қулоғимга аста шипшиди:

— Ким у Темур, Ева дегани?

Мен елкамни қисдим-да, аста Фофур акага қараб худди шу саволни қайтардим. У таомдан хузур қилиб еярдан, бир оз ўйланиб қолди.

— Анави ҳарф терувчи йигит бор-ку, ўшамасмикан?

— Нима, унинг хотини немис қизми?

— Йўқ. Ўтган йили уйланганида тўйига бордик-ку.

— Унда Ева дегани ким?

Фофур ака у ёқ бу ёққа қараб олди-да, “Эҳтимол, иккинчи хотинидир. Сизга барибир эмасми? Биз бу ерга дам олгани келдик-ку, ахир”, деди.

Аммо бошлиқ мендан ҳамон саволига жавоб кутарди. У мени аста туртиб кўйди.

— Ҳалиги ҳарф терувчи йигит. Ева унинг иккинчи хотини, — деб шипшидим.

Аъзам аканинг қошлари чимирилди ва “Оббо, писмиғ-ей” деб кўйди. Шу маҳал сўз кутилмаганда шу кишига берилди. У хушёр тортди. Менинг юрагим такапука бўлиб кетди. Чунки кайфи ошган одам қовун тушириши ҳеч гап эмасди. У микрофонни кўлига олиб ўзини анча тутиб олди. Энг муҳими, у ўзини Темур деган ҳарф терувчининг одами эканини чуқур ҳис қиларди. Кўлига бир қадаҳ ҳам олволди.

— Ассаламу алайкум, ҳурматли қадрдонлар! — дея салмоқланиб гап бошлади у. — Аввало сизлар билан танишганимиздан бошимиз кўкка етди. Тақдир экан-да, ким ўйлабди, дейсизлар... — деганда қарсақлар янгради.

— Темурбек яхши йигит. Унинг корхонада обрў-эътибори жуда баланд. Ҳамма уни жуда ҳурмат қилади. Ева-хон ҳам ажойиб қиз. Ҳар иккалалари узукка кўз кўйгандек бир-бирига мос, замонавий ёшлар. Келинлар, шу икки ёшнинг бахти учун кўтарамиз!

Қадаҳлар янгради. Қовун туширилмагани учун яйраб кетдик. “Ол-ол” бошланди. Шундай кучайдики, Ева деганнинг қариндошлари бир-бир келиб, ўзларини таништириб ичиб кетаверишди. Шўх мусиқа садолари остида уларнинг нима деяётганини англай олмасак-да, юзларидаги самимийликдан қувониб қадаҳларни уруштиравердик. Бу сафар ҳатто шофёримиз Гофур ака ҳам “эриб кетиб” ича бошлабди. Бечора, томоғи чуқкуллаб аранг чидаб ўтирган экан.

Тўсатдан бизни рақсга таклиф қилиб қолишди. Бу оммавий кўл ушлашиб даврани айланадиган рақс экан. Гандираклаб бир у ёққа-бир бу ёққа айланавердик. Итдай чарчаб, терлаб-пишиб кетдик. Ўтириб яна ичилди. Чунки эндиги сўз навбатини қишлоқ оқсоқоли олди ва янги қариндошлар шарафига қадаҳ кўтарди ва келиб биз билан танишди. У киши фахрли инсон бўлгани учун ёнимизга ўтказишди. Лекин чўчқадай ичаркан. Газак қилмай жавраб-жавраб яна қуяверарди. Ниҳоят кутулдик. Аёли келиб етаклаб олиб кетди.

Аммо энди аҳволимиз чатоқ эди.

Ўрнимдан тургандим, ер чайқалиб кетди ва жойимга қайтиб ўтириб қолдим. Нима бўлаяпти, нималар дейилаяпти, фарқлай олмай қолдим. Бир пайт қарасам бошлиқ газак устига мук тушибди.

...Эрталаб уйғонсак, чиройли хонада оппоқ жойларда ётардик. Уст-бошларимиз ҳам ечилган, ҳатто кўйлақларимиз ювилиб, дазмолланган эди.

Аъзам Аминжоновичнинг бир феъли бор эди. У қанча ичмасин эртаси эрталаб янги арчилган бодрингдай

диркиллаб тураверарди. У бизни уйғотди ва соат етти бўлганини, бу ердан тезроқ кетишимиз кераклигини айтди.

Нонуштани ҳам яхши тайёрлашибди. Дастурхонда сут-қатиқли, бош оғриқни қолдирувчи ва парҳез таомлар қўйилганди. Лекин ичмадик. Чунки ишга боришимиз ва ўзимизни раҳбарлик ролимизни ижро этишимиз керак эди.

Биз мезбонлар, яъни “қудаларимиз” билан самимий хайрлашдик ва уларни ҳам меҳмонликка чорладик. Лекин қаерга ва кимникига эканини айтолмадик.

— Меҳмондорчилик учун раҳмат, — деб қўйди Аъзам Аминжонович.

— Э йўқ. Сизларга раҳмат.

— Евага, Темурга салом айтинглар, — деди Эмма опа. Биз бир-биримизга маъноли қараб олдик.

— Хўп денглар, — деди бир пайт Генрих шивирлаб.

— Албатта айтамыз, — деди Гофур ака.

Аёлнинг кўзларида ёш қалқиди.

Генрих бизни машинамизгача кузатиб келди ва биз машинага ўтириб оларканмиз, яна миннатдор оҳангда илтифот қилди.

— Сизларга катта раҳмат. Эл-юрт олдида бизга обрў олиб бердинглар, юзимизни ёруғ қилдинглар. Чунки қизимиз Ева Бадахшонлик севган йигити билан қочиб кетган. Улар узоқ тоғда яшашади. Мен билан хат ёзишиб туради. Лекин бу ҳақида хотиним билмайди. Кеча сизларни қабристонда кўриб “Булар Темурнинг яқин қариндошлари, бизларни йўқлаб келишибди”, деб айтдим. Хотиним беҳад хурсанд бўлиб кетди. Энди шундай баъзан “қуда” бўлиб келиб туринглар, хўпми?

— Нима, Темурдан совчилар келишмадими?

— Йўқ. Бизлар олатда маҳаллий халққа қиз бермаймиз. Ёшлар эса шундай қарор қилишган кўринди.

Энди сизлардан кейин улар бемалол келишаверади. Эшитишимча, қизим ҳомиладор бўлганмиш. Сизларнинг қадамингиз қутлуғ келди. Ёшларга йўл очиб бердинглар. Шунинг учун ҳам катта раҳмат, — деди Генрих ака самимий хайрлашаркан.

Биз қишлоқни тарк этар эканмиз, хаёлимизда ширин туйғулар ҳукмронлик қилар, теварак-атроф янада гўзал ва мунаввар эди.

ТАФТИШЧИГА ЭҲТИРОМ

ёхуд “ҳурмат-эҳтиром”га “иззат-икром” ҳақида

1990 йиллар эди. Мен Олтиариқ босмахонасининг директори вазифасида ишлаб юрган кезларим Республика Матбуот қўмитасидан бир нозик масалада тафтишчи келадиган бўлиб қолди. Бу нуфузли меҳмон Светлана Файзиевна деган тўладан келган аёл эди. У кишини “Тошкент-Андижон” поездидан ўзим кутиб олдим ва илтимосига кўра ўша ондаёқ оқшом қайтиб кетиши учун Тошкентга чипта сотиб олдик.

Тафтиш-текшириш ишлари тугагач, яхши зиёфат уюштириб, у кишини поездга эҳтиром билан чиқариб кузатиб келишни режалаштирдик.

Чипта киссада бўлгани учунми, меҳмон опа биз билан бемалол ўтираверди. Поезд Олтиариқ станциясига 8:30 келарди. Биз яхши гурунглашиб ўтирардик. Яхши тилаклар билдириб қадаҳлар ҳам кўтардик. Ошпаз йигит паловни хотиржам тайёрлади ва уни еб бўлингач, меҳмон опа станцияга эртароқ бориб туришни истади. Биз мева-чева, совға-саломларни олиб станцияга шошилмай етиб бордик. Лекин не кўз билан кўрайликки, поезд вокзал пароида тўхтаб турарди ва биз машинадан тушишимиз ҳамоно ўрнидан кўзгалди.

Аёл тўсатдан қичқириб юборди. Бизнинг ҳам эсхо-

намиз чиқаёзди. Кайфимиз учди. Чунки ҳали олдинда кутиш зали бўлиб, унинг ичидан анчагина масофани чошиб ўтишимиз лозим эди. Светлана Файзиевна бизни “Бўлинглар тез!” дея шошилтириб ўзи ҳаллослаб чошиб кетди. Аммо вокзалга зина орқали кириб бориш керак эди. Икки бақувват йигит уни қўлтиғидан олиб ёрдамлашди. Деярли оёғини ерга теккизишмади, чошибди. Поезд бўлса бу орада тезлигига тезлик қўшди. Станция майдонига чиқиб келганимизда поезд янада тезлаб кетди. Шу маҳал чипта олинган ўнинчи вагон пайдо бўлди. Проводник киши вагон зинасини кўтариб олган ва бизни ҳай-ҳайлашимизни кўриб қўлини узатди. Йигитлар қўлидаги қутиларни вагон ичига итқитишарди ва зил-замбилдек аёлни даст кўтариб чиқариб юборишди.

Шундай хурсанд бўлдикки, “Ҳайрият улгурдик. Қолиб кетганида нима бўларди”, деб хотиржам бўлдим.

Поезд эса янада тезлаб кетди. Кўз олдимда вагон ёрлиқлари лип-лип ўта бошлади: “Андижон-Душанбе”, “Андижон-Душанбе”... Юрагим шув этиб кетди.

“Нега энди Андижон-Тошкент” деб ёзилмаган?” — дея ўз-ўзимга савол бердим.

Поезд “тарақа-туруқ” қилиб кетиб бўлди. Биз нима қиларимизни билмай вокзал олдида бир оз қотиб туриб қолдик ва диспетчердан кириб сўрадик.

— Тошкент поезди яна ярим соатдан кейин келади. Хозирги Душанбеники эди, — деди у совуққина қилиб.

Тарвузим қўлтиғимдан тушди.

— Ортидан қувамиз! Кейинги станцияда етиб олиб опани тушириб қоламиз, — дедим мен.

— Биз чошиб бориб машинамизга шошилишч ўтирдик.

Аммо бундай фавқулотда воқеа юз бериши хаёлимизга келмаган ва ҳайдовчи ҳам бензинни текшириб кўрмаган экан. Йўлнинг қоқ ярмида, дала жойда, қоронғиликда

қолиб кетдик. Аксига олиб йўловчи машиналар ҳам учрамас. Учраса ҳам қоронғида тўхташни исташмасди.

Йўлда чамаси икки соатлар туриб қолдик. Энди поездга етиб олиш тугул Олтиариққа қайтиб келиш муаммога айланган эди. Мен Светлана Файзиевнанинг уйига телефон қилиб бўлиб ўтган воқеа ҳақида уйдагиларни хабардор қилиб қўймоқчи бўлдим. Бундан ташқари душанбелик ўртоқлар билан ҳам боғланиб улардан меҳмонни кутиб олишларини, сўнгра эса Тошкент поездига ўтказиб юборишларини илтимос қилмоқчи бўлдим.

Уйга бир илож қилиб ярим тунда етиб олдик. Эртаси саҳар ишхонага бордим. Бу маҳали поезд албатта Тошкентга кириб борган бўларди. Душанбега бўлса яна бир кеча юриши керак.

АТС билан боғландим, Тошкент ва Душанбедаги рақамларни айтиб, буюртма бердим. Кўп ўтмай телефон жиринглади ва алоқачи қиз овози янгради.

— Тошкент, Душанбега буюртма берганмидингиз?

— Ҳа-ҳа, илтимос...

— Гаплашинг!

“Мени Душанбе билан боғлашибди, шекилли”, деган ўйга бордим-да, шоша-пиша “Алло-алло, это Душанбе?!” дедим.

— Какой... Душанбе? Это Ташкент... — дея ўшқириб берди бир аёл.

Бу Светлана Файзиевнанинг овози эди.

— А как-вы?.. — дедим мен лол қолиб.

— Мен сенга ҳали устимдан кулишни кўрсатиб кўяман! — деди у жаҳл билан ва гўшакни кўйиб кўйди.

Лекин мен бир жиҳатдан хурсанд бўлдим. Чунки нима бўлсаям опа ўз уйига эсон-омон етиб олибди.

Мен узримни айтмоқ учун ўша ондаёқ Тошкентга от-

ландим ва машинада кун ўрталарида етиб бордик. Уйига совға-саломлар билан кириб бордим. Опа дам олиб эндигина уйфонган экан. Мени кўриб таъби тирриқ бўлди.

... Бир пиёла чой устида у қандай Тошкентга келиб қолганини гапириб берди.

Ўшанда проводник ходим чиптага биноан ўз жойига яхшилаб жойлаб янги тушамалар солиб берибди. Опа хотиржам уйкуга кетибдилар. Купеда ҳеч ким йўқ экан. Поезд Хўжанд станциясида ярим соат тўхтаб турибди ва унинг юришига беш дақиқа қолганида купега йўловчилар чиқиб келишибди.

Бир йўловчи аёл жойини бошқа биров эгаллаб олганини кўриб жанжал кўтарибди. Чипталар солиштирилибди. Ҳар иккиси бир хил экан. Ҳар икки йўловчи энди асабийлашиб темир йўлдаги бетартибликдан норози бўлиб, шовқин кўтаришгач, поезд бошлиғи етиб келибди ва Хўжанддан чиққан аёл ҳақ эканини исботлаб бўлгунича поезд аста ўрнидан қўзғалибди.

Хуллас, Светлана Файзиевна поездга қандай “ҳурмат-эҳтиром” билан чиқариб қўйилган бўлса, энди шундай “иззат-икром” билан кетаётган вагондан тушириб қолдириб, қутиларини ерга улоқтиришибди. Сўнгра у то ўзини ўнглаб, хуморидан чиққунича қарғаб бўлгунигача навбатдаги поезд етиб келиб тўхтабди. Бу Тошкент поезди экан. “Шошганда лаббай топилмас” деган гап бор албатта. Лекин “Шошмаган арава қуёнга етар” дегани янаям тўғрироқ бўлса керак.

ЁЗУВЧИ НАБИЖОН ҲОШИМОВ АСАРЛАРИГА ҚИСҚАЧА ШАРҲЛАР

1. «ЧИМИЛДИҚЛИ УЙ НОЛАСИ». Воқеий саргузашт роман. — Т.: «Ijod-Press», 2016.

Ойниса ва Рустам исмли икки севишган ёшлар қисмати, одамийлик, инсон матонати, қолаверса, оилани мустаҳкамлаш ҳақида.

Икки ёш талабалик йилларидан танишиб, севишиб қоладилар. Аммо ҳаёт уммонининг бешафқат тўлқинлари уларни икки томонга улоқтириб ташлайди, бошларидан турли уқубатларни кечирадилар.

Асарда фақат муҳаббат тақдири чизилмайди, балки замондошларимиз ҳаётининг манзараси, уларнинг қувончу ташвишлари ёрқин ранглар билан ифода қилинади. Ноқонуний йўл билан хорижга иш излаб кетган юртдошларимиз, қарз гирдобига ботган оилаларнинг аянчли тақдирлари ўз аксини топади.

Ойнисага ота-онанинг қистови билан уйланган Нурбек ҳам катта қарз эвазига ҳўл мева сотиб олиб Россияга, севгилиси Наташа ва ўғилчаси олдига жўнаб кетади. Ойниса эса бир умр қайнонасига қарашга ва эрининг қарзларини узиш учун ёлланиб ишлашга мажбур бўлади. Чунки ҳўл мевалар йўлда музлаб, яроқсиз ҳолатга келиб қолади.

Ўз севгилисига етиша олмаган Рустам бўлса бир умр изтиробда яшайди. У Ойнисани деб ҳарбий хизматдан қочиб келади. Беш йил муддатга қамалади. Тақдирнинг тақозоси билан Россияга бориб Нурбек билан танишиб қолади. Нурбекнинг соғлиғи жуда ёмонлашади.

Кейинчалик фермер бўлиб кетган Рустам шундай мушкул вазиятга тушиб қоладики, унинг Ойнисадан кўрган ўғли ўзи беҳабар ҳолда ўғай синглисига

муҳаббат изҳор қилади. Ёшлар жиддий қийинчилик ва синоатларга дуч келишади. Сўнгра Ойнисанинг ўша ўғли Қобил билан Рустамнинг қизи Ойниса Россияга қочиб кетадилар. Ойниса йўлда йўқолиб қолади. Қобил бўлса отаси Нурбекникига боради. Воқеаларнинг шу тарзда ривожланиши жараёнида, чигаллашиб саргузашт ва драма бир-бирига араллашиб боради. Бироқ асарнинг охирида Ойниса ва Рустам ниҳоят бир-бирларига етишадилар. Рустамнинг хотини Ҳанифанинг ўзи Ойнисага совчи бўлиб боради. Нима учун? Бу ёғини китобхон асарни тўлиқ ўқигачгина билиб олади.

Асар реал воқеаларга асосланган.

2. «ЁВВОЙИ КУЁВ». Саргузашт роман. –Т.: «Фан», 2006. Қайта нашр, «Yurist-mediya markazi nashriyoti», 2010. «Ijod-Press», 2016.

Мамажон исмли йигитнинг бошидан кечирганлари, унинг ғайриоддий тақдири, матонати ва садоқати ҳақида. Инсон ҳаёти давомида қандай ҳаёт кечира олиши, турли синоатларга ва бошқа саргузаштларга дуч келиши, Мамажоннинг севгилиси Омончага бўлган муҳаббат ва соғинч изтироблари, Ватанини қўмсаш асарнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

У 1930 йиллардаги ижтимоий-сиёсий вазият ва қатағон қурбони бўлади. Йўлдошев исмли НКВД ходимининг худбинлиги туфайли унинг ҳаёти издан чиқиб кетади. Қидирувда, қувғинликда, қамишзору чакалакзорларда, Россия ўрмонларида, одамлардан нарида танҳо яшашга мажбур бўлади. Аммо ватанига ва севгилисига бўлган соф муҳаббат туйғуси уни тарк этмайди. Асар қаҳрамони умрининг асл дамларини дарахтлар тепасию турли ер кавакларида, ёзнинг жазирамасию қишнинг аёзларида, очлик ва сувсизликда, йиртқич ва заҳарли жониворлар орасида ўтказади. Ўлим унга доимо соядек эргашиб

юради. Фақат севгилисига бўлган оташин муҳаббати, Аҳмад Яссавий ва Бобораҳим Машрабнинг руҳий оламига кириб ўша оламда яшашни ихтиёр этганлиги туфайлигина у омон қолиб, тириклик билан ўлим ўртасидаги аросат дунёда яшайди.

У табиатни жон-дилидан севувчи моҳир овчи, миришкор деҳқон, шеърят ва табобат бобида ноёб истеъдод, қолаверса, мустаҳкам ирода соҳиби ҳамдир. НКВД томонидан қўлга олинганида эса ўзини гунгликка солиб, оғир қийноқларга овоз чиқармай дош беради. Севгилиси Омончахон ҳам ҳақиқий жасур ва матонатли аёлдир. У эрининг оғир аҳволда эканини қалбан ҳис қилиб, бўри ва турли газандалар бўлган чангалзорни ёлғиз кезади ва ниҳоят уни чалажон ҳолатда топиб олади.

Асар Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Повулғон қишлоғида бирга турмуш кечирган Мамажон ота ва Омончахон аяларнинг реал ҳаётлари асосида ёзилган.

3. «ЭР ЛИБОСЛИ АЁЛ». Роман (мелодрама). –Т.: «Lider-Press», 2009.

Асар том маънода қишлоқ ҳаёти, унинг одамлари ҳақидадир. Уни мустақил Ўзбекистондаги фермерлик ҳаракатининг тарихи дейилса ҳам бўлади. Чунки асар қаҳрамони Ҳусния исмли оддий ўзбек аёлининг машаққатли ҳаёти, унинг ижарага озгина ер олиб, ногирон, лекин тадбиркор эри билан ҳозирги кунга келиб қандай қилиб бой-мулкдор оилага айланиши, фаровон ҳаёт кечиришлари қизиқарли воқеалар тарзида баён этилган.

Ҳусния қўй оғзидан чўп олмайдиган оддий рўзғор аёли эди. Бироқ тўсатдан бошига бир олам ташвиш тушади. Эри ноҳақ қамалиб кетади ва у тўрт норасида қизлари билан боқувчисиз қолиб аранг кун кечиради. Ниҳоят эри қамоқдан қутилиб келади, лекин ичкиликка ружу қўяди. Мастлик оқибатида

балогат ёшига етиб қолган тўрт қизи турган уйга ўт қўйиб юборади. Қизлар турли тан жароҳатлари олиб шифохонага ётқизилади. Эрининг бу қилмишидан хабардор бўлса-да, Ҳусния унинг яна қамалиб қолишидан қўрқади ва ҳуқуқ-тартибот ходимларидан яширади. Бироқ Яратганнинг ўзи уни жазолайди: дўнгликка қўйилган трактори ўз-ўзидан юриб кетиб оёғини мажақлаб юборади. Касалхонада энди бешта каравот пайдо бўлади, оиланинг аҳволи жар ёқасига келиб қолади. Энди қўй оғзидан чўп олмайдиган хотин гўёки курк товуққа айланади. У сочини паққос олдириб эрининг уст-бошларини кийиб олади. Бу билан энди ногирон, гуноҳкор эрининг вазифасини ўз зиммасига олганлигини билдирмоқчи бўлади. Эри унинг бешинчи фарзандидек бўлиб қолади...

Китобни ўқир экансиз, воқеалар ривожини янада кескинлашади. Ҳуснияни ёшлигида ёқтириб, аммо висолига етиша олмаган Исмат исмли бригадир шаддод аёлнинг деҳқончилик ишларига атайин тўсқинлик қила бошлайди. Исмат гоҳ сувни беркитиб кетса, гоҳ ариқни кўмдириб юборади. Катта қизини бошқа бировга турмушга узатгани учун Исматнинг ўғли Нодир аламига чидай олмай чайлага ўт қўяди ва қамалиб қолади. Умрида тракторга ўтирмаган эркак либосли Ҳусния рулга ўтириб жаҳл билан Исматнинг тепасига ҳайдаб боради ва бунинг учун у ҳам уч ой қамоқда ўтириб чиқади. Қолган воқеалар ҳам ана шундай шиддатли тус олади...

Ниҳоят, тўрттала қиз ўз бахтларини топишади. Асарда ҳар бир топишиш, ҳар бир муҳаббат қиссаси қизиқарли тарзда баён этилган. Йиллар ўтиб Ҳусния, яъни «Ҳусни ака» вилоятдаги илғор фермерлар қаторидан ўрин олади ва тармоқни кенгайтириб, хўжаликни агрофирмага айлантиради. У бойиб семириб кетади ва унга одамларнинг «кўзи тегади». Шу туфайли кунлардан бир куни ўзидан кетиб йиқилади.

Лекин тез ёрдам уни туғуруқхонага олиб кетади. Уларга Яратган қўчқордек ўғил беради ва туғруқхонадан энди у аёл либосида чақалогини кўтариб чиқиб келади.

4. «КЕЛГИНДИ ЙИГИТ». (Самовий муҳаббат) Саргузашт-фантастик қисса. –Т.: «Lider-Press», 2009 йил.

Асар олдида умуминсоний ва умумосмоний муаммоларни ечиш масаласи туради. «Дунёни муҳаббат қутқаради» деган буюк ғоя ётади.

Яъни ўзга сайёралик Маквайтар исмли йигит тоғлик ўзбек қизи Зулфизарни севиб қолади. Бироқ у сайёрада жонзодлар 1000 йил умр кўришаркан ва 200 ёшга етишганида уйланаркан. 120 ёшлардаги астронавт Маквайтарнинг самовий кемаси ер сайёрасига 1930 йилларда келиб тушади. Унинг сайёрасида жонзодлар узоқ умр кўришадию, аммо қиёфалари жуда ҳам бадбашара ва ерлик инсонлар қиёфасини гўзаллик тимсоли сифатида кўриб, унга эришиш учун ерликлар билан қуда-андачилик қилиш керак, деб билишади. Бироқ асар сўнгида гўзаллик сири қонда эмас, балки меҳнат қилишда, ошқозонда эканига тўлиқ амин бўлишади. Чунки уларнинг ошқозони йўқ, асосан сервитамин ҳаводан нафас олиб озиқланишади. Бунинг устига қуёшлари иккита, фасллар алмашинуви ҳам юз бермайди. Кийим-бошини янгилашга, меҳнат қилишга ҳожат йўқ...

Бироқ 2100 йилларга бориб ўз таналарига сунъий ошқозон қўйдиргач, ўзларида меҳнат қилишга иштиёқ сезишади. Аммо ёшартирилган 100 ёшли Зулфизар билан 200 ёшли Маквайтарлар ўртасида бошқа бир муаммо пайдо бўлади. Яъни ер сайёрасида тирик туғиб, сут эмизувчилар билан бир қаторда тухумдан кўпаювчилар яшаса, ўзга сайёрада фақат тухумдан кўпаювчилар яшар экан. Шу туфайли ҳам воқеалар ривожини ўта қизиқарли ва кулгили тарзда кечади.

Асар 1910 йилдан 2110 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олган.

5. «ЎҚ ВА ТИФ ёхуд сарғайган сурат сири». Воқеий роман —Т.: «Dizayn-Press», 2013 йил.

Аввало, инсон инсон бўлиб дунёга келмайди, балки у тарбия топиб, камолот сари қадам ташлагандагина ҳақиқий инсонга айланади. Табиат унинг жисмини, жамият эса онги ва тафаккурини шакллантиради. Инсон тақдири унинг қай замон ва маконда униб, улғайишига ҳам боғлиқ. Лекин инсонларга хос шундай умумий хусусиятлар борки, ҳар қандай вазиятда ҳам меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, дўстлик, бир-бирини тушуниш каби одамийлик ришталари сақланиб қолади.

Мазкур асар ана шундай хусусиятларни ўзида мужассам этган матонатли ва жасоратли кишилар ҳақидадир. Улар ўзбек, немис, рус ва бошқа миллатларга мансуб турли касб-кор эгалари бўлиб, ёвуз II Жаҳон уруши ана шундай оддий, самимий меҳнаткашларни ҳам ўз домига тортган эди. Ўзбек ҳарбий шифокори Қурбон ва немис қизи ҳамшира Кристина ўртасидаги соф муҳаббат, уруш гирдобига тасодифан тушиб қолган, қонли урушни сира ҳам хоҳламаган Густав, Райим ҳамда Павел ўртасидаги самимий дўстлик алоқалари, қолаверса, уларнинг набиралари бўлмиш Гюнтер ва Хайруллоларнинг ҳозирги даврдаги ўзаро иқтисодий ҳамкорликлари асарнинг асосини ташкил этади.

6. «БИРОВНИНГ ҲАҚИ».(«Гастарбайтер Мусабек») Воқеий-саргузашт қисса. Қайта нашр. —Т: «Ijod-Press», 2016.

Асар Мусабек исмли оддий меҳнаткаш, ҳалол йигитнинг ҳаёти, кўрган-кечирганлари ва тақдири ҳақидадир.

У болаликдан етим қолиб бобосининг қўлида

улғайиб тарбия топади. Аммо 14 ёшида мўйсафиднинг оёқлари шол бўлиб қолади. Йигитча унга қарайди, ювиб тарайди, мактабда ҳам деярли ўқимай турли одамлар юмушларини бажариб юради. Бемор бобосини ҳар ҳафта жума намозига опичлаб олиб боради. Тақдирнинг тақозоси билан ўзига тўқ хонадонлардан биридаги Зухра исмли қиз уни севиб қолади. Қизни бойлик, мансаб қизиқтирмайди. Зухранинг опаси Фотима бўлса бутунлай унинг тескариси — бой хонадонлардан бирига турмушга чиқади. Темур бободан қолган пастқам ҳовли уйда Мусабек ва Зухраларнинг тўйи бўлиб ўтади. Аммо божаси бўлмиш бойвачча Ашур Мусабекни менсимайди, у билан танишишни ҳам истамайди.

Аммо йиллар ўтиб, ҳар икки божалар ҳам Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига турлича ҳолатларда келиб қоладилар ва бир-бирларини танимаган ҳолда мусофирликдаги муносабатда бўладилар. Мусабек ҳалол меҳнати, пешона тери билан пул топади. Ашур бўлса, юртдошларига хиёнат қилиб, безори тўдалар хизматида бўлиб, ҳаромдан пул топади ва оқибатда жинойтчилар тўдаси қаторида Мусабекнинг саъй-ҳаракатлари билан қамалиб кетади.

Ҳалоллик — Мусабекнинг яшаш шиори бўлгани сабабли у нафақат оддий одамларнинг, балки безори тўдаларнинг ҳам ишончини қозона олади. Тўда аъзоси бўлган Евгений унинг таъсирида қайта тарбияланади ва асар сўнггида ҳақиқий бизнесмен — тадбиркорга айланиб, момосининг васиятига кўра аждоодларидан қолган катта бойликни Ўзбекистон билан қўшма корхона қуриш мақсадида шу юртга сармоя сифатида киритишга қарор қилади.

Асар реал воқеаларга асосланган бўлиб, унда адолатнинг разолатдан, ҳалолнинг ҳаромдан, покликнинг нопокликдан қанчалар устун экани қаламга олинган. Шунингдек, асар қаҳрамонлари Мусабек ва Зухралар-

нинг соф ва самимий муҳаббатлари, ўз оилаларини мустаҳкамлаш, фаровон турмуш кечириш учун интилишлари ёрқин ва қизиқарли воқеалар тарзда баён қилинган.

Асар илк бор 2011 йили «Даракчи» газетасида эълон қилинган.

7. «ЧАЁНЛАР СЎҚМОҒИ». Ўткир сюжетли роман. Қайта нашр. –Т.: «Ijod-Press», 2016.

Мазкур асар мустақил Ўзбекистон республикасига таҳдид солган ички ва ташқи ғанимларнинг фаолияти, ҳаётда адашиб юрган баъзи ёшларнинг аянчли қисмати ҳақидадир. Шунингдек, Марказий Осиё халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик, чегараларимизни мустаҳкамлаш, умумий душманга қарши ҳамжиҳатлик билан олиб борган курашлари, ёшлар ўртасидаги, қолаверса, она-Ватан ва севимли ёрга бўлган самимий муҳаббат туйғулари асарда бадиий бўёқлар ҳамда саргузаштли воқеалар тарзида қизиқарли баён этилган.

Уни мутолаа қилар экансиз, ўзингизни асар қаҳрамонлари билан бирга юртимизнинг мафтункор табиатини, қолаверса, Ўзбекистон сарҳадларидаги кўркам тоғлардан уфураётган тотли ифорларни ҳис этасиз. Таассуфки, яқин ўтмишда бу гўзаллик замирида мамлакатимиз ва қўшни ҳамдўстлик давлатларининг барқарорлиги учун умумий хавф бўлгани ёдингизга тушади. Ҳозирги тинч ва осойишта кунларга етишиш, мустақилликни асраш юртдошларимиз учун осон кечмагани, балки ватан хоинлари ва душманлари билан муросасиз кураш олиб борилганига, шунингдек, Марказий Осиёда доимий осийишталик ва барқарорликни сақлаб қолиш учун бетиним саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганига яна бир бор амин бўласиз.

Асар Ўзбекистон озодликка эришгач, эндигина тараққиёт сари дадил қадам ташлаётган даврдан то

ҳозирги кунларгача бўлиб ўтган реал тарихий воқеаларга асосланган.

8. «ТОПТАЛГАН ГУЛБАДАН». Қисса. —Т., «Фан» (2004). Қайта нашр. «Фан ва технология», 2008. «Ijod-Press», 2017.

Асар инсон савдосига қарши курашга бағишланади.

Зебузар исмли оддий деҳқон оиласидан чиққан содда ва гўзал ўзбек қизининг аччиқ қисмати ҳақида. Бу латофатли қиз бошқа тенгдошлари қатори бахтли оила қуришга ҳақли эди, албатта. Аммо уни алдайдилар, хўрлайдилар ва ниҳоят оиласидан, ватанидан жудо қиладилар. Тақдир уни худбин ва ноинсоф кимсаларга йўлиқтиради.

Маҳмуд исмли бойнинг арзанда ўғли ўртоқлари билан баҳслашиб гўзал ва беғубор Зебузарни «жиловлаш»га бел боғлайди ва воқеалар ривожда уни чиндан ҳам севиб қолади. Қизга уйланишга қарор қилади. Бироқ худбин отаси Содиқбой Зебузарнинг камбағал оиладан эканлиги учун уни менсимай, арзандасини бой ошналаридан бирининг қизига уйлантириш ҳаракатига тушиб қолади. Сўнгра мунофиқ кимсалар ёрдамида Зебузарни алдов йўли билан хорижга қулликка жўнатиб юборади.

Қизнинг тақдирига шармандалик ва ўлим соя солиб туради. Тунги барда тазйиқлар остида раққосалик қилади, калтакланади, изтироб чекади. Лекин ватанига қайтишга бўлган ишонч, умид уни тарк этмайди. Рақсни маҳорат билан ижро этиш учун меҳнатдан қочмайди, туну кун машқ қилади. У фақат ўзининг матонати, меҳнатсеварлиги, истеъдоди туфайлигина омон қолади. Ниҳоят, ватанига қайтиб келади. Қаллобларни Яратганнинг ўзи жазолайди.

Асар реал воқеаларга асосланган бўлиб, 2008 йили

«Ўзбектелефильм» ижодкорлари томонидан миллий сериал сифатида суратга олинди.

9. «ТОҒЛИК ҚИЗ ҚИСМАТИ». Роман (мелодрама). –Т., «Dizayn-Press», 2011. «Ijod-Press», 2016.

Мазкур асарда одамийлик, ғайриоддий тақдирлар ўйини, ҳамюртлар, замондош ёшлар ўртасидаги самимий муносабатлар, соф муҳаббат, уларнинг миллий қадрият ва урф-анъаналаримизга чексиз ҳурмат, ота-онага, тараққий этаётган озод ва обод ватанимизга бўлган эҳтироми ва бошқа инсоний туйғулари қаламга олинган. Уни мутолаа қилар экансиз, ўзингизни она-юртимизнинг мафтункор тоғларида, меҳр-оқибатли, бағрикенг одамлар орасида кўрасиз, қолаверса, Красноярск ўлкасининг гўзал гўшаларига ҳам саёҳат қиласиз.

Асарнинг бош қаҳрамони тоғ қизи – Муштарий бўлиб, у шу депарада моҳир спортчи сифатида танилади. Қўшни қишлоқлик Ҳасан ва Тўлқин исмли абжир йигитлар ҳам моҳирлик ва чаққонлик билан ном чиқаришади. Ҳар иккиси Муштарийни севиб қолишади, натижада муҳаббат учлиги пайдо бўлади. Аммо қизга уйланиш ҳеч ким кутмаган Ҳасаннинг эгиз укаси, ландовур ва одамови Ҳусанга насиб қилади. Бундан ранжиган Ҳасан Россияга ишга жўнаб кетади ва Красноярск ўлкасидаги қишлоқлардан бирида Светлана исмли рус қизга уйланади. Аммо бу ҳақида қишлоқдаги ота-онаси ва яқинларига маълум қилмайди. Муштарий тақдирига тан бериб севмаган йигит билан ҳаёт кечиришига ва бир жойда ётиб қолган бемор қайнонани парваришlashга мажбур бўлади. Икки фарзандни дунёга келтиради.

...Ҳасан келиб Ҳусанни ҳам Красноярск ўлкасига ишга олиб кетади. Улар бирга дуэт қўшиқ ҳам куйлашиб, маҳаллий халқ эътиборини қозонишади. Аммо фалокат юз беради. Кунлардан бир кун музлаган

дарё устидан кетишаётганида муз ёрилиб Ҳусан ҳалок бўлади. Аммо бу ҳақида Ҳасан Муштарийдан бошқа ҳеч кимга маълум қилмайди. Қишлоққа бир йили Ҳасан, бир йили Ҳусан бўлиб кириб келаверади. Чунки бемор она ўғлининг нобуд бўлганини кўтара олмайди, деб ўйлайди. Аксига олиб Светлана оқ қон касалига дучор бўлади ва кўпга бормайди. У ўлими олдидан Муштарийни йўқлайди ва эрига албатта унга уйланиши кераклигини васият қилади. Муштарий Россияга келади ва рус қизи унинг қўлида жон беради... Қайнона бўлса Ҳусан ўлганидан сўнг яна ўн беш йил умр кўради.

Асар реал воқеаларга асосланган.

10. «ҚОРА ЁСТИҚ». Мистик саргузашт қисса. –Т., «Dizayn-Press», 2012.

Шомурод замондош бизнесмен ёшлардан. У олий ўқув юртини тамомлаб туман банкига ишга келади. Уни қўшни Йўлдош новвойнинг қизи – талаба Гулжамол яхши кўради. Аммо Шомурод банкирнинг қизи Зарифани ёқтириб қолади. Банкир Обид Азизхўжаевич ёшларнинг кўнглини билиб уларнинг никоҳига рози бўлади.

Шомуроднинг уйида тўйга тайёргарлик боради. У отанинг қаршилигига қарамай омбор сифатида фойдаланиб келинаётган уйлардан бирини ўзи учун таъмирлатади. Ҳайдар ота одамови. У бир четларда ҳеч кимга қўшилгиси келмай юраверади. Бу сирли, албатта...

Унинг сири асар сўнгида очилади. Ҳайдар ота ўттиз йил муқаддам Шарофат исмли аёлга уйланган эди. Аммо Шарофат диний ақидапарстликка берилиб кетади ва эрига хиёнат қилади. Ҳайдар уни уйида (ўша таъмирланган) бўғиб ўлдириб қўяди ва ўз қилмишини яширишга аҳд қилади. Бунинг учун жасадни оққа ўраб, уни токчага ўтқазиб қўяди-да, устидан фишт

уриб, суваб ташлайди. Сўнгра хотинини гўё ўйнаши билан қочиб кетган деган гап тарқатади.

Икки йилдан сўнг у Меҳрига уйланади ва Шомурод дунёга келади. Орадан йигирма беш йил ўтгач, Шомурод уйланади. Тиловат қилинмаган, атойи чироқ ёқилмаган Шарофатнинг руҳи безовта бўла бошлайди. Келинчак сирли халок бўлади...

Шундан сўнг Шомурод уйланган иккинчи ва учинчи хотинлар ҳам шу уйда турли бахтсиз ходисаларга дучор бўлиб сирли ўлим топишади. Шомуродни «қора ёстиқ» деб атай бошлайдилар. «Қора ёстиқ» сўзи бу халқ томонидан бериладиган тавқи лаънатдир.

...Шомуродларнинг оиласи оғир тушкунликка тушиб қолади, аммо Гулжамол доим улардан хабар олиб туради, ўлган келинларга ачинади.

Кунлардан бир куни Гулжамол отасидан ноннинг муқаддас ва ҳар хил балолардан асрагувчи экани ҳақида эшитиб қолади ҳамда буни ўз ҳаётида қўллаб кўришга, яъни Шомуродга тегишга розилик билдиради. У яшаш учун ўзига хос ғайриодатий кураш йўлини танлайди, яъни чимилдиқли хона ичига айланасига кулча нонлар тайёрлаб илиб чиқади.

Келини Гулжамолнинг саъй-ҳаракатлари ва унинг ҳомилали бўлгани ҳақида эшитган Ҳайдар отанинг виждони азоблана бошлайди. Кунлардан бир куни у кутилмаганда узоқ сафарга отланиб қолади. У ўттиз йил муқаддам қилган қотиллик жиноят учун иқрор бўлишга ва қонуний жазо олиб, гуноҳини ювишга аҳд қилади...

Аммо уни уч кундан сўнг қонуний қўйиб юбордилар. Чунки Шарофатнинг қидирув ишлари ўн беш йил муқаддам тўхтатилган ва «жиноят иши» очилмаган экан. Марҳума Шарофатнинг мурдаси токчани бузиб олинади ва маҳалла-кўй уни миллий таомилга кўра қабристонга элтади.

...Кўчада қолган Ҳайдар ота Шарофатдан узр сўраш

учун унинг қабри устига боради. Бу маҳалда ҳаво булутли ва чақмоқ чақарди. Ҳайдар ота сирли ўлим топади.

Обид Азизхўжаевич Шомуродни ўз ўғлидек кўради. Унга тадбиркорлик қилишга, замонавий мини завод ташкил қилишга кўмаклашади. Йигит отасининг гуноҳи учун беҳуда азият чекади

11. «АФҒОН ФИҒОНЛАРИ ёхуд тилмоч Тўрабек Самарқандийнинг кўрган-кечирганлари» (воқеий-саргузашт роман)/Н.Ҳошимов. –Т.: «ТАҒАККУР», 2015.

Ҳар қандай уруш инсоният учун талофат келтиради. Қон тўкилади, кундалик турмуш изидан чиқади. Оилалар хонавайрон, бегуноҳ болалар нобуд бўлишади, етим қолишади. Яқин ўтмишда (1979–1989 йиллар) содир бўлган “Афғон уруши” деб ном олган тарихий фожа кўплаб халқлар бошига мусибат келтирди.

Ушбу асар бевосита мазкур уруш иштирокчиси бўлган, асли самарқандлик ҳамюртимиз Тўрабек отанинг кечинмалари асосида ёзилди.

Тўрабекнинг ўта иқтидорли экани унинг болалиги ва талабалик йиллариданоқ маълум бўлади. Ўткир зеҳни туфайли у араб, форс тилларини мукамал ўргана билади ва мазкур тиллардаги юзлаб адабиётларни ўқиб ўрганишга муваффақ бўлади. Ундаги бу иқтидор ўша даврдаги ҳуқуқ-тартибот органлари бошлиқларига маълум бўлиб қолади ва уни махсус-разведка мактабига олиб кетадилар. Ундан ҳам тилмоч, ҳам разведкачи сифатида Яқин Шарқ мамлакатлари тиллари, лаҳжалари ва этник халқлар урф-одатларини мукамал ўз-лаштирганлиги учун давлат манфаати йўлида фойдаланилади.

Унинг бу имкониятидан Москвалик корчалонлар илм-фанни тараққий этдиришда эмас, балки айғоқ-

чилик мақсадида фойдаланадилар. Айниқса, 1979-1989 йиллари содир бўлган, тарихдан “Афғон уруши” номи билан ном олган мудҳиш воқеаларнинг бевосита иштирокчисига айланади ва шўролар тили билан айтганда “душман” ичида юради. Аслида эса афғон халқи ўз ватани ва тупроғини шўро босқинчиларидан ҳимоя қилишга отланган ва бу йўлда жонларини қурбон қилишга тайёр бўлган ҳақиқий фидойи инсонлар эканини англаб етади ва кўплаб шўро зобитларининг кирдикорларини фош қилишга эришади.

Тақдирнинг тақозаси билан унинг севгилиси Жавлона ҳам Афғонистонда Тўрабек билан бирга жуда кўп хуфия ишларни бажаради, қолаверса, Ватан учун садоқат билан хизмат қиладилар.

12. «ТАВБА» Қайта нашр. Қисса. —Т.: («Лидер-пресс», 2009) «Ijod-Press», 2016.

Афсуски, жамиятимизда фирибгарлар деб аталган нусхалар учраб туради. Улар жинойтчиларнинг шундай тоифасики, зўравонлик, босқинчилик ва ўғриликни ўзларига эп кўришмайди, балки ишончингизни тўлиқ қозониб, сизни ўзига руҳан ром эта оладиган жуда ҳам уддабурон кимсалардир. Сиз унинг қармоғига илиниб, ақлу ҳушингизни беихтиёр йўқотганигиздан сўнг ўз мулкингизни унинг эмин-ихтиёрига ҳеч иккиланмай инъом этасиз. Сўнгра пулингизга куйиб бир умр пушаймон бўлиб юрасиз. Фирибгарлар бўлса сизнинг изтиробларингизни парволарига ҳам келтиришмайди. Чунки улар бировнинг ҳақидан қўрқмайдиган виждонсиз ва иймонсиз одамлардир. Аммо асар қаҳрамони Омонулла унчалик ёмон одам эмас...

Халқ орасида фирибгарлар ҳеч қачон покланмайди, улар жазодан ҳам бир амаллаб қутилиб кетишади, деган гап бор. Лекин асарда Омонулла исмли ашаддий фирибгарни сатира йўли билан покланишига эришади. Яъни Болтабой ота исмли мўйсафиднинг қадимий

обдастаси орқали унинг қилмишларини очиб беришга ёрдам беради. Унинг мўъжизавий сувидан қўлини ювиб олгач ҳар қандай нопок инсон «покланади» ва мўйсафиднинг маҳаллани ободонлаштириш, газ тушириш, мактаб қуриш каби орзулари амалга ошади. Яъни Омонулла фирибгарлик йўли билан орттирган бойликларини ана шу эзгу мақсадлар йўлида сарфлайди. Қонун олдида ҳам жавоб беради.

Асар реал воқеаларга асосланган.

13. «МАРЖОН ТАБИБ ИЗИДАН». I қисм. —Т.: «Ijod-Press», 2016.

Мазкур асарнинг бош қаҳрамони Маржон табиб ўзининг сарсон-саргардон ҳаёти давомида шарқу ғарб, сибиру қашқар ва тибет халқ табобатини ўрганади. Бироқ бу фидойи инсон бир умр табиат бағрида ёлғиз яшайди. Мусофирликда дарвешона ҳаёт кечиради. Шундай бўлса-да, амалий тиббиёт ва халқ табобати йўлидаги йиққан билим ва тажрибасини одамлар саломатлигини асрашга бағишлайди. Ватан меҳри, севимли ёрига бўлган садоқат қалбини ҳеч қачон тарк этмайди.

Китобни мутоала қилар экансиз, инсон имкониятларининг чексиз эканига яна бир бор амин бўласиз. Қолаверса, даволашнинг анъанавий ва ноанъанавий усуллари билан яқиндан танишиб, ҳозирги замон амалий тиббиёти ҳамда қадимий халқ табобати ҳақидаги қизиқарли ва фойдали маълумотларга эга бўласиз.

14. «ЁВВОЙИ КЕЛИН». Саргузашт-детектив роман. — Т.: «Ijod-Press», 2017.

Сабоҳат исмли қизнинг аянчли ва ажабтовур тақдири. Гиёҳвандлик ва нарқобизнесга қарши кураш ҳақидаги асар.

Сабоҳат ўзига тўқ амалдорнинг қизи. У билан оддий оила фарзанди Мансур исмли йигит ўртасида

самимий муҳаббат ришталари ғунча ёйган. Аммо Сабоҳатнинг отаси амал юзасидан бошқа катта амалдорга тобе. Унинг ўғли Сарвар исмли гиёҳванд йигит эса Сабоҳатни ёқтириб қолади ва унга ўз совчиларини юборади. Сабоҳатнинг отаси эътироз билдира олмайди. Лекин қизининг бахтсиз бўлишини сезиб, унинг қочиб кетишини чин дилдан истайди, гўё уни оқ қилган бўлади. Аммо қиз ота истагидан беҳабар бўлса-да, уйдан қочиб кетиб севган йигити Мансур билан учрашади. Мансур яшайдиган маҳалла фаоллари бу ҳолатни чуқур ўрганиб бўлгач, икки ёшни никоҳлаб қўйишга қарор қиладилар. Ўртада келин учун сеп йиғилади ва тўй ўтказилади. Бироқ бу воқеадан хабардор бўлиб қолган Сарвар ўз дўсти билан тўй оқшоми келинни тоғ томон олиб қочиб кетадилар.

Сарварнинг кўкнори хаёлида гўё Сабоҳат билан тоғу тошда — Жаннатфорда бахтли-тахтли ҳаёт кечиради. Бироқ воқеалар ривожи у кутгандек кечмайди. Она-табиат ундан ўч олади. Форга келтириб қўйилган қиз ёлғиз қолиб ёввойилашиб кетади, оёғида занжири бўлса-да, яшаш учун курашади. Ёввойи эчкиларни қўлга ўргатади, улар билан яшайди, сутини соғади, гўштини қуритиб захира озуқа тўплайди, йиртқич ҳайвонлардан ўзини асрайди ва шу тариқа умид ва ишонч билан Сарварни кутади. Бироқ йигит қайтиб келмайди.

Орадан бир мунча вақт ўтгач, уни бир табиб топиб олади ва юртига элтиб қўяди. Лекин Сарвар ҳалок бўлган ва Мансур қўшни қизга уйланиб, бир фарзандли бўлишга улгурган эди.

Сабоҳат бундан хабар топгач, ўз-ўзига ўт қўяди ва бир умр ногирон бўлиб қолади.

МУНДАРИЖА
Патиссон операцияси
Ҳажвий қисса

Қишлоғимга тадқиқот сафарим.....	3
Бодрингнинг рақиби.....	11
Анвар аканинг “Ноу-Хоу”си.....	22
Повулғон воқеаси.....	33
Тараддуд.....	42
Повулғонликларнинг инновацион лойиҳалари.....	54
“Юлдуз” операцияси.....	67
Йўталиши ўзбекча.....	84
Повулғонча “Ёр-ёр”.....	97
Икки дил туташганда	110
Осмондантушган совчилар.....	126
Қопқоқ ёққан кун.....	138
Таҳлика	144
Ҳотима.....	158

Набижон Ҳошимов ҳаётидан ҳангомалар

Китоб менинг ҳаётим.....	159
Сўри тагида эшитганларим.....	164
Яланган палов.....	168
“Салоҳиддин, қайдасиз?!”	173
Хориждаям шогирдларим бор.....	181
“Ўзбошимчалик” оқибати.....	185
Турпга кетиб.....	195
Бошсиз “Ҳақиқат”.....	199
Немис “қудаларимиз”.....	209
Тафтишчига эҳтиром.....	219
Ёзувчи Набижон Ҳошимов асарларига қисқача шарҳлар	223

Адабий-бадний нашр

Набижон ҲОШИМОВ

ПАТИССОН ОПЕРАЦИЯСИ

Ҳажвий қисса ва ҳангомалар


Масъул муҳаррир:	А.Қоржовов
Муҳаррир:	О.Қанаев
Тех.муҳаррир:	Г.Курбанбаева
Бад.муҳаррир:	Р.Ташматов
Саҳифаловчи:	Н.Мирзаматова

Босишга берилди 06.04.2017. Қоғоз бичими 60x84 1/16
“Virtec Times UZ” гарнитураси.

Нашр босма табоғи 15,0 Адади 3000 Буюртма №15

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.
Нашриёт лицензияси: АІ №270

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.





ISBN 978-9943-994-59-1



9 789943 994591